

Ш. Наралиева, Н. Крганбаева

*Қозоғистон Республикаси
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Умумтаълим мактабларининг
табiiй-математик йўналишдаги
10-синфи учун дарслик



Алматы
«Жазушы»
2019

УДК 373.167.1
ББК 83.3 (5 Узб) я 72
Н 23

Шартли белгилар

	савол ва топшириқлар		якка тартибда ишлаш
	муҳокама қиламиз		тақдимот
	жуфтликда ишлаймиз		ўқиймиз
	ёзма иш топшириқлари		ёдлаймиз
	гурӯҳда ишлаймиз		сўзлаймиз

Наралиева Ш., Корганбаева Н.

Н 23 **Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг табиий-математик йўналишдаги 10-синфи учун дарслик / Ш. Наралиева, Н. Корганбаева.**
– Алматы: Жазушы, 2019. – 360 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-680-3

УДК 373.167.1
ББК 83.3 (5 Узб) я 72

ISBN 978-601-200-680-3

© Наралиева Ш., Корганбаева Н., 2019

© «Жазушы» баспасы, 2019

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.
Нашрнинг мулкый ҳуқуқлари
«Жазушы» нашриётига тегишли.

АЗИЗ ЎҚУВЧИ!

Қўлингиздаги ушбу дарслик мазмуни янгиланган умумий ўрта таълим босқичининг табиий-математик йўналишдаги 10-синф ўқувчилари учун мўлжалланган «Ўзбек адабиёти» ўқув фани бўйича таълим дастури асосида тузилган.

«Ўзбек адабиёти» ўқув фанининг мақсади ўрганаётган асарнинг гоёвий-бадий мазмунини, ижтимоий-тарихий ҳамда маънавий-эстетик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, таҳлил қилишга қодир, мулоҳазали фикрлай оладиган билимдон китобхонни тарбиялаш, ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини такомиллаштириш устида тинимсиз меҳнат қилишга тайёр инсонни, унинг маънавий қадриятларини шакллантиришда ёрдам беришдир.

Чунки ўзбек адабиёти инсон руҳий ҳолатлари маҳорат билан акс этирилган дурдоналарга бой. Улар ҳозирги авлод, сизнинг руҳиятингизда, қалбингизда ҳам ҳаяжон уйғота олади, сизнинг маънавий такомилнингизга ҳисса қўшиши, шубҳасиз. Муҳими, улар кишига фақат маърифат берибгина қолмай, унинг бадий диди, маънавий камолотига ҳам хизмат қилади.

Мазкур дарслик «Ҳикматлар – саодатга етаклар», «Жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси», «Ҳар кимки вафо қилса...», «Мисраларда инсон қисмати» бўлимларидан иборатдир.

Сиз «Ҳикматлар – саодатга етаклар» бўлимида доно ҳикматларга бой, маънавиятимизнинг бадий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий қомуси бўлган Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарлари, туркий халқларнинг тарихи — маънавий-ахлоқий ҳаётда янги йўналиш, янги илоҳий нуқтаи назар шаклланган, комил инсон ҳақидаги тасаввурлар тўла ойдинлашган Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» асари, Атойининг бетакрор, Лутфийнинг латиф ғазалларини чуқур ўрганасиз.

«Жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси» бўлими эса жаҳон адабиёти ва маънавий олами, маданиятида муносиб ўринга эга бўлган миллий тафаккур тимсоли, умуминсоний қадриятларни тараннум этган буюк сиймо – мутафаккир шоир, ёзувчи, олим, серқирра адиб Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланади.

Машҳур подшоҳлар ҳақидаги турли ҳикоят ва масаллар келтирилган давлатни бошқариш, раият билан муносабат масалалари, инсофли ва адолатли подшоҳ образи тасвирланган Хожа ҳикоялари, ижодида киндик қони тўкилган она юртини дилдан қўмсаш, унинг тупроғига талпиниш, ғариблик азобларидан ўтли ҳасрат, ёру диёр соғинчи ва висол илинжи



тараннум этилган Бобур лирикаси, моҳиятан инсон қадри-шарафи ва маънавий камолотини улуғлашга, эзгулик ва гўзалликни мадҳ этишга бағишланган Машрабнинг шеърий мероси, Муниснинг салмоқли лирик мероси, Увайсийнинг нафис лирикаси «Ҳар кимки вафо қилса...» бўлимида ўрганилади.


«Мисраларда инсон қисмати» бўлими эса Огаҳийнинг латиф лирикаси, жаҳон адабиёти намояндаларидан Абай ижоди, Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» достони, В.Шекспирнинг «Ҳамлет» фожиасини ўз ичига олади.

Бундан ташқари, адабиёт назарияси, бадиий адабиёт воситаларини ўрганиш орқали сиз фаол ҳаётий кўзқарашларингизни шакллантирасиз.

Шунингдек, бадиий асарни таҳлил қилиш асносида мулоҳазали таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш кўникмалари, ўхшашликлари ва сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатиш малакалари, ҳодисаларни таснифлаш, мантиқий ва мулоҳазали фикрлай олиш, тўғри хулоса чиқариш, баҳолаш ҳамда коммуникатив кўникмаларингизни такомиллаштирасиз.


Қадрли ўқувчи! Биз сиз билан 10-синфда бир-бирини мантиқан тўлдирадиган «Ҳикматлар – саодатга етаклар», «Жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси», «Ҳар кимки вафо қилса...» ҳамда «Мисраларда инсон қисмати» бўлимларини биргаликда ўрганамиз. Шу билан бирга, сиз фақат дарслик билан чекланиб қолмай, адабиёт мажмуасида берилган қўшимча асарларни биргаликда ўқиб ўрганишингиз лозимлигини ёдда тутинг! Адабиётнинг сеҳрли оламида қунт билан билим эгаллашингизда омад ёр бўлсин!

Муаллифлар



I бўлим

ҲИКМАТЛАР – САОДАТГА ЕТАКЛАР



ЗАКОВАТЛИ УҚАДИ, БИЛИМЛИ БИЛАДИ,
БИЛИМЛИ, ЗАКОВАТЛИ ТИЛАККА ЕТАДИ.

Юсуф Хос Ҳожиб






БУГУН ДАРСДА:

- бадий асар мазмуни, унда кўтарилган муаммони тушуниб, мулоҳаза юритган ҳолда тинглаган ва ўқиганларимизга ўз муносабатимизни билдираемиз;
- асар қаҳрамонларининг асардаги роли ва аҳамиятини аниқлаймиз;
- дoston ғояси ва қаҳрамонларига баҳо берамиз.



ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ (1018/19–1085)



Юсуф Боласоғуний Еттисув ўлкасидаги Кузўрда (Боласоғун) шаҳрида дунёга келади.

«Қутадғу билиг» асарини 1070 йилда ёзиб тугатган Юсуф ўзи ҳақида асар муқаддимасида шундай маълумот беради: «Бу китобни тартиб берувчи Боласоғунда туғилган, сабр-қаноатли кишидир. Аммо бу китобни Қошғарда тугал қилиб, Машриқ малики Тавғачхон даргоҳига келтирибди. Малик уни ёрлақаб, улуғлаб, ўз саройида Хос Ҳожиблик лавозимини берибди. Шунинг учун Юсуф улуғ Хос Ҳожиб деб машҳур номи тарқалибди». Китобда номи тилга олинган хоқон Насриддин Тавғач улуғ Буғро Қорахон Абу Али Ҳасан Хорунхон бинни Арслонхон бў-

либ, 1070–1103 йиллар давомида Қорахонийлар давлатини бошқарган.

Асосий қисм мазмуни ва мундарижасига кўра «Қутадғу билиг» дoston минтақа адабиётининг биринчи босқичида яратилган туркий тилдаги ислом маънавиятининг бадий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий қомуси деб баралла таърифласак арзийди. Унингдек улуғ яхлит китоб Бухорийнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ»идан кейин араб ва форс тилларида ҳам яратилмаган эди. VIII–IX асрларда Абдулҳамид Котиб, Ибн Муқаффа (720–756), Адиб Аҳмад Югнакий, Жоҳиз (775–868) каби йирик адиблар томонидан асос солинган адаб илми, Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-ахлоқий фалсафаси, «Шоҳнома» ва турк хоқонларининг ёдномалари, минтақа халқларининг бой маънавий мероси бу асар маъзига сингдирилган. Энг асосийси, бу китоб ислом минтақа маънавиятининг қомуси бўлди. Фирдавсий «Шоҳнома»си



минтақа халқларининг ўтмиш тарихини бадий ақс эттирса, Юсуф Хос Ҳожиб асари унинг янги даврдаги ҳолатини бадий тафаккур қонуниятлари асосида мужассам этди. Муаллиф ўз асарини «Шоҳномаи туркий» деб шуҳрат топганини айтади, бу қиёс шу маънода тўғрики, ўтмишда минтақа эроний ҳукмдорлар – Каёний ва Сосонийлар ҳукмида бўлган бўлса, Юсуф даврида Сосонийлар мулки туркий ҳукмдорлар қўлига ўтган эди.

Боласоғундан Бағдодгача туркий сулолалар ҳукм сураб эдилар. Шу сабабли энди сулолалар тарихи эмас, давлат бошқариш одоби муҳим эди. Асарнинг яна бошқа шуҳрат топган номлари «Адаб ул-Мулуқ» («Ҳукмдорлар одоби») ва «Ойинул-мамлакат» («Мамлакатни идора этиш қоидалари») худди шу жиҳатни ақс эттираб эди.

Туркий сулолалар бутун ислом минтақасида ҳукмронликни ўз қўлига олаётган бир пайтда, ижтимоий жиҳатдан «Шоҳнома»дан кўра «Қутадғу билиг», яъни «Ҳукмдорлар адабномаси» кўпроқ зарур ва бу китоб айнан туркий тилда ёзилмоғи керак эди. Юсуф Хос Ҳожиб ушбу ижтимоий заруратни вақтида англаб етди, унга юксак савияда жавоб бера олди. Унинг асарини туркий ҳукмдорлар қай даражада ўқиди ва ўзлаштирди, бу бошқа масала. Абу Али Ҳасан Хорунхон уни яхши қабул қилгани, шоирни муносиб тақдирлагани Қунтуғди ва Ойтўлди тимсоллари ҳаётий ҳақиқатга анча мувофиқ келганини кўрсатади.

Юсуф Хос Ҳожиб жамиятни тубдан ўзгартиришни эмас, мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш, такомил бахш этишни мақсад қилиб қўяди. Чунки XI аср ислом жамиятининг шаклланиб, юксалиб келаётган даври бўлиб, унда такомиллаштириш таклифлари ўринли эди.

«Қутадғу билиг»нинг бадийлиги жуда юқори. Ундаги ҳар бир қирра, воқеалардаги ҳаётийлик ва шоир хаёли ўзаро ниҳоятда уйғун. Шоирнинг тасвирлари ёрқин, тили ниҳоятда ширали, мазмунга бой. Ислом минтақа шеърятининг энг асосий услубий хусусияти – ҳар бир байтнинг мустақил тасвирий, тимсолий бирлик даражасига кўтарилиш талаби Юсуф томонидан тўла ҳис қилинган ва амалга татбиқ этилган. Унинг жуда кўп байтлари ҳикматли сўз (афоризм) даражасига кўтарилган. Ҳар бир байт тугал тасвир (яхлит образ) беради. Асар тавҳид ёки ягона Аллоҳ ҳамди билан бошланади. 32 байтли бу бобда исломнинг бош тушунчаси ҳар тарафлама тавсифлаб берилган.

«Қутадғу билиг» достонида тўрт асосий масала қўйилган ва бу масалалар мажозий тимсоллар қиёфасида мужассамлаштирилган.

Биринчи – адл, иккинчиси – давлат, учинчиси – ақл, тўртинчиси – қаноат. Ҳар бирига туркча ном берилиб, адлга Қунтуғди элиг (подшо), давлатга Ойтўлди (вазир), ақлга эса Ўғдулмиш (вазирнинг ўғли), қаноатга Ўзғур-



миш (вазирнинг қариндоши)дир. Шунингдек, улар орасидаги мунозара савол-жавоб тарзида ўтади.

Достоннинг сюжети ва композицияси ҳам шунга мувофиқ тузилган.

«Қутадғу билиг» достони жами Наманган нусхасида 6500 байтга 13000 мисрага яқин бўлиб, у 73 фасл – бобга бўлинган. Ўн бир боби достоннинг муқаддимаси бўлиб, муқаддима худога, пайғамбарга ва тўрт халифага бағишланган анъанавий боблардан ташқари, ёз тавсифи ва Буғраҳон мадҳи, 7 сайёра ва 12 бурж, тил одоби ва билимнинг фойдаси каби масалаларга бағишланган бобларни ўз ичига олади. Достоннинг асосий қисми 12-бобдан, Кунтуғди деган ҳукмдорнинг таърифи билан бошланади. Достонда қуйидаги воқеа ҳикоя қилинади:

Кунтуғди деган одил подшо бўлиб, унинг шон-шавкати ва шуҳрати яқин ва узоқ ўлкаларга ёйилган экан. Ойтўлди деган оқил бир киши унинг хизматига кириш истаги билан пойтахтга келибди. У мусофирликнинг азоб-уқубатларини чекибди ҳамда ёр-дўст, таниш-билиш орттирибди. Ойтўлди Кўсамииш (Истанилган) деган дўстига мусофир бўлиб Кунтуғди пойтахтига келишининг сабабларини сўзлаб берибди. Кўсамииш унга мадад бериб, Кунтуғдининг Хос Ҳожибии билан таништирибди. Ойтўлди Кунтуғдининг саройига бориб, унинг суҳбатига бўлибди. Ойтўлдини ёқтирган Кунтуғди уни саройга хизматга олибди. Ойтўлдининг мансаб-мартабаси кундан-кун зиёд бўлиб, охири у вазир қилиб тайинланибди. У саройда узоқ вақт хизмат қилиб, ақл-идроқи ва тадбиркорлиги билан Кунтуғдини мамнун қилибди. Бироқ юрти ва оиласини соғиниб, Ойтўлди ҳукмдордан рухсат олиб, ўз юртига қайтибди ва бирмунча вақтдан кейин ўша ерда вафот этибди.

Ойтўлдининг Ўғдулмиш деган ўғли бор экан. У отасининг сўзига амал қилиб, Кунтуғдининг даргоҳига келиб, саройга хизматга кирибди. Ўғдулмиш отасининг изидан бориб, давлат ишларидаги фаолияти ва донолиги билан Кунтуғдини шод ва мамнун қилибди. Кунтуғди билан Ўғдулмиш ўртасида турли хил масалаларга доир суҳбат ва мунозаралар бўлибди. Оқил ва олим кишиларнинг давлат ишларига катта фойда келтираётганини кўрган Кунтуғди донишманд Ўзгурмишни (Ўдгурмиш ҳам ёзилади) саройга таклиф қилибди. Ўзгурмиш таркидунё қилиб, кишилар орасидан чиқиб кетган экан. У бир неча хат-хабар ва оқил Ўғдулмиш билан бўлган суҳбатларидан кейин Кунтуғдининг таклифини қабул қилиб, саройга келибди. Ўзгурмиш билан Кунтуғди давлат идора ишлари, ахлоқ-одоб ва бошқа масалалар бўйича суҳбат ва мунозаралар қилишибди. Ўзгурмиш Кунтуғдига кўп ўғит ва насиҳатлар берибди.





ҚУТАДҒУ БИЛИГ (Достондан парча)

Зар қағрин зарғар билар

...бу китоб жуда азиздир. Чин донишмандларининг масаллари билан яратилган, Мочин донишмандларининг ашъорлари билан тартиб берилган бу китобни ўқиғувчи, бу байтларнинг маъносини чақувчи (киши) китобдан (ҳам) яхши азизроқ бўлади. Мочин олимлари, донишмандлари бир қарорга келдиларки, Машриқ вилоятида, Туркистон элларида Буғраҳон тилида (туркий тилида – Н.М.) бирор кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ (китоб) ёзган эмас. Бу китоб қайси подшоҳ(лик)га ёки қайси иқлимга етса, ғоят яхшилигидан, ниҳоятдан ортиқ даражада жозибалигидан ўша элларнинг донишмандлари, олимлари қабул қилиб, ҳар бирлари бир турли от лақаб бердилар. Чинликлар «Адабул -мүлук», машриқликлар «Зийнатул-умаро», эронликлар «Шоҳномаи туркий», тюронликлар «Қутадғу билиг» деб айтдилар.

«Қутадғу билиг»дан

ЙАНГЛУҚ АФИРЛИҚИН ТАНУРЛАЙУР БИЛИГ БИРЛА (ИНСОННИНГ ҚАДРИ БИЛИМ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ)

Тўрутти ўзурди сечу йал(и)нглукуғ,
Ангар берди эрдам билиг ўг уқуғ.
(Сечу, яъни ҳар ерда маълум Худо, инсонни яратди,
Танлади, унга ҳунар, билим ва уқув берди).

Кўнгил берди ҳам ма йуритти тилиг,
Ўвут берди қилқ ҳам қилинчи силиг.
(Унга кўнгил берди, тилини йўриқ (равон) қилди,
Андиша, хулқ ҳамда гўзал феъл ато қилди).

Билиг берди йанглук безуди бу кун,
Уқуш берди ўтру йазилди тугун.
(Билим берди (шу туфайли), инсон бу кун улуглиққа эришди,
Уқув берди, сўнг (шу туфайли берк) тугунлар ечилди).

Байат кимка берса уқуш ўг билиг,
Ўкуш эзгуликка узатти алиг.



*(Худо кимга уқув, ақл-идрок, билим берса,
У кўп эзгуликлар қилишга қўл узатади).*

Билигни безуг бил уқушни улуғ,
Бу экки безутур ўзурмиш қулуғ.
*(Билимни буюк, уқувни улуғ бил,
Бу иккиси танлаган бандасини улуғлайди).*

Бу сўзка тануқи муну келди сўз,
Бу сўзни эшитгил сўзунг менда ўз.
*(Бу сўзнинг исботи учун мана шундай сўз бор,
Бу сўзни эшитгин, (тегишли) сўзингни мендан ол).*

Уқуш қайда бўлса улуклук бўлур,
Билиг кимда бўлса безуглук алур.
*(Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади,
Билим кимда бўлса, буюклик олади).*

Уқушлиғ уқар–ул билиглиг билир,
Билигли уқуғли тилакка тегир.
*(Заковатли уқади, билимли билади,
Билимли, заковатли тилакка етади).*

Билиг маъниси бил неку тер билиг,
Билиг билса ўтру йирар эрда иг.
*(Билим маънисини билгин, билим нима дейди:
Билим билса, сўнг кишидан бало-офатлар йироқлашади).*

Билигсиз киши барча иглиг бўлур,
Игиг эмламаса киши терк ўлур.
*(Билимсиз кишилар барчаси дардлик бўлади,
Дардни даволамаса, киши бот ўлади).*

Йури эй билигсиз игингни ўта,
Билигсиз ўтин-сен э билга қута.
*(Кел, эй билимсиз, дардингга даво қил,
Билимсиз (бўлсанг)-тубансан, доно (бўлсанг)-бахтлисан).*

Уқуш – ул бурундуқ ани йетса эр,
Тилакка тегир ул туман арзу йер.



*(Билим гўё бир бошбоғ кабидир, агар киши унга эриша олса,
Тилакка етиб, туман орзуларга эришади).*

Уқуш бўлса эрка кўр асғи ўқуш,
Билиг билса ўтру бўлур эр кўшуш.
*(Кишида заковат бўлса, (унинг) нафи каттадир,
Билим ўрганса, сўнг киши азиз бўлади).*

Уқуш бирла ишлар қамуғ иш кузуг,
Билиг бирла беглар бу булмиш ўзуг.
*(Ҳамма (ҳам) иш-амалларни заковат туфайли бажаради,
Беглар давр-давронга билим туфайли эришганлар)..*

КИТАБ ИЗИСИ ЎЗИНГА УЗР АЙУР (КИТОБ ЭГАСИ ЎЗИГА УЗР АЙТАДИ)

Тилаким сўз эрди э билга бўғу,
Кезин келдачика ўзум сўзлагу.
*(Тилагим сўз эди, эй билагон доно,
Кейин келувчи(лар) учун ўзим айтадиган (сўзлар эди)).*

Уқуш келди ўтру айур бутру кўр,
Сўзунг бўлса йанглуқ сенга бўлға қўр.
*(Заковат пеш келди, ишонарли қилиб айтади, кўр,
Сўз(лар)инг янглиш-хато бўлса, сен учун зарар бўлади)..*

Йашил кўкдин инди йағиз йерка сўз,
Сўзи бирла йанглуқ ағир қилди ўз.
*(Сўз бўз ерга яшил кўкдан тушди,
Сўзи туфайли инсон ўзини улуг қилди).*

Киши кўнгли тубсуз тенгиз-тег турур,
Билиг йунжу сани тубинда йатур.
*(Киши кўнгли тубсиз денгиз кабидир,
Билим инжу каби (унинг) тубида ётади).*

Тенгиздин чиқармаса йунжу киши,
Керак йунжу бўлсун керак сай таши.



*(Денгиздан киши инжунни чиқармаса,
У хоҳ инжу бўлсин, хоҳ сой тоши бўлсин (бефойдадир)).*

*Йағиз йер қатиндақи алтун таш-ул,
Қали чиқса беглар башинда туш-ул.
(Агар бўз ер қатидаги олтин тош
қазиб чиқарилса, беглар бошида безак бўлади).*

*Билиглиг чиқармаса билгин тилин,
Йарутмаз анин билги йатса йилин.
(Билимли билимини тили орқали чиқармаса,
Унинг билими йиллаб ётса (ҳам) ёритмайди).*

*Уқушли билигли эзи эзгу нанг,
Қали булсанг ишлат учуб кўкка тенг.
(Заковат (ва) билим – жуда эзгу нарса,
Агар (уларга) эришсанг, ишлат, учиб кўкка кўтарил).*

*Неку тер эшитгил бу эл кент беги,
Уқушқа билигқа йетурмиш ўги.
(Бу эл ва кент беги нима дейди, эшитгин,
Заковатга, билимга фаҳми етган (киши)).*

*Ажун тутғуқа ер уқушлуғ керак,
Будун басғуқа ўғ керак ҳам йурак.
(Жаҳон тутуши учун киши заковатли бўлиши керак,
Халқни босиш учун ақл-фаросат (ва) юрак керак).*

*Уқуш бирла тутти ажун тутғучи,
Билиг бирла басти будун басғучи.
(Жаҳонгир(лар) заковат билан олам тутди(лар),
Халқни босувчи(лар) билим билан босди(лар))...*

*Ўлугдин тиригқа қумару сўз-ул,
Қумару сўзи тутса асғи йуз-ул.
(Ўлган(лар)дан тирик(ларга) мерос сўздир,
Мерос сўзи (яғни оталар сўзи)ни тутилса, нафи юз-юздир).*

*Билигсиз қарағу турур белгулуг,
Е кўзсуз қарағу билиг ал улуг.*



*(Билимсиз муайян кўрдир,
Эй нобино, кўр, билимдан улуш ол).*

Киши кўрки сўз-ул бу сўз-ўк телим,
Йури эзгу сўзлуг кишиг ўг тилим.
*(Кишининг кўрки сўздир, сўз эса талайдир,
Кел, эй тилим, эзгу сўзли киши(лар)ни мадҳ қил).*

Масал келди туркча мунар мензатур,
Ани сўзладим мен муну йанзатур.
*(Бунга ўхшатадиган туркча масал бор,
Бунга мослаб шу (масал)ни сўзладим).*

Уқуш кўрки сўз-ул бу тил кўрки сўз,
Киши кўрки йуз-ул бу йуз кўрки кўз.
*(Заковат кўрки сўздир, бу тилнинг кўрки сўздир,
Кишининг кўрки юздир, бу юзнинг кўрки кўздир).*

Тили бирла йанглуқ сўзи сўзлайур,
Сўзи йахши бўлса йузи сувланур.
*(Инсон ўз сўзини тили орқали сўзлайди,
Сўзи яхши бўлса, юзи сувланади (яъни обрў қозонади)...*







*Тушунлиш ва саволларга
жавоб бериш*



1. «Ақлий ҳужум»: дostonнинг тузилиш таркиби қандай? Шу даврда ёзилган аксарият асарларнинг умумий жиҳатларини белгиланг.



2. Бадий асар мазмуни, унда кўтарилган муаммони тушуниб, мулоҳаза юритган ҳолда тинглаган ва ўқиганларингизга ўз муносабатингизни билдилинг.

<p style="text-align: center;">Таҳлил ва талқин</p>	  	<p>1. Оддий халқ бекдан нима талаб қилади? Уларни топинг ва ҳозирги кунда халқ ҳукуматдан нима талаб қилиши мумкин? Шу ҳақда ўз фикрингизни билдириш учун «Очиқ хат» усулини қўлланг.</p> <p>2. Асар қаҳрамонларининг роли ва аҳамиятини аниқлаган ҳолда уларни тавсифланг.</p> <table border="1" data-bbox="405 454 1194 582"> <thead> <tr> <th><i>Кунтуғди</i></th> <th><i>Ойтўлди</i></th> <th><i>Ўғдулмиш</i></th> <th><i>Ўзгурмиш</i></th> <th><i>Мисоллар</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td> </td> <td> </td> <td> </td> <td> </td> <td> </td> </tr> </tbody> </table>	<i>Кунтуғди</i>	<i>Ойтўлди</i>	<i>Ўғдулмиш</i>	<i>Ўзгурмиш</i>	<i>Мисоллар</i>					
<i>Кунтуғди</i>	<i>Ойтўлди</i>	<i>Ўғдулмиш</i>	<i>Ўзгурмиш</i>	<i>Мисоллар</i>								
<p style="text-align: center;">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>		<p>1. Достон ҳақида ўз фикрларингизни «Тўрт фикр» усули орқали (бир гап билан) билдилинг.</p> <table border="1" data-bbox="405 765 1177 1026"> <tbody> <tr> <td><i>Фикр</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td><i>Далил, исбот</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td><i>Мисол</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td><i>Хулоса, яқун</i></td> <td> </td> </tr> </tbody> </table> <p>2. Муаллифнинг қаҳрамонларга бўлган муносабатини ифодаланг.</p>	<i>Фикр</i>		<i>Далил, исбот</i>		<i>Мисол</i>		<i>Хулоса, яқун</i>			
<i>Фикр</i>												
<i>Далил, исбот</i>												
<i>Мисол</i>												
<i>Хулоса, яқун</i>												



2



БУГУН ДАРСДА:

- дидактик достон ҳақида тушунчага эга бўламиз;
- асар қаҳрамонларининг асардаги роли ва аҳамиятини аниқлаймиз;
- достон ғояси ва қаҳрамонларига баҳо берамиз.



КИТАБ ИЗИСИ ЎЗИНГА УЗР АЙУР (КИТОБ ЭГАСИ ЎЗИГА УЗР АЙТАДИ)

Бу Айтўлди айди сўз асғи телим,
Қали сўзлайу билса ўш бу тилим.
*(Ойтўлди айтди: Сўзнинг фойдаси (жуда) кўп,
Агар бу тилим уни таърифлаб бера олса).*

Йава сўз билигсиз тилиндин чиқар,
Билигсиз кишиг билга йилқи атар.
*(Беҳуда сўз билимсиз тилидан чиқади,
Билимсиз кишини доно йилқи атайди).*

Қара қилқи тенгсиз йава сўзлаган,
Йава сўз турур бу қара баш йеган.
*(Жоҳилнинг одати тенги йўқ беҳуда сўзлашдан иборат,
Қора бошни еган нарса беҳуда сўздир).*

Йава сўзласа сўз неча йас қилур,
Агар сўзлайу билса асғи бўлур.
*(Сўзни беҳуда сўзласанг, қанчадан-қанча зиён келтиради,
Агар сўзлай билсанг, унинг фойдаси бўлади).*

Қара қарни тўзса кўр уз-тег йатур,
Йава сўзка авнур ўзин семритур.
*(Жоҳил қорни тўйса, ҳўкиздеқ ётади, кўр,
Беҳуда сўзга гарқ бўлиб ўзини семиртиради).*

Йеса тўзса йатса бу йилқи турур,
Бу йилқи тедукум бу қилқи турур.

*(Еса, тўйса ва ётса – бу демак йилқидир,
Бу йилқи деганим унинг қилиқлари (учун)дир).*

Билиглиг кишилар этўз йавритур,
Билиг бирла авнур жанин семритур.
*(Донишманд кишилар ўз жисмларини койитадилар,
Билим билан овуниб ўз жонларига ором берадилар).*

Этўз улги барча бўғуздин кирур,
Бу жан улги чин сўз қулақдин кирур.
*(Жисм (тана)нинг ҳиссаси бўғиздан киради,
Жон (руҳ)нинг ҳиссаси эса чин сўз бўлиб, у қулоқдан киради).*

Билиг белгуси кўр эки нанг турур,
Бу экки била эр қизил энг урур.
*(Билимнинг белгуси икки нарсадир, кўр,
Бу икки (нарс) билан кишининг юзи ёруғ бўлади).*

Бири тил турур кўр бириси бўғуз,
Бу экки баса тутса асғи ўқуз.
*(Бири – тил, бири эса бўғиздир (нафсдир),
Шу иккаласини тия билсанг, фойдаси дарё кабидир).*

Билиглиг боғуз тилқа эрклиг керак,
Бўғуз тил кўдазган билиглиг керак.
*(Билимли, нафс (ва) тилга иродали бўлиши керак,
Нафс (ва) тилни тиядиган киши билимли бўлиши керак)...*

АЙТЎЛДИ ЖАВАБИ ЭЛИГКА (ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ)

Бу Айтўлди айди ўкуш сўз ул-ул,
Айитмади сўзлаб ирикса кўнгул.
*(Ойтўлди айтди: Сўзнинг кўни шулдирки,
Сўрамаган (сўз)ни сўзлаб кўнгилга тегса).*

Бу аз сўз ул-ул ким айитмиҳқа ўз,
Жаваб берса сўзка йанут қилса сўз.



*(Сўзнинг ози шулдирки, сўраганга киши
Жавоб берса, сўзга (тенг) сўз билан жавоб қилса).*

Мунгар менгзату айди шаъир сўзи,
Тили сўз била тузди ачти йузи.
*(Шоир сўзини бунга ўхшатиб айтди,
(У) тилини сўз билан беади, юзини очди (яъни хушрўй бўлди).*

Сўзуг йақши сўзла эзу сақну ўз,
Айитуқта сўзла йана теркин уз.
*(Ўзинг жуда ўйлаб сўзни яхши сўзла,
Сўраганда сўзла, яна тезликда тамом қил).*


Ўқуш сўз эшитгил телим сўзлама,
Уқуш бирла сўзла билиг бирла туз.
*(Сўзни кўп эшитгин, лекин ортиқ сўзлама,
Идрок билан сўзла, билим билан андазала).*



<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<p>1. Ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда, асар матни ёки парча мазмунини ижодий ёндашиб қайта ҳикоя қилинг.</p> <p>2. Нима учун адиб адолат ҳақидаги қарашларини айнан Кунтуғди тимсоли орқали ифодалаганини тунтиринг.</p>												
<p>Таҳлил ва таълқин</p>	 	<p>1. Асарда қўлланилган мақолларни шарҳланг. «Т-жадвали» усули орқали ҳозирги ва шу давр мақолларининг ўхшаш ва фарқли томонларини топинг.</p> <table border="1" data-bbox="361 1272 1144 1400"> <thead> <tr> <th colspan="2">Асардаги ҳикматли сўзлар</th> <th colspan="2">Ҳозирги замон мақоллари</th> </tr> <tr> <th>Ўхшашлиги</th> <th>Фарқи</th> <th>Ўхшашлиги</th> <th>Фарқи</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td> </td> <td> </td> <td> </td> <td> </td> </tr> </tbody> </table> <p>2. «Ягона давра» (давра суҳбати) усули орқали дostonни таҳлил қилинг.</p>	Асардаги ҳикматли сўзлар		Ҳозирги замон мақоллари		Ўхшашлиги	Фарқи	Ўхшашлиги	Фарқи				
Асардаги ҳикматли сўзлар		Ҳозирги замон мақоллари												
Ўхшашлиги	Фарқи	Ўхшашлиги	Фарқи											



1. Достонни «Оқилнинг 6 қалпоғи» усули орқали баҳо-ланг.



2. «Қутадғу билиг» асарининг дидактик достон дейи-лишига далиллар келтиринг.

Қўшимча ўқиш учун



**ТИЛНИНГ ФАЗИЛАТИ,
Фойда-ЗАРАРЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗЛАЙДИ**

Уқушга, билигга бу тилмочи – тил,
Саодатманд этар равон забон, бил.

Тили билан азиз, бахт топар киши,
Тили боис баъзан ёрилар боши.

Забонни ким тутқун арслон ҳам дегай,
Қафасдаги йиртқич бошинг ҳам егай.

Тилидан панд еган эр не дер, эшит,
Амал қил, наф кўриб, ҳар ишинг пишит.

Тилим вайрон этар неча бор дилим,
Бошим кесмасидан кесайин тилим.

Сўзинг ўйлаб сўзла, бошинг кетмасин,
Тилинг эҳтиёт қил, тишинг синмасин.

Будун тили ёмон, сени сўзлагай,
Кишилар ҳасадгўй, ич-этинг егай.

Билим берди тилга Раҳмони одил.
Бошинг асрагайсан, эй соҳиби тил.

Омонлик тиласанг сенинг бу ўзинг,
Тилингдан чиқарма яроғсиз сўзинг.

Билиб сўзламоқ сўз, ҳар доно иши,
Нодон сўзи билан кетар ўз боши.

Зиёда сўзда ҳеч фойда кўрмадим,
Зиёда сўзлашдан ҳам наф топмадим.

Етарли сўзла сўз, кўп сўзлашдан қоч,
Туман сўз маънисин бир сўз билан оч.

Киши сўз туфайли азиз, мукаррам,
Беҳуда сўз қилар бошин ерга хам.

Зиёда сўзласанг, эзма дер дарров,
Яна сўзламасанг, дерлар гунг-соқов.

Аъло бил эл билан алоқа тарзин,
Муомала билан пиёда фарзин.

Тилинг эҳтиёт фил, саломат бошинг,
Сўзинг қисқа қилгин, зиёда ёшинг.



Зиёда тил нафи, бўлсанг бас огох,
Гоҳо тил мақталар ҳам янилар гоҳ.

Неча мундоғ эрса, билиб сўзла сўз,
Сўзинг бўлсин кўзи басир учун кўз.

Билимсиз бамисли сўқир бегумон,
Билимдан улушинг олгин, эй нодон.

Туғилган ўлар, кўр, ном-нишон қолмас,
Сўзи эзгу фақат то абад ўлмас.

Қаримас эр икки шарт билан ўзи,
Бири – эзгу хулқи, бир – эзгу сўзи.

Сўзи қолар, йитар гар инсон зоти,
Ўзи ўлар, вале барҳаёт оти.

Тириклик тиласанг мангу безавол,
Феълу сўзинг бўлгай эзгу ҳам ҳалол.

Гоҳи алқаб тилни, қилдим маломат,
Сабоқ бўлсин дедим сенга аломат.

Қамуғ сўзни йиғса, дилга жо бўлмас,
Керак сўзни сўзлар, киши гизламас.

Сўзим сўзладим ўғлимга, баҳодир,
Нафинг кўзлаб айтай насихат нодир.

Се(н)га сўзладим мен сўзим, эй ўғил,
Се(н)га берди бу панд ўзим, эй ўғил!

Кумуш-олтин қолса гар мендан сенга,
Уларни бу сўзга ҳеч билма тенг-а.

Кумуш ишга солсанг, тугар, сол назар,
Сўзим ишга тутсанг, зиёд кумуш-зар.



Кишидан кишига мерос панд, сўз, бил,
Оталар каломин нафин юз-юз, бил.

Бу айём ранжима ҳеч мени яниб,
Агар ўз узримни айтсам ийманиб.

ДИДАКТИК ДОСТОН

«Дидактика» юнонча сўз бўлиб, «ўқитадиган», «ўргатадиган» деган маъноларини билдиради. Достон эса, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётига хос адабий асарнинг бир тури. Кўпинча назм ва наср аралаш келади. Халқ достонлари соз билан айтилади. Дидактик достон дейилганда эса, панд-насиҳат руҳидаги асар кўзда тутилади. Бу, асосан, ёзма адабиётга хос. Дидактик достончилик адабиётимизда қадим анъаналарга эга. Бу ҳақда М.Қошғарий «Девону луғотит турк» да маълумот бериб ўтади ва шеърӣ йўл билан панд-насиҳат айтувчи билимдон донишманд кишилар кўп бўлганини хабар қилади. Бизнинг адабиётимизда дидактик достоннинг илк намуналари «Қутадғу билиг» ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ» дир. Кейинги асрларда бу хил соф дидактик достон учрамайди. Улар кўпинча ишқӣй, маишӣй, саргузашт йўналишлари билан биргаликда келади. Дидактик адабиёт деган тushунча эса панд-насиҳат руҳидаги хилма-хил жанр ва турларда ёзилган асарларни қамраб олади.

«Маснавий» арабча иккилик маъносини англатади. Шеърӣ асарда мисраларнинг *аа, бб, вв, гг* ва бошқалар каби ўзаро қофияланиб келиши кўзда тутилади. Сўнгроқ мисралари ўзаро қофияланиб келувчи шеър турига маснавий дейилган. Йирик асарлар, масалан достонлар, маснавийда ёзилган. Форс тилидаги маснавийларнинг илк машҳур намунаси Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридир. Туркий тилдаги илк бадиӣй достон «Қутадғу билиг» бўлади. Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ўз асарини «Шоҳнома» сингари арузнинг мутақориб вазнида ёзди.





1. «Қутадғу билиг» достони неча бобдан иборат?
 - А) 74 боб
 - Б) 73 боб
 - В) 72 боб
 - Г) 71 боб

2. «Қутадғу билиг»ни чинликлар қандай номлашган?
 - А) «Аминул мамлакат»
 - Б) «Зийнат ул-умаро»
 - В) «Шоҳномаи туркий»
 - Г) «Адаб ул-мулук»

3. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида адолат рамзи ким эди?
 - А) Ойтўлди
 - Б) Ўзғурмиш
 - В) Кунтуғди
 - Г) Ўгдулмиш

4. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида бахт рамзи бўлган қахрамонни аниқланг.
 - А) Кунтуғди
 - Б) Ойтўлди
 - В) достонда бундай рамз мавжуд эмас
 - Г) Ўзғурмиш

5. «Қутадғу билиг» достонининг муқаддимаси қандай йўл билан битилган?
 - А) фақат шеърий
 - Б) шеърий ҳамда насрий
 - В) савол-жавоб, мунозара шаклида
 - Г) фақат насрий

6. Насрий-шеърий дидактик асар берилган қаторни топинг.
 - А) «Қутадғу билиг»
 - Б) «Гулистон»

- В) «Гулшан ул-асрор»
- Г) «Махзан ул асрор»

7. Қайси қаторда насрий дидактик асарлар берилган?

- А) «Калила ва Димна», «Гулистон», «Хайрат ул-аброр»
- Б) «Маҳбуб ул-қулуб», «Минг бир кеча», «Қобуснома»
- В) «Пантачатра», «Қобуснома», «Мифтоҳ ул-адл»
- Г) «Гулистон», «Зарбулмасал», «Гулшан ул-асрор»

8. «Дидактика» сўзининг маъносини аниқланг.

- А) ибратли
- Б) халқ олқиши
- В) ўтмиш сири
- Г) мерос сири

9. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонидаги ақл образини аниқланг.

- А) Ўгдулмиш
- Б) Ўзғурмиш
- В) Кунтуғди
- Г) Ойтўлди

10. «Қутадғу билиг» достонида асосий воқеалар нечанчи бобдан бошланади?

- А) 13-боб
- Б) 9-боб
- В) 12-боб
- Г) 5-боб

11. Юсуф Хос Ҳожиб ҳақиқат устунлари деб кимларни назарда тутган?

- А) шоирларни
- Б) қозиларни
- В) шоҳларни
- Г) олимларни

12. «Қутадғу билиг»да таърифланган Кунтуғди ўтирган уч оёқли курси ниманинг рамзи?

- А) ўлимнинг
- Б) адолатнинг



- В) ақлнинг
- Г) саломатликнинг

13. Қуйидаги асарларнинг қайси бирида одил шоҳ образи кучлироқ акс этган?

- А) «Қутадғу билиг»
- Б) «Девони луғотит турк»
- В) «Мажолис ун-нафоис»
- Г) «Ҳибат ул-ҳақойиқ»

14. «Суюкнинг қиммати ичида, илиги борлигидадир, Одамнинг қиммати билимдадир».

Ушбу фикр муаллифини аниқланг.

- А) Юсуф Хос Ҳожиб
- Б) Аҳмад Югнакий
- В) Алишер Навоий
- Г) Ибн Сино

15. «Кўни сўз асалтик, бу ёлғон басал». Байтдаги басал сўзининг маъносини аниқланг.

- А) заҳар
- Б) шарбат
- В) туз
- Г) саримсоқ пиёз

16. «Қутадғу билиг» достонидаги қаноатни ифодаловчи образ қайси жавобда тўғри берилган?

- А) Кунтуғди
- Б) Ўзғурмиш
- В) Ойтўлди
- Г) Ўгдулмиш

17. «Қутадғу билиг»да келтирилишича халқ ҳукмдор олдига қандай уч шартни қўйишга ҳақлидир?

- А) Пулнинг курсини сақлаш, адолатли сиёсат юритиш, йўлларни қароқчилардан сақлаш.
- Б) Юртни ҳимоя қилиш, раиятнинг арзини тинглаш, солиқларни қисқартириш.

В) Йўлларни қароқчилардан сақлаш, солиқларни қисқартириш, юртни ҳимоя қилиш.

Г) Арзига қулоқ солиш, адолатли сиёсат, солиқларни камайтириш.

18. Шоир қуйидаги мисраларда қандай бадиий санъат усулидан фойдаланган?

*Бўдум эрди ўқтег, кўнгул эрди я,
Кўнгул қилгу ўқтег, бўдум бўлди я.
(Қаддим ўқдек эди, кўнглим эса ёй,
Кўнгилни ўқдек қилгунча қаддим ёй бўлди).*

А) талмеҳ

Б) жонлантириш

В) сифатлаш

Г) ўхшатиш






3

БУГУН ДАРСДА:

- асар матни ёки парча мазмунини ижодий ёндашиб, қайта ҳикоя қиламиз;
- асарнинг мавзу доирасини аниқлаймиз;
- дoston ғоясига нисбатан шахсий фикрларимизни билдирамиз.



АҲМАД ЮГНАКИЙ



Аҳмад Югнакий таржимаи ҳоли ҳақида деярли маълумот йўқ. Адибнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар туҳфаси») асари бизгача етиб келиб, унинг охирида Адиб Аҳмад исми тилга олинади. Асар нусхаларидан бирига темурий амалдорлардан Арслонхожа Тархон томонидан илова қилинган 10 байтли маснавийда Югнакий ҳақида баъзи маълумотларга кўра адиб Аҳмад Югнак деган сўлим ва баҳаво жойда туғилган. Отасининг оти Маҳмуд Югнакий бўлган.

Китоби адабдан иборат бўлиб, номи – «Ҳибат ул-ҳақойиқ», қошғарий тилда шеърий йўл билан ёзилган бўлиб, «Қутадғу билиг»дан кейин яратилган ўзбек мумтоз адабиётининг ноёб дурдонаси ҳисобланади. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасида Югнакийни Ўрта Осиёнинг машҳур шайхлари қаторига қўшиб, унинг туғма кўрлиги хусусида сўзлайди, яна Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга ёзган хатларидан бирида ҳам «Ҳибат ул-ҳақойиқ»дан парчалар келтиради. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари шоир ҳақидаги маълумотларни бирмунча тўлдиришга, Югнакий яшаб ижод этган даврни таҳлил қилишга имкон беради.

Зар қадрин заргар билар

Адиблар адиби, фозиллар боши,
Гуҳартин сўз аймиш, этин сўз биши.
(Адиблар адиби, фозиллар боши гавҳардан
сўз айтиб, гўзал сўзлар ўйлаб чиқарди).

Арслонхўжа Тархон



Югнакий туғилган жой олимлар ўртасида кўп тортишувларга сабаб бўлган. Самарқанд, Фарғона ва Туркистонда Югнак деган жой борлиги айтилса-да, кўпчилик уни Самарқанд атрофида дейишга мойил ва кейинги тадқиқотлар бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди. XII асрда яшаган машҳур муаррих Абулкарим ас-Самъоний «Ал-Ансоб» («Насаб 980 нома») китобида ёзади: «Бу нисба (тахаллус) «Юғанак»дан ва бу (жой) Самарқанд қишлоқларидан. Бу нисба билан Абухомида Аҳмад ибн Абу Аҳмад ал-Юғнакий машҳурдирлар».

Шоир «Ҳибат ул-ҳақойиқ»ни тугатиб, уни ҳукмдори Дод Сипоҳсолорбекка тақдим этади. Асар тилида қадимий туркий сўзлардан кўра, араб ва форс сўзларининг кўп қўллангани шундан далолат беради. Югнакий бу асари билан ўзбек адабий тили ва адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган.

«Ҳибат ул-ҳақойиқ» 14 боб, 512 мисрадан иборат. Достоннинг 1-боби Аллоҳга ҳамд, 2- боби Муҳаммад (сав) наъти ва чорёрлар таърифига, 3-боби Дод Сипоҳсолорбек мадҳига бағишланган, шунингдек, 4-бобда китобнинг ёзилиш сабаблари баён қилинган. Дастлабки 4 муқаддима бобдан сўнг асосий қисмга ўтилади. 5-боб – маърифатнинг фойдасию жаҳолатнинг зарари, 6-боб – тил одоби, 7-боб – дунёнинг ўткинчилиги, 8-боб – сахийлик ва бахиллик, 9 ва 10-боблар турли масалаларга бағишланган бўлиб, 11-боб – китобнинг хотимаси.

«Ҳибат ул-ҳақойиқ» илк бор уйғур ёзувида битилган. Унинг нусхалари кўп бўлиб, уларда асар ҳажми турлича. Ҳозирча маълум қўлёзмалардан 3 таси (бири уйғур ёзуви, иккинчиси араб ва уйғур ёзуви, учинчиси эса араб ёзуви билан битилган) тўлиқ, қолганлари парчалардан иборат.

«ҲИБАТУЛ-ҲАҚОЙИҚ»ДАН

ИЛМ МАНФААТИ ВА ЖАҲЛ ЗАРАРИ ҲАҚИДА

Биликтин аюрман¹, сўзумга ула²,
Биликка, ё дўст, ўзунгни ула³.

Билик бирла билнур саодат йўли,
Билик бил саодат йўлини бўла⁴.

Баҳолиқ динор⁵ ул биликлик киши,
Бу жоҳил биликсиз – баҳосиз биши⁶.

¹ Аюрман – айтурман.

² Ула – улан, улаш, қулоқ сол.

³ Ула – улан, улаш, ёпиштир.

⁴ Бўла – топгин, эришгин.

⁵ Баҳолиқ динор – қимматли маблағ.

⁶ Биши – ярамас нарса.



Сўнгакка йиликтак эранга¹ билик,
Эран кўрки ақл, ул сўнгакнинг йилик.

Биликсиз – йиликсиз сўнгактақ қоли²,
Йиликсиз сўнгакка сунулмас алиқ³.

Билик билти бўлти⁴ эран белгулук,
Биликсиз тирикла йитук⁵ кўркулук.

Биликлик эр ўлти – оти ўлмату,
Биликсиз эсан эркан оти ўлук.

Биликлик биринга бешаксиз мингин⁶,
Тенгакли тенгади биликнинг тенгин.

Боқа кўргил эмти уқа⁷ синаю⁸,
Нананг бор биликтин асиғлиқ⁹ ўнгин¹⁰.

Билик бирла олам юқар йўқлади¹¹,
Биликсизлик эрни чўкарди¹² қуди.

Билик бил ўсанма¹³ бил ул ҳақ расул,
Билик кимда эрса сиз арқанг¹⁴ теди.

Биликлик биликни адаркан¹⁵ бўлур,
Биллик татгин, эй дўст биликлик билур.

¹ Эран – эр киши.

² Қоли – қоли.

³ Алиқ – илиқ, қўл.

⁴ Билик бўлти – билди, бўлди.

⁵ Йитук – йитган, йўқолган.

⁶ Бир билимлига минг билимсиз.

⁷ Уқа – уқиб, тушуниб.

⁸ Синаю – синаб, тажриба қилиб.

⁹ Осиғлиқ – фойдали.

¹⁰ Ўнгин – бошқа.

¹¹ Йўқлади – юқорига ошди.

¹² Чўкарди – чўктирди.

¹³ Ўсанма – ғофил бўлма.

¹⁴ Арқанг – мақтанг.

¹⁵ Адаркан – ахтарган, излаган.



Биликсизга ҳақ сўз татиқсиз¹ эрур,
Анга панд, пасиҳат осифсиз эрур.

На турлук ориқсиз² орир юдиса³,
Жоҳил юб оримас, арифсиз эрур.

Биликлик киши кўр билур иш ўзин,
Билип этар ишни, ўкунмас кедин.

На турлук иш эрса биликсиз ўнги⁴,
Ўкунч⁵ ул анга йўқ ўнг⁶ анда адин⁷.

Биликлик кераклик сўзин сўзлаюр,
Кераксиз сўзини кўмуб кизлаюр⁸.

Биликсиз на айса аюр уқматин⁹,
Анинг ўз тили, ўз бошини еюр¹⁰.

Билик бирла билинур тўратван¹¹ иди¹²,
Биликсизлик ичра хайир¹³ йўқ деди.

Биликлик сўзи¹⁴ панд, насиҳат, адаб,
Биликликни ўгди ажам¹⁵ ҳам араб.

Товарсизга¹⁶ билги¹⁷ туганмас товар,
Ҳисобсизга¹⁸ билги йирилмас¹⁹ ҳисоб.

¹ Татиқсиз – тотимсиз, лаззатсиз.

² Ариқсиз – нопок, булғонч.

³ Юдиса – ювса.

⁴ Ўнги – олдида.

⁵ Ўкунч – пушаймон.

⁶ Ўнг – осон.

⁷ Адин – бошқа, пушаймонликдан бошқа.

⁸ Кизлаюр – яширади.

⁹ Уқматин – уқмай.

¹⁰ Еюр – ейди.

¹¹ Туратван – яратган.

¹² Иди – эга (тангри).

¹³ Хайр – яхшилик.

¹⁴ Ўгди – мақтади.

¹⁵ Ажам – араб халқидан бошқа ҳамма халқлар.

¹⁶ Товарсиз – молсиз.

¹⁷ Билги – илм.

¹⁸ Ҳисобсиз – даражасиз, мартабасиз.

¹⁹ Йирилмас – битмас-туганмас.





<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Асар матни ёки парча мазмунини ижодий ёндашиб, қайта ҳикоя қилинг.2. «Муаммоли вазият»: асарда билимга қандай таъриф берилган?3. Шарҳда билимга катта эътибор бериш сабабларини тушунтиринг.
<p>Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none">1. Сизнингча, асарнинг мавзу доирасини аниқ кўрсатадиган 6-8 байтларни насрга айлантириб, иш дафтариногизга ёзиб олинг ва фикрингизни асосланг.2. Достондаги: «Биликсиз – йиликсиз сўнгаткак қоли, Йиликсиз сўнгаткак сунулмас алик» байти орқали ифодаланган маъно ва унинг тасвир йўсинини аниқланг.3. Муаллиф кўзқарашини матндан мисоллар келтириб, тушунтиринг. Муаллифнинг қаҳрамонларига муносабатини ифодалаш усулларини аниқланг.
<p>Баҳолаш ва қийсий таҳлил</p>	  	<ol style="list-style-type: none">1. Асардан ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган фикрларни топиб, «Дебат» усулини қўлланг. Асар ғоясини белгиланг.

4

БУГУН ДАРСДА:

- бадий асар мазмуни, унда кўтарилган муаммони тушуниб, мулоҳаза юритган ҳолда тинглаган ва ўқиганларимизга ўз муносабатимизни билдирамиз;
- асарнинг мавзу ва муаммолар доирасини унинг долзарблиги нуқтаи назаридан ва шахсий кўзқарашимизни далиллаган ҳолда аниқлаймиз;
- асарни унинг ғоясидан келиб чиққан ҳолда баҳолаймиз.



ТИЛ САҚЛАШ ҲАҚИДА

Эшитгил биликлик нагу теп аюр¹
Адаблар баши тил кутамак² туруғ.

Тилинг бекта³ тутғил тишинг синмасун,ё
Қали⁴ чиқса бекта тишингни сиюр.

Санип⁵ сўзлаган эр сўзи сўз соғи⁶,
Ўкуш⁷ янгшаған⁸ тил эйалмас яғи⁹.

Сўзунг бўшлуғ эзма йиға тут тилинг,
Етар бошқа бир кун бу тил бўшлуғи.

Хирадлиқму¹⁰ бўлур тили бўш киши,
Талим¹¹ бошни еди бу тил, сўз бўши.

Бир ул янгшар¹² эрса кераксиз сўзин¹³,
Йкинг ялғон эрса ул эрнинг тили.

¹ Аюр – айтади.

² Тил кутамак – тилни тиймоқ, тилни эҳтиёт сақламоқ.

³ Бекта – пишиқ, пухта.

⁴ Қали – эгар.

⁵ Санип – ўйлаб, фикр қилиб.

⁶ Соғи – тўғриси.

⁷ Ўкуш – кўп.

⁸ Янгшаған – яиглишган.

⁹ Яғи – душман.

¹⁰ Хирадлиқ – ақлли.

¹¹ Талим – кўп.

¹² Янгшар – янглишади.

¹³ Сўзин – сўз билан.

Тили ялғон эртин йироқ тур теза¹,
Кечур санма умрунг кўнилик² уза.

Оғиз тил безаки кўни³ сўз турур,
Кўни сўзла сўзни дилингни беза.

Кўни сўз асалтек, бу ялғон басал⁴,
Басал еб ачитма оғизни асал⁵.

Ё ёлғон сўз ик⁶ так кўни сўз шифо,
Бу бир сўз ўзоғи⁷ урулмиш масал⁸.

Кўни бул куни қил отин кўни⁹,
Кўни тею билсун халойиқ сени.



*Тушуниш ва саволларга
жавоб бериш*



1. Берилган парча кимга аталган деб ўйлайсиз?
2. Асар мазмунига мос мақоллар топиб, гуруҳларда кичик беллашув ўтказинг.
3. Асарда кўтарилган муаммони тушуниб, мулоҳаза юритган ҳолда тинглаган ва ўқиганларингизга ўз муносабатингизни билдилинг.

¹ Теза – тез-а.

² Кўнилик – тўғрилиқ.

³ Кўни – тўғри.

⁴ Басал – пиёз, аччиқ.

⁵ Оғизни асал – асал оғизни.

⁶ Ик – касаллик.

⁷ Ўзоғи – илгариги.

⁸ Масал – мақол.

⁹ Отин кўни – тўғри, содиқ деб от чиқар.

Таҳлил ва талқин



1. Асарнинг мавзу ва муаммолар доирасини унинг долзарблиги нуқтаи назаридан ва шахсий кўзқараши-нгнизи далиллаган ҳолда аниқланг.
2. Адиб эл-юрт фаровонлиги ва осойишталиги ҳақида қандай фикрларни илгари сурган? Ушбу тушунча-ларни «Ассоциация» усули орқали жуфтликда ёри-тиб беринг.
3. Асарда қўлланилган шеърий санъатларни аниқлаб, матнга таянган ҳолда жадвални тўлдилинг. Улар нима учун ишлатилганлигини шарҳланг.

Шеърий санъат	Мисра	Шарҳи

4. Парчани ифодали ўқиш қоидаларига риоя қилган ҳолда ёд олинг.

Баҳолаш ва қиёсий таҳ-лил



1. Асарда илгари сурилган ғояни аниқланг. Унинг тарбиявий ва ижтимоий аҳамиятини «Концептуал жадвал» график органайзери орқали баҳоланг.

Асар ғоясини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белги ва тавсиялар		
	«+»	«-»	«?»



5

БУГУН ДАРСДА:

- бадий асар мазмуни, унда кўтарилган муаммони аниқлаб, мулоҳаза юритган ҳолда тинглаган ва ўқиганларимизга ўз муносабатимизни билдираемиз;
- долзарблиги ва шахсий кўзқарашини далиллаган ҳолда асарнинг мавзу ва муаммолар доирасини аниқлаймиз;
- асар ғоясини аниқлаймиз, баҳо берамиз.



САХОВАТ ВА БАХИЛЛИК ОҚИБАТИ ҲАҚИДА

Аё дўст, билимли изин излагил,
Сўз айтсанг, ўйлагил, билиб сўзлагил.
Мақтасанг, мадҳ айла сахий кишини,
Бахилга ўткир ёй ўқин тезлагил.

Тилларда сахийнинг мақтови такрор,
Саховат айбингни ювади минг бор.
Сахий бўл, эл сенга лаънат айтмасин,
Лаънат йўлин тўсар саховатинг ёр.

Саховат тошкўнгил дилин эритур,
Сахий муродига албат эришур.
Бахилни мақтовчи тил топилмагай,
Сахийнинг мадҳини барча эшитур.

Билимнинг қадрига етади сахий,
Билимга бор молин сотади сахий.
Дунёда яхшилик отин қолдириб,
Яна минг йил умр этади сахий.

Бахил киши ҳаром бойликка етур,
Удунёга лаънат орқалаб кетур.
Йиққани ётларга қолур оқибат,
Сўкиш, лаънат олур, бошқа у нетур.

Саховатли инсон, беҳисоб молинг,
Тангри берган бўлса, сен ҳам бил ҳолинг.



Олиб, ўзгаларга бермас қўл – қутсиз,
Инъом, эҳсон бергил, қўлинг қутлуғ қил.

Бахиллик бир дарддир, даволаб бўлмас,
Саховатга бахил қўли очилмас –
Дунё қулидир, унга давлат ҳукмрон,
Кўзи оч, қанча йиғса кўнгли тўлмас.

ОХИРГИ СЎЗ (СЎЗНИНГ ТУГАЛЛАНИШ САБАБЛАРИ)

Халойиққа ибрат, таълим бергувчи,
Китоб битдим, одобга чақиргувчи.
Тенгласа арзирли Сўзга тенгласин,
Сўз қадрини мисли дурдай тергувчи.








Адиб Аҳмад – отим, насиҳат – Сўзим,
Сўзим бунда қолур, ўтурман Ўзим.
Келур куз, кечур ёз, ўтур бу умр,
Тугатди умримни бу ёзим, кузим.

Истагил қадрла, иста таъна қил,
Шу туркча китобни Сенга битдим, бил.
Битиб ўлсам, отим қолсин, деб,
Шу тансиқ сўзларни ёздим, кўзга ил.

Атлас – қиммат, арзон бўлганидай бўз,
Ҳазил сўз кўп, билсанг қимматлиси оз,
Бу китоб нафисдир, шунинг учун ҳам,
Тўлатиб ёзилган ҳар керакли сўз.

Эй, мендан кейинги келгувчи авлод,
Ҳаққингга Тангридан тилайман имдод.
Сенга ҳадя этдим тансиқ бир китоб,
Мени ҳам дуода айлаб тургил ёд...



<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуни ва саволларга жавоб бериш</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Бадий асар мазмунини қайта ҳикоя қилинг. Унда кўтарилган муаммони тушуниб, мулоҳаза юритган ҳолда тинглаган ва ўқиганларингизга ўз муносабатингизни билдилинг. 2. Берилган парчалар юзасидан очиқ ва ёпиқ саволлар тузинг. Жуптликда савол-жавоб ўтказинг. 3. Ўзингиз ёқтирган тўртликнинг насрий баёнини ёзинг. 								
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Шахсий кўзқарашингизни далиллаган ҳолда асарнинг мавзу ва муаммолар доирасини аниқланг. 2. Асарнинг ёзилиш вақти билан ҳозирги кун орасидаги фарқни изоҳланг. «<i>Инсерт</i>» усули орқали асарнинг долзарблиги ҳақида ҳақида фикр юритинг. <table border="1" data-bbox="444 889 1159 1094"> <tr> <td>«V» – биламан</td> <td></td> </tr> <tr> <td>«+» – билмайман</td> <td></td> </tr> <tr> <td>«-» – янги ахборот</td> <td></td> </tr> <tr> <td>«?» – тушунмадим</td> <td></td> </tr> </table>	«V» – биламан		«+» – билмайман		«-» – янги ахборот		«?» – тушунмадим	
«V» – биламан										
«+» – билмайман										
«-» – янги ахборот										
«?» – тушунмадим										
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Асар ғоясини аниқлаймиз, баҳо берамиз. <table border="1" data-bbox="415 1192 1181 1491"> <tr> <td>Асардаги сизга кўпроқ таъсир қилган жумла, фикр</td> <td>Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай савол, фикр ёки муносабат қўзғатди?</td> </tr> <tr> <td>Келишмовчилик</td> <td></td> </tr> <tr> <td>Тушунмаслик</td> <td></td> </tr> <tr> <td>Қарши чиқиш</td> <td></td> </tr> </table>	Асардаги сизга кўпроқ таъсир қилган жумла, фикр	Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай савол, фикр ёки муносабат қўзғатди?	Келишмовчилик		Тушунмаслик		Қарши чиқиш	
Асардаги сизга кўпроқ таъсир қилган жумла, фикр	Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай савол, фикр ёки муносабат қўзғатди?									
Келишмовчилик										
Тушунмаслик										
Қарши чиқиш										



1. Аҳмад Югнакий ўз шеърларида тўғри сўз ва ёлғон сўзни нимага қиёслайди?
 - А) шакар, пиёз
 - Б) асал, саримсоқ
 - В) асал, қалампир
 - Г) шакар, қалампир

2. *«Кўни бўл, кўнилик қил, атан кўни,
Кўни тию билсун халойиқ сени».* (Аҳмад Югнакий)
Ушбу мисрадаги кўни сўзининг маъносини изоҳланг.
 - А) эзгулик
 - Б) тўғри
 - В) ростгўй
 - Г) билимли

3. *Қавоқ солиб осмон кўзи ёш сочар,
Чечак майса қувноқ кулиб юз очар.*
Ушбу байтда қўлланган шеъринг санъатни аниқланг.
 - А) ташбеҳ, талмеҳ
 - Б) жонлантириш, тазод
 - В) ўхшатиш, тарсеъ
 - Г) ташбеҳ, муболаға

4. Бизгача етиб келган илк туркий дoston...
 - А) «Ҳибат ул-ҳақойиқ»
 - Б) «Гул ва Наврўз»
 - В) «Қутадғу билиг»
 - Г) «Юсуф ва Зулайҳо»

5. Аҳмад Югнакийнинг фикрича, бахтга етишишнинг йўли битта, у ҳам бўлса...
 - А) одоб-ахлоқ
 - Б) тўғрилиқ
 - В) бойлик
 - Г) илм

6. Аҳмад Югнакийнинг фикрича одоб нимадан бошланади?
А) тўғри сўзликдан
Б) тилни тиймоқдан
В) илмдан
Г) холисликдан
7. Туркий тилдаги илк бадийий дostonни аниқланг.
А) «Ҳибат ул-ҳақойиқ»
Б) «Тазкират уш-шуаро»
В) «Девони луғотит турк»
Г) «Қутадғу билиг»
8. Аҳмад Югнакий «дунё бир қўли билан...тутса, иккинчи қўли билан... тутади. Бу дунё – ...» дейди?
А) мол-дунё, заҳар, илон
Б) асал, заҳар, илон
В) шакар, заҳар, зулмат
Г) шакар, заҳар, илон
9. Анинг бошидан булут упанур (унинг марҳаматидан булут уялади). Ушбу байтда қандай шеърий санъат қўлланган?
А) тазод
Б) ташхис
В) ирсоли масал
Г) истиора
10. Баҳолик динор ул биликлик киши,
Бу жоҳил биликсиз баҳосиз биши.
Биликлик биликсиз қачон тенг бўлур,
Биликлик тиши эр, жоҳил эр – тиши. (Аҳмад Югнакий)
Ушбу тўртликда қўлланган шеърий санъатни аниқланг.
А) ташхис
Б) таъдид
В) тазод
Г) тажнис
11. Навоий қайси асариде Аҳмад Югнакий ҳақида маълумот беради?
А) «Насойим ул-муҳаббат»
Б) «Мажолис ун-нафоис»

- В) «Махзан ул-асрор»
- Г) «Муҳокамат ул-луғатайн»

12. «Ҳақ субҳонаҳу таоло, агарчи зоҳир кўзин ёпуқ яратқондур, аммо кўнгил кўзин бағоят ёруқ қилғондур», – деб Аҳмад Югнакийга баҳо берган адиб ким?

- А) Алишер Навоий
- Б) Аҳмад Яссавий
- В) Юсуф Хос Ҳожиб
- Г) Атойи

13. Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида мадҳ этилган ҳукмдорнинг исмини белгиланг.

- А) Дод Сипоҳсолар
- Б) Муҳаммадхўжабек
- В) Буғраҳон
- Г) Маҳмуд Ғазнавий

14. Ғазалларда иши зулмкорлик, ситамгарлик сифатида таърифланган образ қайси?

- А) ошиқ
- Б) маъшуқа
- В) рақиб
- Г) гул



БУГУН ДАРСДА:

- тасаввуф ҳақида маълумотга эга бўламиз;
- асар матни ёки парча мазмунини қайта ҳикоя қиламиз;
- асарнинг долзарблиги нуқтаи назаридан мавзу ва муаммолар доирасини аниқлаймиз.

**АҲМАД ЯССАВИЙ**

(XI аср – 1166 й.)



Хожа Аҳмад Яссавий Ясси яқинидаги Сайрам шаҳрида тахминан XI асрнинг II ярмида яшаган тасаввуфнинг машҳур намоёндаларидан бири. Отаси Шайх Иброҳим жавонмардлик тариқати-га мансуб нуфузли зотлардан бўлган. Яссавий туғилгач, кўп ўтмай онаси – Мусо Шайхнинг қизи Ойша хотун вафот этади. 7 ёшида отасидан ҳам ажралади. Яссавий тарбияси билан опаси Гавҳар Шаҳноз машғул бўлади. Яссавий опаси билан Яссига кўчиб боргач, биринчи устози Арслон боб билан учрашади ва ундан таҳсил олади («Етти ёшда Арслон бобом излаб топдим...»). Яссавий Яссига ботин илми сирларини мукамал ўзлаштирган. Ўша замонларда илм-маърифат-

Зар қадрин заргар билар

«Мақомоти олий ва машҳур, каромоти матаволий ва номаҳсур эрмиш. Мурид ва ашоб ғоятсиз ва шоҳу гадо анинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш».

А. Навоий

«... адабиётда тутган йўли содда халқ шоирларимизнинг тутғон йўлидир... Унинг ҳикматлари вазнда, қофияда, услубда халқ адабиёти аталган шеърлар билан баробар...»

А. Фитрат

*«Шариатда эди ул офтобе,
Қолибдур бизга ул эрдин китобе».*

Сўфи Оллоёр



нинг Мовароуннахрдаги марказларидан бўлган Бухорода Туркистоннинг турли томонларидан толиби илмлар йиғилишган. Арслонбоб кўрсатмаси билан Яссавий ҳам Бухорога боради. Даврнинг энг пешқадам олими ва сўфийси Шайх Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, унга мурид тушади.

Бухорода у араб тили билан бир қаторда форс тилини ҳам чуқур ўрганади. Форсийда яратилган тасаввуфий адабиёт билан танишади. Хожа Абдухлоқ Ғиждувоний, Абдуллоҳ Барқий, Хожа Ҳасан Андоқийлар билан ҳамсухбат ва ҳаммаслак бўлиб, Юсуф Ҳамадоний муридлари қаторидан ўрин олади.

«Девони ҳикмат»да илоҳий ишқ ва ошиқлик, маърифат ва орифлик саодати, фанодан бақога етишиш тушунчалари ниҳоятда самимий ва таъсирли оҳангларда ёритиб берилган. «Девони ҳикмат»даги барча шеърлар ҳам Яссавийга мансуб эмас. Унга Яссавий издошларининг ижод намуналари ҳам киритилган. Бу эса, табиийки, ҳикматлар тили ва услубида маълум ўзгаришлар ҳосил қилган. Лекин Яссавийнинг ўнлаб издошларидан ҳеч бири устозлари бошлаган ғоявий, ахлоқий, маънавий-маърифий ва мафкуравий йўналишни ўзгартирмаган. Буни Яссавий ҳаёти, тариқати ва ижодиётидан баҳс юритилган ўнлаб қадимий манбалар, айниқса, Султон Аҳмад Ҳазинийнинг «Жавоҳир ул аброр мин амвожил биҳор» асари ҳам тўла тасдиқлайди.

Яссавийнинг фақат ижодиёти эмас, қанча умр кўриб, қачон вафот этганлиги ҳам баҳсли. У ҳикматларидан бирида «Юз йигирма бешга кирдим, билолмадим», дейдики, бу сўзлар тарихий ҳақиқатдан кўра, маноқибий мазмунга эга. Бундан ташқари, 125 йиллик узоқ бир умрнинг ярмидан кўпини «ер ости»да («Олтмиш учда ер остига кирдим mano», дейди Яссавий) ўтказиш ақл бовар этмас ҳодисадир. Лекин кўпчилик тадқиқотчилар унинг вафот тарихини 1166–1167 йил деб қайд этишган.



<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	  	<p>1. Аҳмад Яссавий ҳақида билган маълумотлар билан қуйидагича ўртоқлашинг.</p> <table border="1" data-bbox="442 474 1172 608"> <thead> <tr> <th data-bbox="442 474 655 556">«Биламан»</th> <th data-bbox="655 474 902 556">«Билишни хоҳлайман»</th> <th data-bbox="902 474 1172 556">«Билиб олдим»</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td data-bbox="442 556 655 608"></td> <td data-bbox="655 556 902 608"></td> <td data-bbox="902 556 1172 608"></td> </tr> </tbody> </table> <p>2. Яссавий мақбараси ҳақида қандай тарихий ҳақиқатларни биласиз?</p>	«Биламан»	«Билишни хоҳлайман»	«Билиб олдим»			
«Биламан»	«Билишни хоҳлайман»	«Билиб олдим»						
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	  	<p>1. «Девони ҳикмат»да илоҳий ишқ ва ошиқлик, маърифат ва орифлик саодати, фанодан бақога етишиш тушунчалари ниҳоятда самимий ва таъсирли оҳангларда ёритиб берилган» фикрни таҳлил ва талқин этинг. Изоҳланг.</p> <p>2. <i>Ғариблик</i> сўзини «Ассоциация» усули орқали шарҳланг. Ҳозирги кундаги маъносини аниқланг.</p>						
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>		<p>1. Ҳикматларда инсон фазилатларининг қайси томонлари улуғланади ва қадрланади? Гуруҳда муҳокама қилинг. Фикрларингиз билан ўртоқлашинг.</p>						



БУГУН ДАРСА:

- ҳикматларни овоз чиқариб, ифодали ўқиймиз;
- асар матни ёки парча мазмунини қайта ҳикоя қиламиз;
- асарнинг долзарблиги нуқтаи назаридан мавзу ва муаммолар доирасини аниқлаймиз.



ҲИҚМАТЛАР

Бисмиллоҳ деб баён айлай ҳикмат айтиб,
Толибларға дурру гавҳар сочтим мано.
Риёзатни қоттиғ тортиб, қонлар ютуб,
Мен дафтари соний сўзин очтим мано.

Сўзни айдим ҳар ким бўлса дийдор талаб,
Жонни жонға пайванд қилиб, рағни улаб,
Ғариб, етим, фақирларни кўнглин сийлаб,
Кўнгли бутун халойиқдин қочтим мано.

Қайда кўрсанг, кўнгли синуқ марҳам бўлғил,
Андоғ мазлум йўлда қолса, ҳамдам бўлғил.
Рўзи маҳшар даргогига маҳрам бўлғил,
Мовуманлик халойиқдин қочтин мано.

Ғариб, фақир, етимларни Расул сўрди,
Ўшал туни Меърож чиқиб дийдор кўрди,
Қайтиб тушуб ғариб, фақир ҳолинг сўрди,
Ғарибларни изин излаб туштум мано.

Уммат бўлсанг, ғарибларға тобеъ бўлғил,
Оят, ҳадис ҳар ким айтса, сомеъ бўлғил,
Ризқу рўзи ҳарна берса, қонеъ бўлғил,
Қонеъ бўлуб, шавқ шаробин ичтим мано.

Мадинага Расул бориб, бўлди ғариб,
Ғариблиғда меҳнат тортиб, бўлди ҳабиб,

Жафо тортиб, яратқанға бұлди қариб,
Ғариб бұллуб, уқболардин оштим мано.

Оқил эрсанг, ғарибларни кўнглин овла,
Мустафодек элни кезиб, етим ковла,
Дунёпараст, ножинслардин бўюн товла,
Бўюн товлаб, дарё бұллуб тоштим мано.

Ишқ бобини Мавлом очқач менга тегди,
Туфроқ қилиб, ҳозир бұл, деб бўйнуи эгди,
Борон сифат маломатни ўқи тегди,
Пайкон олиб, юрак-бағрим тештим мано.

Кўнглум қоттиғ, тилим аччиғ, ўзум золим,
Қуръон ўқуб амал қилмай, ёлғон олим,
Ғариб жоним сарф айлайн, йўқтур молим,
Ҳақдин қўрқуб, ўтга тушмай, пиштим мано.

Олтмиш учга ёшим етти, ўтгум ғофил,
Ҳақ амрини маҳкам тутмай, ўзум жоҳил,
Рўза, намоз қазо қилиб, бўлдум коҳил,
Ёмон излаб, яхшилардин кечтим мано.

Во дариғо, муҳаббатни жомин ичмай,
Аҳли аёл, хонумондин тугал кечмай,
Журму исён гириҳларин мунда чечмай,
Шайтон ғолиб, жон берарда шоштим мано.

Имонима чангал уруб, қилди ғамнок,
Пири муғон ҳозир бұл, деб сочти тарёк,
Шайтон лаъин мендин қочиб кетти бепок,
Биҳамдиллох, нури имон очтим мано.





<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушунниш ва саволларга жавоб бериш</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. «Ақлий ҳужум»: «Девони ҳикмат»га қандай шеърлар киритилган? 2. Тасаввуф таълимоти ҳақида қандай маълумотга эгасиз? Ўқитувчингиз ёрдамида билимларингизни мустаҳкамланг. 3. Аҳмад Яссавий ҳақида билган маълумотлар билан қуйидагича ўртоқлашинг. <table border="1" data-bbox="398 543 1133 664"> <tr> <td>«Биламан»</td> <td>«Билишни хоҳлайман»</td> <td>«Билиб олдим»</td> </tr> <tr> <td> </td> <td> </td> <td> </td> </tr> </table>	«Биламан»	«Билишни хоҳлайман»	«Билиб олдим»											
«Биламан»	«Билишни хоҳлайман»	«Билиб олдим»														
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Шеърнинг жанрини аниқланг. Тўртликларда кўтарилган мавзу ва муаммолар доирасини белгиланг. 2. <i>Ғариблик</i> сўзини «Ассоциация» усули орқали шарҳланг. Ҳозирги кундаги маъносини аниқланг. 3. Қуйидаги жадвални тўлдириш, шеърнинг таъсирчанлигини оширишда бадиий тасвир воситаларининг ролини изоҳланг. <table border="1" data-bbox="398 953 1133 1311"> <thead> <tr> <th>Тасвир воситалари</th> <th>Мисоллар</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td><i>Вазни</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td><i>Қофиядош сўзлар</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td><i>Ўхшатиш</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td><i>Сифатлаш</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td><i>Қаршилантириш</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td><i>Жонлантириш</i></td> <td> </td> </tr> </tbody> </table>	Тасвир воситалари	Мисоллар	<i>Вазни</i>		<i>Қофиядош сўзлар</i>		<i>Ўхшатиш</i>		<i>Сифатлаш</i>		<i>Қаршилантириш</i>		<i>Жонлантириш</i>	
Тасвир воситалари	Мисоллар															
<i>Вазни</i>																
<i>Қофиядош сўзлар</i>																
<i>Ўхшатиш</i>																
<i>Сифатлаш</i>																
<i>Қаршилантириш</i>																
<i>Жонлантириш</i>																
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳикматларда инсон фазилатларининг қайси томонлари улуғланади ва қадрланади? 2. «Ўргимчак уни» усули ёрдамида ифодали ўқиш мусобақасини ўтказинг. 														

ТАСАВВУФ ВА АДАБИЁТ

Ислом фалсафасига доир энг муҳим ва мураккаб ҳодисалардан бири тасаввуф сана лади. У моддий истаклардан воз кечмоқ, «мен»лик даъвосини ўзидан қувмоқ, ҳақиқат илмига боғланмоқ, Яратганга яқинлашмоқ, инсонларни яхшилиқ сари бурмоқ ғояларини илгари суради.

Илк сўфий сифатида куфалик Абу Ҳишом саналади. Муҳйиддин ибн Арабий, Фахриддин Розий, Кушайрий, Ғаззолий каби олимлар ҳам тасаввуф тараққиётида катта ўрин тутганлар. Тасаввуфда бир қатор тариқат – йўллар бўлиб, туркий халқлар орасида кенг ёйилгани XI–XII асрларда Аҳмад Яссавий ва Ҳаким Сулаймон ота бошлаб берган яссавиядир.

Тасаввуфнинг асосини дунёнинг яратилиши ҳақидаги фикр ташкил қилади. Унга кўра, ягона борлиқ (вужуди мутлақ) Аллоҳдир. Инсоннинг мақсади Аллоҳга қовушмоқ бўлмоғи лозим. Бу эса, нафсни ўлдириш ва бирор муршидга боғланиш орқали амалга ошади. Муршиднинг бошқа номи «шайх» ёхуд «пир»дир. У муриднинг кўнгил кўзини очади, гўё муриднинг дунёга янгидан келишига сабабчи бўлади. Бу орқали у ўзининг азалий содатини таъмин этган бўлади. Мурид ўзида муршид белгилаб берган сифатларни ҳосил қилиш орқалигина Аллоҳга эришиши мумкин.

Тасаввуфда инсонни камолот авжига кўтариш воситаси – илоҳий ишққа алоҳида эътибор берилади. Илоҳий ишқ «илоҳий ирода»нинг ҳоким бўлиши демакдир.

Тасаввуфда инсонни Аллоҳга олиб борадиган йўлга тариқат дейилади. Бу йўл ибодат, нафсни ўлдирмоқ ва ишқ йўли сифатида уч босқичга эга. Сулук эса, тасаввуф йўлига кирмоқ демакдир. Ўзлигида илоҳий нур жилолангани учун борлиқнинг гултожи саналган инсон илоҳий ишқнинг манбаини ташкил этади. Бу ишқ сўфийнинг фанофиллоҳ ва бақобиллоҳ даражаларига олиб чиқади. Фанофиллоҳ Аллоҳнинг борлиғи ичида йўқ бўлмоқ, бақобиллоҳ фақат Аллоҳ билан бор бўлмоқ маъноларини англатади.

Буюк олим, файласуф ва валийларнинг тасаввуф талабларига амал қилишлари, баъзи ҳукмдорларнинг турли тариқатларга киришлари тасаввуфнинг шиддат билан тарқалишига сабаб бўлди. Ҳар бир тафаккур тизими ўз адабиётини яратади. Чунки тасаввуфий ҳақиқатлар, аввало, истеъдодли ва таъсирчан кишиларга англашилар эди. Тасаввуф адабиёти бевосита ислом таъсирида майдонга келган тасаввуф ғояларининг инъикосидир. Адабиёт ёрдамида тасаввуф ғоялари, бир томондан халқ ҳаётига сингиб борган бўлса, иккинчи томондан, адабиётнинг ривожланишига сабаб бўлди. У бадий адабиётда шу қадар кенг ёйилдики, мумтоз адибларнинг бирортаси ҳам ундан холи бўла олмади.

Тасаввуф адабиётида рамзларга катта эътибор берилади. Ҳаётни жўнлаштириш, нарсаларни ўз номи билан аташ инсоннинг комиллигига ҳалақит беради деб қаралади. Оламнинг ўзи Яратганнинг рамзи бўлгани учун ҳам ҳар бир яратилган замирида яширин маъно бор деб ҳисобланилади. Мутасаввуф адиблар тасаввуфий тушунчаларнинг рамзлар силсиласини яратдилар. Унга кўра рамзли сўзлар янги ва теранроқ маънога эга бўлади ҳамда солиқнинг ҳолатини тўлароқ ва пардали ифодалашга хизмат қилади. Тасаввуф адабиётида кенг қўлланиладиган қуйидаги сўзлар берадиган рамзий маънони ўрганиб олиш, сўфиёна асарларни тушунишни осонлаштиради: «ишқ» – банданинг Аллоҳга бўлган севгиси; «ошиқ» – Аллоҳга етишмоқни истаган киши; «маъшук» – Аллоҳ; «айшишрат» – Аллоҳга яқинлик пайти; «шароб» – Аллоҳ ишқи; «қадах, коса, жом» – ошиқ қалби; «соқий» – тўғри йўл кўрсатувчи муршид; «харобот аҳли» – дарвешлар; «фақирлик» – Аллоҳдан бошқасига муҳтож бўлмаслик; «гулзор» – кўнгулнинг илоҳий муҳаббатдан яшнаши.





8



БУГУН ДАРСДА:

- асар матнига таяниб, муаммоли саволлар тузинг, мавзу ва тимсолларга ўз мустақил фикрини билдирган ҳолда батафсил далилли жавоб берамиз;
- муаллиф кўзқарашини матндан мисоллар келтириб, изоҳлаймиз;
- асар ғояси ва қаҳрамонларига нисбатан ўз фикримизни билдирамиз.



Пири муғон хизматида югруб юрдум,
Хизмат қилиб, кўзим юммай ҳозир турдум,
Мадад қилди, Азозилни қавлаб сурдум,
Ондин сўнгра қанот қоқиб учтим мано.

Ғариб, фақир, етимларни қилгин шодмон,
Ҳалқалар қилиб азиз жонинг айла қурбон,
Таом тобсанг, жонинг бирла қилгил меҳмон,
Ҳақдин эштиб бу сўзларни айдим мано.

Ғариб, фақир, етимларни ҳар ким сўрар –
Рози бўлур ул бандадин парвардигор,
Эй беҳабар, сен бир сабаб, ўзи асрор,
Ҳақ Мустафо пандин эштиб, айдим мано.

Етти ёшда Арслонбобға қилдим салом:
«Ҳақ Мустафо амонатин қилинг инъом»,
Ўшал вақтда минг бир зикрин қилдим тамом,
Нафсим ўлуб, ломаконға оштим мано.

Ҳурмо бериб, бошим силаб, назар қилди,
Бир фурсатда уқбо сари сафар қилди,
Алвидо, деб бу оламдин гузар қилди,
Мақтаб бориб, қайнаб, жўшуб-тоштим мано.

«Инно фатаҳно»но ўқуб, маъно сўрдум,
Партав солди, беҳуд бўлуб, дийдор кўрдум,

Муллом уруб, «ускут» деди, боқиб турдум,
Ёшим сочиб, музтар бўлуб турдим мано.

Аё нодон, маъно бул, деб айди, билдим,
Ондин сўнгра чўллар кезиб, ҳақни суйдум,
Рўзи қилди, Азозилни тутуб миндим,
Лангар тугуб, белин босиб янчтим мано.

Зикрин тамом қилиб, ўттум девонага,
Ҳақдин ўзга ҳеч сўзламай бегонага,
Шамъин излаб, шогирд кирдим парвонага,
Ахгар бўлуб, куюб-ёниб ўчтим мано.

Ному нишон ҳеч қолмади, ло-ло бўлдум,
Аллоҳ ёдин ойда-ойта илло бўлдум,
Холис бўлуб, мухлис бўлуб, лиллоҳ бўлдум,
«Фано филлоҳ» мақомиға оштим мано.

Суннат эрмиш, кофир бўлса, берма озор,
Кўнгли қоттиғ, дил озордин Худо безор,
Аллоҳ ҳақи, ондоғ қулға сижжин тайёр,
Донолардин эшитиб, бу сўз айдим мано.

Суннатларин маҳкам тутуб, уммат бўлдим,
Ер остига ёлғиз кириб, нурға тўлдум,
Ҳақпарастлар мақомиға маҳрам бўлдум,
Ботин тиғи бирла нафсни янчтим мано.

Нафсим мени йўлдун уруб, хор айлади,
Термултуруб халойиқға зор айлади,
Зикр айтурмай, шайтон бирла ёр айлади,
Ҳозирсен, деб нафс бошини сочтим мано.

Қул Хожа Аҳмад, ғафлат била умрунг ўтти,
Во ҳасрато, кўздин, тиздин қувват кетти,
Во вайлато, надоматни вақти етди,
Амал қилмай, карвон бўлуб кўчтим мано.





<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушунтиш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. «Муаммоли вазият»: адиб ҳикматларида қандай ҳаётни орзу қилган? 2. Асар матнига таяниб, муаммоли саволлар тузинг. 3. Мавзу ва тимсолларга ўз мустақил фикрингизни билдирган ҳолда батафсил далилли жавоб беринг. 												
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Асардаги тимсолларни шарҳланг. <table border="1" data-bbox="398 765 1117 971"> <thead> <tr> <th><i>Тимсоллар</i></th> <th><i>Асардаги шарҳ</i></th> <th><i>Шахсий фикр</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td><i>Ғариб</i></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Фақир</i></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Етим</i></td> <td></td> <td></td> </tr> </tbody> </table> 2. Муаллиф кўзқарашини матндан мисоллар келтириб, изоҳланг. 3. Парчадан адиб ҳаётининг қайси қирраларини кўриш мумкин? 	<i>Тимсоллар</i>	<i>Асардаги шарҳ</i>	<i>Шахсий фикр</i>	<i>Ғариб</i>			<i>Фақир</i>			<i>Етим</i>		
<i>Тимсоллар</i>	<i>Асардаги шарҳ</i>	<i>Шахсий фикр</i>												
<i>Ғариб</i>														
<i>Фақир</i>														
<i>Етим</i>														
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Асар ғояси ва қаҳрамонларига нисбатан ўз фикрингизни билдиринг. Фикрингизни гуруҳда асосланг. 2. Ҳикматлар поклик ва покизаликка етаклашини «5 дақиқали эссе» усули орқали исботланг. 												

Қудрат бирлан Ҳақдин сизга фармон бўлди,
Тубсиз тенгиз ичра ёлғуз туштум, дўстлар.
Ул тенгизга Ўғонизим фармон қилди,
Биҳамдиллоҳ, соғ-саломат чиқтим, дўстлар.

Ёшим етти, умрум кетти, кўкка учтум,
Бағрим тошти, ақлим шошти, ерга туштум,
Нафсу шайтон хайли бирлан кўп уруштум,
Сабру ризо мақомотин оштум, дўстлар.

Тўққузумда тугал туздум, тўқунмадум,
Ўн ёшимда ўнг ёғимга ўргулмадим,
Ўн биримда ўз нафсимга зобит бўлдум,
Фақру ризо мақомотин кечтим, дўстлар.

Ўн иккимда барча арвоҳ калом қилди,
Ҳурлар қаршу келиб, менга салом қилди,
Сир шарбатин соқий бўлуб, менга сунду,
Они олиб адаб бирлан ичтим, дўстлар.

Ўн учумда ғаввос бўлуб, дарё чўмдим,
Маърифатни гавҳарини сирдин тердим,
Шамъин кўруб парвонадек ўзум урдум,
Беҳиш бўлуб ақлим кетти, шоштим, дўстлар.

Ўн тўртумда туфроқ сифат хорлиғ торттим,
Ху-ху тею бошим бирлан тунлар қоттим,
Минг олтунлик қийматини бирга соттим,
Ондин сўнгра қанот тутуб учтим дўстлар.

Ўн бешимда даргоҳинга ёниб келдим,
Ёзуқ бирлан ҳар иш қилдим, хато қилдим,
Тавба қилиб Ҳаққа бўюн сунуб келдим,
Тавба қилиб ёзуқлардин қочтим, дўстлар.







Жабраил ваҳий келтурди ҳақ Расулға,
Оят келди, зикр этгин, деб жузву куллға,
Хизр бобом солди мени ушбу йўлға,
Ондинг сўнгра дарё бўлуб тоштим, дўстлар.



Шариатнинг бўстонида жавлон қилдим,
Тариқатнинг гулзоринда сайрон қилдим,
Ҳақиқатдин қанот тутуб тайрон қилдим,
Маърифатнинг эшигини очтим дўстлар.


«Аласт» хамрин пири муғон туё берди,
Ича бердим, миқдоримча куёберди,
Қул Хожа Аҳмад, ичим-тошим куёберди,
Толибларга дурру гавҳар сочтим, дўстлар.



<p><i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Бадий асар мазмуни, унда кўтарилган муаммони аниқланг, мулоҳаза юритган ҳолда тинглаган ва ўқиганларингизга ўз муносабатингизни билдилинг. 2. Матн юзасидан очиқ ва ёпиқ саволлар тузинг.
<p><i>Таҳлил ва талқин</i></p>	   	<ol style="list-style-type: none"> 1. «Девони ҳикмат»ни «Адабий давра» усули бўйича таҳлил қилинг. <ol style="list-style-type: none"> а) таҳлил қилиш – ҳикматлар мазмуни бўйича 5 та савол тузинг; в) аниқлаш – ҳикматларнинг қайси банди энг муҳим эканлигини далилланг; с) боғлаш – мазмунни ҳаёт билан боғланг; д) хулосалаш – асарда кўтарилган масалаларни яқунланг. 2. Асарда кўп учрайдиган сўзларни топинг ва уларни изоҳланг. 3. Ҳикматларни ёд олинг.



1. Мутасаввуф шоир ҳикматларини «Оқилнинг 6 қалпоғи» усули орқали баҳоланг.



ҲИҚМАТЛАР

Мумтоз адабиётда муайян тартиб-қоида асосида (масалан, шеърлар унда жанрлар ва алифбо тартиби билан жойлаштирилади) тузилган, шеърятнинг ғазал, рубоий, туюқ каби хилма-хил турларини қамраб олган тўпلامга девон дейилади. Лекин «Девони ҳикмат»да бунга тўлиқ амал қилинган эмас. Шунинг учун бу ерда девон атамаси шеърӣ тўпلام маъносида ишлатилган.

Ҳикмат сўзи, аввал айтилганидек, Қуръони карим оятларида Пайғамбаримизнинг ҳақ йўлини кўрсатувчи ваъзлари маъносида қўлланилган. Луғатларда эса, унга илм ва адолат бирлигини кўзда тутувчи ҳақиқатларнинг маърифати; одат ва ахлоққа оид махсус сўз; инсоннинг ҳақиқатни билиб, хайрли ишлар қилмоғи; сирли, яширин сабаб; нарсанинг ич ва таши (сурати ва сийрати) ҳолидан баҳс этувчи илм; ақл ва ҳаракатлардаги уйғунлик; Тангри ҳақиқатини ифода этган диний-тасаввуфӣ хос сўз тарзида таърифлаб берилади. Қисқача қилиб, ҳикматни «диний-тасаввуфӣ йўналишга эга маънодор сўз» дейиш мумкин. Ҳикматлар Х асрдан буён тасаввуфга доир китобларда ишлатилиб келади. Дастлаб, улар қора (насрий) сўз шаклида қўлланилган, сўнграқ кенг оммага қулайроқ етиб бориши кўзда тутилиб, шеърга солиб айтилган.

Ҳазрати Яссавий ҳикматларнинг умумий сони ҳозирча 250 атрофида. Уларнинг миқдори анча кўп бўлиши ҳам мумкин. Негаки, шеърларининг бирида Аҳмад Яссавийнинг 4400 ҳикмат айтганига ишора қилинади.



1. Қайси адиб Яссавийни «Пири Туркистоний» деб атаган?
 - А) Навоий
 - Б) Бобур
 - В) Боқирғоний
 - Г) Фаридуддин Аттор

2. Қайси адиб Яссавийни «Шайхул машойих» деб таърифлайди?
 - А) Навоий
 - Б) Хизр ибн Илѐс
 - В) Авлиѐ Чалабий
 - Г) Аттор

3. Ривоятларга кўра, Аҳмад Яссавийга болалигида Арслонбоб деган шайх унга Муҳаммад пайғамбарнинг омонатини топширади. Ушбу омонат нима эди?
 - А) анор
 - Б) анжир
 - В) хурмо
 - Г) узум

4. *Ялдо кечасини шами шабистон этган,
Бир лаҳзада оламни гулистон этган,
Бир мушқил ишим тушубдир, осон этгин,
Эй, барчани мушқулин осон этгин.*
Амир Темур «Анқара жанги» олдидан ушбу тўртликни неча марта так-
рорлаган эди?
 - А) 68
 - Б) 73
 - В) 70
 - Г) 69

5. Яссавий қандай таълимот асосчиси саналади?
 - А) Нақшбандия
 - Б) Зоҳидлик
 - В) Яссавия
 - Г) Ава Б

6. Яссавий 63 ёшида ер остига узлатга чекинади. Адиб бунинг сабабини нима билан изоҳлайди?
- А) нафсни даволаш
 - Б) ер юзида нодонлар кўплиги
 - В) пайғамбардан ортиқ яшамаслик
 - Г) Б ва С
7. Қадим шарқ фалсафасига кўра инсон нималардан яратилган?
- А) ҳаво, яхшилик, нафс
 - Б) шамол, ақл, олов
 - В) тупроқ, сув, шамол
 - Д) яхшилик, шамол, нафс
8. Яссавий ҳикматларида тупроқ ниманинг рамзи ҳисобланади?
- А) нафс, кибр
 - Б) қувонч, ғайрат
 - В) сабр-тоқат
 - Г) ақл, илм
9. *«Илмсиз тирик ўликдир,
Ўзи ҳаёт бўлса ҳам
Номи ўликдир».*
Ушбу ҳикмат муаллифини аниқланг.
- А) Яссавий
 - Б) Бухорий
 - В) Аҳмад Югнакий
 - Г) Кошғарий
10. Яссавийнинг илк устози ким эди?
- А) Сулаймон Бухорий
 - Б) Арслонбоб
 - В) Ҳасан Андоқий
 - Г) Ғиждувоний
11. Қайси шаҳар «Мадинат ул-байзо» номи билан машҳур бўлган?
- А) Кошғар
 - Б) Бухоро
 - В) Самарқанд
 - Г) Сайрам

12. Туркий халқлар орасидан етишиб чиққан биринчи сўфий, тасаввуфнинг буюк вакилини аниқланг.

- А) Аҳмад Югнакий
- Б) Алишер Навоий
- В) Яссавий
- Г) Юсуф Хос Ҳожиб

13. Тасаввуфда соим деб кимни аташади?

- А) йил бўйи рўза тутувчи кишини
- Б) аллоҳ йўлида жон берган кишини
- В) закот берувчини
- Г) А ва Б

14. Тариқат сўзининг луғавий маъносини аниқланг.

- А) йўл, усул
- Б) чизик, чегара
- В) устоз, пир
- Г) умид, ишонч

15. Ҳикмат бу ...

- А) Қуръони карим оятларида пайғамбаримизнинг ҳақ йўлни кўрсатувчи ваъзалари
- Б) мзм ва адолат маъноларини бидирувчи сўз
- В) диний ўзига хос сўз
- Г) барча жавоблар тўғри

16. Яссавий ҳикматлари, асосан, қайси вазнда ёзилган?

- А) аруз
- Б) бармоқ
- В) арузнинг мутоқориб баҳрида
- Г) сарбаст

17. Тасаввуф адабиётида марказий тушунча бу...

- А) ёр
- Б) ишқ
- В) дин
- Г) бода

18. Илк сўфийни аниқланг.

- А) Кушайний
- Б) Фахриддин Розий
- В) Ғаззолий
- Г) Куфалик Абу Хишом



БУГУН ДАРСДА:

- шоир ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотга эга бўламиз;
- бадий асар мазмуни, унда кўтарилган муаммони аниқлаймиз, мулоҳаза юритиб, ўқиган ва тинглаганларимизга муносабат билдирамиз;
- асар қаҳрамонларини уларнинг тимсоллар тизимидаги роли ва аҳамиятини аниқлаган ҳолда тавсифлаймиз.



САККОКИЙ

(XIV аср охири — XV аср ўртаси)

Зар қадрин зареар билар

«Мавлоно Саккокий Мовароуннаҳрдиндур. Самарқанд аҳли анга кўп муътақиддурлар ва бағоят таърифин қилурлар...

Бу матлаъни анга иснод қилурларким:
Не нозу бу, не шевадур, эй жоду кўзлук шўхшанг,
Кабки дарий товусда йўқ албатта бу рафтору ранг».

Алишер Навоий
«Мажолисун нафоис»дан

XV асрнинг туркий адабиётида ёрқин из қолдирган, бетакрор ғазаллар ва қасидалар яратган етук истеъдод эгаси, лирик шоирлардан бири Саккокийдир.

Саккокийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида бизгача жуда кам маълумот етиб келган. Унинг таржимаи ҳоли тўғрисида ўзининг девони ва Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» ва «Хутбаи давовин» асарларидан баъзи бир маълумотларни билиб олишимиз мумкин. Бундан ташқари, шоир Яқинийнинг «Ўқ ва ёй» асарида Саккокий турк (ўзбек) шоирларининг мужтаҳили (ғайратлиси) деб таърифланиши, унинг ўз замонасининг забардаст шоирларидан бири эканлигини билдиради. Саккокий мовароуннаҳрлик бўлиб, у Темурийлар салтанатининг пойтахти Самарқандда умргузаронлик қилиб ижод этган.

Саккокий – шоирнинг таҳаллуси, унинг асл исми маълум эмас. «Саккок» (пичоқчи) сўзидан, шоир ҳунарманд оилада туғилган деган фикрни тахмин қилиш мумкин. Саккокий XIV асрнинг иккинчи ярмида ёки XIV

асрнинг охирги чорагида туғилганини эса ҳижрий 810 (1407–1408) йилда Амир Темурнинг набираси Ҳалил Султонга бағишлаган қасидасидаги:

*Тарихқа саккиз юз доғи ўн эрдию қадр ахшоми,
Бир ой тугулди дунёда ким мамлакатда хон эрур –*

мисрасидан тахминан билиб олиш мумкин. Чунки шоир бу қасидасини анча ижодий тажрибага эга бўлгандан кейин, тахминан, 30 ёшларида ёзган бўлиши керак.

Саккокий ижодининг гуллаган даври Улуғбек ҳукмронлик қилган даврларга (1409–1449) тўғри келади. Тарихдан маълумки, буюк мунажжим ва етук давлат арбоби Мирзо Улуғбек маърифатпарвар подшоҳ бўлиш билан бирга илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлининг ҳомийси ҳам эди. Ана шу фикрдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Саккокий Улуғбекдан паноҳ топган алломалар сирасига кириб, унинг ижодий фаолияти одил подшоҳ билан боғлиқдир. Саккокий ўз ҳомийсига атаб қасида битади, Улуғбекни кўкларга кўтариб мақтайди, унинг душманларига қарши ўз сўзлари билан зарба беради. Шоир Улуғбекка баҳо берар экан, шундай маърифатпарвар подшоҳ билан замондош бўлганидан фахр ҳиссини туяди.

Саккокий ўз девонида Мирзо Улуғбек, Ҳалил Султондан ташқари, Хожа Муҳаммад Порсога, Арслонхўжа Тархонга ҳам қасидалар битган. Бу қасидалардан ташқари девонга бир қатор лирик ғазаллар ҳам киритилганки, бу ғазалларнинг кўпчилиги бизгача етиб келмаган. Саккокийнинг ўзи тузган девонининг бир неча қўлёзма нусхалари маълум бўлса-да, бу нусхаларнинг бирортаси ҳам тўла ва мукамал нусха эмас.

Саккокий XV аср ўрталарида вафот этганлигини Навоийнинг Самарқандда бўлган йилларида (1465–1469) Саккокий мухлислари билан учрашгани ва суҳбатлашгани билан изоҳлаш мумкин. Нимагаки, Саккокий бу даврда ҳаёт бўлмаган, агар ҳаёт бўлганида Навоий билан учрашган бўларди.

Саккокийнинг қасидачилик борасидаги маҳоратини назарда тутадиган бўлсак, шак-шубҳасиз, уни ўзбек қасидачилигига асос солган десак, янглишмаймиз. У буюк шоир Лутфий билан беллаша оладиган шоир даражасида бўлган. Бу ҳақда Алишер Навоий ўзининг асарида шундай жумлаларни келтиради: «Уйғур иборати Фусахосиндин ва туркий алфозининг булағосиндин Мавлоно Саккокий ҳам Лутфийларким, бирининг ширин абётининг иштиҳори Туркистонда бағоят ва бирининг латиф ғазалиётининг интишори Ироқ ва Хуросонда бениҳоятдурур ва девонлари мавжуд бўлгай». Бундан кўринадики, Саккокий Туркистон, яъни Мовароуннаҳрдаги ижоди билан жуда катта обрўга эга бўлганки, унинг гўзал қасида-

лари, севгини васф этувчи бетакрор ғазаллари Самарқанд илм аҳлининг кўнглидан мустаҳкам жой олган.

Саккокий лирикасининг асосий мавзуси кўпгина шоирларникидек, асо-сан, севги-муҳаббатни шарафлашдан иборат. У инсонни инсонга бўлган муҳаббатини куйларкан, севгини ҳаётга, унинг завқ-шавқи, табиат манза-раси ва инсоний эзгу хислатларга бўлган меҳр-муҳаббат билан узвий ҳо-латда тараннум этади. У ўз шеърларининг маъно ва шаклига катта эъти-бор берган, ғазалларида замондошлари каби ажойиб сўз ўйинларидан уста-лик билан фойдаланган.

Саккокий ғазалларида келтирилган кўпгина бадий тасвирлар ва ўх-шатмаларни Алишер Навоий, Бобур ва бошқа шоирларнинг ғазалларида ҳам учратиш мумкин.

Шундай қилиб, ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, Мавлоно Сак-кокий ажойиб лирик шеърлар ва бетакрор қасидалар ижод этган ҳамда ўзбек мумтоз адабиётининг равнақ топиб, гуллаб-яшнашига маълум ҳисса қўшган буюк шоирлардан бири сифатида тарихда муҳрланди.

ҒАЗАЛЛАР

Ким эрмас ул ой мубталоси,
Ёлғуз менга йўқ анинг балоси.

Тушти бу заиф жонимға дарди,
Ўлмақтин изин йўқ ул давоси.

Бергуси ғариб бошимни елга,
Рухсора-у зулфининг ҳавоси.

Ким кўрса анинг кўзини айтур:
Не турфа эрур бу турк балоси?








Туркона ир ирлагунча онинг,
Куйдурди мени ялай-булоси.

Ойна сенинг юзинг кўрубон,
Лоф урса, юзунда йўқ сафоси.

Дарду, ғаму, ранжу мену ўлмоқ
Саккокийга бўлди жон ғизоси.





<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. Шоир ҳақида берилган матн мазмунини қайта ҳикоя қилинг. 2. Ҳазалда қандай ҳис-туйғулар тасвири берилган? 3. Маъшуқа тимсолининг тасвири қайси мисраларда яққол тасвирланган? 																
<p>Таҳлил ва таълқин</p>	   	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳазални насрий йўл билан ёзинг ва таҳлил қилинг. 2. Қандай шеърий санъатлар қўлланганлигини аниқланг. <table border="1" data-bbox="440 631 1177 734"> <tr> <td><i>Мисра</i></td> <td><i>Шеърий санъат</i></td> <td><i>Шарҳи</i></td> </tr> <tr> <td> </td> <td> </td> <td> </td> </tr> </table> <ol style="list-style-type: none"> 3. Шоир асарда туркий қўшиқларнинг қайси хусусиятларидан унумли фойдаланган? 4. Ойна билан қизнинг чиройи орасида қандай ўхшашлик бор? «Т-жадвал» усулидан фойдаланинг. <table border="1" data-bbox="440 939 1177 1195"> <tr> <td><i>Ойна</i></td> <td><i>Қизнинг чиройи</i></td> </tr> <tr> <td><i>Ижобий жиҳатлари</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td><i>Салбий жиҳатлари</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td><i>Ижобий жиҳатлари</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td><i>Салбий жиҳатлари</i></td> <td> </td> </tr> </table>	<i>Мисра</i>	<i>Шеърий санъат</i>	<i>Шарҳи</i>				<i>Ойна</i>	<i>Қизнинг чиройи</i>	<i>Ижобий жиҳатлари</i>		<i>Салбий жиҳатлари</i>		<i>Ижобий жиҳатлари</i>		<i>Салбий жиҳатлари</i>	
<i>Мисра</i>	<i>Шеърий санъат</i>	<i>Шарҳи</i>																
<i>Ойна</i>	<i>Қизнинг чиройи</i>																	
<i>Ижобий жиҳатлари</i>																		
<i>Салбий жиҳатлари</i>																		
<i>Ижобий жиҳатлари</i>																		
<i>Салбий жиҳатлари</i>																		
<p>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳазал устида тадқиқот иши юритинг. Хулосаланг. <table border="1" data-bbox="440 1255 1190 1503"> <tr> <td>1-гурӯх</td> <td><i>Матннинг асосий ғоясини топинг</i></td> </tr> <tr> <td>2-гурӯх</td> <td><i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i></td> </tr> <tr> <td>3-гурӯх</td> <td><i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i></td> </tr> <tr> <td>4-гурӯх</td> <td><i>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</i></td> </tr> <tr> <td>5-гурӯх</td> <td><i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i></td> </tr> </table>	1-гурӯх	<i>Матннинг асосий ғоясини топинг</i>	2-гурӯх	<i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i>	3-гурӯх	<i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i>	4-гурӯх	<i>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</i>	5-гурӯх	<i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i>						
1-гурӯх	<i>Матннинг асосий ғоясини топинг</i>																	
2-гурӯх	<i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i>																	
3-гурӯх	<i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i>																	
4-гурӯх	<i>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</i>																	
5-гурӯх	<i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i>																	

БУГУН ДАРСДА:

- қасида ҳақида маълумотга эга бўламиз;
- бадий асар мазмуни, унда кўтарилган муаммони аниқлаймиз, мулоҳаза юритиб, ўқиган ва тинглаганларимизга муносабат билдирамиз;
- асар қаҳрамонларини уларнинг тимсоллар тизимидаги роли ва аҳамиятини аниқлаган ҳолда тавсифлаймиз.



Эй гул, юзингга ҳуру пари бандайи жони,
Толтек бўюнг озоди эрур сарви равони.

Хўблар сони йўқ Чину Хитой, Хўтан ичра,
Етмас санга лекин тилаган дунёда соний.

Ул тишингу эрнингни кўриб бир куларингда,
Бу икки кўзум лаълу гуҳар баҳри-ю кони.

Юзингни қилур тоза кўзум ёшию оҳим,
Гул тоза бўлур топса вале обу ҳавони.

Ушшоқ қонин тўккали эл¹га қилич олсанг,
Ким илгару тутмас бўюн – ўз бўйнина қони.







Ойдур сенинг олингда бу кун бир ҳабаший қул,
Тонса юзида зоҳир ўлур доғ нишони.

Он дерлар эмиш кўрклу кишилар намакинга,
Саккокий сенинг юзунга боқса кўрар они.



¹ Эл – қўл.



<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Матнни овоз чиқариб, ифодали ўқинг. 2. Матннинг насрий баёини оғзаки ҳикоя қилинг. 3. Ҳазалда тилга олинган Чину Хитой, Хўтан жой номлари нимадан далолат беради? Ана шу жойларни ҳозирги жаҳон харитасидан топишга ҳаракат қилинг. 														
<p>Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Асар вазни, жанри, қандай шеърий санъатлар қўлланилганини топинг. Жадвални тўлдилинг. <table border="1" data-bbox="442 724 1179 1072"> <tr> <td><i>Жанри</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Вазни</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Қофиядош сўзлар</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Ташбеҳ</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Тавсиф ва сифатлаш</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Тазод</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Ташҳис</i></td> <td></td> </tr> </table> 2. Асардаги тимсолларга тавсиф беринг. Қаҳрамонлар орқали шоир қандай фикрни илгари сурмоқда? 	<i>Жанри</i>		<i>Вазни</i>		<i>Қофиядош сўзлар</i>		<i>Ташбеҳ</i>		<i>Тавсиф ва сифатлаш</i>		<i>Тазод</i>		<i>Ташҳис</i>	
<i>Жанри</i>																
<i>Вазни</i>																
<i>Қофиядош сўзлар</i>																
<i>Ташбеҳ</i>																
<i>Тавсиф ва сифатлаш</i>																
<i>Тазод</i>																
<i>Ташҳис</i>																
<p>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳазалнинг бадиий қиймати нимада деб ўйлайсиз? Фикрингизни «5 дақиқали эссе» усули орқали далиллаб ёзинг. 														



Бўюнгтек бутмади бўстон аро сарви равон, эй жон,
Юзунгтек ҳам очилмади чаманда гулистон, эй жон.

Ўқунгузнунг бошоқинга кўнгул муштоқ, кўз ошиқ,
Булар толашмоқин бўлди ул икки ора қон, эй жон.

Агар Рум аҳлина зулфунг ҳабашнинг лашкарин солса,
Кўнгул илгинда ул соат топилмас ҳеч амон, эй жон.

Сенинг лаълингдин уфтониб қизорур лаъл қон ичра,
Ҳасад элтур менинг юзум кўрибон заъфарон, эй жон.

Юзунг давринда кўзларим гаҳи лаълу, гаҳи лўлу,
Чиқорур кўрса бу санъат, уёлур баҳри қон, эй жон.

Фалак Саккокийга букун қулунмен дер, жиҳат зоҳир,
Тун ахшом итларинг бирла ўтурмуш бир замон, эй жон.



<p><i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. «Ақлий ҳужум»: асарда берилган «эй жон» кимга қарата айтилган?2. Ҳазалда қандай ғоя илгари сурилган? Фикрингизни исботланг.3. Нотаниш сўзларга эътибор беринг, мазмунини устозингиз ёрдамида топинг.						
<p><i>Таҳлил ва талқин</i></p>	  	<ol style="list-style-type: none">1. Шоирнинг ишқ дардидаги ҳолати тасвирланган байтларни изоҳланг.2. Ҳазалда шеърий санъатнинг қўлланилишига эътибор беринг. Қайси шеърий восита устозлик қилади? Далиллар келтиринг. <table border="1" data-bbox="427 1038 1185 1163"><thead><tr><th>Шеърий санъатлар</th><th>Мисоллар</th></tr></thead><tbody><tr><td>Ташбеҳ...</td><td></td></tr><tr><td></td><td></td></tr></tbody></table>	Шеърий санъатлар	Мисоллар	Ташбеҳ...			
Шеърий санъатлар	Мисоллар							
Ташбеҳ...								
<p><i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Саккокий шеъриятининг замондош шоирлар ижодидан фарқи ва ўхшаш томонларини Венн диаграммаси орқали аниқланг.						

БУГУН ДАРСДА:

- қасида ҳақида маълумотга эга бўламиз;
- бадий асар мазмуни, унда кўтарилган муаммони аниқлаймиз, мулоҳаза юритиб, ўқиган ва тинглаганларимизга муносабат билдирамиз;
- асар қаҳрамонларини уларнинг тимсоллар тизимидаги роли ва аҳамиятини аниқлаган ҳолда тавсифлаймиз.



МИРЗО УЛУҒБЕК МАДҲИ (қасида)

Жаҳондин кетти ташвишу мабодойи амон келди,
Халойиқ, айш этинг, бу кун сурури жовидон келди.

Тан эрди бу улус барча анингтек жони бор ё йўқ,
Биҳамдиллаҳ ўғон фазли била ул танга жон келди.

Бу мавкиб гарди сурмоси топилмас эрди бериб жон,
Кўрунг кўз бирла ҳақ сунинким ўш хуш ройгон келди.

Аламтек барча бекларнинг боши кўкка керак текса,
Ким онлар такъя қилғоли бу қутлуғ остон келди.


Жаҳондин Аҳраман кетиб мусаххар бўлғой инсу жон,
Ким ўш тахтини ел кўтруб Сулаймони замон келди.

Бойинди тахтининг қадри, ўзунг тож кўкка тошлоди,
Адолат боғи сабз ўлди, чу Нўширавон келди.

Керак жон булбули тун-кун наводин тинмаса бир дам,
Чу дўстлариға хуррам ёз, адуларға хазон келди.

Раият қўй эрур, султон анга шўбону ё бўри,
Бўри ўлғо-ю қўй тинғой, чу Мусотек шубон келди.

Бу кундин сўнгра кўп тинғой раиятлар риоятдин,
Улус ҳаққида минг турла атодин меҳрибон келди.



Кўнгуллар бўлди хуш равшан кўруб қолмади бир зарра,
Қоронғулик кетиб, ҳоли чу хуршиди замон келди.

Севунсун хисрави олий гуҳар султон Улуғбекким,
Шаҳаншоҳ Шохруҳбектек шаҳи хисрав нишон келди.

Бу шаҳнинг лашкари қайси вилоят сори азм этса,
Фалакдин ҳар замон ул дам нидойи «ал-амон» келди.

Булар элга қилич – найза олиб ҳайжога кирганда,
Ҳеч иш келмоди аъдодин магар оҳу фиғон келди.

Бу лашкар етканин кўрсанг ясоб аъдонинг устига,
Соғинғойсен черик эрмас магар гурзу синон келди.

Шаҳаншоҳо, сенинг отинг шаҳи кишваркушо эрди,
Ол эмди дунёни кўктин, лақаб гетиситон келди.

Тавару қўй бикин душман, кўруб бахтинг қавийсини,
Ўз илгин боғлаб олингға, заифу нотавон келди.

Кириб тулку бикин душман, инида ўлгай очлиқдин,
Не қилсун устина ҳайбат била шери жаён келди.

Қуруқ савдо пишурди-ю, вале хом этти ишларин,
Охир кўргул бу савдодин, бошиға не зиён келди.

Аё шоҳо, малак сийрат сенинг васфинг сўзи ичра,
Ўқийин эмди олингда яна бир дoston келди.

Эшигинг тупроқи мажруҳ бўлгон жону танларға,
Шифолиқ марҳами бўлди, бисоти парниён келди.

Неким Нўширавон адл иши ичра қилди тақсирин,
Қамуғинға анинг бир-бир, шариф зоти замон келди.

Салотин дунёда кўп келди-ю, кечти сенингтек бир,
Фалакнинг гар тили бўлса айтсунким, қачон келди.



Малактек зухд-у тоатда ишингни мунтахо қилдинг,
Бу ишдин ложарам сидра сенга адно макон келди.

Қачон Кайвон бикин онлар сарой-у тоқи олийға,
Тилоса посбонлиқни, шаҳи Ҳиндустон келди.

Сенинг базмингда келтуруб, эшикка Зухрани гардун,
Деди танда эдинг адно, канизак мадҳхон келди.

Гадолар ройгон топғой зарурий моли Қорунни,
Яди байзо бикин илгинг, жаҳонға зарфишон келди.

Улусқа тўй берур бўлсанг, қўюб олтин кумуш гирда,
Мурассаъминжулар бирла, фалактин икки хон келди.

Қилич яшнатсанг урушта, анинг кай шуъласин душман,
Кўруб айтур: Қамуғ, ҳай-ҳай, қочинг, барқи ёмон келди.

Ўқунгни кўрса саҳмингдин сўнгугтек титрар аъзоси,
Дегай аъдоким ўш жонға, балойи ногаҳон келди.

Кишиким қаҳрингга учрар, шақоват бирла ул борди,
Вале лутфингни топғонға, саодатдин нишон келди.

Шаҳо, лутфунгни топқом деб дуочи банда Саккокий,
Белин жони била боғлаб, бу хизматга равон келди.

Эрурман хонадонингнинг кўнгул бирла дуочиси
Менга бурҳон тилосалар, сўзум худ чин аён келди.

Мамолик назми-ю, диннинг қуруғидур шариф зотинг,
Набитек шаръий ишингда, замиринг хурдадон келди.

Жаҳонда қарнлар тирик бўлуб иззат била турғил,
Азал вақтида чун отинг, шаҳи соҳибқирон келди.





<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушунин ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> Қасида жанри ҳақида қандай маълумотга эгасиз? Бошқа халқ адабиётида шунга ўхшаш жанрдаги асарлар борми? Кичкина тадқиқот ишини ўтказинг. Берилган асар кимга бағишланган ва қандай муносабат билан ёзилган? 												
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> «Севунсун хисрави олий гуҳар султон Улугбекким, Шаҳаншоҳ Шохруҳбектеки шаҳи хисрав нишон келди» байтидаги ҳукмронликларнинг ўзаро муносабатини тушунтиринг. «SWOT» усули орқали асар мазмунини таҳлил қилинг ҳамда жадвални тўлдириг. <table border="1" data-bbox="442 821 1185 1021"> <tr> <td>S</td> <td>Кучли жиҳатлари</td> <td></td> </tr> <tr> <td>W</td> <td>Заиф жиҳатлари</td> <td></td> </tr> <tr> <td>O</td> <td>Имкониятларни чамалаш</td> <td></td> </tr> <tr> <td>T</td> <td>Ташқи омиллар таъсирини аниқлаш</td> <td></td> </tr> </table> 	S	Кучли жиҳатлари		W	Заиф жиҳатлари		O	Имкониятларни чамалаш		T	Ташқи омиллар таъсирини аниқлаш	
S	Кучли жиҳатлари													
W	Заиф жиҳатлари													
O	Имкониятларни чамалаш													
T	Ташқи омиллар таъсирини аниқлаш													
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	   	<ol style="list-style-type: none"> Асардаги тарихий ҳақиқат ҳамда бадиий тўқима жиҳатларини «Т-жадвал» усули орқали муҳокама қилинг. <table border="1" data-bbox="442 1151 1181 1299"> <tr> <td colspan="2">Тарихий ҳақиқат</td> <td colspan="2">Бадиий тўқима</td> </tr> <tr> <td>Фарқи</td> <td>Ўхшашлиги</td> <td>Фарқи</td> <td>Ўхшашлиги</td> </tr> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table> Шеърдаги ифодани кучайтириш борасида адиб қандай янгиликлар киритди? Қасида жанри ҳақида ўрганган маълумотларингизни синфга тақдим этинг. 	Тарихий ҳақиқат		Бадиий тўқима		Фарқи	Ўхшашлиги	Фарқи	Ўхшашлиги				
Тарихий ҳақиқат		Бадиий тўқима												
Фарқи	Ўхшашлиги	Фарқи	Ўхшашлиги											

ҚАСИДА

Қасида мумтоз шеъриятимизнинг асосий жанрларидан бири бўлиб, ният, интилиш маъноларини берадиган арабча «қасд» сўзидан олинган. Адабий атама сифатида бирор тарихий воқеа ёки шахс тантанали услубда мақталган, васф этилган асарни англатади.

Ўзбек адабиётида бу жанрнинг пайдо бўлиши қадим туркий халқ оғзаки ижодига бориб боғланади. Унинг «қўнуғ» деб аталган дастлабки намуналарини Маҳмуд Қошғарий «Девону луғотит турк»да келтирган эди. Унинг шаклланиб, шеъриятимизда мустақил, тўлақонли жанрга айланишида араб ва форс қасидачилиги муҳим ўрин тутган.

Қасидалар қуйидаги мавзу йўналишларига бўлинади:

1. Васф қасидалар.
2. Мадҳ қасидалар.
3. Марсия қасидалар.
4. Ҳажв қасидалар.
5. Муножот қасидалар.
6. Фалсафий қасидалар.

Қасидалар тузилишига кўра **тўлиқ** қасидалар ва **чала** (мужаррад) қасидалар тарзида икки хил кўринишга эга бўлади. Тўлиқ қасидалар насиб, мадҳ, гуризгоҳ, мадҳ, қасд сингари махсус қисмлардан ташкил топади. Чала қасидаларда булар тўлиқ бўлмаслиги мумкин. Қасидаларнинг ҳажми чегараланмаган. Мумтоз адабиётимиз тарихида ўн икки байтдан бир неча юз байтгача бўлган қасидалар учрайди.



1. Саккокийнинг қасидалари қайси тарихий шахсларга бағишланган?
 - А) Халил Султон, Хўжа Муҳаммад Порсо
 - Б) Арслонхўжа Тархон
 - В) Мирзо Улуғбек
 - Г) Халил Султон, Арслонхўжа Тархон, Хўжа Муҳаммад Порсо, Мирзо Улуғбек

2. Мумтоз шеъриятимизга алоҳида олинган инсон руҳияти тасвирини кирита билган шоиримиз қайси қаторда берилган?
 - А) Лутфий
 - Б) Саккокий
 - В) А.Навоий
 - Г) Атойи

3. Ким ўз ғазалида қизнинг гўзаллиги, тиниқлиги, покизалиги шунчаликки, у қўлини сувда ювиб тозаламайди, балки қўлини ювиб сувни поклайди деб айтади?
 - А) Лутфий
 - Б) Саккокий
 - В) Рабғузий
 - Г) Атойи

4. *«Юзунгни қилур тоза кўзимнинг ёшию оҳим,
Гул тоза бўлур топса, баса обу ҳавони»* сатрлари қайси ғазалдан олинган?
 - А) «Эй гул, юзингга ҳуру пари...»
 - Б) «Гул гунча бўлар кўрса юзини...»
 - В) «Кўз юзни юзинг шавқида...»
 - Г) «Гултек юз узра зулфунг...»

5. Саккокийга замондош шоирни топинг.
 - А) Дурбек, Атойи
 - Б) Ю.Х.Ҳожиб, М.Қошғарий
 - В) Хоразмий, Лутфий
 - Г) А.Югнакий, М.Солиҳ

6. Саккокийнинг бизгача қанча мероси етиб келган?
А) девон, 175 та ғазал
Б) 11 та қасида, 40 та ғазал
В) 11 та қасида, 4 та ғазал
Г) 15 та қасида 10 та ғазал
7. Саккокий ғазалларининг бош мавзусини аниқланг.
А) гўзаллик
Б) инсонпарварлик
В) муҳаббат
Г) А ва Б
8. Ўзбек адабиётидаги илк қасида ёзган шоирни аниқланг.
А) Саккокий
Б) Лутфий
В) Атойи
Г) Сайфи Саройи
9. *Кўзим ёшига назар қил, кўнгул бўлур равшан
Эй сарвиноз, оқар сувга қилса наззора. Ушбу байтда қўлланган бадий
санъатни аниқланг.*
А) тажнис
Б) ирсоли масал
В) тазод
Г) иштиқоқ
10. Мумтоз шеърятимизда қош нималарга менгзатилади?
1) ой; 2) камон 3) ҳилол; 4) найза; 5) сарв; 6) қилич;
А) 2, 3, 6
Б) 1, 2, 5
В) 3, 4,
Г) 1, 2, 3
11. «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида «Самарқанд аҳли анга кўп муъ-
тақиддурлар (эътиқод қўйганлар) ва бағоят таърифини қилур-
лар», – деб кимга таъриф берилган?
А) Навоий
Б) Саккокий

- В) Ҳайдар Хоразмий
- Г) Лутфий

12. Қасидалар мавзу йўналишига кўра қандай турларга бўлинади?

- А) васф, мадҳ, марсия, ҳажв, муножот, фалсафий
- Б) васф, мадҳ, марсия, ҳажв
- В) лирик, муножот, фалсафий
- Г) тўғри жавоб йўқ

13. Қасидалар тузилишига кўра қандай турларга бўлинади?

- А) васф ва мадҳ қасидалари
- Б) тўлиқ ва муфассал
- В) тўлиқ ва чала (муҷарад)
- Г) насиб, қасд ва фалсафий

**14. «Фалак, йиллар керак сайр этсаю келтирса илкига,
Менингдек шоири турку сенингдек шоҳи доноси...»
Ушбу мисраларини Саккокий кимга атаб ёзган?**

- А) Мирзо Улуғбек
- Б) А.Навоий
- В) Ҳусайн Байқаро
- Г) Амир Темур

15. «Уйгур иборати фусаҳосиндин ва туркий алфозининг булагосиндин мавлоно Саккокий ҳам Лутфийларким бирининг ширин абётининг ифтихори Туркистонда бағоят ва бирининг латиф газалиётининг интишори Ироқ ва Хуросонда бениҳоятдурур ва девонлари мавжуд бўлгай» сатрлари кимнинг қаламига мансуб.

- А) А.Навоий
- Б) Жомий
- В) Улуғбек
- Г) Атоий

16. Бирон шахс, воқеа, нарсани мадҳ этишга бағишланган асар қандай жанрга мансуб деб саналади?

- А) Ҳазал
- Б) Қитъа
- В) Муҳаммас
- Г) Қасида



БУГУН ДАРСДА:

- матн мазмунини қайта ҳикоя қиламиз, ўқиганларимизга муносабат билдирамиз;
- асар ғояси, қаҳрамон тимсолини очишда композиция ролини аниқлаймиз, тушунтирамиз;
- асарнинг умумий ва ўзига хос белгиларини тушунтирамиз, китобхонга ҳиссий таъсир этиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўзбек ва жаҳон адабиётининг асарлари(ёки парчалари)ни қиёслаймиз.



АТОЙИ (XV аср)

Зар қабрин зарғар билар

«Мавлоно Атоий Балхда бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидиндур, дарвешваи ва хушхулқ, мунбасит (очиқ чеҳрали) киши эрди. Ўз замонида шеъри атрок (туркий тилда сўзловчилар) орасида кўп шуҳрат тутти».

*Алишер Навоий
«Мажолис ун-нафоис»дан*

XV асрнинг машҳур шоирларидан, Яссавий авлодидан бўлмиш, Алишер Навоийгача бўлган туркий адабиётнинг истеъдодли вакилларидан бири Атоийдир. У Самарқанд, Бухоро ва Балхда яшаган, туркий, форс ва араб адабиётларини чуқур ўрганган ҳамдатуркий ва форс тилларида ижод қилган.

Навоий «Насойим ул-маҳабба мин шамоим илфутувва» («Муҳаббат шабадалари») асарида Исмоил ота Аҳмад Яссавийнинг иниси Иброҳим отанинг ўғли эканини айтади. Атоийи девонининг муқовасида ва қўлёзманинг охирида «Девони Шайхзода Атоийи» деб қайд этилиши ҳам Атоийини шайхлар оиласидан келиб чиққан дейишга асос беради. Навоийнинг хабар беришича, Атоийи Улуғбек саройи шоирлари орасида ҳам бўлган.

Атоийи ғазалнавис – лирик шоир. Унинг ғазалларида муҳаббат мавзуи билан бир қаторда май ҳам куйланади. Майда ҳаёт завқи, унинг барча гўзалликлари ва лаззатлари васф этилади. Май Атоийида Умар Хайём рубоийлари ва Ҳофиз ғазалларидаги каби ҳаёт тимсолидир.

Атоийи лирикасида халқ иборалари, таъбирлар, мақол ва маталлар, эртак мавзуларига оид сўзлар кўп. Ғазалларини, асосан, арузнинг рамал

баҳрида ёзган; вазни енгил, мисралари қисқа, сўзлари оддий, услуби содда ва раван. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари халқ қўшиқларига айланиб кетган. Атойи тажоҳули орифона, лаф ва нашр каби тасвир восита ва усуллари ҳам яратган. Атойидан 260 ғазални ўз ичига олган девон бизгача етиб келган.

ҲАЗАЛЛАР

Ул санамким, су(в) яқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклукидин сув била ютса бўлур.

То магарким, салсабил обина жавлон қила,
Келди жаннат равзасиндин оби кавсар сори ҳур.

Ул иликким, сувдин ориқтур, юмас они суда,
Балки сувни пок бўлсун деб илик бирла ююр.

Эмди билдим рост эмиш,балки кўрдим кўз била,
Улки дерлар, сув қизи гоҳ-гоҳ кўзга кўринур.

Қошларинг ёсин Атойи кўргали ҳусн ичра тоқ,
Субҳидам меҳробларда сураи ёсин ўқур.





<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Шоир ғазалда маъшуқанинг гўзаллиги, латофатини қандай ифодалайди? Сувнинг тоза бўлиши учун санам қилаётган ҳаракатнинг бадиий маҳоратини тушунтиринг. 2. Гўзал сўзини «Ассоциация» усули орқали тушунтиринг. <div style="text-align: center;">  </div>														
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	   	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазалда қўлланган қайси шеърий санъат асарнинг бадиий латофатини кучайтирган? 2. Асар вазни, жанри, қандай шеърий санъатлар қўлланилганини топинг. Жадвални тўлдилинг. <table border="1" data-bbox="400 775 1130 1060"> <tr> <td><i>Жанри</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Вазни</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Қофиядош сўзлар</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Ўхшатиш</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Сифатлаш</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Қаршилантириш</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Жонлантириш</i></td> <td></td> </tr> </table>	<i>Жанри</i>		<i>Вазни</i>		<i>Қофиядош сўзлар</i>		<i>Ўхшатиш</i>		<i>Сифатлаш</i>		<i>Қаршилантириш</i>		<i>Жонлантириш</i>	
<i>Жанри</i>																
<i>Вазни</i>																
<i>Қофиядош сўзлар</i>																
<i>Ўхшатиш</i>																
<i>Сифатлаш</i>																
<i>Қаршилантириш</i>																
<i>Жонлантириш</i>																
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	   	<ol style="list-style-type: none"> 1. Назмни насрга айлантинг. Бунда байтларнинг гўзал ва нозик тасвирлари сақланиб қолиндими? Ўзингизга баҳо беринг. 2. Матн устида тадқиқот иши юритинг. Жадвални тўлдилинг. <table border="1" data-bbox="400 1269 1130 1487"> <tr> <td><i>Ғазалнинг асосий гоёсини топинг</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Аниқ ва ноаниқ сўзлар</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i></td> <td></td> </tr> </table>	<i>Ғазалнинг асосий гоёсини топинг</i>		<i>Аниқ ва ноаниқ сўзлар</i>		<i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i>		<i>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</i>		<i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i>					
<i>Ғазалнинг асосий гоёсини топинг</i>																
<i>Аниқ ва ноаниқ сўзлар</i>																
<i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i>																
<i>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</i>																
<i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i>																

13

БУГУН ДАРСДА:

- матн мазмунини қайта ҳикоя қиламиз, ўқиганларимизга муносабат билдирамиз;
- асар ғояси, қаҳрамон тимсолини очишда композиция ролини аниқлаймиз, тушунтирамиз.



Хаста кўнглумдин хаёлинг бир замон кетмас, бегим,
Нечаким, васлинг этакига қўлум етмас, бегим.



Нетайин, дармонда бўлдум мен бу кўнглум илкида,
Сенсизин ҳеч ерда бир лаҳза қарор этмас, бегим.





Гарчи сен дашном этарсен, мен дуочиман сенга,
Ошиқи содиқ жафодин элини четмас, бегим.

Сен мени таъзим этиб қуллар сонинда тутмағил,
Итларинг хайлинда бўлсам, не манга етмас, бегим?!

Таънадин қовмас Атойини эшикиндин рақиб,
Ҳеч гадой ит урса эшикни қўюб кетмас, бегим.



<p>Тушунини ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<p>1. Ғазалда шоир илгари сурган ғояни аниқланг. Муаллиф кўнгли қай аҳволда эканлигини байтларга асослашиб тушунтириб бering.</p>
---	--	---

<p><i>Таҳлил ва таъқин</i></p>	 	<p>1. «Гарчи сен дашном этарсен, мен дуочиман сенга, Ошиқи содиқ жафодин элини четмас, бегим» – байтида шоир қанчаликда қийин аҳволда бўлса ҳам маъшуқасига қандай муносабатда эканлигини айтинг.</p> <p>2. Ҳазалда қандай шеърий санъатлардан фойдаланилган?</p> <table border="1" data-bbox="398 423 1137 529"> <tr> <td style="text-align: center;"><i>Шеърий санъат</i></td> <td style="text-align: center;"><i>Мисра</i></td> <td style="text-align: center;"><i>Шарҳи</i></td> </tr> <tr> <td> </td> <td> </td> <td> </td> </tr> </table>	<i>Шеърий санъат</i>	<i>Мисра</i>	<i>Шарҳи</i>			
<i>Шеърий санъат</i>	<i>Мисра</i>	<i>Шарҳи</i>						
<p><i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i></p>	 	<p>1. Ҳазалдаги нафислик, софликни айнан қайси мисраларда кўришимиз мумкин? Бундай тасвир шоирнинг қандай қобилият эгаси эканлигидан далолат беради?</p> <p>2. «Нафисликни қандай ҳис қиламан?» мавзусини «Беш дақиқали эссе» усули орқали ёритинг.</p>						



Эй орази шамсу қамарим, нетти, не бўлди?
 Ве, тишлари дурру гуҳарим, нетти, не бўлди?

Кўнглум куяриндин санга мен панд берурмен,
 Эй марҳами жону жигарим, нетти, не бўлди?








Сен бор экан ўзга кишига, гар назар этсам,
 Чиқсун бу менинг дийдаларим, нетти, не бўлди?

Гаҳ жавр ила ўлтур мени, гаҳ ноз ила, сендин,
 Ҳаққоки менинг йўқ гузарим, нетти, не бўлди?

Эй лўбати ширин, сени Фарҳод менгизлик,
 Оламға ёйилди севарим, нетти, не бўлди?

Бир зарра сучук сўзни Атойидин аярсен,
 Э лаблари шахду шакарим, нетти, не бўлди?



<p><i>Тушунни ва саволларга жавоб бериш</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Ҳазалда адиб ёри қандай акс эттирилган? Сўзлар орқали гўзални жуфтликда тасвирлаб кўринг.2. Ҳазалдаги радиф ва қофиядош сўзларни топинг.
<p><i>Таҳлил ва талқин</i></p>	  	<ol style="list-style-type: none">1. Асарда қандай шеърий санъатлар қўлланилган?2. «<i>Бир зарра сучук сўзни Атойидин аярсен</i>» мисрасини таҳлил қилинг. Бир мисраининг ўзида қанча мазмун мужассамланган?3. Ҳазални аруз вазни қоидаларига мувофиқ ёд олинг.
<p><i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Ҳазалда дунёвий ишқ устунми ёки тасаввуфий ишқ? Фикрингизни далилланг.2. Шеърдан олган таассуротларингизни «<i>ПОПС формуласи</i>» орқали ёритиб беринг. <i>1-гап: Менинг фикримча...</i> <i>2-гап: ...сабабини мен бундай тушунтираман</i> <i>3-гап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман...</i> <i>4-гап: шунга асосланиб, мен бундай хулоса келдимки, ...</i>



14

Кел, эй дилбарки, бўстон вақти бўлди,
Гул очилди, гулистон вақти бўлди.

Қилай нола, боқиб гулдек юзунгга,
Чу булбулларга афғон вақти бўлди.

Гулу булбул бикин гулбунлар ичра,
Нишоту айши пинҳон вақти бўлди.



Ўқуб гул бахтини мажлисда ҳар дам,
Бўлуб сархуш, гулафшон, вақти бўлди.




Туруб маҳбуб олида муҳибга,
Чу гул чоки гирибон вақти бўлди.

Муғанниларга булбуллар бикин зор,
Ҳазорон навъи алҳон вақти бўлди.

Бу дамким, гул қилур булбулға алтоф,
Атойиға ҳам эҳсон вақти бўлди.



<p><i>Тушунми ва саволларга жавоб бериш</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Ҳазалда қайси сўз кўп ишлатилган? Унинг кўп қўлланилиши ғазал кўркига қандай таъсир қилган?2. Асарда қайси фасл ўз аксини топган? Ушбу фаслга хос яна қандай тимсолларни биласиз? «Ассоциация» усулини қўлланг.
---	--	---

<p><i>Таҳлил ва талқин</i></p>	 	<p>1. Ғазалда қандай ғоя илгари сурилган? Қайси мисрада асар ғояси яққол тасвирланган?</p> <p>2. Шеър ҳақида ўз фикрларингизни «<i>Тўрт фикр</i>» усули орқали (бир гап билан) билдиринг.</p> <table border="1" data-bbox="450 380 1188 585"> <tr> <td>1. Фикр</td> <td></td> </tr> <tr> <td>2. Далил, исбот</td> <td></td> </tr> <tr> <td>3. Мисол</td> <td></td> </tr> <tr> <td>4. Хулоса, якун</td> <td></td> </tr> </table>	1. Фикр		2. Далил, исбот		3. Мисол		4. Хулоса, якун	
1. Фикр										
2. Далил, исбот										
3. Мисол										
4. Хулоса, якун										
<p><i>Баҳолаш ва қийсий таҳлил</i></p>		<p>1. Бошқа адабларнинг шу мавзудаги ғазалларини топинг. Улар орасидаги ўхшашлик билан фарқни муҳокама қилиб, ўз шахсий фикрингизни билдиринг.</p>								



Эй нури дийда, сенсиз анга нур бўлмасун,
 Ҳеч кўз жаҳонда бе руҳи Мансур¹ бўлмасун.

Валлоҳ агар хаёлинг учун бўлмаса ватан,
 Ҳаргиз кўнгул харобида² маъмур³ бўлмасун.

Жаннатга гар тажали⁴ ҳуснунгни кўрмасам,
 Кавсар суйи сўғолсун⁵ ҳам ҳур бўлмасун.

¹ Мансур – машҳур сўфий Мансур Ҳаллож, «мен худоман» дегани учун дорга осилган.

² Кўнгул хароби – кўнгилнинг ошуфталиги, беқарорлик ва паришонлик.

³ Маъмур – обод.

⁴ Тажалли – жилоланиш, нурнинг порлаши, илоҳий файз.

⁵ Сўғолсун – қурисин.

Жон сурати танингким, эрур жон аросида,
Пайваста Ҳақ амонида ранжур бўлмасун.

Бу ҳусну бу жамолу латофат била сени,
Ким ноз қилмасун деру маъзур¹ бўлмасун.

Кўз ёши бирла боди сабо қилди сиррини фош,
Жаҳд айладим, бу мунчаки машҳур бўлмасун.

Солди кўгул Атойини хўблар балосина,
Ҳеч кимса кўнгли амрина маъмур бўлмасун.



¹ Маъзур – узрли.



1. Атойи ғазалларининг асосий мавзуси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 - А) панд-насиҳат
 - Б) табиат гўзалликлари тасвири
 - В) динни тарғиб қилиш
 - Г) инсон гўзаллиги ва илоҳий муҳаббат тасвири

2. Навоий Атойи ижодига, ўзининг қайси асарида юксак баҳо берган?
 - А) «Насойим-ул муҳаббат»
 - Б) «Мажолис-ун нафоис»
 - В) «Хазойин ул-маоний»
 - Г) «Тарихи мулки ажам»

3. Атойи ўз ижодида кўпроқ қандай тасвирлар яратган?
 - А) ўхшатишлар, кутилмаган муболаға
 - Б) сифатлаш, жонлантириш
 - В) сифатлаш, муболаға
 - Г) истиора, анофора

4. Эри сўзи мумтоз шеърятимизда қандай маъно англатади?
 - А) кўз
 - Б) лаб
 - В) қош
 - Г) юз

5. Ўз ғазалида «сув қизи», яъни сув парисининг «гоҳ-гоҳ кўзга кўринишга» имон келтирган шоир ...
 - А) Лутфий
 - Б) Саккокий
 - В) Атойи
 - Г) А.Навоий

6. Навоий кимни турк алфозининг булағоларидан деб таърифлайди?
 - А) Атойи
 - Б) Лутфий

- В) Саккокий
- Г) Жомий

7. «Эй мусъҳафи ҳуснимға менгинг нуқтайи оят,
Ислом элига бўлди юзинг нури ҳидоят».

Байтда ёр юзи нимага ўхшатишган?

- А) Мусъҳаф-Қуръон
- Б) Таврот
- В) Гул
- Г) Инжил

8. Атойти ёрнинг таърифини нималар орқали тавсиф этади?

- А) қадди-қомат
- Б) юзи, кўзи, холи
- В) қоши, сочи, киприги, лаби
- Г) барча жавоблар тўғри

9. Ғазаллар мавзу доирасига кўра қандай турларга бўлинади?

- А) ишқий, ижтимоий- маърифий, ҳажвий
- Б) ишқий, ҳажвий
- В) ишқий-фалсафий, ижтимоий- сиёсий
- Г) Ишқ-муҳаббат, дўстлик

10. Атойти қаламига мансуб ғазални топинг.

- А) Тор кўнгуллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг...
- Б) Жамолинг васфини қилдим чаманда...
- В) Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади...
- Г) Жилва кўрсатди чу ул сарви дилоро боғ аро...

11. Халқ ибораларини гоят яхши билган ва ундан ўринли фойдаланган шоир?

- А) Заҳириддин Муҳаммад Бобур
- Б) Моҳларойим Нодира
- В) Атойти
- Г) Турди Фароғий

12. Атойти «Сочинг чун лайлат ул-қадрю юзунг чун субҳи содиқдур» мисраси билан бошланадиган ғазалида шеърини санъатнинг қайси туридан фойдаланган?



- А) тазод
- Б) муболаға
- В) ташхис
- Г) иштиқоқ

13. «Юзинг бунча бўйрадек дағал бўлмаса» – Атойи қаламига мансуб ушбу парчада қандай шеърий санъат қўлланган?

- А) Талмеҳ
- Б) Ташбеҳ
- В) Муболаға
- Г) Иштиқоқ

14. «Узун сочингдин узмасмен кўнгулли

Аёлинг қанда бўлса бошим анда» мисраларида қандай шеърий санъатнинг қўлланганини айтинг.

- А) Ташхис, тазод
- Б) Талмеҳ, ирсоли масал
- В) Муболаға, тажнис
- Г) Иштиқоқ, тазод


15. Атойининг бизгача етиб келган девони ўз ичига нечта ғазални олади?

- А) 280
- Б) 260
- В) 250
- Г) 290



II бўлим

ЖАҲОН МАЪНАВИЯТИНИНГ БУЮК СИЙМОЛАРИ



КЎНГЛУМДА НЕ МАЪНИ ЎЛСА ЭРДИ ПАЙДО,
ТИЛ АЙЛАР ЭДИ НАЗМ ЛИБОСИДА АДО.
УЛ НАЗМГА ЖОННИ ҚИЛИБОН ХАЛҚ ФИДО,
СОЛУРЛАР ЭДИ ГУМБАЗИ ГАРДУНҒА САДО...

Алишер Навоий





БУГУН ДАРСДА:

- матн мазмунини қайта ҳикоя қиламиз;
- ғазалларни таҳлил қиламиз, ғоясини аниқлаймиз;
- асар ғояси, қаҳрамонларига нисбатан ёзма шаклда шахсий фикрларимизни тушунтирган ҳолда китобхонга эстетик таъсир қилиш нуқтаи назаридан асарга баҳо берамиз.




ЛУТФИЙ (1366–1465)

Зар қадрин заргар билар

*«Мавлоно Лутфий сўз лутфида яғонаи даврон эди,
ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан
яхшироқ айта олмаган эди».*

Хондамир



Ўз замонининг «малик ул-каломи», Алишер Навоийгача бўлган даврдаги туркий адабиётнинг энг йирик вакили, ориф ва мутафаккири Лутфийнинг таваллуд топган ва вафот этган жойи Ҳиротнинг Деҳи Канор мавзеи деб кўрсатиб келинган. Шайх Аҳмад Тарозийнинг Мирзо Улуғбекка бағишлаб ёзилган «Фунун ул-балоға» асари топилгач, ундаги «маъдан ул-латойиф Лутфийи Шоший» жумлаларига асосланиб, Лутфийнинг она ватани Тошкент бўлган, деган фикр ҳам илгари сурилди.

Лутфийнинг ҳаёт йўли сингари, ижодий тақдири ҳам жуда ибратли: у 99 йил яшаган. Умрининг асосий қисми ўқиш, ўрганиш ва бадий ижод меҳнати билан ўтган. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида маълумот берилишича, Лутфий умрининг охирларида «офтоб» радифли бир шеър ёзган, ўша замоннинг кўп шоирлари унга татаббуъ қилганлар, аммо улардан ҳеч бири Лутфийнинг «панжасига панжа» ура олмаганлар.



Лутфий ҳам зоҳирӣ-дунёвий, ҳам диний-тасаввуфий илмларни чуқур эгаллаган, давр ва замониға очиқ назар билан қарашға қодир, ҳақиқат ва маърифатға содиқ ижодкор эди. Навоий сўзи билан айтганда, у «форсий ва туркийда назири йўқ» шоир бўлган. Лутфий гарчи ўз она тили – туркий тилда яратилган шеърлари билан машҳурликка етишган бўлса-да, форсийда ҳам ўзининг шоирлик иқтидори ва маҳоратига кўпчилиқни иқроф эта олган. Иккинчидан, Лутфий шеърят билан тариқатни, мажоз билан ҳақиқатни уйғунлаштирган эди. Аммо у сўнгги нафасиғача шоирлик бурчи ва илҳомига содиқ қолиб, ўзбек шеърятни хазинасини бир-биридан қимматли назм дурдоналари билан бойитди. Худди шу нарса унинг нафақат ўз замондошлари ва ижод аҳли орасида, балки давр ҳукмдорлари олдида ҳам юқори мавқега кўтарилишиға бир асос бўлган.

Ҳақиқатан ҳам, Лутфийнинг шеърятини – хилма-хил шакллардан таркиб тошган мазмундор, рангин шеърят. Бизғача шоирнинг XVI–XX асрлар мобайнида кўчирилган туркий девонининг 33 қўлёзма нусхаси етиб келган. Лутфий қаламиға мансуб мавжуд шеърларнинг умумий миқдори 2774 байт ёки 5548 мисрадан ортиқ. Уларнинг катта қисми (2086 байти) ғазал жанрида ёзилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Лутфий ғазалнавис сифатида Шарқ адабиётида барқарорлашган адабий-эстетик анъаналар билан халқ оғзаки ижодиёти тажриба тамойили ва усуллари ниҳоятда моҳирлик билан мувофиқлаштирган. Шу боисдан ҳам унинг ғазалларида миллий ҳис-туйғулар нурланиб, инсоний дард, армон, қайғу ва шодлик тасвири такрорсиз бир таъсирчанлик касб этган. Лутфий наинки ғазалларида, балки рубоий, туюқ, қитъа, фардга ўхшаш бошқа жанрлардаги шеърларида ҳам нафосат ҳисси шаклланган, дид ва савияси баланд кишиларнинг – зукко ва ҳаётсевар халқ вакиллариининг фикру туйғуларини тараннум этган.

Лутфий девонидаги бош мавзу ишқ ва асосий мақсад ошиқнинг ҳасбу ҳолини тасвирлашдан иборат бўлса-да, шоир деярли ҳар бир шеърда мавзуга янғича ёндашиб, бетакрор оҳанглар яратади, моҳиятиға мос шеърини тимсоллар топади, бир-бириға ўхшамайдиган бадиий санъатларни қўллайди. Лутфий девонида ташбеҳ, талмеҳ, тазод, ийҳом, хусусан, ирсоли масал санъати намоён бўлган. Лутфий рубоий, туюқ, қитъаларини ҳам санъат намунаси мақомига кўтара олган.

Лутфий – туркий шеърятда мактаб яратган санъаткор. Бу ижод мактабидан Алишер Навоий ва Мирзо Бобур сабоқ олишган. Роқим, Амирий, Султонхон тўра Адо, Табибий сингари шоирларнинг девонларидан Лутфий ғазаллари илҳомида битилган мухаммаслар жой олган.



ҒАЗАЛЛАР



Жоним чиқадур дард ила, жононима айтинг,
Мен хаста гадо ҳолини султонима айтинг.








Ўртанмагу кўз ёшию ўлмактурур ишим,
Бу қиссани ул шамъи шабистонима айтинг.

Қат-қат юрагим боғлади қон ғунча менғизлик,
Бу дарди дилимни гули хандонима айтинг.

Қон ёшим эрур юх уза юлдуз каби сонсиз,
Ул кўзлари чўлпон, маҳи тобонима айтинг.

Лутфийи дилафкор тилар ҳажр элидинг дод,
Аҳволини ул бегимау хонима айтинг.



<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лутфий ижодининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзланг. 2. Ҳазални оҳангга солиб, ифодали ўқинг. 3. Ҳазал нечанчи шахс номидан ёзилган? Қаҳрамони ким? 4. Ҳазал мазмунини ёритувчи калит сўзларни белги-ланг. 						
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Муаллифнинг: «<i>Ўртанмагу кўз ёшию ўлмактурур ишим, Бу қиссани ул шамъи шабистонима айтинг</i>», – сатрлари маъносини аниқланг. 2. Жуфтликда ишланг. Тадқиқот ишини ўтказинг. <table border="1" data-bbox="397 953 1147 1127"> <thead> <tr> <th data-bbox="397 953 647 1072"><i>Маҳбубани тасвирловчи сўзлар</i></th> <th data-bbox="647 953 897 1072"><i>Шеърда сизга ёққан мисралар</i></th> <th data-bbox="897 953 1147 1072"><i>Ҳазал нима учун латофатли?</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td data-bbox="397 1072 647 1127"></td> <td data-bbox="647 1072 897 1127"></td> <td data-bbox="897 1072 1147 1127"></td> </tr> </tbody> </table>	<i>Маҳбубани тасвирловчи сўзлар</i>	<i>Шеърда сизга ёққан мисралар</i>	<i>Ҳазал нима учун латофатли?</i>			
<i>Маҳбубани тасвирловчи сўзлар</i>	<i>Шеърда сизга ёққан мисралар</i>	<i>Ҳазал нима учун латофатли?</i>						
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳазални насрий йўл билан ёзиб, назмий ва насрий нусхаларни солиштиринг. Қайси бири сизга кўпроқ эстетик таъсир кўрсатди? 2. Ҳазални ифодали ўқишга оид «<i>Мушоира дарси</i>»ни ўтказинг. 						

2

БУГУН ДАРСДА:

- ғазалларни таҳлил қиламиз, ғоясини аниқлаймиз;
- асар ғояси, қаҳрамонларига нисбатан ёзма шаклда шахсий фикрларимизни тушунтирган ҳолда китобхонга эстетик таъсир қилиш нуқтаи назаридан асарга баҳо берамиз.



Кўзунг қораси фитна, вале оқи балодур,
Жонлар оладур, ваҳ, не бало кўзи қародур?







Кўз устида жон олғувчидур холию қоши,
Бир-бирга бари фитна қотилған не балодур?

Ҳамдардтур айтай анга ҳолимким, инонғай,
Гулшандин ўшул булбули мискинки, жудодур.

«Бош ўйнайину жон берайин васл учун» – айтгим,
Хуш-хуш кулуб айтур мангаким: «Яхши баҳодур!»

Кўп қилма анинг жавридин, эй Лутфий, шикоят,
Ким, ҳусн элининг шеваси пайваста жафодур.



<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Ғазални ифодали ўқинг.2. Ғазал тили устида мулоҳаза юритинг. Қандай шеърий воситалар қўлланган?
<p>Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none">1. «<i>Бош ўйнайину жон берайин васл учун</i>», мисрала-рини шоир кимга бағишлаган?2. Иккинчи мисрадаги жавоб муаллифи ким?3. Нима сабабдан сўнгги байтда Лутфий ўз-ўзига шикоят қилмаслигини айтмоқда?4. Гуруҳда ишлаш. Ғазални «<i>Адабий давра</i>» усули бўйича баҳоланг.<ol style="list-style-type: none">а) таҳлил қилиш – шеър мазмуни бўйича 5 та савол тузинг;б) аниқлаш – ғазалнинг қайси мисраси энг муҳим эканлигини далилланг;в) боғлаш – ғазални ғоясини ҳаёт билан боғланг;г) хулосалаш – шеърда кўтарилган масалаларни яқунланг.
<p>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Лутфий ғазалини умумий ва ўзига хос белгиларини тушунтириб, китобхонга ҳиссий таъсир этиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўзбек адабиётининг бошқа асарларига қиёсланг, баҳоланг.



Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,
Хору расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Ўқдаин қоматимизни қора қошлиғлар учун,
Муттасил ё қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Мени ёзгурма «севар» дебки, менинг ҳаддим эмас,
Ул таманно қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Борма дерлар эшики сори дамо-дам, нетайин,
Кўп тақозо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Қора мўйин ҳаваси бирла қоронғу кечада,
Жонни савдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Душману дўст орасинда мени ғофилни мудом
Бе сару по қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.


Ўзгадин кўрмаки, кўзунг ёшини, эй Лутфий,
Айни дарё қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.



*Тушуниш ва саволларга
жавоб бериш*



1. Сизнингча, нима сабабдан асар қаҳрамонининг ҳар қандай қадам қўйишига кўнгли айбдор? Бу кўнгил унинг аҳволига қандай таъсир кўрсатмоқда?

<i>Таҳлил ва таҳқин</i>		<p>1. Гуруҳда ишлаш. Ҳазални қуйидаги жадрвалга асосланиб таҳлил қилинг. Бўш қаторда шеърый санъатлар номини ёзинг.</p> <table border="1" data-bbox="398 315 1129 570"> <tr> <td><i>Ҳазал тури</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Жанри</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Вазни</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Қофиядош сўзлар</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Радиф</i></td> <td></td> </tr> </table> <p>2. Ҳазални ёд олинг.</p>	<i>Ҳазал тури</i>		<i>Жанри</i>		<i>Вазни</i>		<i>Қофиядош сўзлар</i>		<i>Радиф</i>	
<i>Ҳазал тури</i>												
<i>Жанри</i>												
<i>Вазни</i>												
<i>Қофиядош сўзлар</i>												
<i>Радиф</i>												
<i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i>		<p>1. Ҳазалга «<i>Тадқиқот иши</i>» усулини қўлланг. Гуруҳда ишланг.</p> <table border="1" data-bbox="398 855 1129 1060"> <tr> <td><i>Шеърнинг асосий гояси</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Таниш ва нотаниш сўзлар</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Фикрни расм билан тасвирлаш</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Тарбиявий хулоса чиқариш</i></td> <td></td> </tr> </table>	<i>Шеърнинг асосий гояси</i>		<i>Таниш ва нотаниш сўзлар</i>		<i>Фикрни расм билан тасвирлаш</i>		<i>Тарбиявий хулоса чиқариш</i>			
<i>Шеърнинг асосий гояси</i>												
<i>Таниш ва нотаниш сўзлар</i>												
<i>Фикрни расм билан тасвирлаш</i>												
<i>Тарбиявий хулоса чиқариш</i>												





3

БУГУН ДАРСДА:

- ғазаларни таҳлил қиламиз, ғоясини аниқлаймиз;
- асар ғояси, мавзу ва муаммосини аниқлаймиз;
- муаллифнинг қаҳрамонга нисбатан кўзқарашини ифодалаш усулларини аниқлаймиз, фикр билдираемиз.



Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,
Охи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳаққоки қилич келса бошимга, эшикингдин
Йўқтур гузарим¹, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Усрук кўзунг ашколина², ҳар гаҳ назар этсам,
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Яъқуб бикин кўп йиғидин қолмади сенсиз
Нури басарим³, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ой юзунга кўз солғали ўзга киши бирла,
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ишқ ўтида Лутфий юзи олтуни ёшурди⁴,
Эй сиймбарим⁵, хоҳ инон, хоҳ инонма.



¹ Йўқтур гузарим – кечмайман.

² Ашкол – шакллар. «Усрук кўзунг ашколи» – маст кўзларингнинг сеҳри.

³ Нури басар – кўз нури.

⁴ Олтуни ёшурди – олтинни беркитди, яъни сарғайди, олтин тусга кирди.

⁵ Сиймбар – қумуш танли.



<i>Тушунмиш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Ғазал мазмунини ифодаловчи 5 таянч сўзни топинг ҳамда дафтарингизга ёзинг. Таянч сўзлар ёрдамида ғазал мазмунини насрий баён қилинг.
<i>Таҳлил ва талқин</i>	 	<ol style="list-style-type: none">1. «Ой юзунгга кўз солғали ўзга киши бирла», – мисрасидаги бирикмаларга эътибор беринг, шоир илгари сурган садоқат ғоясини шарҳланг.2. «Ишқ ўтида Лутфий юзи олтунни ёшурди», – сатрида муаллифнинг ишқ ўти дарди юзида қандай акс этганлигини муҳокама қилинг.
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	  	<ol style="list-style-type: none">1. Асар қаҳрамонининг ҳолати, қадри нимага боғлиқлигини шоир фикри билан таққослаб тушунтиринг.2. Ғазалдан олган таассуротларингизни «Қир ёйиш» усулига асосланиб, вараққа ёзинг ҳамда дорга осинг. 



Жамолу ҳуснингга сўз йўқ, вафо керак бўлса¹,
Мени худ ўлтурадурсан, раво² керак бўлса.

Кўнгул чу билмайин ўз ҳаддини сени севди,
Балоу ғусса била мубтало керак бўлса.

Жафони жонима оз қилки, ногаҳон бир кун
Жафо туганса нетарсен, жафо керак бўлса?

Кўнгулни ўзгача бергил, демангки мушкулдур,
Жаҳонда сиз киби бир дилрабо керак бўлса.

Кишиким ўз жониға қасд этар, сени севсун,
Дағи эшикинға келсун, бало керак бўлса.

Жамолу жоҳ³ элидин юз фароғатим бордур,
Ўрамунг ити⁴ менга ошно керак бўлса.

Ўқу бу Лутфий мунглуқ ниёзнамасини,
Савобу алқишу юз минг дуо керак бўлса.

¹ «Вафо керак бўлса» – агар вафоси ҳам бўлсайди.

² Раво – рухсат, қонунга мувофиқлик, ижозат.

³ Жоҳ – мансаб, мартаба.

⁴ Ўрамунг ити – даргоҳинг, хонадонинг ити.

4

БУГУН ДАРСДА:

- туюқларни ифодали ўқиймиз, таҳлил қиламиз, ғоясини аниқлаймиз;
- асар ғояси, мавзу ва муаммосини аниқлаймиз;
- муаллифнинг қаҳрамонга нисбатан кўзқарашини ифодалаш усулларини аниқлаймиз, фикр билдираемиз.



ТУЮҚЛАР

Қошларинг хуш ложуварди тоқ зрур,
Хусн ичинда беназиру тоқ эрур.
Торта олмасмен фироқинг, нетайин,
Қилча танга бори ишқинг тоқ эрур.

* * *

Боғи ҳуснунгдин гуле гар тергамен.
Бош агар борса бу йўлда, тергамен.
Ой юзунгни кунга ўхшатқон учун
Фарқ бўлмишмен уёттин терга мен.

* * *

Туз, бегим, бу дамда суҳбат кўкини,
Тут аёғ, кес дарду ғамнинг кўкини.
Иликингдин чиқса бошқа бир аёғ,
Кўзга илмон дунёнинг ер-кўкини.

* * *

Гарчи қурутмас кўзумнинг ёшини,
Ҳақ узун қилсун ул ойнинг ёшини.
Йиғлама кўп, бу вужудинг ишқ ўти,
Не қуруғин қўйғуси, не ёшини.

* * *

Неча дедим: «Ул санамға бормагин!»
Қилмади ул тарк охир бормагин.
Мунчаким, худрайлиғ кўргузди ул,
Ақл ҳайрат қилди тишлаб бармоғин.

* * *

Мен сенинг ишқингдин, эй дил, бандаман,
 Ваҳ, қачон эйткайман ул дилбанда ман.
 Бевафоларға мени қилдинг асир,
 Сен менга султонсан, эй дил, бандаман.



<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Туюқларни ўқиб, ёзилиш талабларини аниқланг. 2. Берилган туюқларда қандай шеърий санъат қўлланилган? Жўфтликда ишланг. <table border="1" data-bbox="440 696 1184 799"> <tr> <td>Шеърий санъат</td> <td>Мисра</td> <td>Шарҳи</td> </tr> <tr> <td> </td> <td> </td> <td> </td> </tr> </table>	Шеърий санъат	Мисра	Шарҳи			
Шеърий санъат	Мисра	Шарҳи						
<p>Таҳлил ва таълиқ</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. «<i>Боғи ҳуснунгдин...</i>», – деб бошланувчи туюқни мисра ба мисра таҳлил қилинг. Туюқнинг бадиий жиҳатини изоҳланг. 2. «<i>Моделлаштириш</i>» усули орқали охириги туюқнинг мазмунини ёритиб беринг. 						
<p>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Шоир туюқларининг жозибадорлигининг сири нимада? «Лутфий шеърияти шайдосиман» мавзусида ихчам эссе ёзинг. 						

ТУЮҚ

Туюқ – турк ёхуд эски ўзбек тилидаги туймоқ (боғламоқ) феълидан келиб чиққан. Адабий атама сифатида XIV асрдан истеъмолга кирган, фақат туркий шеъриятга хос бўлган жанр. Туюқнинг келиб чиқиши халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Алишер Навоий «Мезон ул-авзон» асарида унга шундай таъриф беради: «...Бириси туюқдирким, икки байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали мусаддаси мақсурдур...» Демак, **икки байт – тўрт мисрадан иборат бўлган, тажнисга, яъни сўзларнинг шаклан ўхшашлигига асосланиб, рамали мусаддаси мақсур ўлчамида ёзилган шеърга туюқ** дейилади.

Туюқда тажнис, кўпинча, қофияда келади. Демак, тўртликдаги икки мисра қофияланган бўлса, икки тажнисли, агар уч мисра қофияланган бўлса, уч тажнисли, тўрт сатр қофияланса, тўрт тажнисли туюқ яратилган бўлади. Лутфий шеърларидан олинган мисолларда шаклан жинсдош сўзлар барча ўринларда қофиядош бўлиб келган. Заҳириддин Бобур тўрт қофияли туюқларда гоҳо тўртталаси ҳам тажнис келиши мумкинлигини айтиб, мисол келтиради. Шунингдек, радиф ҳам тажнисли бўлиши мумкин. Масалан, Лутфийнинг бир туюғида тажнис сўз – «ёзамен» радиф ўрнида келган. Хуллас, тажнисли туюқлар қуйидагича бўладилар:

1. Икки мисраси тажнисли қофияланган туюқ.
2. Уч мисраси тажнисли қофияланган туюқ.
3. Тўрт мисраси тажнисли қофияланган туюқ.
4. Радифи тажнис бўлган туюқ.

Туюқларнинг дастлабки намуналари Лутфий ва унинг замондошлари ижодидан бошлаб учрайди.





1. «Мавлоно Лутфий ўз замонасининг малик ул каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди ва туркча девони машхурдир». Лутфийга ушбу таъриф ким томонидан берилган?
А) Жомий
Б) Алишер Навоий
В) Бобур
Г) Саккокий
2. «...Тўқсон тўққиз ёшида оламдан ўтди. Қабри Деҳқанордадур, ўз маскани эрди». Лутфий тўғрисидаги ушбу фикр кимнинг қайси асаридан олинган?
А) Навоий «Хазойин ул-моний»
Б) Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ»
В) Бобур «Бобурнома»
Г) Навоий «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват»
3. Лутфий «Девони» қандай жанрларда ёзилган шеърлардан ташкил топган?
А) ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, фард
Б) ғазал, рубоий, қасида, мустазод
В) 10 дан ортиқ жанрлардаги шеърлардан
Г) қитъа, ғазал, рубоий, муашшар
4. Лутфийнинг «Хоҳ инон, хоҳ инонма» радифли ғазалига қайси шоир назира битган?
А) Ҳусайний
Б) Навоий
В) Машраб
Г) Бобур
5. Лутфийни ўз замонасининг аҳли адаби ва аҳли филоласи нима деб эъзозлаган?
А) «малик уш-шуоро»
Б) «нурани-махдум»
В) «фозил ул-фузола»
Г) «малик ул-калом»

6. *Яъқуб бикин кўп йигидин қолмади сенсиз
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*
Лутфий қаламига мансуб ушбу байтда қандай бадий санъат қўлланган?
- А) ташхис
Б) талмеъ
В) истиора
Г) талмеҳ
7. Лутфийнинг «Бу кўнгулдур, бу кўнгул» ғазали қайси мавзуда?
- А) Оллоҳнинг ишқи
Б) ватан соғинчи
В) анъанавий ишқ
Г) фарзанд ва она муносабати
8. *...бир шари шуки, шу икки ёки ундан ортиқ маънонинг бири аниқ юзага чиқиб туради-ю, асл мақсад ана ўша яшириниброқ ётган маъно бўлади. Ушбу таъриф қайси бадий санъат ҳақида берилган?*
- А) ийҳом
Б) муашшах
В) таърих
Г) муаммо
9. Соф туркий тилдаги бадий санъатни белгиланг.
- А) қитъа
Б) туюқ
В) фард
Г) рубоий
10. Бир неча адабий-бадий талаб туюқ жанрининг асоси қондасига айланган. Қуйида келтирилган фикрларнинг қайсилари туюқнинг 4 та қондаларига мисол бўла олади?
- 1) *туюқ – тўрт мисрадан иборат бўлади;*
2) *туюқ – сочма шеър тарзида бўлиши керак;*
3) *а-а-а ёки а-а-б-а тарзида қофияланади;*
4) *туюқ – рамали мусаддаси маҳфуз вазнида ёзилиши керак;*
5) *туюқда қофияга олинган сўзлар, омоним (тажнисли) бўлиши керак;*
6) *туюқ – маснавий тарзида ёзилиши керак;*
7) *туюқ – беш мисрадан ошмаслиги керак.*

- А) 1, 3, 4, 7
- Б) 1, 3, 4, 5
- В) 1, 3, 4, 6
- Г) 1, 2, 5, 6

11. Мумтоз адабиётимизда гўзаллик рамзи ҳисобланган пайғамбарни аниқланг.

- А) Яқуб
- Б) Нух
- В) Муҳаммад
- Г) Юсуф

12. Берилган асарлардан қайси бири Лутфий қаламига мансуб?

- А) «Бобурнома»
- Б) «Гул ва Наврўз»
- В) «Хамса»
- Г) «Шайбонийнома»

13. Лутфий меросининг умумий миқдори қанча?

- А) 2086 байт
- Б) 1026 байт
- В) 3086 байт
- Г) 2774 байт

14. Лутфийнинг бизгача нечта девони етиб келган.

- А) Иккита
- Б) Тўртта
- В) Олтита
- Г) Учта

15. Лутфийнинг ўзбек тилига шеърий йўл билан таржима қилган асари қайси қаторда кўрсатилган?

- А) Жомий «Ҳафт авранг»
- Б) Навоий «Хамса»
- В) Али Яздий «Зафарнома»
- Г) Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома»



5

БУГУН ДАРСДА:

- Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳақида теран билимга эга бўламиз;
- матн мазмуни, унда кўтарилган масалани аниқлаб, мулоҳаза юритган ҳолда тинглаган ва ўқиганларимизга ўз муносабатимизни билдирамиз.

АЛИШЕР НАВОИЙ (1441–1501)

Зар қадрин зарғар билар

*Турку Ажаму Арабда айём,
Ҳар шоири вермишди бир ком.
Ўлмишди Навоийи суҳандон,
Манзури шаҳаншоҳи Хуросон.*

Фузулий



Берилган маълумотларни «Жигсо» усули орқали ўзлаштиринг.



XV аср жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳижрий 844 йил рамазон ойининг 17 куни (1441 йил 9 февраль)да Ҳиротда туғилган. Ҳирот шаҳри XV аср биринчи ярмида Соҳибқирон Амир Темур асос солган улуғ салтанатнинг иккинчи пойтахти, Темурнинг кенжа ўғли Шохрух Мирзонинг қўл остидаги обод манзилларидан бири эди. Алишер туғилган хонадон Темурийлар саройига азалдан яқин ва юртда муайян нуфуз соҳиби эди.

Алишер Навоийнинг ота томондан бобоси Амир Темурнинг Умар Шайх исмли ўғли билан кўкалдош (эмиқдош) бўлиб, кейинчалик Умар Шайх ва Шохрухнинг хизматида бўлган. Отаси

Ғиёсиддин Баҳодир эса Абулқосим Бобурнинг яқинларидан; мамлакатни идора этишда иштирок этган. Онаси (исми номаълум) Кобул амирзодаларидан Шайх Абусаид Чангнинг қизи.

Алишер Навоийнинг болалиги Шоҳрух ҳукмронлигининг сўнгги йилларига тўғри келган. У темурийзодалар, хусусан, бўлажак подшоҳ Ҳусайн Бойқаро билан бирга тарбияланган. 4 ёшида мактабга бориб, тез савод чиқариб, туркий ва форсий тилдаги шеърларни ўқиб, ёд ола бошлаган. Туркий тил билан бир қаторда форсий тилни ҳам мукаммал эгаллаган. 1447 йил 12 мартда мамлакат подшоҳи Шоҳрух вафот этгач, тахтга даввогарлар орасида ўзаро кураш бошланади. Уруш-жанжаллар кўп кишиларни Хуросондан турли томонга кўчиб кетишга мажбур этди. Алишер Навоийлар оиласи ўз тинчлигини кўзлаб, Ироққа кўчишди (1449). Тафт шаҳрида Алишер машҳур «Зафарнома» тарихий асари муаллифи, шоир Шарафиддин Али Яздий билан учрашади. Бу учрашув болада ёрқин таассурот қолдиради. Ғиёсиддин Баҳодир оиласи Ҳиротга, қарийб икки йил муддат ўтгач, қайтади. Абулқосим Бобур Ғиёсиддин Баҳодирни Сабзавор шаҳрига ҳоким қилиб тайинлади. Алишер Навоий Ҳиротда қолиб ўқишни давом эттирди.

Алишер Навоий шеърятга ғоят қизиқди, Шарқ адабиётини қунт билан ўрганди. Оила муҳити болалигидаёқ унда адабиётга зўр ҳавас туғдирган эди. Тоғалари Мирсаид – Кобулий, Муҳаммад Али – Ғарибий етук шоир эдилар. Алишер Навоийлар уйида шоирлар тез-тез тўпланишиб, мушоира қилишар, адабиёт ва санъат ҳақида суҳбатлашар эдилар.

Алишер Навоий 10–12 ёшларидан шеър ёза бошлаган. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, ёш Алишер Навоийнинг истеъдодидан мамнун бўлган мавлоно Лутфий, унинг:

*Оразин ёпқоч, кўзумдан сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юдуз, ниҳон бўлгач қуёш*

матлаъли ғазалини тинглаб: «Агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирардим...» деган. Алишер Навоий 15 ёшида шоир сифатида кенг танилган. Шеърларини туркий (Навоий тахаллуси билан) ва форсий (Фоний тахаллуси билан) тилларида ёзган.

Алишер Навоий 13–14 ёшларида отаси ҳаётдан кўз юмади. Уни Абулқосим Бобур ўз тарбиясига олади, катта бадий истеъдоди учун ғоят эъзозлайди. 1456 йил октябрда мамлакат пойтахти Ҳиротдан Машҳадга кўчирилади, Абулқосим ёш Алишерни ҳам, ўз хизматида бўлган Ҳусайн Бойқарони ҳам Машҳадга олиб кетади. 1457 йилнинг баҳорида тўсатдан Абулқосим Бобур ҳам вафот этди. Алишер Навоий учун бу, отаси вафотидан кейинги, иккинчи оғир жудолик бўлди. У Машҳад мадрасаларидан би-



рида ўқишини давом эттиради. Дўсти Ҳусайн Бойқаро эса Марв ва Чоржўй томонларга омад қидириб кетади. Хуросонни темурийларнинг яна бир вакили, Мовароуннахр ҳукмдори Султон Абу Саид эгаллади ва пойтахтини Самарқанддан Ҳиротга кўчиради. Ҳусайн Бойқаронинг тахтни эгаллаш йўлидаги биринчи рақиби – Абу Саид эди.

Алишер Навоий оиласининг хоҳиш-рағбати Ҳусайн томонда бўлиб, бу аввало уларнинг оилавий яқинликлари билан изоҳланарди; бундан янги ҳукмдор ҳам яхши хабардор эди. Ўртадаги бу вазият Алишер Навоий ҳаёти

ни мураккаблаштирган. Алишер Навоий Машҳадда оддий бир муллавачча сифатида яшади. Шоирнинг бу даврдаги ижодида ўз юртини соғиниб ёзган ғазаллари талайгина. Орада, хусусан, ёз фаслларида Ҳиротга бориб-келиб ҳам турган. 1463 йилда эса у узил-кесил Ҳиротга қайтди. Бироқ бу ерда аҳвол ўзгарган, шаҳар харобага айланган эди. Хуросон пойтахтида Султон Абу Саид ўз тартибини ўрнатган, муҳим вазифаларга у билан Мовароуннахрдан келган кишилар тайинланган, Алишер Навоийга яқин кишилар қувғин қилинган, Ҳусайн Бойқаро билан бирга кетган тоғалари – Мирсаид ва Муҳаммад Али урушда ҳалок бўлган, яшаш учун бирон жой топиш муаммо эди. Алишер Навоийнинг ўша кунлардаги аҳволи унинг кейинчалик устози Саййид Ҳасан Ардашерга Самарқанддан ёзган мактубидаги шеъринг сатрларда ниҳоятда таъсирли ва ҳаққоний ифодаб берилган.

Бу вақтда мамлакатда таниқли шоир бўлиб қолган Алишер Навоийни Абу Саид таъқиб қилиб, Ҳиротдан чиқариб юборади. Шоир Самарқандга кетишга мажбур бўлади. Алишер Навоий Самарқандда 1465 йилдан 1469 йилнинг баҳоригача яшади, Фазлуллоҳ Абу Лайс мадрасасида ўқиб, турли фанларга оид билимларини янада чуқурлаштирди. Самарқанднинг кўзга кўринган шоирлари – Шайхим Суҳайлий, Мирзобек, Мавлоно Ховарий, Мир Қарший, Ҳарими Қаландар, муаммоғўй Улойи Шоший, олим Мавлоно Муҳаммад Олим ва бошқалар билан ҳамсуҳбат бўлди ва дўстлашди. Самарқанд шаҳри ҳокими Аҳмад Ҳожибек асли ҳиротлик бўлиб, Вафой тахаллуси билан шеърлар ёзарди, у Алишер Навоийга алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қаради. Унинг ёрдамида Алишер Навоий давлат ишлари билан ҳам шуғуллана бошлади. У давлат ишларини бошқаришда дастлабки

тажрибани шу ерда орттирди ва бу унга кейинчалик асқотди. Алишер Навоийнинг Самарқанддаги сиёсий ва давлат фаолияти юқори баҳолашиб, унга «Чигатой амири» унвони берилган.

1469 йил бошларида Султон Абу Саид Қорабоғда ўз аскарлари томонидан ўлдирилади. Кўпдан буён шундай вазиятни кутиб юрган Ҳусайн Бойқаро зудлик билан келиб, Ҳирот тахтини эгаллайди. Алишер Навоий ҳам Ҳиротга етиб келади. 1469 йил 14 апрель куни, рамазон ҳайити муносабати билан уюштирилган қабул маросимида Алишер Навоий ўзининг Ҳусайн Бойқарога янги ёзган «Ҳилолия» қасидасини тақдим этади. Подшоҳ Алишер Навоийни муҳрдорлик мансабига тайинлайди.










Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг энг хавфли сиёсий рақиби – Ёдгор Муҳаммад Мирзони тунда қўлга олишда шахсий жасорат кўрсатади. Янги ҳукуматнинг ортиқча солиқларидан норози бўлиб, қўзғолон кўтарган халқ оммасини тинчитишда адолат ва мардонаворлик билан иш тутади. Шу воқеалардан сўнг маълум вақт ўтгач, Ҳусайн Бойқаро ҳукуматидаги муҳрдорлик вазифасига Алишер Навоийнинг розилиги билан унинг самарқандлик дўсти, шоир Шайхим Суҳайлий тайинланади. Алишер Навоийнинг мақсади саройда маслаҳатчи бўлиб қолиш, кўпроқ ижодий иш билан шуғулланиш эди. Бироқ Ҳусайн Бойқаро 1472 йилнинг февраль ойида уни ўз саройининг бош вазири қилиб тайинлайди ва унга «Амири кабир» унвонини беради.

Алишер Навоий янги лавозимда, аввало, бутун кучини мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга қаратди. Вақф ишларини тартибга солишга киришди. Шаҳарларда савдо-сотиқни, хунармандчиликни ривожлантиришга катта аҳамият беради. Алишер Навоий саъйи ҳаракати билан қишлоқларда деҳқончилик маданияти ўсиб боради. Шаҳарлар, хусусан, Ҳирот кун сайин обод бўла бошлайди.

Буюк инсонпарвар Алишер Навоий ўрта асрдаги Уйғониш даврининг бошқа улуғ зотлари сингари бутун ҳаёти билан ҳақиқий инсон қандай бўлиши лозимлигини кўрсатди. У ўз давридаги ноҳақликка, адолатсизликка қарши курашди, амалдорларнинг ўз вазифаларини суиистеъмом қилишларини ва таъмагирликларини фош этди, ожиз, муҳтож кишиларни ўз ҳимоясига олди. Султон Ҳусайн Бойқаро подшоҳлик қилган, Алишер Навоий ҳукуматда бош вазир вазифасини эгаллаган пайтларда ҳеч бир мамлакатга қарши босқинчилик уруши олиб борилмади.



<p><i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Алишер Навоий яшаган тарихий давр унинг тақдирига қандай таъсир кўрсатган?2. «Ўргимчак уни» усули орқали бўлажак шоирнинг болалик йиллари, ўқиш чоғлари ҳақида олган билимларингизни синфдошларингиз билан ўртоқлашинг.
<p><i>Таҳлил ва талқин</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Навоийнинг ҳаёт йўли маршрутини чизинг.2. «Мантиқут тайр» асарининг бўлажак шоирга кўрсатган таъсири ва унинг натижаси ҳақида мулоҳаза билдиринг.
<p><i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. «Муаллиф ўриндиғи» усули орқали Навоий фаолиятига ўз кўзқарашингизни ифодаланг.  <ol style="list-style-type: none">2. Эссе ёзинг. «Навоий – давлат арбоби».



6

БУГУН ДАРСДА:

- Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳақида теран билимга эга бўламиз;
- матн мазмуни, унда кўтарилган масалани аниқлаб, мулоҳаза юритган ҳолда тинглаган ва ўқиганларимизга ўз муносабатимизни билдирамиз.



Берилган маълумотларни «Жигсо» усули орқали ўзлаштиринг.

Бош вазир Алишер Навоий маданият ва санъатнинг чинакам ҳомийси сифатида танилади. Унинг фаолиятида ижтимоий-сиёсий масалаларни тўғри ҳал этишга интилиш, жамиятдаги барча ижтимоий қатламларга, барча қавмларга бир хил муносабатда бўлиш, ҳеч қайси бирини камситмаслик, ҳамманинг манфаатига баробар хизмат қиладиган жамоат биноларини қуришга алоҳида эътибор бериш олдинги ўринга чиқа бошлади.

Хондамирнинг қайд қилишича, 80-йиллар давомида Алишер Навоий ўз маблағлари ҳисобидан Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса, 40 та работ, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурган ёки таъмирлаттирган. Улар орасида Ҳиротдаги «Ихлосия», «Низомия» мадрасалари, «Халосия» хонақоҳи, «Шифоия» тибгоҳи, Қуръон тиловат қилувчиларга мўлжалланган «Дорул-ҳуффоз» биноси, Марвдаги «Хусравия» мадрасаси, Машҳаддаги «Дорул-ҳуффоз» хайрия биноси ва бошқа ноёб меъморлик ёдгорликлари бор. Навоий деҳқончилик ишларини йўлга қўйиб, жуда яхши натижаларга эришган. Тарихчиларнинг ёзишича, Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шоҳрухий динор миқдорида эди. Улуғ Амир бу даромаднинг кўп қисмини хайрли ишларга сарф қилган. Навоий мадраса, шифохоналар қурдириб қўя қолмасдан, уларни керакли даражада жиҳозлаш, ўз-ўзини таъминлаш учун вақф ерлар ажратиб бериш, мударрислар, табиблар ва бошқа ходимлар билан таъминлаш, уларга ойлик маош, озуқа, кийим-бош белгилашгача, талабалар нафақаси ва китобларигача, барча-барчасини мукамал бошқариб, ташкил этиб берар эди ва ўзи доимо хабар олиб, назорат қилиб туришни ҳам унутмасди. Бинолар қурилиши тарҳи билан бевосита шуғулланар, уста ва шогирдлар меҳнатидан бохабар бўлиб турарди. Ҳирот бу даврда ниҳоятда кўркамлашди, халқ турмуши яхшиланди, шеърият, нафис санъатлари ривож олди. Улуғ амининг кутубхонасида 70 дан ортиқ хаттот ва мусаввирлар қўлёзмаларни оққа кўчириш, уларни бадий безаш билан банд эдилар.



Алишер Навоийга бағишланган тарихий ва илмий асарларда батафсил тавсиф қилинишича, 1469–1481 йиллар Алишер Навоийнинг ижтимоий ҳаёт ва ободончилик борасидаги энг фаол хизмат кўрсатган йиллари бўлган. Шоир 1481 йили «Вақфия» асарини ёзиб, унда ўзининг бинокорлик ва хайрия ишларига яқун ясаб, ўз-ўзига ҳисоб берган.

Бу даврда Ҳиротда адабий ҳаёт жўш урган. Алишер Навоий атрофида Шайхим Суҳайлий, Хожа Осафий, Биноий каби ўнлаб шоирлар, Ҳасан Нойй, Хожа Абдулло Марворий, Қулмуҳуммад Удий, Шоҳқули Ғижжакий каби ўнлаб созандалар, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Султонали Машҳадий, Абдужамил Котиб, Хожа Ҳофиз Муҳаммад, Султонали Коиний, Муҳаммад Хандон, Мавлоно Ҳижроний каби машҳур котиблар, Беҳзод каби мусаввирлар қизгин ижодий меҳнат билан банд эдилар. Ҳиротда, умуман, Хуросон мулкида маънавий ҳаётнинг бақувват устунларидан Абдурахмон Ҷомий билан Алишер Навоий ўртасидаги ижодий ҳамкорлик – устоз-шоғирдлик кўп масалаларда ҳамфикрликка олиб келди. Алишер Навоийнинг туркий тилдаги дастлабки йирик асарларидан «Ҳилолия» қасидаси Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган бўлса, форсий тилдаги биринчи йирик асари «Тухфат ул-афкор» (1476 йили) қасидаси Ҷомийга бағишланган эди.

1470-йилларнинг охирида Алишер Навоий ўзининг туркий тилида ёзган шеърларидан иборат илк девони – «Бадоеъ ул-бидоя» («Бадийлик ибтидоси»)ни тузди. Мазкур девонда 777 ғазал, 85 рубоий, 52 муаммо, 46 қитъа, 53 фард, 10 туюқ, 10 луғз, 3 мустазод, 5 мухаммас, 3 таржеъбанд,

2 мусаддас бўлиб, бундай мукамал девонни тузиш Навоийгача камдан-кам туркий шоирга насиб бўлган. Алишер Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» тузилгандан кейинги даврда ёзилган ўзбекча шеърлари асосида 1480 йилларнинг охирида «Наводир ун-ниҳоя» («Беҳад нодирликлар») девонини тузди. 1481–1482 йилларда Алишер Навоий «Чихл ҳадис» («Қирқ ҳадис» ёки «Арбаин») асарини ёзади. Бунда Муҳаммад пайғамбар(сав)нинг қирқ ҳадиси тўртлик билан шеърый ифодалаб берилган.



Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий. Темур Жалолитдинов портрети

Алишер Навоий мансуб адабий ҳаётда шеърӣ жанрлардан ғазал, қасида, айниқса, муаммо ёзишга қизиқиш кучли эди. Алишер Навоий форсий девонига 373 муаммо киритган. Шундай адабий майллар туфайли 1485 йил муаммо ёзиш қоидалари ҳақида махсус «Муфрадот» асарини яратди.

Алишер Навоийда ўзбек тилида «Хамса» – беш дoston яратиш мақсади ёшлигидан бўлган. Бу мақсадини 1483–1485 йилларда амалга оширди. Асар ўзбек адабиёти шухратини оламга ёйиб, жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бирига айланди.

«Хамса»дан кейин Навоий яна бир қанча асарлар яратди. 1485 йил ўзининг машҳур «Назм ул-жавоҳир» асарини ёзди, бунда биринчи халифалардан бўлмиш Ҳазрат Алининг 266 та ҳикматли гапи рубойи тарона (тўрт мисраси ҳам қофияланган) шаклида баён этилган. Ўша давр китобхонлари, шу жумладан, тарихчи Хондамир бу асарни гоят юксак баҳолаган.

Алишер Навоийнинг инсонпарварлик фаолияти, илғор қарашлари, унинг обрў-эътибори халқ орасида тобора ортиб бориши ўз манфаатларини кўзлаган сарой аъёнлари орасида норозилик туғдирди. Улар шоир билан подшо орасига нифоқ солишга уриндилар. Натижада 1487 йилда Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни вазифасидан бўшатади, бош вазир вазифасини Муҳаммад Маждиддин эгаллайди. Навоий эса Астрободга ҳоким қилиб тайинланади. Навоий ҳокимлик қилган 2 йил давомида Астробод шаҳри ва вилояти ободонлашиб, қўшни давлатлар билан яхши муносабатлар ўрнатилади, савдо ишлари йўлга қўйилади. Алишер Навоий Астрободда ҳам кўп янги шеърлар ёзган, Ҳиротдаги ёр-дўстларига мактублар йўллаб турган. Унинг Астрободдан Ҳусайн Бойқаронинг катта ўғли Бадиуззамонга

ёзган мактубини давлатни бошқариш ҳақидаги рисола, дейиш мумкин.

Алишер Навоий доим Ҳусайн Бойқарони адолатли ва маърифатли ҳукмдор қиёфасида кўриш орзуси билан яшади. Астрободдан Ҳусайн Бойқарога ва бошқа амалдорларга ёзган мактубларида уларни инсоф ва адолатга чақирар, давлат идора усулида мустаҳкам тартиб ўрнатиш ва айрим ислохотлар ўтказишга ундар эди. Лекин Алишер Навоийнинг истаклари тўла амалга ошиши қийин эди. Астрободда Навоий билан Ҳусайн Бойқаро муносабатларига путур етказувчи гаплар



юзага келгач, подшоҳ Алишер Навоийнинг Хиротга қайтишига рухсат беради. Ҳусайн Бойқаро Навоийга бир нечта юксак лавозимларни таклиф қилади. Алишер Навоий рози бўлмагач, унга «Муқарраби ҳазрати султоний» («Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси») деган расмий унвон берилади. Бу билан у давлатнинг ҳамма ишларига аралаша олар ва подшоҳ билан кўришиш имконига ҳам эга бўлар эди. Бинобарин, сарой амалдорлари, шу жумладан, Муҳаммад Маждиддин ҳам ҳар бир муҳим масалани кўп вақт у билан келишишга мажбур эди. Лекин Алишер Навоий билан Маждиддин ўртасидаги нодўстона муносабатдан кўпчилик хабардор эди. Навоийнинг Балхда ҳоким бўлиб турган укаси Дарвешали Маждиддиндан ранжиб, бош ҳукуматга қарши исён кўтаргани ҳам маълум. Бу исён Навоийнинг аралашуви билан тинчитилган. Айнан шу воқеа 1490 йилдан Маждиддиннинг сиёсат майдонидан кетишига асосий сабаб бўлган.

Алишер Навоий ҳамиша кўпроқ ижодий ва илмий ишлар билан шуғулланиш, бу борадаги режаларини амалга ошириш хаёли билан яшарди. Ҳаёт эса унинг режаларига ўз тузатишларини киритар эди. 1488 йил Саййид Ҳасан Ардашер, 1492 йил Жомий, 1493 йил олим ва шоир Паҳлавон Муҳаммад бирин-кетин ҳаётдан кўз юмдилар. Навоий ўзи учун қадрдон бўлган бу инсонлар хотирасини абадийлаштириш, уларга ўз ҳурматини изҳор этиш учун «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Хамсат ул-мутаҳаййирин» («Беш ҳайрат»), «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» номли рисолаларини ёзди. Астрободда ёза бошлаган «Тарихи мулуки Ажам» («Ажам подшоҳлари тарихи») асарини тугаллади (1489 йили).

1490 йил у ўзига замондош шоирлар ҳақида Жомийнинг «Баҳористон», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» асарлари шаклида «Мажолис ун-нафоис» («Нафислар мажмуаси») тазкирасини тузишга киришиб, 1492 йилда тугаллади. Шу вақтнинг ўзида Алишер Навоий ўзбек тилида шеърят назарияси, аниқроғи, аруз вазни қоидалари ҳақида «Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови») илмий қўлланмасини яратди. 1494 йилда туркий тилдаги мактубларини тўплаб «Муншаот» («Мактублар») мажмуасини тузди. 1495 йил Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарини «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») номи билан таржима қилиб, уни қайта ишлаб, туркий машойихлар ҳақидаги янги маълумотлар билан бойитди. Шу боисдан «Насойим ул-муҳаббат»га Алишер Навоийнинг мустақил асари сифатида қараш мумкин.

Алишер Навоий 1491–1492 йиллардан бошлаб туркий тилда ёзилган ҳамма шеърларидан янги, йиғма девон тузишга киришди ва бу иш 1498–1499 йилда ниҳоясига етди. Девоннинг умумий номи «Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») бўлиб, 4 қисмдан иборат бўлганлиги учун «Чор

девон» деб ҳам аталган. Девон шоирнинг бутун ҳаёти давомида ёзилган шеърларини қамраб олган, уларда Алишер Навоийнинг барча даврларидаги кайфияти, дунёқараши, орзу-умидлари ифодалаб берилган. Тахминан шу йилларда Алишер Навоий форсий шеърларидан ташкил топган «Девони Фоний» («Фоний девони»)ни, форсий тилдаги 2 қасидалар мажмуаларини тузиб, форсий шеърят тараққиётига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Хуросонда форсийзабон халқлар кўпчиликини ташкил этганлиги инобатга олинса, Алишер Навоийнинг бу тилда ҳам самарали ижод қилгани мамлакат маънавий эҳтиёжини яхши ҳис этганлигини билдиради.












1490 йилларнинг ўрталарига келиб мамлакатда ижтимоий-сиёсий танглик кучая бошлади. Темурийлар хонадонида ҳукмдор ўғиллари ўртасида юзага келган зиддиятлар эса бу тангликни янада кучайтиради. Ҳар бир шахзоданинг ўз тарафдорлари бўлиб, уларни мурасага келтириш кўп вақт Алишер Навоий зиммасига тушар эди. Бош вазир Низомулмулк эса 1496–1497 йилларда бу оилавий можароларда бир томонлама ҳаракат қилиб, Музаффар Мирзонинг онаси – Хадича бегимга ён босади. Шу асосда Ҳусайн Бойқаро билан Астрободда ҳокимлик қилаётган Бадиуззамон ўртасида ҳарбий тўқнашув юз берди. Саройдаги фитна, жумладан, Низомулмулкнинг қабиҳлиги натижасида Бадиуззамоннинг ўғли, Ҳусайн Бойқаронинг энг сеvimли набираси, Навоийнинг эса ихлос қўйган шогирди Мўмин Мирзо фожиали ўлдирилади. Булар ҳаммаси Алишер Навоий ҳаёти ва кайфиятига салбий таъсир кўрсатади.

Алишер Навоийнинг шеърӣ даҳоси XV аср охирларига келиб яна жўш урди. У 2 йил мобайнида 2 та йирик асар – «Лисон ут-тайр» («Қушлар тили») достонини ва «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси») номли илмӣ асарини яратди. Алишер Навоийнинг сўнгги буюк асарларидан яна бири насрий панднома йўсинида ёзилган «Маҳбубул-қулуб» («Қалблар севгани») дир. У Шарқ адабиёти тарихида Шайх Саъдийнинг «Гулистон», Кайковуснинг «Қобуснома», Низомий Арузи Самарқандийнинг «Чор мақола» каби асарлари қаторида туради. Бу асарида Алишер Навоий ўзининг ҳаёт йўлини, бошидан кечирган турмуш машаққатларини ёрқин тасвирлаб берган.

1500 йилларга келиб шоирнинг ҳаёт шароити қийинлашиб, соғлиги заифлашиб қолса-да, ижоддан тўхтамади. 1501 йилнинг бошида Навоий касалликдан вафот этди. Бутун Ҳирот халқи ўзининг буюк шоири билан хайрлашишга чиқди ва 7 кун давомида мотам тутди.

Навоий ўз ижоди билан ўзбек адабиётининг сўнгги ривожини белгилаганина қолмай, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бутун маънавий маданияти тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Унинг асарлари, шеърӣятӣ қайта-қайта кўчирилиб, халқ орасида кенг тарқалиб, шоирлар учун мактаб вазифасини ўтади, мадрасаларда кенг ўрганилди.



<p><i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Навоий ўз атрофида яратган адабий муҳит ҳақида фикр юритинг.2. Навоийни бу қадар улкан ижодий ишлар қилишга ундаган омил нима эди?
<p><i>Таҳлил ва таълқин</i></p>	  	<ol style="list-style-type: none">1. Шоирнинг яқинлари ва устозларига муносабатини изоҳланг.2. Навоийнинг ижодидаги асосий асарларини белгиланг ва нима учун маълум бир асарни белгилаганингизни тушунтиринг.3. «Фишбоун» усули воситасида гуруҳлараро савол-жавоб ўтказинг. 
<p><i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i></p>	   	<ol style="list-style-type: none">1. Навоийнинг умумтурк адабиёти ривожигаги ўрнини кўрсатинг.2. Венн диаграммаси асосида Навоий давридаги адабиёт ва замонавий адабиётни қиёсланг. 



БУГУН ДАРСДА:

- Навоийнинг адабий ва илмий меросини фаслларга бўлинишини билиб оламиз;
- Навоий «Хамса»сини ўзига хос хусусиятларини таҳлил қиламиз;
- шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан тақдимот тайёрлаймиз.

УЛЖАН АДАБИЙ МЕРОС

Зар қағрин зарғар билар

«Умидим улдурки ва ҳаёлимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авждан қуйи энмагай ва бу ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмагай».

Алишер Навоий



Берилган маълумотларни «Жигсо» усули орқали ўзлаштиринг.

Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини 4 фаслга бўлиш мумкин:
1. Девонлари. 2. Достонлари. 3. Форсий тилдаги шеърӣй мероси. 4. Илмий-филологик, насрий ва тарихий асарлари.

Алишер Навоийнинг ўзбек тилида яратган шеърӣй мероси, асосан, «Хазойин ул-маоний» девонига жамланган. Асар 4 қисмдан иборат. Девоннинг биринчи қисмига «Ғаройиб ус-сиғар» («Болалик ғаройиботлари»), иккинчи қисмига «Наводир уш-шабоб» («Йигитлик нодиротлари»), учинчи қисмига «Бадоеъ ул-васат» («Ўрта ёш бадиалари») ва ниҳоят, тўртинчи қисмига «Фавойид ул-кибар» («Кексалик фойдалари») деган номлар берилди.

«Хазойин ул-маоний» инсон боласининг мураккаб ва юксак тафаккури ҳамда беҳисоб ҳис-туйғулари билан боғлиқ мингларча шеър ва ўнларча шеър турларини ўз ичига олган мажмуа бўлиб, Шарқ адабиёти тарихида ноёб ҳодисадир. Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» га қадар «Илк девон», «Бадоеъ ул-бидоя», «Наводир ун-ниҳоя» девонларини тузган. «Хазойин ул-маоний» ана шу 3 девонга кирган ҳамда «Наводир ул-ниҳоя» тузилгандан кейин ёзилган шеърлар асосида юзага келган.



«Хазойин ул-маоний»даги 4 девоннинг ҳар бирида 650 тадан 2600 ға- зал, умуман 4 девонда 210 қитъа, 133 рубоий, 86 фард, 52 муаммо, 13 туюқ, 10 мухаммас, 10 чистон, 5 мусаддас, 4 таржеъбанд, 4 мустазод, 1 мусамман, 1 таркиббанд, 1 қасида, 1 маснавий, 1 соқийнома мавжуд бў- либ, Шарқ шеърятининг 16 тури намоёндр. Шарқда «Чор девон» номи билан шуҳрат топган мазкур тўпламни Навоийнинг она тили туркийдаги шеърӣй меросининг куллиёти дейилса, муболаға бўлмайди.

Алишер Навоийнинг ишқ билан боғлиқ тасвирлари ранг-баранг ва бой бўлиб, биз унда инсон ҳаёти ва ҳолатининг чексиз кўп қирраларини – шодликни ҳам, ҳафачиликни ҳам, такрорланмайдиган лаҳзаларни ҳам, ҳар кун, ҳар соатда юз берувчи кўнгилсизликларни ҳам кўрамиз. Зотан ўз- бек шеърятда инсон дарди ва ҳасратларини, ўз севгилисига талпиниш- ларини Навойдан ўтказиб ифодалаган шоирни топиш қийин. Алишер На- воийнинг ишқий мавзуда ёзган шеърларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, улардаги кўп ғоя ва тимсоллар, тасвирий деталлар анъанавий характерга эга. Шу билан бирга ишқ ва ишқий образлар талқи- нида ҳам бошқа мумтоз ижодкорлар каби Алишер Навоий рамзийликка кўп ўрин беради. «Ёр» – бу дунё гўзалигина эмас, унингча, бу – бутун бор- лиқни яратган ва ҳамма нарсани ҳаракатга келтириб турган Аллоҳ ҳам- дир. Шоир ўзининг тасаввуфӣй шеърларида ёрнинг қоши, кўзи, зулфи, сочи (ва ҳ.к.) деганда Аллоҳнинг куч-қудрати, меҳри, олий даражадаги гў- залликларини кўзда тутди. Алишер Навоийнинг барча лирик жанрларга оид шеърлари юксак маҳорат билан ёзилган бўлиб, инсон манфаатларига, унинг эътиқодини мустаҳкамлашга, руҳини соғломлаштиришга хизмат қилади. Унинг фалсафӣй, ахлоқий мазмундаги ҳаёт нафаси уфуриб турган ҳар бир шеъри бу жанрнинг ўлмас намуналаридир.

Улуғ шоир ижодининг шоҳ асари «Хамса» 5 дostonдан иборат. Булар «Ҳайрат ул-аброр» («Яхшилар ҳайрати»), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» («Етти сайёра»), «Садди Искандарий» («Искан- дар девори») дostonларидир. Форс адабиётидаги хамсачиликка жавоб си- фатида ўзбек тилида биринчи мартаба яратилган Алишер Навоий «Хам- са»си бу тилнинг чексиз имкониятларини амалда исбот этди. 52 минг ми- срадан иборат бу бешлик XV аср ислом тафаккурининг борлиқ ва табиат, инсон ва жамият, ахлоқ ва камолот ҳақидаги ўзига хос қомуси эди. Шоир воқеаларни қадим Шарқ тарихининг Хусрав, Баҳром, Искандар каби ном- лари афсоналар билан чулғанган шахслар, Лайли ва Мажнун каби ошиқлар ҳаётидан олди. Уларга янги мазмун берди, туркона руҳ киритди. Даврнинг дардли масалаларини, авлодларнинг орзу ва армонларини кўтариб чиқди. «Хамса» замондошларига ниҳоятда зўр таъсир кўрсатди. Абдурахмон Жо-

мий уни ҳаяжон билан олқишлади. Султон Ҳусайн эса шоирни ўзининг оқ отига миндириб, жиловдорлик қилди.

«Лисон ут-тайр» – Алишер Навоийнинг сўнгги достони «Хамса»дан 14 йил кейин – 1498–1499 йилда яратилган. Бу асарини шоир «Фоний» тахаллуси билан ёзган. Чунки бу даврда унинг ҳаёти кексаликка юз ўгирган, аниқроғи, бу дунёсидан кўпроқ у дунёсини ўйлай бошлаган эди. Мазкур асар болалигида севиб ўқигани – Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» («Қушлар тили») достонига жавоб тарзида, шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, «таржима расми била» юзага келтирган шеърий мўъжизаси эди. Асар 3598 байтдан иборат. Достондаги бош ғоя, бош муаммо тасаввуфдаги имон, эътиқод ва маънавият масалаларидир. Алишер Навоийнинг нияти оддий инсонларга инсонийликнинг илоҳий моҳиятини тушунтириб бериш, уларни оғир синовлардан ўтказиб, комил инсон даражасида кўриш. Худ-худ деган қуш номидан сўзланган юзларча ҳикоялар тасаввуфий мазмунда бўлиб, улар ҳаммаси ҳаётий, бири биридан қизиқарли. Қушларнинг ранг-баранг тимсоллари орқали Алишер Навоий ўзининг тасаввуф таълимоти билан боғлиқ ғояларини, Аллоҳнинг ҳамма нарсанинг ташқарисида эмас, балки ичида, ўзида эканини кўрсатиш ва исботлашга ҳаракат қилади. Бу билан Навоий тасаввуф ғояларини кенг китобхонлар оммасига бадий кўркем ва жонли етказишда олий даражада санъаткорлик кўрсатган.

Алишер Навоий бутун ҳаёти давомида ўзбек тили билан бир қаторда форсий тилда ҳам ижод қилиб, баракали мерос яратди. Унинг бу тилдаги шеърлари 1490-йилларнинг ўрталарида, Эрон олими Юсуф Шерозий тахминича, 1495–1500 йиллар орасида муаллиф томонидан девон ҳолига келтирилган ва «Девони Фоний» номи билан машҳур. Ўзбек олими Сулаймонов тавсифи бўйича, «Девони Фоний»да, «Дебоча»дан ташқари, 7 қасида, 554 ғазал, 1 мусаддас, 1 марсия, 72 қитъа, 73 рубоий, 16 тарих, 373 муаммо, 9 луғз бор. «Девони Фоний»даги ғазалларнинг аксарияти машҳур форс шоирлари шеърларига татаббулардан иборат. Алишер Навоий форс тилида ёзган оригинал ғазалларига «Мухтара», «Ихтиро» деб сарлавҳа қўйган бўлиб, уларнинг сони 50 дан ортиқ.

Алишер Навоий ўзининг форсий қасидаларидан алоҳида тўпламлар ҳам тузган бўлиб, уларнинг бири «Ситтаи зарурия» («Олти зарурат»), иккинчиси «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») деб аталади. «Ситтаи зарурия» тўпламига 6 қасида киритилган бўлиб, уларни Хисрав Деҳлавий, Жомий, Анварий, Ҳақоний, Солмон Соважий ва бошқа қасиданавислар таъсирида яратган. У даврларда шоирнинг шеърий маҳорати кўп вақт қасида ёзиш билан белгиланганини ҳисобга олсак, Алишер Навоийнинг ҳам қасиданавислик салоҳияти юқори бўлган. Алишер Навоийнинг «Фусули арбаа»

тўпламига 4 қасидаси киритилган бўлиб, уларда йилнинг 4 фасли – баҳор, ёз, куз ва қиш, бу фасллардан ҳар бирининг ўзига хос гўзаллиги завқ билан тасвирланган ва тўртталови ҳам замон подшоҳи – Султон Ҳусайн Бойқарони подшоҳ ва шахс, яхши дўст ва яхши инсон сифатида васф этишга бағишланган. Умуман, Алишер Навоий ўзининг форсий тилдаги асарлари билан замондошларининг, биринчи навбатда, Жомийнинг юқори таҳсинига сазовор бўлган ва форс-тожик адабиёти, хусусан шеърояти ривожига муносиб ҳиссасини қўша олган.

Алишер Навоий шоир бўлиш билан бирга, ўз даврининг улуғ олими, мутафаккири ҳам эди. Навоийсиз бу давр фани ва маданияти тараққиётини тасаввур этиш қийин. Алишер Навоий илмий тадқиқотлари ва излашнишларининг катта қисми, табиийки, тил ва адабиёт масалалари билан боғланган. Шу маънода «Мажолис ун-нафоис» тазкирасини яратиш билан Алишер Навоий ўз даври адабиётига, унинг ижодкорларига ўзига хос ҳайкал ўрнатди. Унда ўзбек ва форсий тилларда ижод қилган 359 шоирнинг ҳаёти ва ёзган асарлари ҳақида ноёб маълумотлар берилган, бу ижодкорларнинг ютуқ ва камчиликлари, ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган.

Алишер Навоийнинг «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарлари «Мажолис ун-нафоис»нинг давомидай бўлиб, бу давр адабиёти, фани ва маданиятининг йирик намояндалари ҳаётини ўрганишда энг қимматли манбалардир. Бу асарлар бадий-тасаввуф адабиётининг маноқиб (ёки манқаб) жанрига тегишли бўлиб, услубининг самимийлиги билан ажралиб туради.

Алишер Навоийнинг катта адабий ва тарихий аҳамиятга эга «Муншаот» асари унинг туркий тилда ўз замондошлари – подшоҳлар ва шахзодалар, илм ва адабиёт аҳдлари билан олиб борган ёзишмалари мажмуидан иборат, мактуб жанрининг мукаммал намуналари саналади. Мактубларнинг миқдори турли қўлёзмаларда турлича, бир-бирини тўлдиради. Алишер Навоий ўзининг форсий мактубларини ҳам йиғиб, «Муншаот» тузган. Бироқ у бизгача етиб келмаган.

Алишер Навоийнинг энг муҳим асарларидан бири «Вақфия» бўлиб, бир қарашда, шоир ва буюк давлат арбобининг ўзи қурган иморатларига вақфи, яъни расмий ҳужжатидек кўринса ҳам, аслида унда Султон Ҳусайн Бойқаро даври давлат тизими, Алишер Навоийнинг бу давлатни бошқаришдаги ўрни, унинг таржимаи ҳоли, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашлари катта билимдонлик ва аниқлик билан ёритилган. Шунинг учун ҳам навоийшуносликда бу асарга Алишер Навоий насрининг ажойиб намунаси сифатида қаралади. Муаллиф фикрларининг баъзиларини шеър билан, хусусан рубоий шаклида баён қилиши унинг қайси масалага қўл

урмасин, ўзини шеърятдан ҳеч узоқ турмаганини, доим шеърят билан нафас олганини намоён этади.

Алишер Навоийнинг адабиёт назариясига оид «Муфрадот» («Рисолаи муаммо») асари форсий тилда ёзилган, муаммо ёзиш ва ечиш қоидаларини илмий изоҳлашга бағишланган. Навоий даврида бу шеър тури ниҳоятда кенг истеъмолда бўлган. Афтидан, бу жанр назарияси ва амалиёти шу давр китобхонларининг адабий диди, тарбияси билан ҳам боғланган эди. Алишер Навоий баъзан махсус муаммо ечиш мажлислари ташкил этган.

Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови») ва «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси» ёки «Икки тил тадқиқи») асарлари бошқа илмий тадқиқотларидан фарқли ўлароқ умумтуркий аҳамиятга эга ва бошқа туркий халқларнинг шеърляти ва тилларини ўрганишга ҳам хизмат қилиб келмоқда. «Мезон ул-авзон» асарида аруз вазнига тушмайдиган шеърӣ вазнлар – туюқ, чинга, мустазод, арузворӣ, буди-будойи ва бошқа туркий шеърӣ вазнларга ҳам изоҳ ва талқинлар берилган. Бу асар аруз бўйича бугунги кунда ҳам ўз илмий қиммати ва амалий аҳамиятини йўқотмаган.

«Муҳокамат ул-луғатайн»да туркий тилнинг ижтимоӣ-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўрни, унинг грамматик мукамаллиги, сўзларга бойлиги форсий тил қоидалари ва ҳодисаларига қиёсланган ҳолда чуқур ва аниқ мисоллар орқали таҳлил этилган. Алишер Навоий ўзининг бу тилни, унинг жамият тараққиётидаги ўрнини, сўз ва ибораларга бойлигини шоир сифатида чуқур эгаллагани учун, унинг бошқа тиллардан камлик жойи йўқлигини, аксинча, уларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ватанпарвар олим сифатида аҳтирос билан кўрсатиб, исботлаб берган. Унинг муқояса учун келтирган 100 та туркий феълнинг аксари ўзбек тилида ҳозиргача истеъмолда. Шу билан бирга «Муҳокамат ул-луғатайн»да ўзбек адабиёти тарихи, унинг бошқа адабиётлар, хусусан, форсий адабиёт билан яқиндан боғланганлиги, Навоий ижодининг ривожланиш йўллари, айрим асарларининг юзага келиши сабаблари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор.

Алишер Навоий ҳаётининг охирларида «Маҳбуб ул-қулуб» насрий асарини ёзди. Асар 3 қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми 40 фасл. Ҳар бир фаслида муаллиф ўзи яшаган даврдаги бир табақа ҳаёти, ахлоқи ва вазифалари ҳақида суҳбат юритади. У ушбу табақа вакилларининг яхши ишлари ҳақида ҳам, айб ва нуқсонлари ҳақида ҳам гоҳ ҳалимлик билан, гоҳ ғазаб-нафрат билан мулоҳаза юритиб, уларни инсофга чақирмоқчи, тарбияламоқчи бўлади. Асарда Алишер Навоийнинг инсон ахлоқига ва тарбиясига доир энг ноёб панд ва насиҳатлари халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлари шаклида баён қилинган.

«Тарихи мулуки Ажам» ва «Тарихи анбиё ва ҳукамо» Алишер Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро даври ижтимоий-сиёсий тарихига бағишлаб ёзмоқчи бўлган асарининг бошланғич бўлакларидир.

Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да қадимги Эрон подшоҳлари, уларнинг тарихда муҳрланиб қолган ишлари ва шахсиятлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бундаги маълумотларни Навоий кўпроқ Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» дostonидан ҳамда «Тарихи Табарий» китобидан олган.

Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари эса ислом дини тарихи билан боғлиқ ривоятлар ва адабий асарларни, хусусан бир қатор пайғамбарлар ҳаётини Букрот (Гиппократ), Афлотун (Платон), Батлимус (Птолемей) каби донишмандларни билиб олиш учун муҳим манбадир. Айни вақтда Алишер Навоийнинг бу асарлари ўзбек бадиий насрининг қадимий ва гўзал намуналаридир.

Алишер Навоий ўзидан бой шеърӣ, насрий ва илмӣ мерос қолдирган бўлиб, бу мероснинг ҳажми, «Лисон ут-тайр» дostonида шоирнинг ўзи таъкидлашича, 100 минг байтдан иборатдир. Бу бой мерос билан Алишер Навоий ўзбек адабиётини жаҳон юксаклигига кўтарди ва ўзбек адабий тилига асос солди. Ўзбек адабиётида лирик жанрлар ва дostonчиликнинг энг юқори тараққиёти Алишер Навоий номи билан боғлангандир.

Алишер Навоий вафот этганидан кейин ўтган давр мобайнида унинг асарлари форсий ва туркий халқлар орасида кенг ёйилди. Атоқли тожик шоирларининг кўпчилиги, Фузулий, Кишварий, Мирзо Фатали Охундов, Собир каби озарбайжон ёзувчилари, Озодий, Маҳтумқули ва Зелили каби туркман шоирлари, қозоқ ёзувчиси Абай Қўнонбоев, қорақалпоқ соҳибқаламлари Бердақ, Ажиниёз, татар шоирлари Абдулла Тўқай, Ҳаюм Носирий ва бошқа Алишер Навоийга юксак баҳо бериб, асарларидан таълим олдилар, айрим асарларига назира битдилар.

Зар қадрин заргар билар

*Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни яққалам...*

*Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур...*

*Олибмен тахти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.*

Алишер Навоий



<p><i>Тушуни ва саволларга жавоб бериш</i></p>	 	<p>1. Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини фаслларга бўлинишини «Ментал карта» чизмасида акс эттиринг.</p> 						
<p><i>Таҳлил ва талқин</i></p>	  	<p>1. Навоий «Хамса»сининг бошқа «Хамса»лардан ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатинг.</p> <p>2. Навоий асарларининг хронологик жадвалини тuzинг.</p> <table border="1" data-bbox="442 970 1194 1125"><thead><tr><th>Йиллар</th><th>Асарлар</th></tr></thead><tbody><tr><td> </td><td> </td></tr><tr><td> </td><td> </td></tr></tbody></table>	Йиллар	Асарлар				
Йиллар	Асарлар							
<p><i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i></p>	 	<p>1. «Навоий – турк адабиётининг даҳо ижодкори» мавзусида ижодий иш ёзинг.</p> <p>2. Навоийнинг ҳаёти ва ижоди асосида тақдимот тайёрланг.</p>						

8

БУГУН ДАРСДА:

- Навоийнинг ғазалларини ифодали ўқиймиз, матн устида ишлаймиз;
- муаллиф кўзқарашини матндан мисоллар келтириб, тушунтирган ҳолда муаллифнинг қаҳрамонларига муносабатини ифодалаш усулларини аниқлаймиз;
- «Назм ва наво» дарсини ўтказамиз.

**ҒАЗАЛЛАР**

Олибмен тахти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.

Хуросон демаким, Шерозу Табриз –
Ки қилмишдур найи қилким шакаррез.

Кўнгул бермиш сўзимга турк, жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.

Алишер Навоий

Оразин ёпқач кўзимдин...

Оразин ёпқач, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.

Қут бир бодому ерим гўшайи меҳроб эди,
Ғорати дин этти ногаҳ бир балолиғ кўзу қош.

Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,
Субҳнинг бот-бот дами, андоғки, айлар меҳр фош.

«Бўсае қилмас мурувват, асру қаттиқдур лабинг»,
Десам оғзи ичра айтур: «Лаъл ҳам бор навъи тош».






Новакинг кўнглумга киргач, жон талашмоқ бу экин,
Ким, қилур пайконини кўнглум била жоним талош.

Умри жовид истасанг, фард ўлки, бўстон хизридур,
Сарвким, даъб айлади озодалиғ бирла маош.

Қоши олдинда Навоий берса жон, айб этмангиз,
Гар будур мехроб, бир-бир қўйғусидур барча бош.

«Ғаройиб ус-сиғар», 249-газал



<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> Ғазални ўқиб, асарнинг мавзу доирасини ҳамда таркибий тузилишини аниқланг. Ғазални тушуниш учун қуйидаги жадвални тўлди-ринг. <table border="1" data-bbox="442 906 1192 1076"> <tr> <td style="text-align: center;"><i>Шеър нима учун қизиқарли бўлди?</i></td> <td style="text-align: center;"><i>Ғазалдан сизга ёққан мисраларни айтинг</i></td> <td style="text-align: center;"><i>Шеърнинг фалсафий байти</i></td> </tr> <tr> <td style="height: 30px;"></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>	<i>Шеър нима учун қизиқарли бўлди?</i>	<i>Ғазалдан сизга ёққан мисраларни айтинг</i>	<i>Шеърнинг фалсафий байти</i>			
<i>Шеър нима учун қизиқарли бўлди?</i>	<i>Ғазалдан сизга ёққан мисраларни айтинг</i>	<i>Шеърнинг фалсафий байти</i>						
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва таъқин</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> Ғазалда табиат ўзгаришларидаги кечинмалар манзари инсон ҳолати билан уйғунлиги қандай тасвирланган? «Субҳнинг бот-бот дами, андоғки, айлар мехр фош», – сатридаги «мехр» сўзининг маъноларини изоҳланг. Ушбу байтда қандай шеърий санъат қўлланилган? 						



1. Ҳазалга қандай ном берган бўлардингиз? Нима учун?
2. Навоийнинг тасвирлаш услубига хос ёзилган ҳазалларни биласизми?
3. Гуруҳда ишлаш. «Тадқиқот иши» усули орқали ҳазални баҳоланг.

1-гуруҳ	Матннинг асосий ғоясини топинг	
2-гуруҳ	Таниш ва нотаниш сўзлар	
3-гуруҳ	Фикрингизни расм билан тасвирланг	
4-гуруҳ	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг	
5-гуруҳ	Тарбиявий хулоса чиқаринг	

Шўх икки ғизолингни...

Шўх икки ғизолингни ноз¹ уйқусидин уйғат,
То уйқуларни кетсун, гулзор ичида ўйнат.

Тишлабки, сочинг, ўрдунг, осканда паришон қил²,
Офоқ³ саводинда⁴ жон ройиҳасин⁵ бутрат⁶.

Кулбамга хай афшон⁷ кел, зулфунг қилиб ошуфта⁸,
Анжум сипаҳин⁹ синдур, офоқ улусин¹⁰ кўзгат.

Ораз қуёшин¹¹ очиб, ашки қуруған кўзни
Кўп ҳажрда йиғлатдинг, бир васлда ҳам йиғлат.



¹ Ҳизол – кийик, оху, бу ерда ёрнинг кўзлари икки ҳуо дейиляпти.

² Паришон қил – ёй, соч, тарқат.

³ Офоқ – уфқлар, дунё.

⁴ Савод – қоронғилик.

⁵ Ройиҳа – ёқимли ҳид.

⁶ Бутратмоқ – тарқатмоқ.

⁷ Хай афшон – тарки одат қилиб, яъни сочларингни ёйиб дейилмоқчи.

⁸ Ошуфта – тарқоқ, тўзгиган.

⁹ Анжум сипаҳи – юлдузлар лашкари.

¹⁰ Офоқ улуси – уфқлар эли, яъни осмон жисмлари.

¹¹ Ораз қуёши – чеҳра қуёши, яъни юз.






Бир оҳ ила кул бўлдум, эй чарх, тилаб топиб,
Фарҳод ила Мажнунга ошиқлик ишин ўргат.

Хоро¹ тубига ётқунг, йўқ суд² агар юз йил,
Қўқ атласи устида жисмингни ётиб ағнат.

Базм ичра Навоий кўп йиғлар эса, эй соқий,
Ҳуш элткучи дору жомиға анинг чайқат.

«Наводир уш-шабоб», 75-газал



<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазалда изтироб туйғуси қай йўсинда ўз ифодасини топган? 2. Нима сабабдан шоир кўнгли ҳамиша маъшуқага интилади? Ғазал матни асосида фикрингизни исботланг. 3. Асарда қандай қаҳрамонларга мурожаат қилинган?
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва таълқин</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ошиқнинг ҳолати ҳамда маъшуқанинг «сеҳри» қайси байтларда яққол тасвирланган? 2. Ғазалда қандай шеърий санъатлар қўлланилган? Жавобингизни асосланг.

¹ Хоро – ипакдан тўқиладиган қимматбаҳо, ялтираб турадиган мато, газлама; қаттиқ тош – гранит ҳам хоро дейилади; шоир сўзнинг ана шу иккала маъносига ҳам ишора қилиб кетган.

² Суд – фойда.



1. Навоийнинг ишқ мавзусидаги бошқа ғазали билан ушбу ғазални солиштиринг. Фарқ ва ўхшаш томонларини аниқланг.

2. Ғазалнинг бадииятини шарҳланг.

<i>Мазмун ва мавзунинг мослиги</i>	<i>Шоир образи қандай тасвирланган?</i>	
<i>Асар тилига оид</i>	<i>Асарда қандай бадиий тасвир воситаларидан фойдаланилган? Шу воситалар орқали образ қандай ёритилган?</i>	
<i>Баҳолашга оид</i>	<i>Асар ёки унинг қаҳрамонига нисбатан умумий кўзқарашингиз, мустақил баҳо беринг</i>	



БУГУН ДАРСДА:

- Навоийнинг ғазалларидан намуналарни ифодали ўқиймиз, матн устида ишлаймиз;
- муаллиф кўзқарашини матндан мисоллар келтириб, тушунтирган ҳолда муаллифнинг қаҳрамонларига муносабатини ифодалаш усулларини аниқлаймиз;
- «Назм ва наво» дарсини ўтказамиз.

Ўн саккиз минг олам ошуби...

Ўн саккиз минг олам ошуби¹ агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим² ўн саккиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким, яна ўн саккиз йил ҳусни бор,
Ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

¹ Ошуб – ғавро, тўполон.

² Сарвиноз – мажозан: гўзал.



Ўн сакиз йил, дема, юз саксон йил ўлса¹, улдурур
Хусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.

Ҳайрат этман² ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,
Барчаси эзид³ таоло сунъ⁴ наққошиндадур.

Тан анга сийм-у⁵, ичинда тош музмар⁶ кўнглидин,
Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй муғки⁷, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ⁸,
Булъажабларким, бу эски дайр⁹ хуффошиндадур¹⁰.

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк¹¹,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

«Бадоеъ ул-васат», 156-газал.

¹ Ўлса – бўлса.

² Этман – этмайман.

³ Эзид – худо.

⁴ Сунъ – яшаш, яратиш; кудрат.

⁵ Сийм – кумуш, мажозан: оқ.

⁶ Музмар – яшрин, беркитилган.

⁷ Мўғ – оташпараст; бу ерда майфуруш маъносида.

⁸ Масиҳ – Исо пайғамбарнинг лақаби.

⁹ Дайр – бутхона, бу ерда мажозан: майхона маъносида.

¹⁰ Хуффош – кўршапалак.

¹¹ Баҳриашк – кўз ёши денгизи.



<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазал услубан қайси турда яратилган? 2. «Ўн саккиз минг олам» тимсолини бадиият жиҳатидан тушунтиринг. 				
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	   	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазалдаги «олам ошуби», «сарвинозим», «фитнаким» тасвирий воситалари орқали муаллиф қандай ғояни илгари сурмоқда? 2. Мақтаъда ошиқ ким учун кўз ёшини тўкканлиги қандай тасвирланган? 3. Жувфтликда ишлаш учун топшириқ. <table border="1" data-bbox="348 828 1144 1016"> <tr> <td data-bbox="348 828 743 1016"> <p><i>Шеърдан сизга кўпроқ таъсир қилган жумла, фикр (келишмовчилик, тушунмаслик, қарши чиқиш)</i></p> </td> <td data-bbox="746 828 1144 1016"> <p><i>Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай савол, фикр ёки муносабат қўзғатди?</i></p> </td> </tr> <tr> <td data-bbox="348 1019 743 1033"> </td> <td data-bbox="746 1019 1144 1033"> </td> </tr> </table>	<p><i>Шеърдан сизга кўпроқ таъсир қилган жумла, фикр (келишмовчилик, тушунмаслик, қарши чиқиш)</i></p>	<p><i>Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай савол, фикр ёки муносабат қўзғатди?</i></p>		
<p><i>Шеърдан сизга кўпроқ таъсир қилган жумла, фикр (келишмовчилик, тушунмаслик, қарши чиқиш)</i></p>	<p><i>Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай савол, фикр ёки муносабат қўзғатди?</i></p>					
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Инсон учун ўн саккиз ёш қандай давр? Фикрингизни ғазал матнига асосланиб далилланг. 2. «Оқилнинг олти қалпоғи» усули орқали ғазал мазмунини баҳоланг. 				

Хилъатин¹ то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,
Шуълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми² оҳдин
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Шишадек кўнглумдадир гулзори ҳуснунг ёдидин,
Тобдоннинг³ аксидек алвон⁴ қизил, сориг, яшил.


Оразу ҳолинг била хаттинг⁵ хаёлидин эрур
Кўзларимнинг оллида даврон қизил, сориг, яшил.

Лаългун май тутқил олтун жом бирла сабзада⁶
Ким, булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.

Фақр⁷ аро беранглиқ душвор⁸ эрур беҳад, валеқ
Хирқада⁹ тикмақ эрур осон қизил, сориг, яшил.

Эй Навоий, олтину шингарфу¹⁰ зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил.

«Фавойид ул-кибар», 388-газал



¹ Хилъат – тўн, қимматбаҳо кийим.

² Самум – гармсел, таппот.

³ Тобдон – уйга ёруғ тушсин учун эшикнинг тепасида бўладиган туйнук, кўпинча унга рангли шиша (ойна) қўйилган, чунки иссиқ ўлкаларда ўша рангли шиша иссиқни ҳам тўсишга хизмат қилган.

⁴ Алвон – ранглар.

⁵ Хатт – ёзув, чизик; бу ерда мажозан ёр лабидаги бир чизикдек терилган туқлар, мўйлов.

⁶ Сабза – кўклам, янги ўсган майсалар.







⁷ Фақр – камбағаллик, бу ерда тасаввуфий маънода фақру фано йўлига кирганлар ҳам кўзда тутилган.

⁸ Душвор – қийин, мушкул.

⁹ Хирқа – суфийлар киядиган махсус уст кийими, жанда.

¹⁰ Шингарф – қизил бўёқ, қизил ранг.



<p><i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳазални ўқиб, тушунилиши қийин бўлган сўз, ибора ва тимсолларни аниқланг. 2. Сизнингча, ҳазал кимга бағишланган: гўзал маҳбубага ёки Оллоҳга? Фикрингизни далилланг. 												
<p><i>Таҳлил ва талқин</i></p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳазалнинг чуқур, серқатлам маънолар мужассамлаштирилган шоҳбайтини топинг ва уни таҳлил қилинг. 2. Қуйидаги тизимдан фойдаланиб, матнга таянган ҳолда бадиий асар тилини аниқланг. <table border="1" data-bbox="398 865 1135 1175"> <thead> <tr> <th>Тасвирий восита</th> <th>Далиллар</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td><i>Ташбеҳ</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Талмеҳ</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Тазод</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Ирсоли масал</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td>...</td> <td></td> </tr> </tbody> </table>	Тасвирий восита	Далиллар	<i>Ташбеҳ</i>		<i>Талмеҳ</i>		<i>Тазод</i>		<i>Ирсоли масал</i>		...	
Тасвирий восита	Далиллар													
<i>Ташбеҳ</i>														
<i>Талмеҳ</i>														
<i>Тазод</i>														
<i>Ирсоли масал</i>														
...														
<p><i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i></p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. «Беш дақиқали эссе» усули орқали Навоий ўзига ва висол иштиёқидаги ўзга ошиқларга илоҳий муҳаббатнинг сеҳру синоатидан сабоқ беришига ўзингизнинг муносабатингизни билдириг. 												

Зар қадрин зарғар билар

«Алишербек назир иўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар
ҳеч ким онча кўб ва хўб айтқон эмас».

«Бу иккинчи навбат Самарқандни олғанда, Алишербек тирик эди. Бир
навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб
эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

БИЛИМИМИЗНИ СИНАЙМИЗ ТЕСТ

1. Навоий шеърий меросининг куллиёти ҳисобланган девонни кўрсатинг.
А) «Наводир ун-нихоя»
Б) «Бадойи ул-бидоя»
В) «Хазойин ул-маоний»
Г) «Мажолис ун-нафоис»
2. Навоийнинг «Девони Фоний» номли ғазаллар тўпламида қандай жанрлардан фойдаланган?
1) ғазал 2) ташхис 3) таркиббанд 4) рубоий 5) муболага 6) қитъа 7) мураббаъ
А) 1, 3, 4, 6
Б) 2, 3, 4
В) 1, 3, 4, 7
Г) 5, 6, 7
3. Қайси адиб Навоийни «Ғазал мулкининг султони» деб таърифланган?
А) Бобур
Б) Ойбек
В) Фузулий
Г) М. Шайхзода
4. Навоийнинг ўзи тузган дастлабки девонларини аниқланг.
А) «Чор Девон», «Девони Фоний»
Б) «Илк Девон», «Хазойин ул-маоний»

- В) «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб»
- Г) «Бадоеъ ул-бидоя», «Наводир ун-ниҳоя»

5. Навоий неча хил лирик жанрда ижод қилган?

- А) 16
- Б) 8
- В) 10
- Г) 12

6. «Хазойин ул-маоний»даги тўрт девоннинг ёш тартиби тўғри жойлашган қаторни аниқланг.

- А) «Ғаройиб ус-сиғар», 10-20 ёш; «Наводир уш-шабоб», 25-35 ёш; «Бадоеъ ул-васат», 30-45 ёш; «Фавойид ул-кибар» 45-65 ёш
- Б) «Ғаройиб ус-сиғар», 6-20 ёш; «Наводир уш-шабоб», 20-30 ёш; «Бадоеъ ул-васат», 30-45 ёш; «Фавойид ул-кибар», 40-60 ёш
- В) «Ғаройиб ус-сиғар», 7-20 ёш; «Наводир уш-шабоб», 20-35 ёш; «Бадоеъ ул-васат», 35-45 ёш; «Фавойид ул-кибар» 45-60 ёш
- Г) «Ғаройиб ус-сиғар», 7-20 ёшгача; «Наводир уш-шабоб», 20-35 ёш; «Бадоеъ ул-васат», 34-44 ёш; «Фавойид ул-кибар» 44-60 ёш

7. «Камол эт касбким олам уйидин ...» деб бошланувчи қитъа муаллифи қайси қаторда тўғри берилган?

- А) Бобур
- Б) Навоий
- В) Лутфий
- Г) Низомий

8. Мумтоз шеърятимиздаги қайси шеърый жанр арабча «ёлғиз, ягона» маъносини англатади?

- А) фард
- Б) қитъа
- В) мусаллас
- Д) маснавий

9. Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» девонида қанча қитъа жамланган?

- А) 180 та
- Б) 133 та
- В) 210 та
- Г) 503 та

10. «Манзури шахоншоҳи Хуросон» дея таърифланган шоир қайси қаторда тўғри берилган?

- А) Низомий
- Б) Лутфий
- В) Жомий
- Г) Навоий

11. *Эй Навоий, бор анга мундоқ уқубатларки бир,
Ҳажридин дарди ва лекин вошдин дармони йўқ.*
Байтда қўлланилган бадий санъатни аниқланг.

- А) тазод
- Б) ташбеҳ
- В) таъкид
- Г) талмеҳ

12. Навоий ғазалиётининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этувчи тушунчани аниқланг.

- А) комиллик
- Б) ишқ
- В) дунё
- Г) шоирлик

13. Навоий фикрича дунёга келмоқдан мурод нима?

- А) дунё лаззатларидан баҳраманд бўлмоқ
- Б) комил инсон бўлмоқ
- В) ўзини адоқсиз ғамларга ташламоқ
- Г) илоҳий ишққа етишмоқ

14. Навоий қайси ғазалида маъшуқа ҳуснини тасвирлаш учун табиий ранглардан фойдаланган?

- А) «Жонға чун дермен»
- Б) «Хилъатин то айламиш жонон»
- В) «Кеча келгум»
- Г) «Ёрсиз кўнгул»

15. *Шишадек кўнглумдадур гулзори ҳуснинг йодидин,
Тобаданнинг аксидек алвон қизил, сориг, яшил.*
Ушбу байтда қўлланилган шеърини санъатни белгиланг.

- А) ташбеҳ



- Б) таъкид
- В) далиллаш
- Г) барчаси тўғри

16. Навоийнинг қайси ғазалида яхшиликка ёмонлик кўрган кишининг туйғулари акс этган?

- А) «Кеча келгумдур дебон...»
- Б) «Ўн саккиз минг олам...»
- В) «Кимга қилдим бир вафоқим...»
- Г) «Кўргали ҳуснингни зору...»





БУГУН ДАРСДА:

- Навоийнинг улкан мероси билан танишамиз;
- хамсачилик анъанаси ҳақида тушунчага эга бўламиз;
- матндан мустақил ҳолда муаллиф кўзқараши ифодасига боғлиқ цитата, парчаларни аниқлаш ва ифодали ўқиймиз.



«ХАМСА» АСАРИ

«Хамса» – бешлик дегани. У беш мустақил дostonдан иборат бўлиб, ҳар бир дoston маснавий йўли билан маълум бир мавзу ва воқеалар тизимини атрофлича ёритиб беради. Кун чиқиш адабиётида биринчи бўлиб «Хамса» ёзган киши буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавийдир. У 1173–1179 йилларда Арзинжон ҳокими Фахриддин Баҳромшоҳга бағишлаб, «Махзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси») номли насихатнома асар ёзади. 1180–1181 йилларда Ироқ ҳукмдори II Тўғрулнинг илтимосига кўра муҳаббат ва қаҳрамонлик ифодаланган «Хусрав ва Ширин» дostonини яратади. 1188 йилда ширвоншоҳлардан I Ахсатан Низомийга Лайли ва Мажнун ҳақида дoston ёзишни буюради. 1196 йилда яна бир ҳукмдор Аловиддин Кўрпа Арслоннинг топшириғи билан Баҳром ҳақидаги «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») майдонга келади. 1196–1201 йилларда сўнгги дoston – «Искандарнома» яратилди. Шу тариқа, 1173–1201 йиллар оралиғидаги 28 йил давомида беш дoston дунё юзини кўради ва улар «Панж ганж» («Беш хазина») номи билан шухрат топади.

Низомий «Хамса»си барча шоирлар учун ўрнак ва тимсол бўлиб қолди. Қанчадан-қанча ижодкорлар унга эргашиб, алоҳида дostonлар ва ҳатто «Хамса» ёздилар. Лекин тарих уларнинг кўпчилигини унутди. Биринчи «Хамса»га ҳар жиҳатдан муносиб жавоб юз йилдан сўнггина майдонга келди. Унинг муаллифи ота-боболари асли шахрисабзлик бўлиб, мўғул босқини даврида Ҳиндистонга бориб қолган Хусрав Деҳлавий (1253–1325) эди. У 1299–1301 йилларда «Матлаъ ул-анвор» («Нурларнинг бошланмаси»), «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли», «Ҳишт беҳишт» («Саккиз жаннат»), «Ойнаи Искандарий» («Искандар ойнаси») дostonларини яратиб, Низомий ишини давом эттирди ва натижада, Шарқ адабиётида хамсачилик анъанаси пайдо бўлди. Шунга кўра, ҳар бир асар «Хамса» деб аталмоғи учун:



- а) беш дostonдан ташкил топмоғи;
- б) биринчи дoston, албатта, панд-насиҳат руҳидаги таълимий-ахлоқий, фалсафий бўлмоғи;
- в) иккинчи дoston Хусрав ва Ширин можароларига бағишланмоғи;
- г) учинчи дoston Лайли ва Мажнун муҳаббатини мавзу қилиб олмоғи;
- д) тўртинчи дoston шоҳ Баҳром ва бешинчи дoston Искандар ҳақида ёзилмоғи шарт эди.

Алишер Навоийнинг «Хамса»си бошқалардан фарқли равишда туркий тилда ёзилди ва умумжаҳон адабиётининг юксак чўққиси бўлиб қолди. Навоий «Хамса»си яхлит асардир. Буюк шоир унда замонасининг барча долзарб масалаларини қаламга олади. Ҳар беш дoston бир-бири билан мустақкам боғланган.

Зар қадрин зарғар билар

*... Гар нуқталари жаҳонни тутти,
Ғавғолари инсу жонни тутти.
Чун форсий эрди нукта шавқи,
Озроқ эрди анда турки завқи.
Ул тил била назм бўлди малфуз,
Ким форсий англар ўлди маҳфуз.
Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
Ким шухрати жаҳонга тўлғай,
Турк элига доғи баҳра бўлғай.*

Алишер Навоий



«САБЪАИ САЙЁР» ДОСТОНИ



Зар қадрин заргаар билар

*...Бўлди чун бу рақам иши тайёр,
Қўйдум отини «Сабъаи сайёр»...*

*Халққа зеби торақ айла ани!
Ўқуғонға муборак айла ани!
Етти афлокни анга ёр эт!
Етти иқлим элин харидор эт!
Алишер Навоий*



Асар парчасини «Жигсо» усули орқали ўзлаштиринг.

XXV

**Олтинчи иқлим йўлидин келтурган мусофир нуктатирозлиғи
(Бу боб панжшанба куни Баҳромнинг сандал тусли
рангли гулшанда ором олгани ҳақида)**

Фориғ ўлғоч бу дур нисоридин,
Дедиким: «Бохтар диёридин

Қилдилар азми Ховар икки киши,
Туну кун сайр ўлуб аларнинг иши.

Бириси Муқбили биёбонгард¹,
Яна бир Мудбири биҳор навард².

Раҳрав ул иккидек бу кўҳна саро,
Қилмай эҳсос барру баҳр аро.

Муқбил озодаи ҳумоюн фол,
Элга мақбул этиб ани иқбол.

Мудбир андоққи борса ҳар сори,
Ултуруб юзда гарди идбори.

Йўлда бир води эрди асру махуф,
Қилмай андин мурур аҳли вуқуф³,

Тикану шўра – сабзау боғи,
Нафту гўгирд – суву туфроғи⁴.

Чун бухору уфун ҳужум айлаб,
Ийси анфосини самум айлаб⁵.

Ели ўтким, киши таниға уруб,
Чун кул айлаб ҳам ўзи-ўқ совуруб.

¹ Муқбили биёбонгард – биёбон кезувчи Муқбил. Муқбил – иқболли, қобил демақдир.

² «Мудбири биҳор навард» – дарё кезувчи Мудбир. Мудбир – иши орқага кетувчи, бахтсиз демақдир. Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достонида сандал рангли қасрадаги гўзал «Хайр ва Шарр» (яхши ва ёмон) ҳақида ҳикоя сўзлайди. Навоийнинг «Муқбил ва Мудбир» ҳикояси ғоя жиҳатидан Низомий ҳикоясига яқин туради. Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонида ҳам Муқбил ва Мудбир ҳақида ҳикоят келтирилган бўлиб, шоир уларни шундай тасвирлайди:

*Бири ноқисваш, бири комилсифат,
Онга Мудбир, мунга Муқбил эрди от.*

*Ҳар бирига зот эди оти киби
Ул сифатким, от эди зоти киби.*

*Муқбил айтур эрди аҳлиллоҳдин,
Динда хайли комилу огоҳдин.*

*Аҳли нуқсондин эди Мудбирга сўз
Ўйлаким, бут васфидин кофирга сўз...*

³ «Хабардор кишилар бу ердан юрмас эдилар».

⁴ «Суву туфроғи – нефту гугурт эди».

⁵ «Буғу қўланса ҳид ҳужум қилиб, Исо нафасини ҳам заҳарлаб қўйди».



Анда йўқ жонварнинг имкони,
Қирибон чун ўзи чиқиб жони.

Добон эл «Водийи Ҳамим» отин,
Ҳирқати айлаб они исботин.

Ул иков йўлдин ўлмайин огоҳ,
Буйла водада бўлдилар ҳамроҳ.

Кўрдилар чунки йўл суубатини,
Ул бало даштининг уқубатини

Ки, нечаким анинг канораси йўқ,
Қатъ қилмоқтин ўзга чораси йўқ.

Ҳар бало қўйса юз таҳаммул этиб,
Кирдилар дашт аро таваккул этиб.

Чун ҳарорат шарора кўргузди,
Мудбири хас шароратин тузди

Ки, дер эрди: «Бу не ҳаво бўлғай?
Халқ қилмоқ бу не раво бўлғай?»

Гоҳ дер эрди масту беҳушвор:
«Сув яратмоқ магар эрур душвор?»

Йўқ эди майл қилса ҳар сўзга,
Тенгрига эътироздин ўзга.

Чунки ул поядин таназзул этиб,
Таъну ташниъи ҳамраҳиға етиб

Ким: «мени нотавони хастаға кош,
Сен киби бўлмағай эди йўлдош!»

Сени кўрмак не шум кун эрди
Ки, ёмон мунча хосият берди».



Муқбил эрди худой ила машғул,
Зикру тасбиҳи тенгрига мақбул.

Сўзи Мудбирға ғайри панд ўлмай,
Лек анга панд судманд ўлмай.

Чекти Муқбил баса азоби алим,
То анга қатъ бўлди дашти ҳамим.

Чунки ул дашт нопадид ўлди,
Баҳрн дарду ано падид ўлди.

Ҳамраҳидин батанг эди Муқбил,
Хайрбодиға табъ этиб мойил.

Чун кўп эрди азоб шайни анга,
«Қола ҳозо фироқу байни»¹ анга.

Яна Мудбир тилаб қилурға сафо,
Айлабон қилғонидин истеъфо.

Айлагон тавридин қироқ тутуб,
Ер уза бош қўюб қулоқ тутуб.

Бўлубон тавба бирла узр овар
Ки, ани Муқбил айлабон бовар.

Жавридин хотирини айлаб соф,
Унутуб ҳар неким, деб эрди газоф.

Сув қироғига бўлдилар оён,
Кема эрди тенгизда бепоён.

Ҳар тараф соҳил ичра гом урубон,
Ховар аҳлини топтилар сўрубон.

Ҳар бир ўз муздини қилиб таслим,
Кирдилар баҳр ичига қилмай бийм.

¹ «Бу ўртамизда айрилиқ бўлур».

Берди маллоҳ аларға бир сандал
Ки, бор эрди ҳамул иковга маҳал¹,

Тоқтилар олиб ихтиёрин анинг,
Бир улук кемага маҳорин анинг².

Қилдилар чунки баҳр азмини жазм,
Бир неча кема бир ён айладн азм.

Ховар аҳли ҳам ўлдилар сойир,
Кема суръатда уйлаким тойир,

Яна Мудбир ўзин тутуб бадҳол,
Майл қилди демакка ҳарза мақол.

Ёри чун мазҳари саодат эди,
Иши тасбиҳ ила ибодат эди.

Анга ҳам ёвадин бўлуб монийъ,
Бўлмайин ул бу манъ ила қонийъ.

Онча куфр айта бошлади фар-фар
Ки, дамидин аён бўлуб сарсар.

Тенгиз узра зуҳур этиб кўлок,
Кема аҳлини айлади ғамнок.

Буйла сўзлар хитоби ҳаққа мудом,
Букн: «Йўқ ишларингда ҳеч андом.

Қуму даштингда онча сўзу гудоз,
Баҳру мавжунгда бу қадар таку тоз.

Анда тафриту мунда бу ифрот,
Эл ҳиссу ақлини қилур исқот».

Шум анфосининг шаоматидин,
Баҳр чайқалди мавж офатидин.

¹ «Маллоҳ – кемачи уларга икки кишилик кема (сандал) берди».

² «Бир улук кемага унинг арқонини (боғладилар)».

Тушти дарёда ул сифат ошуб
Ки, су амвожи бўлди гардун кўб.

Солди онинг риёҳи идбори,
Ҳар киши кемасини бир сори.

Узди заврақчанинг маҳорини ҳам,
Ташлади жунг рахту борини ҳам.

Кемаларнинг ичинда онча фариқ,
Қолди баъзию, баъзи ўлди ғариқ.

Қолғони доғи ҳар тараф тушти,
Борчадин амн бир тараф тушти.

Ул иков заврақида сайру шитоб,
Мудбир аҳволи заврақ ичра хароб.

Муқбил айлаб дуо тазарруъ этиб,
Тенгридин ёрлиғ таваққуъ этиб,

Мунча офат тенгизда бир сори,
Бир сори ҳамдамнининг идбори.

Ҳам дуоси анинг қилиб таъсир,
Топти таскан тенгизда, ул ташвир.

Ел тиниб баҳр топти чун ором,
Заврақ айлар эди су узра хиром.

Қилибон етса баҳр уза юз бийм,
Ўзни тенгри қазосиға таслим,

Буйла ҳолатда боқти озода,
Бир саводе кўрунди дарёда.

Ранги онинг сипехри хазродек,
Хайъату даври чархи минодек.



Эсти андоқ насим улёндин
Ким, хабар берди нафҳаси жондин.

Сандалосо шамиму рийҳ анда,
Елга бориб дами Масих анда.

Баҳр исидин димоғи фарсуда,
Бўлди Муқбилға бир дам осуда.

Саждаи шукр айлагач филҳол,
Ул тараф сурди заврақин иқбол.

Чунки иқбол заврақин сурди,
Тонг йўқ ар бир нафасда еткурди.

Гўйи ул бир дарахт эди олий,
Рангу рифъатда чарх тимсоли.

Ул дарахт эрди гўйиё сандал,
Барги кўзгулари топиб сайқал.

Кимки ҳар кўзгуни қилиб манзур,
Шоҳиди бахт айлаб анда зуҳур.

Рифъати кўкка тегуруб поя,
Баргидин баҳрни ёпиб соя.

Соясидин су гарчи анбарфом,
Сандалосо топиб исини машом.

Онча тупроқ сув юзини тутуб
Ки, фазосида ул дарахт бутуб.

Танаси ичра бир азим шигоф,
Чашмас жавфи ичра беҳад соф.

Сийми маҳлулдек суйи тоби,
Жўшида изтироби сиймобий.



Ғулғули баҳр эли ишига кулуб,
Ғулғул айлаб тенгиз аро тўкулуб.

Етгач анда ики ситамдида,
Бир дам ором эди писандида.

Зоҳир эрди йиғочқа бир реша,
Чиқибон Муқбили хирадпеша,

Боғлабон заврақи маҳорин руст,
Майл қилди дарахт жавфиға чуст.

Кўрди ул чашма бошида бир тош,
Хатлар этган анинг юзида харош.

Кирди Мудбир доғи шитоб қилиб,
Сувдин ичмакка изтироб қилиб,

Тош эди зеб бирла қозилғон,
Турфа хатлар юзида ёзилғон.

Ўқуди Муқбил, они Мудбир ҳам,
Бу ҳадис эрди ул хужаста рақам

Ким: «Бу манзилға ул кишики етар,
Бу ғаройибниким тафарруж этар.

Муни билдикки симиёдур бу!
Ҳис қошида ғалатнамодур бу!

«Сандали симиё» мунунг лақаби,
Эл хаёлотидин фузун ажаби.

Мундаким етса содиқу козиб,
Табъи бўлғай сув ичгали жозиб.

Сувдин ўлғон замонда соғаркаш,
Айлағай манъи жуу дафъи аташ¹.

¹ «Дарҳол очлик ва ташналиги йўқолади» (жуу аташ – очлик ва ташналик). Танқидин матнда бу мисра «Айлағай дафъ жуу манъ аташ» шаклида берилган.

Содиқ ўлгай бир онгача хурсанд,
Бўлмайн ер-ичарга ҳожатманд.

Лек козибқа уч кун ўлғач ком,
Тилагай уч кун ўтса, суву таом.

Бахра бу чашма суйидин олғон,
Тилига ногаҳ ўтса бир ёлғон

Қорни ул навъ чок бўлғусидур
Ки, ҳамул дам ҳалок бўлғусидур.

Ичмагининг бу навъ эди жиҳати,
Кирмагинингдур ўзга хосияти:

Кирса ёлғончи куйгай андоми,
Пишгай ул сувда пайкари хоми.

Ростгў кирса, бўлмагай анга жўш,
Суйи бергай ҳавоси чашмаи нўш.

Чунки ғусл айламакка кўз юмғой,
Қулоғу бурнини тутуб чўмғой.

Бош чиқорғоч не кўрса кўргай ўзи
Ки, демак бўлмас ул фасона сўзи.

Лек бир чўмғон улча кўргай ҳол,
Яна чўммоқ эрур бу сувға маҳол

Ким, кириб ғўта истаса пайваст,
Сув бўлур паст, ул ўлса ғўтаға баст»

Ўқуғоч хатни содиқу козиб,
Бўлди козибқа ул ҳавас жозиб.

Ки, бир-икки дам ул судин ютқой,
Кизб ила ёва таркини тутқой.



Гарчи мумкин йўқ эрди ул услуб,
Бўлмоқ онинг мизожидин маслуб.

Лек жуу аташ ҳароратидин,
Зоҳир ўлди анинг иборатидин.

«Буки, ёлғон демакни тарк эттим,
Йўқ эса иртикоби марг эттим», –

Деди бу сўзнию судин ичти,
Чашмасор ҳаётидин кечти.

Содиқ айлаб вузусиға таждид,
Қилди таждид шукри рабби мажид.

Сўнгра нўш этти ул зулоли ҳаёт,
Анга жуу аташдин ўлди нажот.

Истади Мудбир ул суға кирмак,
Тийра жисмиға шусту шў бермак.

Авр ўлуб сувға чун илик урди,
Қайнабон илгини сув куйдурди.

Лек содиқ белига боғлаб лунг,
Сувға кирди нечукки баҳрға жунг.

Сув яқосида тўлмуруб йўлдош,
Акси янглиғ чўмурди ул суға бош.

Бош чикорғоч суға чу боқти қуйи,
Кўрди сув эрмас эрди чашма суйи.

Ҳавзи эрди суйи нечукки зулол,
Лабба-лаб ҳавз ичинда моло-мол.

Йўнулуб тоши софию мавзун,
Ярақон ранг, балки сандалгун.



Даврида гулшане нечукки Эрам,
Олида манзаре нечукки ҳарам.

Чиққоли ҳавздин чу қўйди аёқ,
Кўрдиким неча сарви сиймин соқ.


Етилар хизмати амриға чолок,
Очибон қўлда фўталар бори пок.

Тан қурутмоққа ҳулла бирла ҳарир,
Борчаси дилнавозу таъпазир.

Хожаға бандавор туттилар,
Суртубон жисмини қуруттилар.

Кийдуруб хилъат анга тў-бартў,
Борча сандал насиму сандал бў.

Бошиға қўйдилар амома доғи,
Анда сандал била шамома доғи.





<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушунни ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<p>1. Баҳром Муқбил ва Мудбир ҳақидаги қиссани қаерда ва кимдан эшитади?</p> <p>2. «Т-жадвали» усули орқали Муқбил ва Мудбирнинг тимсолларини жуфтликда ёритинг.</p> <table border="1" data-bbox="398 517 1119 676"> <thead> <tr> <th colspan="2">Муқбил</th> <th colspan="2">Мудбир</th> </tr> <tr> <th><i>Ижобий</i></th> <th><i>Салбий</i></th> <th><i>Ижобий</i></th> <th><i>Салбий</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td> </td> <td> </td> <td> </td> <td> </td> </tr> </tbody> </table>	Муқбил		Мудбир		<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>	<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>							
Муқбил		Мудбир															
<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>	<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>														
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	 	<p>1. Нима сабабдан уларнинг кемаси фарқ бўлди? Бу ҳолатга ким айбдор?</p> <p>2. Ҳақиқат булогининг сеҳрига муносабатингизни билдиринг.</p>															
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	  	<p>1. Асар мазмунига асосланиб тўғрилиқ ва нотўғрилиқ ҳақидаги мақоллар топинг ҳамда уларни муҳокама қилинг.</p> <p>2. Парча устида тадқиқот иши юритинг.</p> <table border="1" data-bbox="398 1217 1156 1470"> <tbody> <tr> <td>1-гурух</td> <td><i>Матннинг асосий гоясини топинг</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td>2-гурух</td> <td><i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td>3-гурух</td> <td><i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td>4-гурух</td> <td><i>Асардан ҳаётӣ мулоҳаза чиқаринг</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td>5-гурух</td> <td><i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i></td> <td> </td> </tr> </tbody> </table>	1-гурух	<i>Матннинг асосий гоясини топинг</i>		2-гурух	<i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i>		3-гурух	<i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i>		4-гурух	<i>Асардан ҳаётӣ мулоҳаза чиқаринг</i>		5-гурух	<i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i>	
1-гурух	<i>Матннинг асосий гоясини топинг</i>																
2-гурух	<i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i>																
3-гурух	<i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i>																
4-гурух	<i>Асардан ҳаётӣ мулоҳаза чиқаринг</i>																
5-гурух	<i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i>																

11

БУГУН ДАРСДА:

- бадий асар мазмуни, унда кўтарилган муаммони аниқлаймиз;
- асар ғояси, қаҳрамон тимсолини очишда композиция ролини белгилаймиз;
- эстетик таъсир қилиш нуқтаи назаридан асарга баҳо берамиз.



Асар парчасини «Жигсо» усули орқали ўзлаштиринг.



Бўлғоч ораста тутуб қўлини,
Касри сандалға бошлабон йўлини.

Бериб онинг насими руҳиға қут,
Хожани ҳайрат айлабон мабҳут.

Қўрубон солса ҳолиға кўзини,
Ўзга оламда ҳар замон ўзини.

Кирди чун қаср ичига беҳушвор,
Ҳайрат ичра не масту не ҳушёр.

Кўрди қасре равоқи гардунсой,
Умр қасри киби нишотафзой.

Сақфи сандал, равоқи ҳам сандал,
Эшигу фаршу тоқи ҳам сандал.

Атриким солибон ҳирадға хуруш,
Гаҳ бериб ҳушу гаҳ этиб беҳуш,

Қаср аро тахти сандалиойин,
Кўп жавоҳир била топиб тазйин.

Тахт устида бир ажаб тимсол,
Жину инс ичра йўқ юзига мисол.

Пайкари ҳайъат ичра руҳоний,
Бошидин то аёғи нуроний.

Ҳуснидин олам аҳли руҳиға қут,
Юзи хуршеди олами малакут.

Нурдин қадди равзанинг нахли,
Йўқ вужудида моу тин дахли¹.

Жисми боштин-аёқ латофати маҳз,
Бўлуб элга бу ҳолат офати маҳз.

Даврида юз кавокиби сахарий,
Жилва айлаб нечукки ҳуру пари.

Хожа солғоч кўз ул дилороға,
Ҳуши ул навъ борди яғмоға

Ким, қуруб қони ранги сорғорди,
Йиқилиб ерга ўзидин борди.

Сарви гулрух келиб бошиға анинг,
Лутф ила ўлтуруб қошиға анинг,

¹ «Нурли қадду-қомати жаннат ниҳолидек (эди), Вужудининг туфроғу сувга дахли нўқ эди. Бу ерда шоир «инсон туфроғу сувдан, яъни лойдан ясалган» ақидасини тан олмайди.

Келди гулрух насимидин ҳуши,
Бўлди кўргач яна фаромуши.

Кўнглидин маҳв ўлуб нишони хирад,
Гох ўзида эдию гаҳ бехуд.

Кўргузуб лутф сарви ҳур нажод,
Лутфиға айлади ани муътод.

Токи топти рамида кўнгли қарор,
Кўнглининг ўтидин гум ўлди шарор.

Юз тамаллуқ била хужаста арус,
Ўзини қилди хожаға маънус.

Бемухобо ёниға ёндошти,
Шавқ ўти хожа бошидин ошти.

Айрилиб сабр ила қароридин,
Уйла фард ўлди ихтиёридин

Ки, яқин эрди сийна чок ўлғой,
Шавқи туғёнидин ҳалок ўлғой,

Маҳваш илгин тутуб қўпорди ани,
Олибон тахти узра борди ани.

Хожа ер ўптиким: «Манга не ҳад,
Бўлғали такягоҳим ул маснад».

Маҳваш ул навъ тутти они азиз
Ки, дегайсен ўзидур анга каниз.

Андоқ ўлди аён маоши анга
Ким, яна қолмади таҳоши анга.

Тахт уза тутти ер бути гулрух
Анга ёндошти хожаи фаррух.



Чектилар шарбату таом аввал,
Иккисидин етушти ком аввал.

Атъима ул сифат латиф сиришт
Ким, дегайсен эрур наими бихишт¹,

Чун ғизодин етушти табъиға ком,
Базм аро жилва қилди бодау жом.

Қўйдилар турфа шира сандалдин
Борча нақшу нигори зарҳалдин,

Устида шиша, ёнларида сабў,
Борча анбар сиришту сандал бў,

Қўпти гулчеҳраи дилоройи
Атри базм ичра сандалосойи,

Ичибон тахт сори қилди хиром,
Тутти, маҳвашқа жоми сандалфом.

Маҳваш олиб чу бир-ики ютти,
Оғзидин олди хожаға тутти.

Хожа худ андоқ ўзидин борди
Ки, олиб бехудона сипқорди.

Уйла эврлди жоми нўшо-нўш
Ки, тарабдин етушти кўкка хурўш.

Қилди май хожанинг димоғин гарм,
Рафъ бўлди ҳижобу пардаи шарм.

Онча мардумлиғ айлар эрди пари
Ким, бўлур эрди хожа парда дари.

Хожа забт айлай олмайин ўзини,
Сарви гулрухдин олмайин ўзини,

¹ «Таомлар шундай тотли эдики, гўё жаннат неъматларига ўхшар эди».

Бошлади нукта беҳижобона
Ким, пари қилмиш эрди девона.

Сўз дебон ҳар замон талабангез,
Ҳаракат айлабон тамаъомез.

Шўҳи аблаҳ фиреб манъ этмай,
Илги хожа илгидан кетмай.

Хожанинг қолмади таҳаммули ҳеч,
Солди шаҳват ҳужуми жисмига печ.

Ғалаёни қувойи жисмоний,
Уйла бетоқат айлади они.

Ким, чекиб хурвашни беҳушвор,
Деди: «Ҳолимни айладинг душвор,

Раҳм этиб дардима даво айла!
Васл ила ҳожатим раво айла!»

Лобалар бирла сарви шаккарханд,
Деди: «Бўл мунчаға букун хурсанд

Ки, букун онча майпараст ўлдуқ
Ким, кетиб ҳушу ақл маст ўлдуқ,

Тонгла бўлғон замон бир ишга шуур,
Хисравона қилай таҳийяи сур.

Ақд этиб сурати салоҳ била,
Ҳарамингға кирай никоҳ била.

Чун муяссар бўлур ҳалол наво,
Бу ҳарамда харом кўрма раво.

Сурубон шаҳват этма беҳуда,
Пардаи исматимни олуда».



Хожаға шахват эрди муставли,
Қилмади суд лобагар қавли.

Яқин эрдик юз фиғон этгай,
Жаҳд қилдики комиға етгай.

Айлабон шахват они нафсоний,
Қўлни бир ерга сунди пинҳоний

Ки, иши уқдасидин очиб банд,
Оқ сандалға айлағай пайванд.

Деди махвашки: «Саъй бўлса неча,
Ул иш имкони йўқтурур бу кеча.

Бера олмас эсанг ўзунгга сукун,
Дейки, бир сарв қомати мавзун,

Тонгға тегру бўлуб парасторинг,
Айласун ўзни ҳамдаму ёринг,

Бу ўтунгким, аён қилур бас кин,
Топсун онинг зулолидин таскин».

Хожа фаҳм айладикки, ҳол недур.
Арода посуху савол недур.

Мутаҳаййир бўлуб бу суратдин,
Яна дам урмади заруратдин.

Бути махвашким, они топти хамўш,
Анга бир онни қилди ҳамоғўш.

Икки човуши эрди маҳ сиймо,
Ноз ила андоқ айлади иймо

Ки, иков хожа сори бордилар,
Лоба кўп кўргузуб қўпордилар



Хилват ичра тузуб сару корин,
Ҳамдами қилдилар парасторин.

То саҳар хожа масту уй хилват,
Не буюрғонни билмади шаҳват,

Чарх чун тун ливосин этти нигун,
Бўлди тун обнуси сандалгун.

Уйқудин анда очти кўзки сипехр,
Ёрга ёймиш эди чу ашиъаи меҳр.

Кирди ёдиға ул қазия тамом
Ки, бўлуб эрди воқеъ андин шом.

Топти ўзни ажаб хижолат аро,
Кўнглин ул ҳолдин малолат аро.

Борча тақдир ила қўпуб ноком,
Айлади ҳавз жонибиға хиром

Ким, кириб сувға пок ғусл этгай,
То жанобат кудурати кетгай.

Боғлабон белга сандали фўта,
Урди чун ҳавз аро кириб ғўта.

Бош чиқорғоч ҳамул булоғ эрди
Ким, йиғоч жавфида суға кирди.

Ҳавлдин бўлди ҳар сари нозир,
Бўй боши ўрнида эди ҳозир.

Яна бир неча ғўта айлади фош,
Ушбу ер эрди чун чиқорди бош.

Чарх танноз таън этиб асру,
Дер эди: «Ул гузарни элтти сув»,



Кавкабин тийра айлаб иқболи,
Чиқти нокомдин ўлум ҳоли.

Музтару лол қолиб ўз ишига,
Ҳоли андоқки бўлмасун кишига.

Бир тараф онча дарди жон қоҳи,
Бир тараф нохужаста ҳамроҳи.

Ул уқубат аро урар эди печ,
Ҳолин изҳор айлай олмай ҳеч.

Яна ул тош сори тушти кўзи
Ки, битилмиш эди бу чашма сўзи.

Гўшасида битилмиш эрди бу сўз,
Ки, бурун солмамиш эди анга кўз.

Ки: «Биравким бу симиё кўрди,
Кирибон сувға юз бало кўрди.

Чиққоч-ўқ тутмамоқ керак ором,
Айламаклик керак сув узра хиром.

Бўлса лахте азиматида даранг,
Дев ани ўлтурур, йўқ эрса наҳанг».

Деди: «Турғум кечиб нажотимдин,
Ўлганим яхши бу ҳаётимдин».

Чунки фикр этти жон азиз эрди,
Ул мақом асру фитнахез эрди.

Биз зарурат азимат айлади жазм,
Ешибон заврақини қилғали азм.

Кўрубон Мудбир анда кўп тағйир,
Холин англавға қилди кўп тадбир.

Қилмади ошкор мутлақ анга,
Бўлди оромгоҳ заврақ анга.

Бўлди Мудбир доғи яна йўлдош,
Бўйла йўлдош йўлда бўлмаса кош.

Сурдилар сув юзига заврақни,
Ўзларига паноҳ этиб ҳақни.

Муқбили нотавон хароб эрди,
Хажр ўтидин ичинда тоб эрди.

Шайну ошуби эрди ҳамвора,
Мудбир айлаб ишига наззора.

Сўрса эрди, жавоб бермас эди,
Ким, ғами шарҳ этардек эрмас эди.

Дер эди: «Эй рафиқи зебохўй,
Бўлма мендин бу сўзга посуҳ жўй!

Буки, ҳолимни шарҳ қилмасмен,
Айб эмас, чун ўзумни билмасмен.

Санга ҳоллмдин гар малолат эрур,
Сен муҳиқсен, манга хижолат эрур.

Қилса беҳудлуғум сени ранжур,
Не дейин, чунки борсен маъзур.

Нафасингни манга дилосо қил,
Лутф ила нечакун мувосо қил.

Бахтдин ком агар бўлуб ҳосил,
Бўлса бир кун мақомимиз соҳил,

Ҳажрима хотирингни шод айлай,
Ўпуб илгингни хайрбод айлай», –



Деб бу сўз олиға қўюб бошин.
Кўзидин юммайин тўкуб ёшин,

Заврақ ичра хўруш солур эди,
Ўти дарёға жўш солур эди.

Мудбир аҳволидин бу навъ огах,
Ким, анга қўйди юз жунун ногах.

Чашма узра бўлур чу деу пари,
Урунуб бўлди бу сифат асари.

Кўрунуб бу анга ғариб нима
Ки, аён бўлди бир азим кема.

Чун ел ўз эътидолидин ошти,
Заврақ ул кема бирла ёндошти.

Кемага қўйдилар иковла қадам,
Бўлғали мавж хавфидин беғам.

Кема аҳли тамом ўлуб эдилар,
Жон ғамидин халос ўлуб эдилар.

Кема ичра йўқ эрди ғайри ўлук,
Анда сандал йиғочидин тўла юк.









Мундоқ эрмишки хусрави Ховар
Ки, эмиш ул тараф жаҳон довар.

Бир қизи бор эмиш пари янглиғ,
Не пари, меҳри ховарий янглиғ.

Шоҳ умриға зеб ила зайн ул,
Шоҳға балки қурратул-айн ул.

Воқеъ эрмиш судоъ доим анга,
Кўрунуб умр номулойим анга.



<p><i>Тушунни ва саволларга жавоб бериш</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Жуфтликда Ховар мамлакатининг шоҳи бахтсизлиги ҳақида айтиб бering. Сандал ёғочли кемадаги фожианинг бунга аҳамияти борми?
<p><i>Таҳлил ва таълқин</i></p>	  	<ol style="list-style-type: none">1. Берилган парчанинг ёзрилиши ва ҳикоя қилиш тилига эътибор бering.2. «Оқилнинг олти қалпоғи» усули асосида асар парчасини таҳлил қилинг. 
<p><i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Ушбу парчага яна қандай ном бериш мумкин? Жавобингизни асосланг.2. Қиссанинг ХХІ аср шароити учун замонавийлиги ҳақида ўз мулоҳазаларингизни билдиринг.

12

БУГУН ДАРСАД:

- муаммоли саволга асар матнига таяниб, ўз мустақил фикрини билдирган ҳолда батафсил далилли жавоб берамиз;
- матн устида тадқиқот иши юритамиз;
- асар ғояси, қаҳрамонларига нисбатан оғзаки ва ёзма шаклдаги шахсий фикрларини тушунтирамиз.



Асар парчасини «Жигео» усули орқали ўзлаштиринг.

Ҳукамо айлабон иложин кўп,
Келмай онинг мизожиға бири хўб.

Ғайри сандал исики нофиъ ўлуб,
Бошининг оғриғиға дофиъ ўлуб.

Бу жиҳатдин шаҳи сипеҳр маҳал,
Қасри олий бино қилиб сандал.

Борча азжоси сандали пайванд,
Рифъат ичра нечукки чархи баланд.

То тутуб маҳваш ул уй ичра мақом,
Етгай андин судоиға ором.

Олам ичра тушуб бу овоза,
Руҳи тужжорнинг бўлуб тоза,

Анда сандал соторға жозим ўлуб,
Ҳинд мулкига борча озим ўлуб.

Тошибон онча сандали хушбў,
Ки, бутуб ул иморати дилжў.

Гўйиё ул гуруҳдин нечаси,
Бўлғон иш саъйи кундузу кечаси.

Бу кема ичра топибон ором,
Юклабон сандал айламақда хиром.



Кема гирдоб аро бўлуб доир,
Йиллар ул даврада эмиш сойир.

Туганиб чун алар захираси пок,
Бўлубон кема аҳли борча ҳалок.

Бу маҳал ел эсиб тенгиз уза тез,
Зоҳир айлаб тенгизда рустохез.

Баҳрни чунки ел қилиб раққос,
Чарх урардин бўлуб сафина халос.

Қиргач ул кемага ики ҳамроҳ,
Бор эди Муқбил иши нолаю оҳ.

Тутубон кунже ўз фиғони била,
Қолибон баҳр ичинда жони била.

Мудбир ул ўлган элни суға солиб,
Кемау моли ихтиёрни олиб.

Кема амволини қилиб ўзининг,
Кемани балки ҳам билиб ўзининг.

Ул бу амвол забтиға машъуф,
Ёриға йўқ анинг ишида вуқуф.

Ким, кўрунди йироқтин соҳил,
Кема соҳилға етти мустаъжил.

Бу тарафким кема шиновар эди,
Гўйиёким диёри Ховар эди.

Шаҳ букун майл этиб тамошоға,
Айлар эрди назора дарёға.

Кўргач ул кемани деди: «Юрунгуз,
Элидин бир кишини келтурунгуз!»



Кема кайфиятини фаҳм этайин,
Фаҳм этиб, ёниб уй сори кетайин».

Кўрдилар икки кимса эрди қарин
Бу бири шоду ул бири ғамгин.

Шаҳ сўзи ул икковга чун етти,
Мудбир ул ён равон хиром этти.

Ер ўпуб айлагач дуо филҳол,
Шоҳ анинг ҳолатинн қилди савол,

Деди: «Тожирмену тижорат ишим,
Қолмади бу сафарда ҳеч кишим.

Бўлубон сув уфунати мақрун,
Ўдилар борчаси бўлуб тоун¹.

Эмдиким бўлди манзилим соҳил,
Мен мену бир қулум оти Муқбил».

Ул бу янглиғ суруб фусун била дам
Ким, бўла бошлади таниға варам.

Варамидин либоси чок ўлди,
Кўкси ҳам чок ўлуб ҳалок ўлди.

Шоҳни ҳайрат айлади ожиз,
Бўйла иш кўрмаган учун ҳаргиз.

Муқбили нотавонни қилди талаб,
Кўргач-ўқ кўнглига юз урди тараб.

Олидин ҳамраҳини ёшурди,
Сўрди ул сўзки, ёридин сўрди.

Муқбил андоқки бор эди бир-бир,
Қилди ондоқки бор эди тақрир.

¹ «Сувнинг бадбўйлиги сабаб бўлиб, барчалари вабо касалидан ўдилар».

Шах деди, кемау неким ихмол,
Борчаси бўлди жамъ байтулмол.

Ҳар не Муқбилғаким баён бўлди,
Чинлиғи шоҳға аён бўлди,

Деди: «Аҳсанта, мухбири содиқ,
Сидқ аро кимгаким десак фойиқ,

Тузлугунг кўнглумизни сайд этти,
Жонимизни асири қайд этти.

Иста, биздин неким санга дилхоҳ»,
Муқбил айлаб дуо деди: «К-эй шоҳ,

Шоҳнинг умру жоҳин истармен,
Чарх авжида комин истармен.

Яна матлуб ҳақ ибодатидур
Ким, улус мужиби саодатидур.

Шоҳ агар қилса бандасин озод,
Туну кун айлағум дуо била ёд».

Чунки Муқбил сўзи эди дилкаш,
Ҳусн хулқию ҳусни хулқи хуш.

Шаҳ кўруб ул сифат ҳамида хисол
Ки, башар хайлидин эрур бу маҳол.

Муқбили хуш баёну зебо чехр,
Ўйла гарм этти шоҳ кўнглида меҳр

Ки, анга хизматин ружуъ этти,
Шаҳ деганда бу ҳам шуруъ этти.

Қилди қуллуғни ўйла таъпазир
Ки, шаҳ этти ани қошида вазир.

Сўнгра хизматдин ўтти поя анга
Солди давлат ҳумойи соя анга.



Шаҳ бўлуб вуслат амрига машғул,
Они фарзандлиққа қилди қабул.

Гарчи ул қилди узрлар ангез,
Ки, ўти ўзга барқдин эди тез.

Ким, анга қилмиш эрди ғорати хуш,
Бути сандал насими сандалпўш.

Боқмайин шоҳ эътирозига ҳам,
Қўймай они ўз ихтиёрига ҳам.

Харж этиб махзан ошкору нуҳуфт,
Қурратул-айнин айлади анга жуфт.

Кийдуруб хулла борча сандал бўй,
Ким, париваш бу ишга қилмиш хўй.

Қасри сандалга чектилар они,
Топшурурга гули сумансони.

Чунки боқти ҳамул ғаройиб эди
Ки, анга мужиби масойиб эди.

Қаср ул, сақфу остона ҳам ул,
Тахт ул, офати замона ҳам ул.

Ҳайрат ўти солиб димоғига дуд,
Айлаб ул ўт вужудини нобуд.

Оҳу афгон чекиб йиқилди яна,
Жони чиқмоққа майл қилди яна.

Ўзига гар келур эди гоҳи,
Яна борур эди чекиб оҳи.

Атри сандал топиб димоғи анинг,
Ёрубон гар кўзи чароғи анинг.

Кўзин очқоч яна кўруб аҳвол,
Нола айлаб бўлур эди беҳол.



Кўрубон буйла ишқи дилкаш анга,
Меҳрибон бўлмиш эрди маҳваш анга,

Токи тадриж ила топиб ором,
Топти маҳваш висоли бирлан ком.

Лек ҳайратдин эрди доим лол.
Сурди бир кун бути ҳумоюн фол:

«Ким санга ҳайрати эрур ғолиб?
Бормен онинг вуқуфиға толиб».

Чўн анга нукта йўқ эди жуз рост,
Кўрганин шарҳ қилди бекаму кост.

Шажару чашма можаросини ҳам,
Сандалу қасри симиёсини ҳам.

Мутабассим бўлуб бути маҳваш,
Анга афсона бошлади дилкаш.

Ким: «Мени хўблиқ аро тақдир,
Чун жамол ичра қилди оламгир,

Тушти ҳуснум сўзи жаҳон ичра,
Не жаҳон, балки инсу жон ичра.

Манзаримдин ўтарда ногоҳе,
Ҳуснума вола ўлди жин шоҳи.

Қаср уза тушти жин алолоси,
Мени девона қилди савдоси.

Шаҳға чун қилдим они жилванамо,
Бошим устига келтуруб ҳукамо.

Яна ромию соҳири ҳунарий,
Дафъ этардек зиёни деву пари.

Қилдилар иттифоқ ила чора,
Ким, алар дафъ бўлди якбора.



Лек гоҳе қанот садоси келур,
Қулоғимға пари нидоси келур,

Бўйла дерларки, жин шаҳи ёна,
Чунки бўлмиш ғамимда девона.

Баҳр уза симиёйи этмишлар,
Манзари дилкушойи этмишлар.

Сандалий қасру даврида боғе,
Сандалий тахт уза мени доғи,

Сен нечукким кўруб аён эттинг,
Манга кўрган киби баён эттинг.

Нақш қилғон эмишлар анда тамом,
Кўрубон хаста топқали ором.

Сен ҳамоноки анда етмишсен,
Ўзни нақшимға вола етмишсен.

Анда вола эдинг мисолимға,
Мунда еткурди ҳақ висолимға»

Рафъ ўлуб Муқбил олидин мушқил,
Бўлди гулрух хаёлидин хушдил.







Қасри сандалда комрон бўлди,
Тўни ҳам сандалий нишон бўлди.

Сандал осойиши равон англа,
Атри онинг ҳаёти жон англа.

Сандал исинда тек туруб бўлмас,
Мушқни кимса ёшуруб бўлмас».

Чун бу афсона сурди нуктасаро,
Уюди шаҳ насими сандал аро.



<p><i>Тушунуш ва саволларга жавоб бериш</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Сизнингча, қаср ранги билан Баҳром кайфияти орасида боғлиқлик борми? Жавобингизни далилланг.2. «Ўргимчак уни» усули орқали матн мазмунини бир-бирингизга тушунтиринг.								
<p><i>Таҳлил ва таълқин</i></p>	  	<ol style="list-style-type: none">1. Матн устида тадқиқот иши юритинг. Жадвални тўлдиринг. <table border="1" data-bbox="444 867 1177 1076"><tr><td><i>Матннинг асосий ғоясини топинг</i></td><td></td></tr><tr><td><i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i></td><td></td></tr><tr><td><i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i></td><td></td></tr><tr><td><i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i></td><td></td></tr></table>	<i>Матннинг асосий ғоясини топинг</i>		<i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i>		<i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i>		<i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i>	
<i>Матннинг асосий ғоясини топинг</i>										
<i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i>										
<i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i>										
<i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i>										
<p><i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Парчага «ПОПС» формуласи орқали баҳо беринг. <i>1-гап: Менинг фикримча...</i> <i>2-гап: ...сабабини мен бундай тушунтираман...</i> <i>3-гап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман...</i> <i>4-гап: Шунга асослашиб, мен бундай хулосага келдимки...</i>								

Муқбил ва Мудбир (қисқача насрий баёни)

Пайшанба куни шу кун ҳомийси Муштарий (Юпитер) рангига мос сандал қасрда шоҳ Баҳром Муқбил ва Мудбир ҳақидаги қиссани тинглайди. Унга кўра Муқбил ва Мудбир Бохтар деган жойдан Ховарга йўл оладилар. Муқбил ибодатли, ростгўй бўлиб, Мудбир каззоб ва пасткаш эди. Улар қайноқ водийи ҳамимдан бирга ўтадилар. Мудбирнинг ахмоқона гапларидан Муқбил кўп озор чекиб, ундан воз кечмоқчи бўлса, Мудбир ялиниб, тавба қилади. Улар шу тариқа сафарда давом этадилар. Денгиз соҳилига бориб, бир кемага чиқадилар. Муқбил одатдагидек ибодат қилиб, тасбиҳ ўгириб ўтирса, Мудбир Худога ширк келтириб, валдирай бошлайди. Шунда тўфон келиб, уларнинг кемасини ғарқ қилади. Бу иккиси тақдир тақозоси билан қутулиб, қирғоққа чиқиб, ўрмонга дуч келадилар. Шу ердаги бир дарахт ковагида булоқ бўлиб, у ерда бунинг сувини ичган одам мутлақо очиқмаслиги, сувсамаслиги ва ёлғон гапирса ёрилиб ўлиши ёзилган бўлади. Муқбил ва Мудбир бу сувдан тўйиб ичиб олганлари учун ёзувни ўқисалар, булоқ сувда боши билан шўнғиб чўмилган одам ғаройиб воқеаларни кўриши айтилган экан. Фақат ростгўй одам чўмилса мумкин, ёлғончи эса куяр экан. Натижада, сувга Мудбир тушолмайди, Муқбил булоққа шўнғиб, бир қасрга дуч келади, у ерда бир маҳвашга ошиқ бўлиб қолади... Ўзига келиб, сувдан чиққанида эса ошиқ бўлган гўзал ишқиди ўзини йўқотиб бехуд бўлади. Муқбил ва Мудбир қирғоққа келсалар, бир кемага дуч келадилар. Бу кема сандал дарахти ёғочи билан тўла бўлиб, одамлари ўлиб ётардилар. Гап шундаки, Ховар мамлакати шоҳи қизи касалга чалинган бўлиб, табиблар унга сандал дарахтидан ясалган қасрда яшаш даво дегани учун кўплаб савдогарлар шу дарахт ёғочларини олиб келаётганларида денгизда пўртанага тушиб, чиқолмай, очдан ўлган эдилар. Улар қирғоққа борганларида Ховар шоҳига дуч келадилар. Мудбир ўзини савдогар, кема эгаси, Муқбилни қўлим, деб таништиради ва шу заҳоти ёрилиб ўлади. Муқбил эса бор гапни яширмай айтиб беради. Шоҳ уни ўзига куёв қилишни хоҳлаб, тўй беради. Маликанинг қасрига борган Муқбил худди булоқда кўрган ҳолатига дуч келади: сандал қаср, гўзал қизлар ва... ўша у севиб қолган маҳваш. Кейин маълум бўладики, бу гўзал Ховар шоҳининг қизи бўлиб, унга жинлар шоҳи ошиқ бўлган экан. Лекин қизга етишолмаган жинлар шоҳи ўша оролдаги дарахтдаги ковақдаги булоқда қизнинг сувратини, унинг қасрининг нусхасини пайдо қилиб, ўзини овутиб ўтираркан. Муқбил шунга дуч келган экан. Шу тариқа Ховар шоҳининг гўзал қизи ва ростгўй Муқбил васлга эришадилар.

Ҳикоя якунлангач, хушнуд бўлган шоҳ Баҳром уйқуга кетади.



1. **Хамсачиликни бошлаб берган улуғ хамсанависни аниқланг.**
 - А) Жомий
 - Б) Ганжавий
 - В) Шерозий
 - Г) Деҳлавий

2. **Навоий «Хамса»сининг бошқаларнинг «Хамса»сидан фарқи нимада?**
 - А) беш дostonдан иборат экани
 - Б) ишқий қаҳрамонлик лавҳалари кўплигида
 - В) туркий тилда битилганлиги
 - Г) «Хамса»га янги дoston қўшганлиги

3. **Навоийнинг «Сабъаи сайёр» дostonи қандай дoston ҳисобланади?**
 - А) фалсафий
 - Б) дидактик
 - В) ишқий-саргузашт
 - Г) ижтимоий-сиёсий

4. **Ҳар бир асар «Хамса» деб аталмоғи учун қуйидаги қайси шартларга амал қилмоғи шарт?**
 - 1) беш дostonдан ташкил топмоғи;
 - 2) маснавий йўлида ёзилмоғи;
 - 3) биринчи дoston панд-насихат йўлида бўлмоғи;
 - 4) ўздан олдинги хамсанависларни такрорламоғи;
 - 5) иккинчи дoston Хусрав ва Ширин муносабатига бағишланмоғи;
 - 6) учинчи дoston Лайли ва Мажнун ишқини ёритмоғи;
 - 7) тўртинчи дoston шоҳ Баҳром ва бешинчи дoston Искандар ҳақида ёзилмоғи шарт
 - А) 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7
 - Б) 1, 3, 5, 6, 7
 - В) 1, 2, 4, 5, 6, 7
 - Г) 1, 2, 3, 4, 5

5. **А.Навоийнинг «Хамса»сидаги қайси дostonнинг ҳажми 3988 байтни ўз ичига олади?**

- А) «Фарҳод ва Ширин»
 - Б) «Лайли ва Мажнун»
 - В) «Ҳайрат ул-аброр»
 - Г) А ва Б
- 6. Навоийнинг ҳамсачиликка киритган энг катта янгилиги нимада?**
- А) туркий тилда «Хамса» яратгани
 - Б) иккинчи достонига Фарҳодни бош образ қилиб олгани
 - В) сўнгги достони «Садди Искандарий» деб аталгани
 - Г) барча жавоблар тўғри
- 7. Шоҳ Баҳром Шарқ адабиётида Баҳром гўр номи билан машҳурдир, бунинг сабаби қайси қаторда тўғри берилган?**
- А) Ғўристондан топилгани учун
 - Б) қулон овига ҳаддан ташқари ружу қўйғалиги учун
 - В) жанг-у жадал тимсоли бўлгани учун
 - Г) фитна яғмолар тимсоли бўлгани учун
- 8. «Сабъаи сайёр» достони қаҳрамони Баҳром Дилоромни илк бор нима воситасида кўради?**
- А) Сехрли кўзгудан
 - Б) Моний чизган расмдан
 - В) Жомдаги сувдан
 - Г) Узук кўзидан
- 9. Баҳром Дилоромни саройга келтириш учун қандай чора кўради?**
- А) Хитойнинг бир йиллик хирожини тўлайди
 - Б) Салтанатнинг ярим бойлигини беради
 - В) Дилоромни олиб қочади
 - Г) Дилоромнинг шартларини бажариб, сўнгра олиб келади
- 10. Баҳромнинг шанба куни қора қасрда тинглаган ҳикояси қайси қаторда тўғри берилган?**
- А) Зайд Заҳҳоб ҳақида
 - Б) Дилором ҳақида сарғузашт
 - В) Меҳр ва Суҳайл
 - Г) Фаррух ва Ахий
- 11. Баҳром Жуна ва Сахий Масъуд ҳақидаги ҳикояни қайси рангдаги қасрда тинглайди?**

- А) яшил
- Б) мовий
- В) гулгун
- Г) сариқ

12. Баҳром Дилоромнинг дарагини қаерлик мусофирдан эшитади?

- А) Шаҳрисабз мусофиридан
- Б) Хоразм мусофиридан
- В) Чин мусофиридан
- Г) Арман мусофиридан

13. Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони қаҳрамони Баҳром қандай ўлим топади?

- А) ғорга кириб қайтиб чиқмайди
- Б) мулозимлари заҳарлайди
- В) ўз ажали билан ўлади
- Г) ер ютади

14. Навоий «Хамса»сининг «Сабъаи сайёр» достонида юртимиздаги қайси шаҳарлар ҳақида маълумот берилган?

- А) Хоразм, Шаҳрисабз
- Б) Самарқанд, Шош
- В) Шош, Хоразм
- Г) Бухоро, Шаҳрисабз

15. «Сабъаи сайёр» достонида Баҳром Дилоромга қандай ошиқ бўлиб қолади?

- А) Хоразмдан келган мусофир ҳикоясидан сўнг
- Б) Жаҳонгашта Моний чизган расмдан кўриб
- В) биринчи иқлимдан келган мусофирдан Дилоромнинг дарагини эшитиб
- Г) барча жавоблар тўғри

16. «Сабъаи сайёр» достонида Баҳром «Фарруҳ ва сахий Ахий» ҳақидаги ҳикояни қачон, қаерда эшитади?

- А) жума куни, оқ қасрда
- Б) шанба куни, қора қасрда
- В) якшанба куни, сариқ қасрда
- Г) душанба куни, яшил қасрда

БУГУН ДАРСДА:

- мумтоз ҳикоя ҳақида маълумот оламиз;
- ҳикояларнинг тарбиявий аҳамиятини аниқлаймиз;
- мумтоз ва замонавий ҳикояларни қиёсий баҳолашни ўрганамиз.



ХОЖА (1480–1547)

Ўзбек миллий насрий ривожига алоҳида ўринга эга адиб Хожанинг тўлиқ исми Пошшохожа ибн Абдулваҳҳобхожадир. Тошкентлик машҳур авлиё Занги Ота авлодларидан. 1480 йилда Хожа Ашхобод яқинидаги қадим Нисо шаҳрида шайхулислом Абдулваҳҳобхожа оиласида туғилган. Шайхулислом ислом динидаги энг катта мансабдир.

Пошшохожа дастлаб отаси қўлида савод чиқаради, сўнг Нисо, Марв мадрасаларида ўқийди. Таҳсилани тугатар-тугатмас, темурийлар хизматига киради. Жумладан, 1496 йилда Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Муҳаммад Муҳсин Мирзо саройида хизмат қила бошлайди. 1507 йилда Муҳаммад Муҳсин Мирзо Машҳад яқинида Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллохон билан бўлган урушда асир тушиб, қатл этилади. Хожа юртига қайтиб, бадийий ижод билан шуғуллана бошлайди. Лекин орадан бир йил ўтмай, Нисо ва Обивард шаҳарлари ҳам Шайбонийхон қўлига ўтади. Дин арбобларига, саййиду хожаларга алоҳида ихлос билан қаровчи хон Хожани Дурун вилоятига ҳоким қилиб тайинлайди. Шу йили Нисога Муҳаммад Солих ҳоким бўлиб келади.

Шайбонийхон ҳалок бўлгач, Хожа дастлаб Самарқанд, сўнг Бухорода яшади. Шайбонийнинг ўғли Темур Султон ҳукуматида хизмат қилади. 1514 йилда у ҳалок бўлгач, ўзбек ҳукмдорларининг энг ёши улуғи Кўчкинчixon ҳузурига боради. 1515–1516 йилларда Кармана ҳокими Жонибек султон ҳукуматида масъул вазифаларда ишлайди.

1529 йили Убайдуллохон Ҳиротга юриш қилиб, у ердаги исённи бостиради. Хожага алоҳида ҳурмат билан қараган Убайдуллохон уни ёнига чақириб, Ҳирот шаҳрининг шайхулисломлик мансабини инъом этди. Бу билан кифояланмай, замонасининг энг катта мартабаларидан бўлган Абдулла Ансорий (1006–1088) мақбараси шайхлигини шайхулисломликка қўшиб беради.

Хожа 1547 йилида Бухорода вафот этади ва Баҳовуддин Нақшбанд қабри ёнида дафн қилинади. Хожа XII асрда Бухорода Абдухолик Ғиждувоний асос солган машҳур «хожагон» силсиласининг кўзга кўринган вакилларида эди. Бу силсила дунёга Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор, Абдурахмон Жомий каби кўплаб доврқли сўфийларни етказиб берган.

Бизгача Хожанинг «Мақсад ул-атвор» номли бир достони етиб келган. Достон 1514–1520 йилларда Жонибек султон номига битилган бўлиб, Низомий Ганжавий «Хамса»сининг биринчи достони «Махзан ул-асрор»га назира шаклида (эргашиб) ёзилган. Хожа адабиёт тарихида кўпроқ ҳикоялар муаллифи сифатида қолди. Унинг бизгача икки ҳикоялар тўплами – Темур Султонга бағишланган «Мифтоҳ ул-адл» (Адолат калити) , Қистан Қаро Одил номига битилган «Гулзор» етиб келган. «Мифтоҳ ул-адл» 1508–1510 йилларда, «Гулзор» 1538 йилда ёзилган.

«Мифтоҳ ул-адл» асари катта-кичик мансабдорларга, шариат аҳлига ўзига хос йўриқномадир. Китоб ўн беш бобдан иборат. Ҳар бир бобда маълум бир ижтимоий табақа ёхуд масала тилга олиниб, атрофлича тавсифланади, дин-имон нуқтаи назаридан кўриб чиқилади ва уларга мос ҳикоялар берилади. Масалан, унда олимлар (1), султонлар (2), золим султонлар (3), ҳукм қилмоқ (6), даъво қилмоқ (7), онт ичмоқ (8), ўғрилик (9), зино (10), ов қилиш (15) кабилар ҳақида махсус боблар келтирилган ва ҳар бирига ибратли бир ҳикоя илова қилинган.



ҲИКОЯТ

Кунлардан бир кун Луқмони ҳақим аввал бир қул эрди. Хожаси бир кун айди: «Ё Луқмон, фалон ерга бориб арпа экил, фалон ерга бориб буғдой экил», – деди. Эrsa Луқмон бориб, «арпа экил» деган ерга буғдой экти, «буғдой экил» деган ерга арпа экти. Қочонким экин тамом бўлди, эrsa Луқмоннинг Хожаси келди, кўрдиким, арпа ерида буғдой экилмиш ва буғдой ерида арпа экилмиш. Хожаси айди: «Нечун мундоқ килдинг?» Луқмон айди: «Мен гумон қилдимки, арпа еринда буғдой битар ва буғдой еринда арпа битар, деб андоқ қилиб эрдим». Тақи Луқмон айди: «Эй Ҳожа, нечуким ёзуқ¹ ўрнинда савоб битар, савоб ўрнинда ёзуқ битар? Туну кун зулм килурсан, тақи² қиёматда савоб умид этарсан?» Хожаси бу сўзни эшитди, эrsa бир ох урди, жамъи этган гуноҳларидан тавба ва истиғфор³ қилди ва ҳам Луқмонни озод қилди.

Эмди билмоқ керакким, ҳар ким бу дунёда не экса, они ўрар.



¹ Ёзуқ – гуноҳ, айб.

² Тақи – тагин, яна.

³ Истиғфор – тавба қилиш, кечирим сўраш.



<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушунуш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<p>1. «Ақлий ҳужум» : арпа билан буғдойнинг фарқи нимада?</p> <p>2. Қуйидаги жадвал орқали жуфтликда ҳикоят қаҳрамонларига тавсиф беринг.</p> <table border="1" data-bbox="442 531 1181 684"> <thead> <tr> <th colspan="2" data-bbox="442 531 813 582"><i>Луқмони ҳаким</i></th> <th colspan="2" data-bbox="813 531 1181 582"><i>Хожа</i></th> </tr> <tr> <th data-bbox="442 582 626 633"><i>Ижобий</i></th> <th data-bbox="626 582 813 633"><i>Салбий</i></th> <th data-bbox="813 582 997 633"><i>Ижобий</i></th> <th data-bbox="997 582 1181 633"><i>Салбий</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td data-bbox="442 633 626 684"></td> <td data-bbox="626 633 813 684"></td> <td data-bbox="813 633 997 684"></td> <td data-bbox="997 633 1181 684"></td> </tr> </tbody> </table>	<i>Луқмони ҳаким</i>		<i>Хожа</i>		<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>	<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>				
<i>Луқмони ҳаким</i>		<i>Хожа</i>												
<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>	<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>											
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>		<p>1. Ҳар ким дунёда нима экса, шуни ўради, деган мақолни муҳокама қилинг. Яна қандай мақол ҳикоянинг мазмунини очиб беради?</p>												
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>		<p>1. Матннинг ҳажми унинг бадиийлигига таъсир қиладими? «Тўплаштириш» усули бўйича ўз фикрингизни синфдошларингизга ҳавола этинг.</p>												

ҲИКОЯТ

Айтурларким, бир киши бир муршид¹ қошиға келиб айттиким: «Эй шайх, мандин жулм² ва хато кўп воқеъ бўлибдур, эмди манға тавба ва инобат³ бергил». Шайх айдиким: «Сенинг кўнглунг бир ҳавзға ўхшар ва анга беш ариғдин лой сувлар кириб, тақи ул ҳавзни тийра⁴ қилурлар.

Агар ул ариғларнинг йўлларин боғласанг ва бу ҳавзға тийра сувлар кирмаса, ондин сўнг санға тавба ва инобат берурман, йўқса тавбанинг санға ҳеч фойдаси йўқдур». Ул сўрадиким: «Ул беш ариғ қайсилардир?» Шайх айди: «Бир ариғ – кўзингнинг йўлидурким, мусулмонларнинг аҳли аёлига хиёнат бирлан боқмағайсан. Яна бир ариғ – оғзингнинг йўлидурким, андин ёмон, ҳаром нималарни емағайсан. Яна бир ариғ – иликларингдурки, кишини ноҳақ уриб, молларини олмағайсан. Яна бир ариғ – аёқларингнинг йўлидурким, онинг бирлан номушруъ⁵ йўлларга бормағайсан, мисли бўзахона ва шаробхона ва мавсақа. Яна бир ариғ – қулоқларинг йўлидурким, гийбат сўзларни эшитмағайсан». Ул киши: «Эй шайх, йўллардин қайтиб боғладим».

Ондин шайх ул кишиға тавба ва инобат берди ва оз фурсатда ул киши ул тариқ бирлан сулук⁶ қилди, эрса соҳиб камол муршид бўлди.



¹ Муршид – тўғри йўлга солувчи пир.

² Жулм – гуноҳ, жиноят.












³ Инобат – тавба қилиш, пушаймон қилиш.

⁴ Тийра – қора қилмоқ, лойқатмоқ.

⁵ Номашуруъ – шариатга хилоф.

⁶ Сулук – яхши йўлга кириш.



<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Шайх инсон кўнглини нималарга ўхшатади? Жавобингизни тушунтиринг. 2. Нима сабабдан «гуноҳкор банда»га тавба қилишнинг фойдаси йўқ деб ўйлайсиз? 																		
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳикоядаги «ариғ», «ҳавз» сўзларининг маъносини матнга асосланиб изоҳланг. 2. «Беш ариғ» деган тушунчани ва унинг инсон кўнглига қандай алоқаси борлигини шарҳланг. <table border="1" data-bbox="440 777 1184 1050"> <thead> <tr> <th></th> <th><i>Рамзий тимсол</i></th> <th><i>Мисоллар</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td><i>1-ариғ</i></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>2-ариғ</i></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>3-ариғ</i></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>4-ариғ</i></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>5-ариғ</i></td> <td></td> <td></td> </tr> </tbody> </table>		<i>Рамзий тимсол</i>	<i>Мисоллар</i>	<i>1-ариғ</i>			<i>2-ариғ</i>			<i>3-ариғ</i>			<i>4-ариғ</i>			<i>5-ариғ</i>		
	<i>Рамзий тимсол</i>	<i>Мисоллар</i>																		
<i>1-ариғ</i>																				
<i>2-ариғ</i>																				
<i>3-ариғ</i>																				
<i>4-ариғ</i>																				
<i>5-ариғ</i>																				
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</p>	   	<ol style="list-style-type: none"> 1. Кўп жиноят, гуноҳ ишлар қилган киши ўз хатосини сезиб, ундан халос бўлмоқчи бўлса, буни қандай баҳолаш мумкин? Гуруҳда <i>тақдимот</i> тайёрланг.  <ol style="list-style-type: none"> 2. Инсоннинг яхши йўлга кириши нималарга боғлиқ деб ўйлайсиз? 																		

БУГУН ДАРСДА:

- муаммоли саволга асар матнига таяниб, ўз мустақил фикрини билдирган ҳолда батафсил далилли жавоб берамиз;
- матн устида тадқиқот иши юритамиз;
- асар ғояси, қаҳрамонларига нисбатан оғзаки ва ёзма шаклдаги шахсий фикрларимизни билдирамиз.

ҲИКОЯТ

Кунлардан бир кун Нўширавони одил Озарбайжон шаҳрида кишисини амалдор қилиб юборди, ул кишига кўп насихатлар қилди, айди: «Зинҳор халойиқга зулм қилмағайсан». Ул вақтда Нўширавон ўн саккиз ёшинда эрди, ул кишини юборди, алқисса, ул шаҳарга борғандин сўнг адлу дод қилиб неча вақтлар ўтти, зиёда кўп моллар жамъ қилди, ондин сўнг шайтон оздирди, золим бўлди. Ул шаҳарда бир тул хотун бор эрди, ул хотуннинг бир парча ери бор эрди, ерни ярим йилига бериб узра олур эрди. Анинг молидан бир йилга тегру тўрт нон кунда бўлар эрди. Ул нонларнинг бирин шамъ олур эрди ва бирин ўтин бирла сув олур эрди. Ноннинг ўзгасини ўз маошига сарф қилур эрди. Бу тариқа бирла рўзгорни кечуриб юрур эрди. Ва ул Озарбайжон шаҳрининг беги хотуннинг ерининг қошингда бир боғ бино қилди... Ул ерни бу хотундин тилади. Хотун айди: «Бермасман, бу ер манга мерос қолғондур ва яна ҳам суви кўп турур ва тақи қўншулари яхши одамлардур», – деб жавоб берди. Ул ҳоким бу ерни куч бирлан олиб ўз ерига қўшти. Ондин сўнг ул хотун ноилож бўлуб ул ернинг пулини тилади. Ул

ернинг ҳақин ҳам бермади. Ондин сўнг ул хотун ноилож бўлуб кўнглига айди: «Эмди бўлмади, тадбир шулким, мунинг султони Нўширавон турур, шунинг ёнига бориб арз қилмасам бўлмас», – деб Мадойин шаҳрига равона бўлди.

Алқисса, неча кундин сўнг Мадойин шаҳрига борди, эрса Нўширавон



кўшка бормиш эркан, ул хотун айди: «Эмди Нўширавоннинг келатурғон йўлида ўлтуруб шул ерда арзимни айтай», – деб бир бутанинг паноҳина ўлтурди. Ондин сўнг Нўширавон бир кийикка қуш солиб эрди, ногоҳ ул кийик бу хотуннинг ўлтурғон ерига қочиб келди, эрса хотун туриб, Нўширавонга салом берди. Нўширавон сўради: «Не сўзинг бор?» Ондин сўнг ул хотун ҳар на бўлган воқиаларни бир-бир баён қилди, эрса Нўширавон буюрдиким, бул хотунни бир улоқға миндуруб фалон шаҳарга олиб боринг, ҳар кун хўрок беринг. Тақи айди: «Юз олтун харжи ҳам берингиз ва яна ҳар қачон ман киши юборсам олиб келгайсиз», – деб амр қилди.

Озарбайжон беги ҳам Нўширавон хизматиға келур эрди. Алқисса, Нўширавон ёнига ул бек ҳам келди. Ондин сўнг Нўширавон бир яхши кишини амин қилиб Озарбайжон шаҳарига юборди, айди: «Фалон даҳада бир тул хотун бор эрди, сўргилким, қайда борубдур, нечун кетибдур ҳар на бўлғон воқиаси бўлса, ростин келиб борча беклар ўлтурганда айтиб хабар бергил», – деб юборди Ондин сўнг ул киши ул шаҳарга бориб ул хотуннинг даҳасига борди, сўрди. Қўншулари айдилар: «Бу хотуннинг бир парча ери бор эрди, шул еридин маош қилиб ўлтуруб эрди, ҳоло ул ерни куч бирла ҳоким олди, эмди бир ой бўлдиким билмасмиз ул хотун қайда бормуш бўлгой», – деб жавоб бердилар.




Ул амин киши бул сўзни эшитти, эрса қайтиб Нўширавон шаҳарига келди. Туш чоғи эрди, борча беклар, амирлар бор эрдилар. Келиб Нўширавонга салом берди, Нўширавон сўрди: «Қайда эрдинг?» Бу амин айди: «Эй подишоҳим, мани қилиб фалон хотуннинг сўзига юбориб эрдингиз, ондин келурман». Ондин сўнг Нўширавон айди: «Кўргон-билганингни айгил», – деб амр қилди. Ул амин баёни воқиани борин баён қилди. Нўширавон айди: «Эй беклар, Озарбайжон бекидин сўранг, не чоғлиғ моли бор эркан». Сўрдилар. Ул айди: «Буларнинг ҳамасидин манинг молим зиёдтурур», – деди ва яна сўрдилар: «Мундин борғанда не миқдор молинг бор эрди? Онда айди: «Молим йўқ эрди». Нўширавон айди: «Раво бўлғойму онча молинг бўлуб, бир тул хотуннинг бир парча ерин куч бирлан олмоқ», – деди. Беклар айдилар: «Ёмон қилибдур. Ондин сўнг буюрди, ул хотунни олиб келдилар, Нўширавон айди: «Бек бирла иккиларин сўзларин сўрунг». Сўрдилар, эрса хотуннинг сўзи рост бўлди, эрса ондин сўнг Нўширавон буюрдиким, бекни тириклайин теридин чиқоринг. Бекни тирик теридин чиқордилар. Ондин сўнг этини итларға бердилар. Ондин сўнг ул олгон ерни ва яна бекнинг боғини ҳаммасин юз олтун бирла ул хотунга бердилар, яна ҳам бир киши юборди, ҳам кишига зулм қилиб, молин олғон бўлса унинг молидин берингиз деб амр қилди. «Ондин қолғон молларни дарвешларга сарф қилинг», – деди.

Тақи айтибтурларким, қаю хазианага зулмнинг бир окчаси кирса ул ха-
зинани йиқмойин қўймас. Тақи, бекларга айди: «Эй беклар, сизларга икки
ой муҳлат бердим, ҳар кимдин зулм қилиб нарса олмиш бўлсангизлар,
қайтариб жойига бергойсизлар. Эй беклар, икки ойдин сўнг мунодий қил-
дурурман, ҳар кимдин бир донки зулм қилиб олғон бўлсангиз, сизларни
ҳам тақи бу бекдек ўлтурурман», – деб амр қилди. Борча беклар уйла-
рига келдилар, халойиқга мунодий қилдилар: «Кимнинг кимда ҳақи бўлса
келиб олсун, деб. Ондин сўнг Нўширавон айди: «Бир занжир тузоттуруб
келтурунг, бир учин манинг тахтимга боғланг ва яна бир учин тошқовурга
боғланг, шул занжирга занглар токинглар, тақи кишига зулм етса, шул
занжирни терпатса, тоинки ман эшитгайман», – деб амр қилди, эрса андоқ
қилдилар. Кунлардан бир кун занжир тебранди, султон буюрди: «Чиқиб
боқинг, ким турур?» Боқтилар, эрса бир қўтур эшак занжирга ўзин урату-
рур, эшакни қувиб юбордилар, келиб Нўширавонга айдилар: «Ҳеч киши
йўқ эркан, бир қари эшак занжирга ўзин суртур эркан, қувиб юбордук». Нўширавон айди: «Ул эшак биздин дод истар эркан, эмди бориб ул эшак-
нинг эгасини икки қўнгшуси бирлон олиб келинг», – деди ва яна ондин
сўнг бориб сўрдилар, билатурганлар айдилар: «Бу эшак бўёқчиники турур,
ҳар кун мунга тўнлар ва бўзлар юклаб, сув бошига борур эрди. Эмди бу
эшак қари бўлди ва арқаси яғир бўлди, эрса эгаси мун озод қилибдур, ўт
ҳам бермойдур, борса уруб қоватурур, эмди оч бўлуб, кўчаларда юргонда
ўғлонлар ҳам тош бирла урарлар», – деди. Эрса эгаси бирлан ики қўнгшу-

сини бирго олиб келдилар, тақи сўзларни айдилар, тақи Нўширавон икки қўнгшусидин сўрди: «Рост айтурму?» Улар айдилар: «Рост айтур». Ондин сўнг амр қилди: «Бу эшакка ҳар кунда икки ботман ерни берсун ва тақи бир ахта-хона ясасун ётмоқиға ва агар андоқ қилмаса сизлар келиб манга айтгайсизлар, агар айтмасангизлар қиёматда бу эшакнинг гуноҳи сизларнинг бўйингизда турур», – деди. Тақи қабул қилиб чиқтилар.





<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Нўширавон амалдорининг ўзгаришига нима сабаб бўлиши мумкин? Жавобингизни асосланг.2. Тул хотин қандай кун кечирарди?
<p>Таҳлил ва талқин</p>	   	<ol style="list-style-type: none">1. Амалдорнинг тул хотинга кўрсатган зулмини матнга асосланиб шарҳланг.2. Нўширавон айбдорнинг айбини қай йўсинда иботлаганини «Қарорлар шажараси» усули асосида изоҳланг. <div data-bbox="536 765 1063 1038" style="text-align: center;"><pre>graph TD; A[МУАММО] -- 1-ҲОЯ --> B[ҚАРОР]; A -- 2-ҲОЯ --> B; A -- 3-ҲОЯ --> B;</pre></div>
<p>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</p>	  	<ol style="list-style-type: none">1. Асарда тасвирланган қаҳрамонлар ҳаётимизда учраб турадимиз?2. Ҳикоянинг ҳозирги кундаги аҳамиятини муҳокама қилиш мақсадида «Адолат» сўзига «Синквейн», яъни беш мисрали шеър усулини қўлланг.<ol style="list-style-type: none">1. Битта от сўз туркуми,2. Иккита сифат сўз туркуми,3. Учта феъл сўз туркумига хос сўз4. Тўрт сўздан иборат гап5. Мавзуга доир бир синоним.

ҲИКОЯТ

Баҳром гўр отлиғ бир подшоҳ бор эрди. Доим ичкун бирла машғул бўлуб ишрат қурур эрди. Ўзининг бир вазири бор эрди. Оти Ростиравшан эрди. Ҳарнаким қилса ул қилур эрди. Подшоҳ ани эътибор қилиб эрди. Ул Ростиравшан халойиқларига зулм қила бошлади. Халойиқ борча қочиб кета бошлади, эл-улусу борчалари торхошди, шаҳарлар хароб, хазинага мол кирмас бўлди.

Бир кун бир элчи келди, айди: «Эй подшоҳ, фалон бек сизга ёғи бўлди, чирик тортиб келатурур». Баҳром бу сўзни эшитти, эрса ҳайрон бўлди: «Маннинг қулум моли йўқ, чирик йиғилсун», – деди, кўрарким чириги йўқ. Фикр қилди: «Бу ишга не тадбир қилойин», – деб силоҳу совтин кийди, отланиб ёзиға чиқти, онча юридиким, сувсади, узоқдан бир чодир кўрунди, борди эрса кўрарким чодирнинг эшикинда бир итни дорга осиб қўймишлар. Бир киши чиқди. Султон айди: «Не киши турурсан?». Ул киши айди: «Қўйги турурман», – деб подшоҳни тушурди. Ош келтирди. Султон айди: «Сусаб турурман. Манга сув бергил». Сув берди. Андин сўнг подшо айди: «Бу итни нечун осиб турурсан?» Ул айди: «Бу ит маннинг итим эрди, қўйларимни боқар эрди, эрта бирла ўтга олиб борур эрди, кечалар қўноққа олиб келур эрди. Бир кун қўйларимни санадим, эрса кам келди, тақи иккиланчи кунни ҳам санадим, яна эксук келди, ажойибға қолдим. Туш вақтда ёлғиз қўйларга келдим, кўрарманким, бир мода бўри келди, бу ит ул бўрини кўрди, ёниға борди. Иккиси жуфтлашди. Ондин сўнг ит йироқға бориб ётти, ул бўри қўйларнинг аросиға кириб, кўп қўйларни нобуд қилди. Ҳар нечаким қичқирдим, ит ериндин турмади, охир қўйларни суруб уйға келтурдим. Ва яна хиёнат қилгони учун бу итни дорга осиб ўлтурдим. Они кўруб ўзга итлар хиёнат қилмосунлар деб, дорга осиб қўйди ттм.

Баҳром подшо бу сўзни эшитти айди: «Ажаб эрмас, бу ишлар вазирнинг хиёнатидин келмиш бўлғай». Тақи кўнглиға айди: «Мундин боргандин сўнг вазирни чоқириб сўрашмоқ керак». Овдин сўнг уйға келди, амр қилди вазирни чақиринг, деб. Вазирни олиб келдилар. Амр қилди: «Зиндонга олиб боринг». Зиндонга олиб бордилар. Ондан сўнг айди: «Жамиъ халойиққа жар урдурунгим, вазирга ҳар ким ноҳақдин бир танга берган бўлса икки тангасин олсун, – деб амр қилди ва яна сўрдиким, – зиндонда ҳар неча киши бўлса олиб келинлар». Онидин сўнг зиндонда ҳарна бор кишиларни олиб келдилар. Баҳром бирисидин сўрди: «Неча йил бўлди, зиндонда ётурсан?» Ул айди: «Уч йил бўлди». Баҳром сўрди: «На гуноҳинг бор эрди?» Ул киши айди: «Тақсир подшоҳим, ман бозиргон эрдим, бу



шахарга инжу олиб келдим, бир шада инжуни даллолга сотмоққа бердим. Вазир ул инжуни кўрмиш, ондин сўнг мани чоқириб савдо қилиб олди, анинг баҳосин сўроб бордим, эрса мани тутуб зиндонга солди. Уч йил бўлди, зиндонда ётурман», – деди.

Баҳром яна биридин сўрди: «Сан зиндонга нечун кирдинг?» Ул айди: «Ман фалон маҳаллада бир бой эрдим, фақирларга ва мискинларга ош, нон, закот ва ушр берур эрдим. Бир кун вазир мани келтуруб айди: «Сан на учун мунча харж қилурсан? Бир ерда ганж топғон бўлгайсан». Ман айдим: «Ганж топғоним йўқ». Ондин сўнг жамиъ молимни олиб ўзумни зиндонга солди, эрса икки йил бўлди зиндонда ётурман», – деди.

Ондин сўнг подшо яна биридин сўрди. Ул айди: «Ман сизнинг баҳодирингиз эрдим. Манга вазирдан улуфа буюрдингиз. Бориб тиладим, эрса манга бермади. Вазир айди: «Подшонинг ва новкарларнинг кишилиги маннинг бирлатурур. Бир соатда подшони йўқ эта билурман. Инонмасанг ҳоло сани зиндонга солдурайин», – деб тутуб мани зиндонга солдурди».

Алқисса, зиндонийлар етти юз киши эркан, шул етти юз кишидин йигирма киши гуноҳлиғ чиқди, ондин бошқалари ҳамма бегуноҳ эркан.





<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Баҳром ҳақида қандай фикрдасиз? Сизнингча, подшоҳ шундай бўлиши мумкинми? 2. Адолатсиз вазирнинг мол-дунёга нима сабабдан ҳирс қўйган деб ўйлайсиз? 						
<p>Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Баҳром ва қўйчи учашувидан подшоҳ қандай хулоса чиқарди? Бунга ўз муносабатингизни билдиринг. 2. Подшоҳнинг зиндондаги бегуноҳларни аниқлашини муҳокама қилинг. 3. Асарни таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тўлдириг. <table border="1" data-bbox="398 898 1137 1035"> <thead> <tr> <th data-bbox="398 898 676 980"><i>Асарнинг энг қизиқ лавҳалари</i></th> <th data-bbox="680 898 886 980"><i>Ёдда қолган жумлалар</i></th> <th data-bbox="890 898 1137 980"><i>Подшоҳга маслаҳатингиз</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td data-bbox="398 985 676 1035"></td> <td data-bbox="680 985 886 1035"></td> <td data-bbox="890 985 1137 1035"></td> </tr> </tbody> </table>	<i>Асарнинг энг қизиқ лавҳалари</i>	<i>Ёдда қолган жумлалар</i>	<i>Подшоҳга маслаҳатингиз</i>			
<i>Асарнинг энг қизиқ лавҳалари</i>	<i>Ёдда қолган жумлалар</i>	<i>Подшоҳга маслаҳатингиз</i>						
<p>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳикоят бошидаги Баҳром билан асар охиридаги Баҳромга «Оқилнинг олти қалпоги» усули орқали баҳоланг. 						



15

БУГУН ДАРСДА:

- Хожа ҳикоятларининг ҳаётимиздаги ўрнини аниқлаймиз;
- воқеалар силсиласини таҳлил қиламиз;
- асар сюжетини умумлаштирамиз.

ҲИКОЯТ

Кунлардан бир кун бир подшоҳ бор эди. Бисёр одил эрди. Бир кун вазирина айди:

– Ҳаж тавоф қилмоқға борурман, сан борурмусан? Вазир айди:

– Эй подшоҳим, тахтни бўш қўюб, Каъбага борсангиз, эл-халойиқ боштоқ бўлмасму?! – теди. Подшоҳ айди:

– Боштоқ бўлмас, йўқ эрса, манга ҳаж қилғон ҳожининг савобин сотғун олиб беринг, қиёматда ҳожилар бирла тургайман.

Вазир «Подшоҳ учун ҳаж сотғун олмоқ керак» деб истаб юрур эрди, бир кимарсаға йўлуқти. Ул киши айди:

– Фалон ерда бир зоҳид бортурур. Йигирма қатла Каъбаға яёғ борибтурур ва тақи ҳаж қилибтурур ва ҳеч кишининг ошин емас, анга боринг. Ул бир ҳаж сотса, подшоҳ учун олинг.

Бориб ул зоҳидни подшоҳға олиб келдилар. Подшоҳ айди:

– Эй зоҳид, бир йўли қилғон ҳажининг савобин бизга сотурмисан?

Зоҳид айди:

– Нега олурсиз? Султон айди:

– Минг қизил танга берайин. Зоҳид айди:

– Минг қизил танга оз турур. Султон айди:

– Эй зоҳид, оз бўлса, ўн минг қизил танга берайин. Зоҳид айди:

– Оз турур. Султон айди:

– Ўзинг на тиласанг тилагил. Зоҳид айди:

– Эй подшоҳим, бир ҳаж на бўлмай, йигирма ҳажимнинг савобини санга берайин, сан бир соат адл қилғонингнинг савобини манга берсанг. Султон айди:

– Эй зоҳид, бир соат адл қилғоннинг савоби на бўлур? Зоҳид айди:

– Бир соат адл қилғоннинг савоби одамларнинг ва фаришталарнинг ва хурларнинг ибодатидан ортуқтурур.



184



<p><i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i></p>		<p>1. «Елпигич» усули асосида асар юзасидан очиқ сўроқлар бекатини уюштиринг.</p>  <p>2. Нотаниш сўзларни аниқлаб, иш дафтарларингизга ёзиб олинг ҳамда мазмунини устозингиз ёрдамида шарҳланг.</p>
<p><i>Таҳлил ва талқин</i></p>		<p>1. «3-2-1» усули асосида ҳикоят таҳлили Асардаги 3 асосий ахборот; Қийинлик келтирган 2 масала; Асарда ёққан 1 аспект.</p> <p>2. Ҳикоятга қандай сарлавҳа қўйиш мумкин? Фикрингизни далилланг.</p>
<p><i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i></p>		<p>1. Уч хил яқуни бор саҳна қўриниши ташкил қилинг ва бир-бирингизни баҳоланг.</p>

ОМОНАТ

Бир талаба Султон Маҳмуд Ғазнавийга бир қози устидан арз қилиб боради. Талаба таҳсил учун бошқа шаҳарга кетар экан, ота мерос минг тилла пулини ҳамёнга солиб, муҳрлаб қозига омонат топшириб кетган эди. Келиб, олиб кўрса, ҳаммаси мис танга чиқади. Ҳеч ери тешилмаган, муҳри жойида. Қозидан сўраса: «Билмайман, муҳри жойидами, бўптида, нима дейсан? Хоҳласанг, қасам ичаман», – деб жавоб қилади. Султон ўйланиб қолади ва нега онт ичирмадинг, деб сўрайди. Шунда талаба, унинг онтига ишониб бўладими, қозининг қасами Лайлакники билан бирдек-ку, деб жавоб беради. Султон Лайлак ҳикоятини сўрайди. Талаба сўзлаб беради: бир куни илонлар тўпланишиб, «Келинлар, бу қисмат, ҳар дақиқада Лайлақдан жон ҳовучлаб қочиб юрганимиздан кўра ҳар куни битта миз навбат билан борайлигу қолганларимиз хотиржам яшаб турайлик», – деб гапни бир жойга қўйиб, бир илонни элчи қилиб юбордилар. Лайлак рози бўлди, ҳар куни бир илондан ортиқ емасликка онт ичди. Бироз вақт ўтиб илон болалади, лайлак эса, кичик бир илонга тўймас бўлди. Лайлак учиб бораверса, илонлар хотиржам суҳбатда, ёнларига келди-ю, иккитасини тирноғига олиб жўнади. Илонлар йиғилиб, арзга бордилар, ичган онтини ўртага солдилар. У: «Сизлар биласизларми, мен кимман?» Мен минора устида яшайман, масжиднинг тепасидаман, гуноҳдан қўрқмайман, шундай одамнинг онти бўладими?» – жавоб берган экан. Худди шу каби хоин, порахўр қозининг онти бўладими, деб ҳикоясини тугатади талаба.

Ҳикоя Султонга маъқул келади. Талабанинг мис танга солинган ҳамёнини олиб қолиб, ўзига жавоб беради. Ўйлади: талабанинг сўзи билан қозини ўлдирсам, пул учун қилди деб маломат этишлари аниқ, отим ёмонга чиқади. Йўлини топиш керак. Султон хаёлига бирдан шундай фикр келди. Ҳамён қайта тиктирилиб, тилласи алмаштириб қўйилмаганмикан?! Эртасига ётган шоҳона тўшагининг ўртасидан пичоқ тортиб овга кетди. Фаррош йиғиштиришга кирса тўшак бир аҳволда. Уни ваҳима босади. Тезликда шаҳардаги энг уста тикувчини қидириб топадилар. Бир икки кун ўтказиб овдан қайтган подшо тўшакнинг тилинган жойини топа олмайди. Фаррошни тергайди. Ҳақиқат маълум бўлади: қозига ҳамёнини шу уста тикиб берган экан. Сўнг Султон сохта пул ясаган кишиларни қидириб топдиради. Улардан қози учун мис танга ясаганликларини аниқлайди. Ниҳоят Султон қози билан талабани ҳузурига чақиради. Талаба арзини айтади, қози рад этади ва ўз гапларининг тўғрилигига қасам ичади. Султон қозини тикувчи уста ва пулчига юзма-юз қилади.











Қози дорга осилиб, талаба унинг ўрнига қўйиладиган бўлади. Бироқ талаба таклифни рад этади ва фикрини далиллаш учун бир қатор ҳикоялар келтиради. Улардан бирида айтилишича, бир куни амирал мўъминин ҳазрати Алининг ёнларига бир гуруҳ одамлар экин экиладиган ердан шикоят қилиб келдилар, – бошлайди ҳикоясини талаба. Айниқса, биттаси: «Ё Али, уч йил бўлди ҳосил экаман, бу ер ҳеч нарса бермайди», – деб куйнади. «Қоғоз қалам келтиринглар» – деб буюради Али ва хат ёзиб, деҳқоннинг қўлига тутқазади ҳамда ҳосилсиз ернинг ўртасига кўмиш кераклигини айтади. Келаси йил бу ер шундай ҳосил берадики, ҳамма ҳангу манг бўлиб қолади. Секин ўша хатни ернинг ўртасидан қидириб топадилар ва ўқийдилар. Унда шундай ёзилган экан: «Эй ер! Бу йил ҳам ҳосил бермасанг, қозининг ўлигини сенинг бағрингга кўмдираман». Ит ҳар тунда айтар эмиш: «Аллоҳ таолога шукрлар бўлсинки, мени қози эмас ит қилиб яратган».

Зар қадрин зарғар билар

«Мифтоҳ ул-адл» ва «Гулзор» ҳикоялари тематикаси ва ғоявий мазмуни билангина эмас, балки бадиий хусусиятлари ва тили билан ҳам ўзбек мумтоз адабиётининг, бу адабиётга нисбатан камроқ ривожланган бадиий насрнинг энг яхши ёдгорликларидандир.

Н. Маллаев



<p><i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Талаба Маҳмуд Ғазнавийга қандай арз билан мурожаат қилди?2. Қози ўзини оқлаганига ишонишиш мумкинми? Жавобингизни матнга асосланиб исботланг.
<p><i>Таҳлил ва талқин</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Омонатга хиёнат қилган қозини фош қилиш учун султон қандай йўл тутганлигини тимсоллар орқали шарҳланг.2. «Омонатга хиёнат» мавзусида баҳс-мунозара ўтказинг. 1-гуруҳ: Оқловчилар 2-гуруҳ: Қораловчилар 3-гуруҳ: Қарор чиқарувчилар
<p><i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i></p>	  	<ol style="list-style-type: none">1. Хожа ўз ҳикояларида асосий мақсадни кимлар орқали тасвирлаган? Бундай усул қайси адиб ижодида учрайди?2. «Балиқ скелети» усули орқали парчадаги воқеалар силсиласини таҳлил қилинг. 

МУМТОЗ ҲИКОЯ

Мумтоз ҳикоя – қадим ўзбек насрининг бир шакли. Ўша даврда ҳикоя дейилганда, пайғамбарлар, афсонавийлашган тарихий шахслар, пир-муршидлар, ҳукмдорлар, фан-маданият, адабиёт-санъат соҳаларининг машҳур арбоблари ҳаёти билан боғлиқ турли ҳодисалар ҳақида битилган қисқа, ихчам насрий лавҳалар кўзда тутилган. Мумтоз ҳикояларнинг биринчи белгиси уларда ибрат хусусиятнинг мавжудлигидир. Иккинчи белгиси тугал мазмунга эга бўлиши кераклигидир. Учинчи хусусияти ҳикояларнинг тили мураккаб бўлмалиги, ифода халқ тилига яқин турмоғи лозимлигидир. Тўртинчидан, ҳикояларда шеърий парча бўлиши шарт эмас. Тўғри, кўпчилик ҳикоялар шеърий «ҳисса» билан якун топади. Лекин бу хил «ҳисса»сиз тугаган ҳикоялар ҳам кам эмас.



БИЛИМИМИЗНИ СИНАЙМИЗ ТЕСТ



1. Хожанинг ота-боболари ҳақида кимнинг қайси асарида батафсил маълумот берилган?
 - А) Хожа «Мақсад ул-атвор»
 - Б) Ҳасанхожа Нисорий «Музақкири аҳбоб»
 - В) Баҳодирхон «Баҳодири соний»
 - Г) Тўғри жавоб йўқ
2. Хожа 1529 йили ким томонидан шайхулислом этиб тайинланган?
 - А) Шайбонийхон
 - Б) Убайдуллахон
 - В) Кистан Қаро
 - Г) Муҳаммад Муҳсин Мирзо
3. Хожанинг «Мақсад ул-атвор» асари қайси асарга назира шаклида ёзилган?
 - А) Навоий «Хамса»сидаги «Фарҳод ва Ширин» достонига
 - Б) Навоий «Хамса»сидаги «Ҳайрат-ул аброр» достонига
 - В) Ганжавий «Хамса»сидаги «Ҳафт пайкар» достонига
 - Г) Ганжавий «Хамса»сидаги «Махзан ул-асрор» достонига

4. Хожа ўзининг «Гулзор» номли асари кимга бағишлаб ёзилган?
А) Убайдуллахонга
Б) Ҳусайн Бойқарога
В) Темур Султонга
Г) Қистан Қарога
5. Хожанинг «Мифтоҳ ул-адл» асари кимга бағишлаб ёзилган?
А) Қистан Қарога
Б) Шайбонийхонга
В) Темур Султонга
Г) Убайдуллахонга
6. Хожанинг Бобурга юборган мактуби кимнинг қайси асарида қайд этилган?
А) Хожа «Мифтоҳ ул-адл»
Б) Хожа «Гулзор»
В) Ҳасанхўжа Нисорий «Музақкири аҳбоб»
Г) Хожа «Мақсад ул-атвор»
7. *«Кундуз авқотим сенинг ҳажрингда нолон кечадур,
Кеча ҳам зулфинг каби ҳолим паришон кечадур»* деб бошланувчи ға-
зал кимнинг қаламига мансуб?
А) Шайбонийхон
Б) Хожа
В) Бобур
Г) Лутфий
8. Пайғамбарлар, ярим тарихий – ярим афсонавий шахслар ва улар ҳаёти билан боғлиқ қисқа ихчам лавҳалар нима деб аталади?
А) ҳикоят
Б) дoston
В) мумтоз ҳикоя
Г) афсона
9. Мумтоз ҳикоянинг биринчи белгисини аниқланг.
А) ибратлилиги
Б) тасодифийлиги
В) илоҳийлиги
Г) тугаллиги

10. «Гулзор» асари қайси ҳукмдорга бағишланган?

- А) Темур Султон
- Б) Кистан Қаро Султон
- В) Жонибек Султон
- Г) Шайбонийхон

11. Бобурнинг Пошшохожанинг туркий ғазалларига берган баҳоси келтирилган асар.

- А) «Тазкират ул-шуаро»
- Б) «Мажолис ун-нафоис»
- В) «Бобурнома»
- Г) «Музақкири аҳбоб»

Пошшохожа қаламига мансуб бўлмаган асарни кўрсатинг.

- А) «Мифтоҳ ул-адл»
- Б) «Гулзор»
- В) «Мақсад ул-атвор»
- Г) «Музақкири аҳбоб»



ЧУМЧУҚ ҲИКОЯСИ



Бир киши бир чумчуқни қафасда сақлар экан. Чумчуқ тилга кириб, мени озод қилсанг, сенга фойдали уч насиҳат айтаман дебди. У киши кўнибди. Чумчуқ насиҳатларини айтибди: “аввал улким, ҳар нимарса қўлингдин чиқса, анинг учун қайғу емағил. Ва яна маҳол сўзни асло қабул қилмағил. Эмди мани йиборғил, яна бирин айтурман”. У киши чумчуқни бўшатиб юборибди. Чумчуқ бир дарахтнинг шохига қўниб, менинг қор-

нимда йигирма мисқол лаъл бор эди, сен нодонлик билан мени қўлингдан чиқардинг дебди. У киши пушаймон бўлиб, изтироб чекибди. Чумчуқ: “Ҳоло санга насиҳат қилмадуммиким, нимарса қўлингдин чиқса, унинг учун қайғурмағил! Яна буким, ман ўзим йигирма мисқол эрмасманким, йигирма мисқол лаъл манинг қорнимга натурлук сиғар?” дебди. Чумчуқ у кишининг қафасдан бўшатиб юборгани эвазига “бу ёғочнинг тубида бир кўзача танга бортурур” дебди. У киши дарахтнинг тубини кавласа, бир кўзача танга чиқибди, киши шод – хуррам бўлибди. Ҳикоя “Қиссадан ҳисса” чиқарувчи:

Икки иш қўймас бани одамда дахр ичра ммажол,
 Бир таассуф ўткан ишга, бир доғи амри маҳол.
 Одам эрсанг кўп таассуф ема ўтган иш учун,
 Демағил сўзни маҳолу чекмағил андин малол.

III бўлим

ҲАР КИМКИ ВАФО ҚИЛСА...



ҲАР КИМКИ ВАФО ҚИЛСА, ВАФО ТОПҚУСИДУР,
ҲАР КИМКИ ЖАФО ҚИЛСА, ЖАФО ТОПҚУСИДУР.
ЯХШИ КИШИ КЎРМАГАЙ ЁМОНЛИҒ ҲАРГИЗ,
ҲАР КИМКИ ЁМОН БЎЛСА, ЖАЗО ТОПҚУСИДУР.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур





БУГУН ДАРСДА:

- серқирра истеъдод соҳиби Бобур ҳақида маълумотлар тўплаймиз;
- Бобур лирикаси билан танишамиз;
- асар ғояси, қаҳрамонларга нисбатан оғзаки ва ёзма шаклдаги шахсий фикрларимиз билан ўртоқлашамиз.



**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР
(1483–1530)**

Зар қадрин зарғар билар

«Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорининг ҳақиқий намунасидир. У мард ва тадбиркор одам бўлган.

Бобур ўта маданиятли ва жозибали инсонлар орасида энг етук инсонлардан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассибликдан йироқ эди... Бобур санъат ва, айниқса, адабиётни севарди».

Жавоҳарлаъл Неру



Бобур – ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шаҳзода.

Бобурнинг отаси – Умаршайх Мирзо Фарғона вилояти ҳокими, онаси – Қутлуғ Нигорхоним Мўғулистон хони ва Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи эди. Бобурнинг онаси ўқимишли ва оқила аёл бўлиб, Бобурга ҳокимиятни бошқариш ишларида фаол кўмак берган, ҳарбий юришларида унга ҳамроҳлик қилган. Бобур барча темурий шаҳзодалар каби махсус тарбиячилар, йирик фозилу уламолар устозлигида ҳарбий таълим, фикҳ илми, араб ва форс тилларини

ўргангани, кўплаб тарихий ва адабий асарлар мутолаа қилади, илм-фанга, шеърятга қизиқа бошлайди. Довжураклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан «Бобур» («Шер») лақабини олади.

Отаси Ахсида бевақт, 39 ёшида фожиали ҳалок бўлгач, оиланинг катта фарзанди, 1494 йил июнь 12 ёшли Бобур валиаҳд сифатида тахтга ўтиради.

Мовароуннаҳр тахти учун кураш авжга чиққан, турли сиёсий фитналар уюштирилган давр эди. Ўз амакиси ва тоғаси бўлмиш Султон Аҳмад Мирзо билан Султон Маҳмудхон хуружларини даф қилган Бобур ҳукмронлигининг дастлабки 2–3 йилида мавқеини мустаҳкамлаш, бек ва амалдорлар билан ўзаро муносабатни яхшилаш, қўшинни тартибга келтириш, давлат ишларида интизом ўрнатиш каби муҳим чора-тадбирларни амалга оширади. Бобурнинг дастлабки сиёсий мақсади Амир Темур давлатининг пойтахти, стратегик ва географик жиҳатдан муҳим бўлган Самарқандни эгаллаш ва Мовароуннаҳрда марказлашган кучли давлатни сақлаш, мустаҳкамлаш ҳамда Амир Темур салтанатини қайта тиклашдан иборат эди. 1495–1496 йилларда Бобур Самарқандга икки марта муваффақиятсиз юриш қилади. 1497 йил кузида у Самарқанд атрофидаги бир қанча жойларни ва 7 ойлик қамалдан сўнг Самарқандни эгаллайди.

Темурийларнинг ўзаро урушлари кучайган кезларда Шайбонийхон Мовароуннаҳрни истило қилишга киришади. 1500 йили Султон Али Мирзо калтабинлик билан Самарқандни Шайбонийхонга жангсиз топширади. Бобур 1500 йил кеч кузида 240 кишидан иборат қўшини билан Самарқандга етиб келгач, аҳоли унга пешвоз чиқиб, шаҳар дарвозаларини очиб беради. Шайбонийхон катта куч тўплаб, яна Самарқандга юриш бошлайди. Бобур 1501 йилнинг 2-ярмида Самарқандни тарк этади.

Бобур 1504 йили Мовароуннаҳрни тарк этишга мажбур бўлади. У 200–300 навқари билан Ғазни ва Кобулни эгаллайди. Бобур Кобулни эгаллагач, мустақил давлат тузишга жадал киришади, қўшинни тартибга келтиради, қаттиқ ички интизом ўрнатади. Кобулга, умуман Афғонистонга Бобур ўз юрти каби қаради, қурилиш, ободонлаштириш, касбу ҳунар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишларини бошлаб юборади.

1519 йил баҳорига келиб Бобур Ҳиндистонни забт этиш режаларини амалга оширишга киришади ва кейинги 5–6 йил давомида бир неча юришлар уюштиради. Ниҳоят, 1526 йил апрелида Панипатда асосий рақиби, Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилиқ қўшинни 12 минглик аскар билан тор-мор қилади ҳамда Деҳлини эгаллайди. Орадан кўп ўтмай, иккинчи йирик ҳинд саркардаси Рано Санго устидан ҳам зафар қозониб, Шимолий Ҳиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмини ўзига бўйсундиради. Аграни ўзига пойтахт сифатида танлаган Бобур катта қурилиш ва ободончилик ишларини бошлаб юборади. Шу тариқа Бобур Ҳиндистонда уч ярим асрга яқин ҳукм сурган қудратли бобурийлар сулоласига асос солади.

1526 йил 21 декабрда Бобурга қарши суиқасд уюштирилади. Маҳв этилган Иброҳим Лўдийнинг онаси ошпазлар билан тил бириктириб, унинг овқатига заҳар қўштиради. Шунинг асоратими ёки кўп йиллик машаққатли ва қўнимсиз ҳаёт таъсирими, ҳар ҳолда кейинги йилларда Бобур тез-тез касалга чалиниб туради. Бир неча муддат олдин подшоликни Ҳумоюн-га топширган Бобур 47 ёшида ўзи асос солган салтанат пойтахти Аграда вафот этди ва ўша ерда дафн этилди, кейинчалик 1539 йили васиятига мувофиқ хоки Кобулга келтирилиб, ўзи бунёд эттирган «Боғи Бобур»га қўйилди.

Зар қадрин заргар билар

«Бобур феъл-атвориға кўра Сезарға қараганда севишга арзигуликдир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган».

Инглиз тарихчиси Эдуард Ҳолден

«Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди».

Инглиз таржимони Уильям Эрскин

БОБУР ЛИРИКАСИ





Бобур турк ва форс тилларида эркин ижод этган. У туркча шеърларини тўплаб, 1519 йилда Кобулда, 1528–1529 йилларда Ҳиндистонда девонлар тузди. Бу икки девон ўша жойлар номи билан «Кобул девони», «Ҳинд девони» деб аталади. Кобул девони топилган эмас. Бизгача етиб келган шеърларининг умумий сони тўрт юздан ортади. Шундан бир юз ўн тўққизтаси ғазал, икки юз ўттиз биттаси рубой. Бобур шеърларининг маълум қисми ҳасби ҳам хусусиятига эга бўлиб, шоир ҳаётининг муайян бир лавҳаси билан боғланади. Шоир шеърларининг ҳаммаси беҳисоб самимий туйғулар билан йўғрилган. У туюқ, қитъа, муаммо, маснавий, фард каби жанрларда ижод этган.

Ғазаллари. Бобур девонининг катта қисми ғазаллардан иборат. Ғазалда кўпинча иккита марказ бўлган. Бири – лирик қаҳрамоннинг аҳволи, иккинчиси – маъшуқа таърифи. Барча тимсол ва ифодалар шу икки марказга келиб туташган. Навоий ва Бобур даврида муаллифнинг ҳаётига оид тафсилотлар ҳам илк бор ғазалга кириб кела бошлади. Ғазалнинг мавзу-мундарижаси кенгайди. Бобур ижодида ҳаётга меҳр акс этган жўшқин ғазаллар ҳам, афсус-надомат тўла шеърлар ҳам бор. Шоир гоҳ дунёнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган киши сифатида фалсафий мушоҳада юритади, одамларни ҳар қандай ҳолда яхшилик қилишга чорлайди, гоҳ тақдирнинг аёвсиз зарбаларидан ёзғиради. Унинг ғазалларида инсонга хос қувонч ҳам, ғам ҳам бор.

Бобур ғазаллари бадиий таровати нуқтаи назардан ўзига хосдир. Шоирнинг ғазаллари ҳажман ихчам. Кўпинча, беш-олти байтни ташкил этади. Тўққиз байтдан ортиқ ғазаллари бармоқ билан санарли. Бу ҳол тасвир қуюқ, руҳият ифодаси таранг, драматизм кучли бўлишга имкон беради. Шоир ғазаллари осон ўқилади, хотирага енгил кўчади.

Рубойлари. Туркий рубой тараққиётида Бобурнинг муҳим ҳиссаси бор. Бобур рубойлари сони кўп бўлмаса-да, унинг ўзбек рубойчилигида алоҳида ўрни бор. У азалдан ижтимоий-фалсафий табиатга эга рубой жанрига маиший мазмун киритди. Унинг кўпгина рубойлари сарсон-саргардон кечган ҳаётининг иқрорномаларидай таассурот қолдиради. Бобур рубойлари тили, ифодасининг соддалиги, самимияти китобхонни ўзига боғлаб олади.



<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	  	<p>1. «Иссиқ ўриндиқ» усули орқали Бобур ҳақида олган билимларингизни текшириб кўринг.</p>  <p>2. Бобурнинг энг буюк режаси қандай эди? Бу режанинг амалга ошмаганлиги сабабларини тушунтириб бering.</p>
<p>Таҳлил ва талқин</p>	  	<p>1. Маданият оламида Бобурни шоир, адиб, тарихчи олим дейилишини «Кластер» усули орқали изоҳланг.</p>  <p>2. Бобурнинг илм соҳаларига қўшган ҳиссалари ҳақида қўшимча маълумот йиғиб, тақдимот тайёрланг.</p>
<p>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	 	<p>1. Муҳокама учун очиқ ва ёпиқ саволлар тузинг ҳамда гуруҳлараро савол-жавоб ўтказинг.</p> <p>2. «Бобур ижодининг буюклиги нимада?» мавзусида эссе ёзинг.</p>

2

БУГУН ДАРСДА:

- бадий асар мазмуни, унда кўтарилган муаммони аниқлаймиз, мулоҳаза юритган ҳолда тинглаган ва ўқиганларимизга ўз муносабатимизни билдирамиз;
- матн жанри ва унинг белгиларини аниқлаймиз.



ҲАЗАЛЛАР

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор¹ топмадим.


Жонимдек ўзга жонни дилафгор² кўрмадим,
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук³ кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй⁴ этмишам, нетай,
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига, бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр, ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни, мунча қилиб, ёр топмадим.









¹ Маҳрами асрор – сирдош дўст.

² Дилафгор – жароҳатланган дил.

³ Усрук – маст, ҳумор.

⁴ Хўй – ўрганиш, кўникма.



<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Берилган ғазалнинг асосий ғоясини аниқланг. 2. Шоирни нотинч ўйларга олиб келган сабабчи ким эканлигини ғазал матнига асосланиб аниқланг. 									
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Шахсий фикрингизга таяниб, қуйидаги жадвални тўлдилинг. <table border="1" data-bbox="397 737 1148 1123"> <tr> <td data-bbox="397 737 664 814"><i>Мазмун ва мавзунинг мослиги</i></td> <td data-bbox="664 737 1037 814"><i>Ғазал сюжетини қандай баҳолайсиз?</i></td> <td data-bbox="1037 737 1148 814"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="397 814 664 985"><i>Асар тилига оид</i></td> <td data-bbox="664 814 1037 985"><i>Асарда қандай бадиий тасвир воситаларидан фойдаланилган? Шу воситалар орқали образ қандай ёритилган?</i></td> <td data-bbox="1037 814 1148 985"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="397 985 664 1123"><i>Баҳолашга оид</i></td> <td data-bbox="664 985 1037 1123"><i>Асар ёки унинг қаҳрамонига нисбатан умумий кўзқарашингиз, мустақил баҳо беринг</i></td> <td data-bbox="1037 985 1148 1123"></td> </tr> </table> 2. Мақтаъда шоир қандай «ёр топмаган»лигини ифодалайди? 	<i>Мазмун ва мавзунинг мослиги</i>	<i>Ғазал сюжетини қандай баҳолайсиз?</i>		<i>Асар тилига оид</i>	<i>Асарда қандай бадиий тасвир воситаларидан фойдаланилган? Шу воситалар орқали образ қандай ёритилган?</i>		<i>Баҳолашга оид</i>	<i>Асар ёки унинг қаҳрамонига нисбатан умумий кўзқарашингиз, мустақил баҳо беринг</i>	
<i>Мазмун ва мавзунинг мослиги</i>	<i>Ғазал сюжетини қандай баҳолайсиз?</i>										
<i>Асар тилига оид</i>	<i>Асарда қандай бадиий тасвир воситаларидан фойдаланилган? Шу воситалар орқали образ қандай ёритилган?</i>										
<i>Баҳолашга оид</i>	<i>Асар ёки унинг қаҳрамонига нисбатан умумий кўзқарашингиз, мустақил баҳо беринг</i>										
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазалнинг ёзилиш тарихини топинг. Асарнинг асл мазмуни шоир ҳаётини ёритиб берганми? 									



Хазон япроғи янглиғ гул юзунг хажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух¹, бу чехраи зардим².

Сен, эй гул, кўймадинг саркашлигингни³ сарвдек ҳаргиз,
Аёгингға тушиб барги хазондек мунча ёлбордим.

Латофат гулшанида гул каби сен сабзу хуррам⁴ қол,
Мен арчи⁵ даҳр⁶ боғидин хазон япроғидек бордим.

Хазондек қон ёшим сориг юзумдин эл танаффурда⁷,
Баҳар ранге⁸, биҳамдиллоҳ⁹, улусдин¹⁰ ўзни қутқордим.

Не толеъдур мангаким, ахтари¹¹ бахтим топилмайдур,
Фалак авроқини¹² ҳар нечаким дафтардин ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўткардим.

¹ Рух – юз.

² Зард – сариқ.

³ Саркаш – ўжар, қайсар.

⁴ Сабзу хуррам – яшнаганлик.

⁵ Арчи – агарчи.

⁶ Даҳр – дунё.

⁷ Танаффур – нафрат.

⁸ Баҳар ранге – ҳар қалай.

⁹ Биҳамдиллоҳ – оллоҳга мақтов.

¹⁰ Улус – халқ.

¹¹ Ахтар – юлдуз.

¹² Авроқ – варақлар.





<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазалда қайси фасл манзараси тасвирланган? Фикрингизни асосланг. 2. Шеърни ўз сўзингиз билан насрда ёзинг. Шеър мазмунини муҳокама қилинг. 																
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Жадвални тўлдилинг. <table border="1" data-bbox="398 782 1139 941"> <thead> <tr> <th><i>Ғазалдаги мисра</i></th> <th><i>Тугуни</i></th> <th><i>Ўқувчи фикри</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td> </td> <td> </td> <td> </td> </tr> <tr> <td> </td> <td> </td> <td> </td> </tr> </tbody> </table> 2. Мақтаъда Бобур шахсиятига хос қандай сифатлар ёрқин намоён бўлган? 	<i>Ғазалдаги мисра</i>	<i>Тугуни</i>	<i>Ўқувчи фикри</i>													
<i>Ғазалдаги мисра</i>	<i>Тугуни</i>	<i>Ўқувчи фикри</i>																
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. «Т-жадвали» усули орқали ғазалда висол соғинчи устунми ёки Ватан? Жадвални тўлдилинг. <table border="1" data-bbox="398 1243 1150 1448"> <thead> <tr> <th colspan="4"><i>Соғинч</i></th> </tr> <tr> <th colspan="2"><i>Висол соғинчи</i></th> <th colspan="2"><i>Ватан соғинчи</i></th> </tr> <tr> <th><i>Афзаллиги</i></th> <th><i>Камчилиги</i></th> <th><i>Афзаллиги</i></th> <th><i>Камчилиги</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td> </td> <td> </td> <td> </td> <td> </td> </tr> </tbody> </table> 	<i>Соғинч</i>				<i>Висол соғинчи</i>		<i>Ватан соғинчи</i>		<i>Афзаллиги</i>	<i>Камчилиги</i>	<i>Афзаллиги</i>	<i>Камчилиги</i>				
<i>Соғинч</i>																		
<i>Висол соғинчи</i>		<i>Ватан соғинчи</i>																
<i>Афзаллиги</i>	<i>Камчилиги</i>	<i>Афзаллиги</i>	<i>Камчилиги</i>															

3

БУГУН ДАРСДА:

- ғазални ифодали ўқиймиз, матн устида ишлаймиз;
- матндан мустақил ҳолда муаллиф кўзқараши ифодасига боғлиқ цитата, парчаларни аниқлаймиз;
- долзарблиги ва шахсий кўзқарашини далиллаган ҳолда асарнинг мавзу ва муаммолар доирасин белгилаймиз.



Ғурбатта ул ой ҳажри мени пир¹ қилибтур,
Ҳижрон била ғурбат манга таъсир қилибтур.

Мақдур² борича қилурам саъйи³ висолинг,
То тенгрини билмонки, не тақдир қилибтур.

Тақдирдур ул ёну бу ён солғучи, йўқса,
Қимса ҳаваси сунбулу татйир⁴ қилибтур.

Бу Ҳинд ери ҳосилидин кўп кўнгул олдим,
Не судки⁵, бу ер мени дилгир қилибтур.

Сендин бу қадар қолди йироқ, ўлмади Бобур,
Маъзур тут, эй ёрки, тақсир⁶ қилибтур.



¹ Пир – кекса, қари.

² Мақдур – қудрат, қувват.

³ Саъй – ҳаракат.

⁴ Татйир – парвоз.

⁵ Не суд – нима фойда.

⁶ Тақсир – қусур, хато.



<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазал билан танишинг ҳамда шоир илгари сурган ғояни аниқланг. 2. Шеърнинг асосий қаҳрамонининг аҳволини шарҳланг. 														
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазални таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тўлдилинг. <table border="1" data-bbox="398 633 1129 930"> <tr> <td><i>Жанри</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Вазни</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Қофиядош сўзлар</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Ташбеҳ</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Тавсиф ва сифатлаш</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Тазод</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Ташхис</i></td> <td></td> </tr> </table>	<i>Жанри</i>		<i>Вазни</i>		<i>Қофиядош сўзлар</i>		<i>Ташбеҳ</i>		<i>Тавсиф ва сифатлаш</i>		<i>Тазод</i>		<i>Ташхис</i>	
<i>Жанри</i>																
<i>Вазни</i>																
<i>Қофиядош сўзлар</i>																
<i>Ташбеҳ</i>																
<i>Тавсиф ва сифатлаш</i>																
<i>Тазод</i>																
<i>Ташхис</i>																
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қийсий таҳлил</p>	   	<ol style="list-style-type: none"> 1. Шоир жаҳон овораси бўлиб юришларини тақдирдан кўради. Сиз бунга нима дейсиз? 2. Шоир ўз тақдирини ўзгартиришга қодир эдими? Сабабларини кўрсатинг. <table border="1" data-bbox="398 1158 1142 1499"> <thead> <tr> <th>Махсус белгилар</th> <th>Махсус белгиларнинг маъноси</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>З</td> <td><i>Ғазалда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топган бўлса</i></td> </tr> <tr> <td>С</td> <td><i>Ғазалда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топмаган бўлса</i></td> </tr> <tr> <td>?</td> <td><i>Ғазал билан танишиш жараёнида саволлар туғилса (тушунмовчиликлар юзага келса)</i></td> </tr> </tbody> </table>	Махсус белгилар	Махсус белгиларнинг маъноси	З	<i>Ғазалда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топган бўлса</i>	С	<i>Ғазалда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топмаган бўлса</i>	?	<i>Ғазал билан танишиш жараёнида саволлар туғилса (тушунмовчиликлар юзага келса)</i>						
Махсус белгилар	Махсус белгиларнинг маъноси															
З	<i>Ғазалда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топган бўлса</i>															
С	<i>Ғазалда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топмаган бўлса</i>															
?	<i>Ғазал билан танишиш жараёнида саволлар туғилса (тушунмовчиликлар юзага келса)</i>															



Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?!
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?!



Мени хор этти-ю қилди муддаини¹ парвариш,
Даҳри дунпарварнинг² ўзга муддаоси қолдиму?!

Мени ўлтурду жафоу жавр бирла ул қуёш,
Эмди тургузмак учун меҳру вафоси қолдиму?!

Ошиқ ўлғоч кўрдим ўлумни ўзумга, эй рафиқ³,
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси⁴ қолдиму?!

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тенгри учун де бу оламнинг сафоси⁵ қолдиму?!



<i>Тушуниш ва саволларга жаавоб бериш</i>	 	<ol style="list-style-type: none">1. «Ақлий ҳужум»: Сизнингча, шоир ушбу шеърини битганда қандай ҳолатда бўлган?2. Ғазал мазмуни бўйича «5W» усули асосида саволлар тузинг.<ol style="list-style-type: none">1. «КИМ?»2. «НИМА?»3. «ҚАЕРДА?»4. «ҚАЧОН?»5. «НИМА УЧУН?»
---	--	---






¹ Муддаи – даъвогар.

² Даҳри дунпарвар – тескаричи, пасткаш дунё.

³ Рафиқ – дўст.

⁴ Ҳарос – кўрқув.

⁵ Сафо – шодлик.

Таҳлил ва талқин	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Шоирнинг «чарх»нинг «жафо»сидан шикоят қилишини муҳокама қилинг. 2. Ҳазални таҳлил қилинг. Радиф, қофиядош сўзларини аниқланг. 																													
Баҳолаш ва қиёсий таҳлил	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳазалда Ватан, она-юрт соғинчи «<i>Концептуал жадвал</i>» усули орқали ўз ифодасини қай йўсиндатопганлигини шарҳланг. <table border="1" data-bbox="398 650 1152 978"> <thead> <tr> <th rowspan="2">Моҳияти</th> <th colspan="5">Ижтимоий тарбия турлари</th> </tr> <tr> <th><i>Маънавий-ахлоқий тарбия</i></th> <th><i>Ақлий тарбия</i></th> <th><i>Жисмоний тарбия</i></th> <th><i>Эстетик тарбия</i></th> <th><i>Меҳнат тарбияси</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>Мақсади</td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td>Вазифалари</td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td>Ўзига хос жиҳатлари</td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </tbody> </table>	Моҳияти	Ижтимоий тарбия турлари					<i>Маънавий-ахлоқий тарбия</i>	<i>Ақлий тарбия</i>	<i>Жисмоний тарбия</i>	<i>Эстетик тарбия</i>	<i>Меҳнат тарбияси</i>	Мақсади						Вазифалари						Ўзига хос жиҳатлари					
Моҳияти	Ижтимоий тарбия турлари																														
	<i>Маънавий-ахлоқий тарбия</i>	<i>Ақлий тарбия</i>	<i>Жисмоний тарбия</i>	<i>Эстетик тарбия</i>	<i>Меҳнат тарбияси</i>																										
Мақсади																															
Вазифалари																															
Ўзига хос жиҳатлари																															





БУГУН ДАРСДА:

- Бобур рубойлари билан танишамиз, ифодали ўқиймиз, матн устида ишлаймиз;
- ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда ижодий ёндошиб асар матни мазмунини қайта ҳикоя қиламиз;
- асар ғояси, қаҳрамонларига ёзма равишда баҳо бериб фикр билдирамиз.



РУБОУЙЛАР

Рафтори-ю¹ қаддиға равоним² садқа,
Бир боқишиға икки жаҳоним садқа.
Оғзи-ю белига буду нобудим³ сарф,
Кўзи-ю лабиға жисму жоним садқа.

Беқайдмену⁴ хароби сийм⁵ эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим⁶ эрмасмен.
Кобулда иқомат⁷ қилди Бобур, дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим⁸ эрмасмен.

Юз шукр де, Бобурки, каримни ғаффор,
Берди санга Синду Ҳинду мулки бисёр.
Иссиқлиғига гар санга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг Ғазна бор.

Даврон мени ўткарди сару сомондин⁹,
Ойирди мени бир йўли хону мондин.
Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна
Неларки бошимға келмади даврондин.

¹ Рафтор – юриш.

² Равон – тириклик.

³ Буд-нобудбор – йўқ.

⁴ Беқайд – эркин.

⁵ Сийм – танга, пул.

⁶ Лаим – паст.

⁷ Иқомат – яшаш.

⁸ Муқим – туриб қолиш.






⁹ Сару сомон – азизлик ва хорлик маъносида.

Кўнгли тилаган муродига етса киши,
 Ё барча муродларни тарк этса киши,
 Бу икки иш муяссар бўлмаса оламда,
 Бошини олиб бир сориға¹ кетса киши.

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
 Жисмимда менинг руҳи равоним сенсен.
 Бобурни сенингдек ўзга йўқ ёри (азизи),
 Алқиссаки, умри жовидоним сенсен.

Сен гулсену мен ҳақир² булбулдурмен,
 Сен шуъласену ул шуълаға мен кулдурмен.
 Нисбат йўқтур деб ижтиноб³ айламаким,
 Шаҳмен элга, вале санга қулдурмен.



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. Берилган рубойларнинг мавзу доирасини аниқланг. 2. Бобур ҳаёти ва тақдирига хос унсурлар унинг рубойларида қандай ўз ифодасини топган?						
Таҳлил ва талқин	  	1. « <i>Рафтори-ю қаддига равоним садқа</i> » деб бошланувчи рубойда қандай шеърий санъат қўлланилган? Қуйидаги жадвални тўлдилинг. <table border="1" data-bbox="398 1149 1133 1253"> <thead> <tr> <th data-bbox="398 1149 692 1200"><i>Шеърдаги мисра</i></th> <th data-bbox="696 1149 958 1200"><i>Шеърий санъат</i></th> <th data-bbox="961 1149 1133 1200"><i>Талқин</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td data-bbox="398 1205 692 1253"></td> <td data-bbox="696 1205 958 1253"></td> <td data-bbox="961 1205 1133 1253"></td> </tr> </tbody> </table> 2. « <i>Кўнгли тилаган муродига етса киши</i> » рубойини таҳлил қилинг. Инсон умри нима билан ўлчанади? Шоир билан тўлиқ келишасизми? Сабабини изоҳланг.	<i>Шеърдаги мисра</i>	<i>Шеърий санъат</i>	<i>Талқин</i>			
<i>Шеърдаги мисра</i>	<i>Шеърий санъат</i>	<i>Талқин</i>						

¹ Сори – сари, томон.

² Ҳақир – бечора.

³ Ижтиноб – четга олмоқ.



1. Бобур рубойларининг бадиияти ҳақида қандай маълумотга эга бўлдингиз? Аввал ўрганган рубойлар билан солиштиринг. Улардан афзаллигини аниқланг. «SWOT» усулидан фойдаланинг.

<i>S</i>	<i>Кучли (устун) жиҳатлари (ҳал этилаётган муаммонинг афзалликларини ёритиш)</i>
<i>W</i>	<i>Кучсиз (заиф) жиҳатлари (мақсадга эришиш йўлида ташкил этилаётган ҳаракатларга ички омилларининг таъсирини ўрганиш)</i>
<i>O</i>	<i>Имкониятларни чамалаш (белгиланган вазифаларни ҳал этишнинг энг мақбул йўллари-ни излаш)</i>
<i>T</i>	<i>Таҳдидни ўрганиш (мақсадга эришиш йўлида ташкил этилаётган ҳаракатларга ташқи омилларининг таъсирини аниқлаш)</i>



ТУЮҚЛАР

Васлдин сўз дерга йўқ ёро¹ манга,
Ҳажр аро раҳм айлагил, ёро², манга.
Ўқунг этти кўп ёмон ёро³ манга,
Мархами лутфунг била ёро⁴ манга.

* * *

Улки, ҳар кўзи ғазоли Чиндурур,
Қошида пайваста онинг чиндурур.
Чунки кўп ёлғон айтти ул манга,
Гар десам ёлғончи они чиндурур.

* * *

Қаддимни фироқ меҳнати ё⁵ қилди,
Кўнглум ғаму андуҳ ўтиға ёқилди.
Ҳолимни сабоға айтиб эрдим, эй гул,
Билмон⁶, санга шарҳ қилмади ё қилди?!

* * *

Мени беҳол айлаган ёр ойдурур –
Ким, онинг васли менга ёройдурур.
Гар висоли бўлмаса, кетар ерим
Ё Хуросон, ё Хитой, ё Ройдурур.

* * *

Қаддимни фироқ меҳнати ё қилди,
Кўнглум ғаму андуҳ ўтиға ёқилди.
Ҳолимни сабоға айтиб эрдим, эй гул,
Билмон, санга шарҳ қилмади ё қилди?!

¹ Ёро – мажол, қувват.

² Ёро – эй ёр.









³ Ёро – яра, жароҳат.

⁴ Ёро – ёрдам бер.

⁵ Ё – ёй.

⁶ Билмон – билмайман.



<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	  	<ol style="list-style-type: none">1. Берилган шеърларни ўқинг ҳамда ёзилиши эътибор беринг. Қандай шеърый санъат асосида туюқлар битилган?2. Туюқларни «Ўргимчак уни» усули орқали ифодали ўқинг. 
<p>Таҳлил ва талқин</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Иккинчи туюқни таҳлил қилинг. «Чиндурур» сўзининг маъноларини аниқланг.2. Сўнги туюқни шарҳланг. Шоир ўзининг ҳолатини қай йўсинда китобхонга етказганига эътибор беринг.
<p>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Туюқ ҳақида назарий билимларингизни айтинг ҳамда сиз ҳам туюқ ёзишга уриниб кўринг. «Туюқ» сўзига «Синквейн», яъни беш мисрали шеър усулини қўлланг.<ol style="list-style-type: none">1. Битта от сўз туркуми,2. Иккита сифат сўз туркуми,3. Учта феъл сўз туркумига хос сўз4. Тўрт сўздан иборат гап5. Мавзуга доир бир синоним.



- 1. Лабинг багримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,
Нечун ҳолим ямон қилди, мен андин бир сўрорим бор.
Ушбу байтда қайси шеърий санъатдан моҳирона фойдаланилган?*

А) тажнис
Б) таносуб
В) тарсеъ санъати
Г) ҳасби ҳол
- 2. Висолинким тилармен нозини хуш тортқил, Бобур
Ки, олам богида топмоқ гули бехор мушкулдур.
Байтда қўлланган бехор сўзининг маъносини аниқланг.*

А) беор
Б) ҳидини топмоқ
В) тиконсиз
Г) ҳусн
- 3. Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек сенга бир зори вафодор топилмас.
Бобур юқоридаги байтда қандай шеърий санъатлардан фойдаланган?*

А) таносуб, тазод
Б) тажнис, тарсеъ
В) ташбеҳ, ҳасби ҳол
Г) тазод, тарсеъ
- 4. Тўзиб эрди навкари Бобурнинг,
Эриб эрди жигари Бобурнинг. Ушбу байтда қандай шеърий санъат қўл-
ланган?*

А) тарсеъ
Б) жонлантириш
В) истиора
Г) ўхшатиш
- 5. Бобурнинг бизгача етиб келмаган асарлари қайси қаторда тўғри берилган?*

А) «Чоргоҳ», «Мубаййин ул-закоат»
Б) «Чоргоҳ», «Ҳарб иши»

- В) «Ҳарб иши», «Муסיқа илми»
- Г) «Чоргоҳ», «Волидия»

6. Бобурнинг таржима асари қайси қаторда берилган?

- А) «Зафарнома»
- Б) «Волидия»
- В) «Тухфат ул-афкор»
- Г) «Ғиҳи ма ғиҳи»

**7. «Аксар ялангоёқ юрар эдим, ялангоёқ кўп юрганымдин оёқларим андоқ бўлиб эдиким, тоғ ва тош тафовут қилмас эрди». Ушбу таржи-
маи ҳол муаллифини аниқланг.**

- А) Аҳмад Танбал
- Б) Бобур
- В) Ялангтўшбий
- Г) Шайбонийхон

8. Бобурнинг солиқ ишларига бағишлаб ёзган асарини аниқланг?

- А) «Вақфия»
- Б) «Мухтасар»
- В) «Мубаййин ал-закот»
- Г) «Ҳарб иши»

9. 1526 йилнинг 12 декабрда Бобур ҳаётида қандай воқеа содир бўлди?

- А) онасидан айрилди
- Б) заҳарланди
- В) Ҳиндистонни қўлга киритди
- Г) Самарқандни қўлга киритди

10. Хўжа Аҳрор Валийнинг Бобур томонидан шеърий йўлда таржима қилинган асари қандай номланади?

- А) «Волидия»
- Б) «Ҳилолия»
- В) «Воқеанома»
- Г) «Ҳидоя»

11. Бобурнинг нечта девони бор?

- А) 2 та
- Б) 3 та



- В) 4 та
- Г) 1 та

12. Бобур қайси жанрларда баракали ижод қилган?

- А) туюқ, қитъа, муаммо, муашшаҳ
- Б) муашшаҳ, қитъа, рубоий, фард
- В) туюқ, қитъа, муаммо, фард, маснавий
- Г) ғазал, рубоий, муашшаҳ, туюқ

13. «Сочининг савдоси тушиди бошима боштин яна, Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қоштин яна» деб бошланувчи ғазал муаллифини аниқланг.

- А) Лутфий
- Б) Навоий
- В) Бобур
- Г) Мунис

14. «Вақоеъ» номи билан юритилган машҳур асар қайси қаторда тўғри берилган?

- А) «Гулзор»
- Б) «Хумоюннома»
- В) «Бадоеъ-ул вақоеъ»
- Г) «Бобурнома»

15. «Бобур феъли-сажиясига кўра Цезарга қараганда севишга арзигулик-дир». Ушбу таъриф муаллифини аниқланг.

- А) Аннет Бевирижхоним
- Б) Эдуард Холдинг
- В) Павел де Куртейн
- Г) Жавоҳарлал Неру

16. Бобур лирикасида қайси жанр етакчи мавқега эга?

- А) ғазал, туюқ
- Б) рубоий, қитъа
- В) ғазал, рубоий
- Г) туюқ, фард

17. Бобур рубоийларининг бош фазилати нимада?

- А) сўзларнинг тиниқ, ифода ёрқинлиги



- Б) сўзлар оммабоп, манзарага бой
- В) изтироблар ифодаланган
- Г) тилнинг соддалигида

18. Машҳур инсонлардан қайси бири ҳам Темурбекка, ҳам Чигатойга қариндош ҳисобланади?

- А) Навоий
- Б) Лутфий
- В) Ҳусайн Бойқаро
- Г) Бобур

19. Бобурнинг жаҳон овораси бўлиб юришларига нима сабаб бўлади?

- А) Оллоҳ
- Б) тақдир
- В) мулозимлари
- Г) яқин дўстлари

20. Бобур асарларидаги яшил ва кўклам маъноларини ифодаловчи сўз қайси қаторда тўғри берилган?

- А) сабзу хуррам
- Б) лоларих
- В) мақдур
- Г) арчи



БУГУН ДАРСДА:

- тасаввуфий шеърлар ҳақида маълумотга эга бўламиз;
- Машраб ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотга эга бўламиз;
- ғазалларини ифодали ўқиймиз, таҳлил қиламиз.



БОБОРАҲИМ МАШРАБ (1640–1711)



Шоир ва мутафаккир Машраб – асл исм-шарифи Бобораҳим (Раҳимбобо) Мулла Вали ўғли 1640 йили Наманганда таваллуд топган. Машраб отадан ёш етим қолади, оиланинг моддий қийинчиликлари янада ортади. Машраб дин асослари ва фалсафадан яхши хабардор бўлган Сўфи Эшон Мулла Бозор Охунд (хўжа Убайдулло) қўлида диний таълим олади, сўфий тариқатлар бўйича билимини оширади, форсий тилни ўрганади. Тахминан 1665 йилларда Мулла Бозор Охунд тавсиясига кўра, ўша замонда катта обрўга эга бўлган йирик дин арбоби қашқарлик Ҳидоятулло Офоқ Хожа эшон ҳузурига боради. Шоир адабий меросидаги диний мазмун ва та-

саввуфий йўналиш руҳидаги шеърларнинг кўпчилик қисми Офоқ Хожа даргоҳида ва унинг тарғибот-сабоқлари таъсирида яратилган. Машраб тахминан 1672–1673 йилларда Офоқ Хожа даргоҳини тарк этади.

Машраб асарларининг аксарияти чуқур ижтимоий йўналишга эга бўлиб, улар қўлдан қўлга, оғиздан оғизга ўтиб, тез тарқалган. Худди шунинг учун ҳам Машрабнинг бирор қишлоқ ёки шаҳарга келиши изсиз қолмаган, одил камбағал халқ уни қувонч-хурсандчилик ва қизиқиш билан қарши олган. Шоир қўнимсиз ҳаётининг сўнгги манзили Балхда ҳам ҳоким табақа ва мутаассиб шайх-мулалар Машрабни жисман йўқотиш пайига тушадилар. Шу тескаричи гуруҳларнинг расмий фатвоси ва Маҳмудбий Қатағоннинг ҳукми билан Машраб дорга осилади.

Машрабнинг моҳиятан инсон қадри-шарафи ва маънавий камолотини улуғлашга, эзгулик ва гўзалликни мадҳ этишга бағишланган шеърӣй ме-



росида ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, маснавий, рубоий, таърих каби жанр турларида битилган етук намуналарни учратамиз. Аммо, Машраб, аввало моҳир ғазалнавис ҳамда кўплаб шўх ва жарангдор мустазодлар, ўйноқи ва жозибатор мураббаъ ҳамда халқ гаму ҳасратига ҳамдардлик хисси билан йўғрилган мухаммаслар ижодкори сифатида кенг довуғ чиқарган. Машрабнинг жуда кўп ғазаллари халқ қўшиқларидек содда ва жарангдор, жўшқин ва таъсирчандир.

Машраб ўзбек адабиёти тарихида энг кўп мустазод ёзган ижодкорлардан бири. Шоир мустазодлари ҳам, худди ғазаллари каби, шўх ва жарангдор, нафис ва завқбахшдир.

Машраб форс тилида ҳам бир неча шеърий турларда етук намуналарни яратган. Машраб ижоди кейинги асрлар адабиётига сезиларли таъсир кўрсатган. Нодира, Ҳувайдо, Қорий, Фурқат, Ҳамза каби шоирлар унинг ғазалларига тахмис ва назиралар боғлашган.

Зар қадрин заргар билар

*Машраб ғазаллари бу – ишқ навоси,
Хурликка ошуфта исён садоси,
Олов денгизиде поклик ғаввоси,
Ўлимга тик борган ҳаёт шайдоси,
Балки шунинг учун афсона Машраб,
Эл аро ўчмас ном-девона Машраб.*

Ф.Абдуқаҳҳорова

ҒАЗАЛЛАР

Зар қадрин зарғар билар

Иймон-ишонч билан яша. Бу дури ноёбни қўлингдан бериб қўйма.

Талаб йўлига кир. Камолотга эришай десанг, ёшлигингдан дуруст йўлга равона бўл.

Яхшиларнинг, улуғларнинг олдида борма, бир қарич бўлса ҳам орқаларида юр.

Бобораҳим Машраб

ХОҲИ ИНОН, ХОҲИ ИНОНМА

Сенсан севарим, хоҳи¹ инон², хоҳи инонма,
Қондур жигарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Ғам шони фироқингда кабоб этти фалакни
Оҳи саҳарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Ногаҳ сари³ зулфунг сори бўлдум санга мойил,
Эй тожи сарим⁴, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Лаълинг⁵ ғамидин кўнглум эрур ғунча киби қон,
Гулбарги тарим⁶, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Заҳри ғами ҳажринг мени ўлдурғали етти,
Эй лабшакарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Машраб, бўлубон кўйинга чун барқи тажалли⁷,
Қолмай асарим⁸, хоҳи инон, хоҳи инонма⁹.



¹ Хоҳи – форсча «хостан» – хоҳламоқ феълининг шарт майлидаги шакли; хоҳласанг, истасанг маъноларида.

² Инон – ишон сўзининг маънодоши.

³ Сар – бош.

⁴ Тож сарим – бошимдаги тожим.

⁵ Лаъл – қизил рангли тош; мажозий маънода; қип-қизил лаб, севгилининг қизил лаби.

⁶ Гулбарги тар – гул япроғи, атиргул; янги очилган тоза гул.

⁷ Барқ – чақмоқ. Тажалли – жилваланиш; тасаввуфда инсонга Аллоҳ жамолининг жилваланиши. Барқи тажалли – тажалли чақмоғи чақилиб, яъни сўфи инсон бу оламни тарк этиб, руҳи ўз вужудини қолдириб Аллоҳга сингиб кетиши, у билан яквужуд бўлиб, ваҳдати вужуд ҳосил қилиши.

⁸ Қолмай асарим – менадан асар ҳам қолмайди маъносида.

⁹ Ғазал бошдан-оёқ Аллоҳга муҳаббат билан йўғрилган.



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	<ol style="list-style-type: none"> «Ақлий ҳужум»: Ушбу ғазал матлаъсини қайси адиб ижодида учратгансиз? Нотаниш сўзлар билан танишинг ҳамда иш дафтарингизга ёзиб олинг. Умумий фикр келтиринг. 						
Таҳлил ва талқин	 	<ol style="list-style-type: none"> Ғазалнинг авж нуқтасини топинг. Фикрингизни асосланг. Шеърда қандай бадиий санъатлар ишлатилган? <table border="1" data-bbox="442 949 1168 1055"> <thead> <tr> <th><i>Шеърий санъат</i></th> <th><i>Мисра</i></th> <th><i>Шарҳи</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td> </td> <td> </td> <td> </td> </tr> </tbody> </table>	<i>Шеърий санъат</i>	<i>Мисра</i>	<i>Шарҳи</i>			
<i>Шеърий санъат</i>	<i>Мисра</i>	<i>Шарҳи</i>						
Баҳолаш ва қиёсий таҳлил	 	<ol style="list-style-type: none"> Ғазалдан олган таассуротларингизни «ПОПС формуласи» орқали ёритиб беринг. <ol style="list-style-type: none"> 1-Ғап: <i>Менинг фикримча,..</i> 2-Ғап: <i>...сабабини мен бундай тушунтираман...</i> 3-Ғап: <i>Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман...</i> 4-Ғап: <i>Шунга асосланиб, мен бундай хулосага келдимки,..</i> 						

БУГУН ДАРСДА:

- Машраб ғазаларининг асосий ғоясини аниқлаймиз;
- ғазаллардаги лирик қаҳрамонларни уларнинг тимсоллар тизимидаги роли ва аҳамиятини аниқлаган ҳолда тавсифлаймиз;
- Машрабнинг ғазалларида ифодаланган тасаввуф таълимотининг мазмунини ёритиб берамиз.

**СИҒМАМДУР**

Ажаб мажнун¹ эрурман, дашт ила сахроға сиғмамдур,
Дилим дарёи нурдур, мавж уруб дунёға сиғмамдур.

Шариат² ҳам, тариқат³ ҳам, ҳақиқат⁴ мендадур мавжуд,
Чу султони азалдурманки, арши аълоға⁵ сиғмамдур.

Халилосо бу йўлда оташи Намруд – меърожим,
Ҳамон дурри ҳақиқатманки, ҳар дунёға сиғмамдур.

Ризо⁶ мулкидаман, ҳалқумни туттум тиғи Акбарга,
У йўлда сийнаи поки Забунуллоға сиғмамдур.

Агарчанде зиёрат қилмадим мен Каъбайи зоҳир,
Тариқат ҳожисидурманки, Байтуллоға сиғмамдур.

Гаҳи бўлдум фақир, гоҳи шоҳу, гаҳ гадодурман,
Ажаб девонаман, фардоки⁷ маҳшаргоҳға⁸ сиғмамдур.

¹ Мажнун – бу ерда афсонавий Мажнун сиймоси эмас, лирик қаҳрамоннинг мажнунсифатлиги назарда тутилган.

² Шариат – ислом динининг йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари. Тасаввуфда Ҳақни таниш йўлидаги биринчи босқич.

³ Тариқат – йўл, маслак, мазҳаб; тасаввуфда Ҳаққа эришиш йўлидаги иккинчи даража.

⁴ Ҳақиқат – борлиқнинг аслияти, қандайлиги; моҳият, ростлик, тўғрилиқ; тасаввуфда Худони излаш, Аллоҳни кашф этиш, васлига эришиш илми.

⁵ Арши аъло – осмоннинг энг юқори қавати.

⁶ Ризо – тариқатнинг охирги мақоми.

⁷ Фардо – эртага, охиратда.








⁸ Маҳшаргоҳ – қиёмат, қиёматда инсонлар тўпланадиган майдон.

Мақоми ҳайрат¹ ичра гоҳи худман, гоҳи беҳудман,
Жунун бозорида мастманки, истиғноға² сиғмамдур.

Гаҳ ўрус, гоҳи черкас, гоҳи мўмин, гоҳи тарсоман,
Не кавнайни³ миёни лоу иллоллоға сиғмамдур.

Мудом мискин эрурман чун ғуломинг – Машрабингдурман,
Мени бечора бу дунё билан уқбоға⁴ сиғмамдур.



<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазал мазмунини ёритиб берувчи 7 та таянч сўзни аниқланг ва уларни иш дафтарингизга ёзинг. Сўзларни гуруҳларда изоҳланг. 2. Ғазалнинг мавзусини аниқланг. 3. Асардаги бадиий тимсол нимани ифодалайди?
<p>Таҳлил ва талқин</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳар бир байтни ўз сўзингиз билан қайта сўзлаб беринг. 2. «Ассоциация» усули орқали «Девона», «шариат», «ҳақиқат», «тариқат» тимсолларининг маъноларини изоҳланг.
<p>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазални «Адабий давра» усули бўйича таҳлил қилинг. <ol style="list-style-type: none"> а) таҳлил қилиш – ғазал мазмуни бўйича 5та савол тузиш; б) аниқлаш – ғазалнинг қайси мисраси энг муҳим эканлигини далиллаш; в) боғлаш – мазмунни ҳаёт билан боғлаб далиллаш; г) хулосалаш – асарда кўтарилган масалаларни хулосалаш.

¹ Мақоми ҳайрат – тасаввуфдаги даражалардан бири.

² Истиғно – тасаввуф таълимотидаги водийлардан бири.

³ Кавнайн – икки дунё (бу дунёю у дунё).

⁴ Уқбо – уфқлар, жамики олам уфқи.

ХУДОДИН ЎЗГАСИ БАРЧА ҒАЛАТДУР

Бу тани хокинию¹ руҳи равонни² на қилай?!
Бўлмаса қошимда жонона³, бу жонни на қилай?!

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?
Иброҳимдин қолған ул эски дўконни⁴ на қилай?!

Урайинму бошима саккиз биҳишти⁵ дўзахин,
Бўлмаса васли⁶ менга, икки жаҳонни на қилай?!

Аршининг⁷ кунгурасин устига қўйдум оёғим,
Ломакондин⁸ жой олибман, бу маконни⁹ на қилай?!

Заррае нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамом
Ошкоро бўлмаса, сирри ниҳонни на қилай?!

Бир Худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо,
Гул агар бўлса қўлумда, ул тиконни на қилай?!

¹ Тани хоки – хокисор вужуд; хок – тупроқ, инсон вужудининг тупроқдан яралгани ва яна тупроққа айланажаги ҳам назарда тутилади.

² Руҳи равон – равон кетувчи, борувчи демакдир. «Руҳи равон» деганда, инсон руҳининг азал қонуниятига биноан бир куни тупроқ танни тарк этиб, Аллоҳга қайтиши кўзда тутилади.

³ Жонона – ғазалда мудом мадҳ этилувчи севикли сиймо – Аллоҳ тимсоли.

⁴ Эски дўкон – муқаддас саждагоҳ Каъба назарда тутилган.

⁵ Биҳишт – дўзах.

⁶ Аллоҳнинг васлига, дийдорига ташналик назарда тутилади.

⁷ Арш – осмоннинг энг юқори жойи.

⁸ Ломакон – маконсиз, маскансиз, бўшлиқ. Сўфи шоир руҳан осмону фалакка кўтарилиб, маконсиз бўлиш – Ҳаққа сингиб кетиш ҳақида хаёл сурмоқда.

⁹ Бу макон – бу вақтинчалик, омонат, ўткинчи дунё.





<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазалда қандай рамзий образлар ишлатилган? Иш дафтарингизга ёзиб олинг. 2. Асарда берилган жанрларнинг вазни, қофияси ва радифини аниқланг. 										
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қуйидаги жадвалдан фойдаланиб, ғазалга таянган ҳолда шеърни таҳлил қилинг. <table border="1" data-bbox="442 807 1194 1065"> <thead> <tr> <th><i>Тасвирий восита</i></th> <th><i>Далиллар</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td><i>Ташбеҳ</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Талмеҳ</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Тазод</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Ирсоли масал</i></td> <td></td> </tr> </tbody> </table>	<i>Тасвирий восита</i>	<i>Далиллар</i>	<i>Ташбеҳ</i>		<i>Талмеҳ</i>		<i>Тазод</i>		<i>Ирсоли масал</i>	
<i>Тасвирий восита</i>	<i>Далиллар</i>											
<i>Ташбеҳ</i>												
<i>Талмеҳ</i>												
<i>Тазод</i>												
<i>Ирсоли масал</i>												
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. «Моделлаштириш» усули орқали тасаввуф таълимотининг мазмунини ёритиб беринг. 2. Ғазалдан олган таассуротларингизни «Кир ёйиш» усулига асосланиб вараққа ёзинг ҳамда дорга осинг. 										

4

БУГУН ДАРСДА:

- ғазаллардаги нотаниш сўз-иборалар ҳамда фалсафий тушунчаларнинг мазмунини аниқлаймиз;
- ғазалларда қўлланилган шеърий санъатларни кўрсатамиз;
- бадий асарни санъатнинг бошқа асарлари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини тавсифлаган ҳолда қиёслаймиз.



МЕҲРИБОН ОНАМ

Жамолинг кўргали келдим, аё¹эй меҳрибон онам,
Менинг учун адо бўлган юрагу бағри қон онам.

Хўтан даштига² туштум бул фалакнинг гардиши³ бирлан,
Эшиткил арзи ҳолимни, мен айтай сенга, жон онам.



¹ Аё – мурожаат, хитоб, чорлов маъноларини билдирувчи ундов сўз.

² Хўтан – Шарқий Туркистон (Қашқар вилояти)даги қадимий шаҳар.

³ Фалакнинг гардиши – фалакнинг айланиши.

Ажойиб меҳрибонимсан, мени ороми жонимсан,
Муроди ду¹ жаҳонимсан, биҳишти жовидон² онам.

Мени бир жоду³ кўзлук бул жаҳон ичра хароб этти,
Қади сарву⁴ санавбар⁵, қошлари мисли камон, онам.

Бошимга тушти бул савдо, бўлубман булбули шайдо,
Шабистони жаҳонда қумридек шаккарфишон онам⁶.

Бу ишқ ўти хароб этти, юрак-бағрим кабоб этти,
Мени хоки туроб⁷ этти юзи моҳи тобон⁸ онам.

Сени кўп интизор эттим фироқ ўтига⁹, эй Каъбам¹⁰,
Тавофи¹¹ Каъбайи мақсуда¹² келдим, дилкашон¹³ онам.

Илоҳо¹⁴, афв¹⁵ қилгайсан бу Машрабнинг гуноҳини,
Туфайли онайи зорим¹⁶, ғарибу нотавон онам.

¹ Ду – икки. Шоир онасини бу дунёю у дунёнинг муроди, таянчи, дея улуғлаяпти.

² Биҳишти жовидон – абадий, мангу жаннат.

³ Жоду – сеҳр, сеҳрли.

⁴ Сарв – тўғри, тик ўсадиган, қишин-ёзин кўм-кўк турадиган, ҳиди ёқимли, мевасиз, хушқомат бир дарахт.

⁵ Санавбар – қарағай ва арчага ўхшаш хушқомат дарахт. Севгилининг қомати бу дарахтга ҳам кўп қиёсланади.

⁶ Мисранинг мазмуни: Шабистон – кечаси, қоронғулик. Шаккарфишон – шакар сочувчи. Шоир муштипар онанинг қоронғу кечаларда фарзанди жигарбандини ширин-шакар сўзлар билан эркалаб, аллалаб, болдан ширин сути билан боқиб чиққанларини ифодалаётир.

⁷ Хоки туроб – тупроқ, ер.

⁸ Моҳи тобон – товланувчи, жилваланувчи, жамолини кўз-кўз этувчи ой; гўзал маъшуқа назарда тутилади.

⁹ Фироқ ўти – айрилиқ алангаси.

¹⁰ Каъба – жаҳон мусулмонлари саждагоҳи, Макка шаҳрида жойлашган зиёратгоҳ. Шоир онасини ана шундай қиблагоҳ ўрнида шарафлаяпти.

¹¹ Тавоф – бирор нарсанинг атрофини айланиш, зиёрат қилиш.

¹² Каъбайи мақсуд – мақсад қилинган, орзуланган Каъба.








¹³ Дилкашон – дилтортар, дилга яқин.

¹⁴ Илоҳо – худога мурожаат.

¹⁵ Афв – кечирим.

¹⁶ Туфайли онаизорим – онайи зорим ҳаққи кечиргайсан, демоқчи шоир.



<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳазал ҳажми, мавзуси, радиф ва қофияси ҳақида маълумот беринг. 2. Ҳазалнинг матлаъи ва мақтаъсини кўрсатинг. 															
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва таълқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳазал мазмунини акс эттирувчи мисрани топинг ва шарҳланг. 2. Матн устида тадқиқот иши юритинг. <table border="1" data-bbox="360 867 1154 1082"> <tr> <td>1-гуруҳ</td> <td>Матннинг асосий ғоясини топинг</td> <td></td> </tr> <tr> <td>2-гуруҳ</td> <td>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</td> <td></td> </tr> <tr> <td>3-гуруҳ</td> <td>Фикрингизни расм билан тасвирланг</td> <td></td> </tr> <tr> <td>4-гуруҳ</td> <td>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</td> <td></td> </tr> <tr> <td>5-гуруҳ</td> <td>Тарбиявий хулоса чиқаринг</td> <td></td> </tr> </table>	1-гуруҳ	Матннинг асосий ғоясини топинг		2-гуруҳ	Аниқ ва ноаниқ маълумотлар		3-гуруҳ	Фикрингизни расм билан тасвирланг		4-гуруҳ	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг		5-гуруҳ	Тарбиявий хулоса чиқаринг	
1-гуруҳ	Матннинг асосий ғоясини топинг																
2-гуруҳ	Аниқ ва ноаниқ маълумотлар																
3-гуруҳ	Фикрингизни расм билан тасвирланг																
4-гуруҳ	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг																
5-гуруҳ	Тарбиявий хулоса чиқаринг																
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳазал орқали шоирнинг қандай дил изтироблари акс эттирилганлигини аниқлаш учун «ПОПС» формуласи орқали фикр билдиринг. 1-гап: Менинг фикримча,.. 2-гап: ...сабабини мен бундай тушунтираман.. 3-гап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман.. 4-гап: Шунга асосланиб, мен бундай хулосага келдимки,.. 2. «Онам» мавзусида «Беш дақиқали эссе» ёзинг. 															

МАЪНАВИЙ САНЪАТЛАР

Шарқ оламида шеър илми *илми аруз, илми бадеъ ҳамда илми қофия* сингари уч йўналишда ривожланиб келган. Илми аруз шеър вазнини текширган. Илми бадеъ (бадийлик илми) назмий тимсол яратиш воситаларини ўргатган. Илми қофия шеърдаги оҳангдошлик билан шуғулланган.

Илми бадеънинг иккинчи номи «Бадоеъ ус-саноеъ»дир. Бу бадий санъатлар дегани. «Санъат» – «сунъ», яъни яратмоқ сўзидан. Демак, бадийлик яратиш ҳақида гап кетади дейиш мумкин. Бадийлик яратишнинг йўллари кўп. Бадий санъатлар иккига: *маънавий* (маънога тегишли) ва *лафзий* (шаклга оид) санъатларига бўлинади. Уларнинг ҳар бирининг адади юздан ошади. Машраб ижодида кенг қўлланилган маънавий санъатларнинг айримлари ҳақида маълумот бериб, тасаввур уйғотиш мақсадга мувофиқдир.

*Зоҳид, менга бир шишада май, сенга намозинг,
Минг тавқини бир косаи майга сота қолдим.*

Мазкур байтда очиқ кўриниб турган маънавий санъатлар: *тазод* ва *таносубдур*. *Тазод шеърда маъно жиҳатидан ўзаро зид, қарама-қарши сўз, фикр, ранг ва маъноларни ифодалашдир*. Мазкур байтнинг биринчи сатридаги «май» ва «намоз» бир-бирига зид қўйилган. Айни пайтда яширин «мен» билан «зоҳид» ҳамда «менга» ва «сенга» орасида ҳам зидлик бор. Иккинчи сатрда эса, буни «минг» ва «бир», «тавқ» (фармон) ва «бир косаи майга сота қол» иш ифодалари муносабатида кузатиш мумкин.

Кенг қўлланилган маънавий санъатларнинг яна бири таносибдур. *Шеърда маъно жиҳатидан бир-бирига яқин сўзларнинг тақозо этиб келиш таносуб дейилади*. Масалан, «зоҳид» ва «намоз», «шиша-май-коса» бир-бирини талаб этади. Қуйидаги байт бошқа жиҳатдан характерлидир:

*Ваҳдат майини пири муғон илкидин ичтим,
Мансур киби бошимиз дорга тутта қолдим.*

Бу ерда тазод ва таносубдан ташқари талмеҳ ҳам бор. *Талмеҳ – арабча «ламаъот» порлоқлик, яшин чақнаши маъноларини ифодалаб, шеърда бирор тарихий шахс, ҳодисани эсга олиш орқали фикр ва образ таъсирчанлигига эришмоқдир*. «Анал – ҳақ» (мен – худоман!) дегани учун кўфроналикда айбланиб, дорга тортилган Мансурни эслаш билан шоир ўз фикрини ёрқинроқ ифодалашга муваффақ бўлган.



1. Машраб ҳаётига оид сўнгги маълумотлар бизгача қайси асар орқали етиб келган?
 - А) Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асари орқали
 - Б) Жалололиддин Юсуповнинг «Меҳрибоним қайдасан» асари орқали
 - В) Машрабнинг «Мабдаи нур», «Кимё» асарлари орқали
 - Г) Дилшоди Барнонинг «Тарихи муҳожирон» асари орқали

2. Арз сўзининг маъноси қайси қаторда тўғри берилган?
 - А) лочин
 - Б) ишонарли
 - В) ер шари
 - Г) қийнамоқ

3. Бобораҳим Машраб ҳаёти ҳақида маълумот берувчи асар ҳисобланган «Қиссаи Машраб»да келтирилишича, у болалигиданоқ қандай табиатга эга бўлган?
 - А) мажнун табиат
 - Б) сўфий сурат
 - В) одамови
 - Г) барчаси

4. Бобораҳим Машраб ўспиринлигида қаерда гўристон бўлса ўша жойни зиёрат қилиб одамларнинг суякларини кўриб қандай сўзларни айтиб йиғлаб юрар эди?
 - А) Эй одамзод, борадиган жойинг шу бўлдим
 - Б) Эй одамзод, охир ўлиб бошингга тушадиган иш бу
 - В) Эй одамзод, сафарингни якуними бу
 - Г) тўғри жавоб келтирилмаган

5. Бобораҳим Машрабдаги ғамгинлик «Хамса» достонининг қайси қаҳрамонлари ғамгинлигига ўхшаб кетади?
 - А) Искандар
 - Б) Қайс
 - В) Абу Салом
 - Г) А, Б

6. Бобораҳим Машрабнинг нисбатан мукамал шеърӣ тўпламини нашр этилишида қайси адабиёт жонкуярининг хизмати беқиёс ҳисобланади?
А) Саид Аҳмад
Б) Жалолиддин Юсупов
В) Ойбек
Г) Ғ.Ғулом
7. Яратганни хоҳиши – иродасини, ҳикматини, жамолини, қудратини билишга англашга йўналтирилган илм номи қайси қаторда тўғри берилган?
А) сўфийлик илми
Б) тасаввуф илми
В) қодирийлик илми
Г) барчаси
8. Бобораҳим Машраб инсонга унинг моддий мавқеидан келиб чиқиб эмас, балки қайси фазилатидан келиб чиқиб ёндашади?
А) фалсафий
Б) маънавий
В) руҳий
Г) сўфий
9. Қайси ижодкор кўнгилдаги ишқ олови қандай бўлса шундайлигича шеърга ағдаради?
А) Офоқхўжа
Б) Бобораҳим Машраб
В) Мансури Халлож
Г) Яссавий
10. Қайси муаллиф ишқи илоҳийни рамзий шариат доирасидан узоқлашмаган ҳолда акс эттиради?
А) Яссавий
Б) Бобораҳим Машраб
В) Мансури Халлож
Г) Офоқхўжа
11. Ломаконлик фақат кимга хос...
А) Бобораҳим Машраб
Б) Худоба

- В) пайғамбарга
- Г) барчаси

12. Машраб асарларида қўлланилган найистон сўзининг маъносини аниқланг.

- А) дунё
- Б) салла
- В) йўқ
- Г) қамишзор

13. Тақи сўзи Машраб ғазалларида қандай маъно касб этади?

- А) озод
- Б) яширин
- В) тагин
- Г) рад этилган

14. Машраб девонлари берилган қаторни кўрсатинг.

- А) «Мабдаи нур», «Девони Машраб»
- Б) «Эшони Шоҳ Машраб», «Девонаи Машраб»
- В) «Мабдаи Нур» ва мухлислари томонидан яратилган девон
- Г) А, Б ва С

15. 1691 йилда Машраб ўзининг 20 йиллик сафарига ким билан боради?

- А) Офоқхўжа билан
- Б) Пирмат Сеторий билан
- В) ёлғиз ўзи
- Г) мухлисларидан бири билан

16. Машраб ғазалларида учрайдиган хок сўзининг луғавий маъносини аниқланг.

- А) руҳият
- Б) тупроқ
- В) қабр
- Г) Оллоҳ

17. «Жаҳр» сўзининг луғавий маъносини аниқланг.

- А) зулм қилмоқ, озор етказмоқ
- Б) баланд овоз билан зикр қилмоқ
- В) ҳайр-садақа йиғиладиган идиш
- Г) йиғлаётган кўзлар

18. Қаландарликнинг тўрт амалидан бири бўлган кам гаплик тасаввуфда қандай аталган?

- А) сир пўшт
- Б) захрнўш
- В) фаромуш
- Г) хомуш

19. Маъно жиҳатдан ўзаро зидлик, қарама-қарши сўз, фикр, ранг ва маъноларни қайси санъат турида учратамиз?

- А) талмеҳ
- Б) тарсеъ
- В) тазод
- Г) таносуб

20. Мазкур байтда маънавий санъатнинг қайси тури мавжуд?

*Зоҳид, менга бир шишада май, сенга намозинг
Минг тақвину бир косаи майга сота қолдим.*

- А) талмеҳ, тазод
- Б) тазод, тажнис
- В) таносуб, тажнис
- Г) тазод, таносуб



БУГУН ДАРСДА:

- Мунис ғазалларида ифодаланган асосий ғояларни аниқлаймиз;
- шоир ғазалларида қўлланилган шеърий санъатлар ҳақида маълумотга эга бўламиз;
- ғазаллари орқали шоирнинг қандай дил изтироблари акс эттирилганлигини аниқлаймиз.



ШЕРМУҲАММАД МУНИС (1778–1829)

Шоир, тарихнавис, таржимон, хаттот ва маърифатпарвар Мунис (асл исм-шарифи Шермуҳаммад Амир Авазбий ўғли) 1778 йили Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилган. Дастлабки маълумотни туғилган қишлоғида олган, кейинчалик Хива мадрасаларида ўқиган. 1800 йилда отаси вафот этгач, Аваз Муҳаммад Иноқ Мунисни саройнинг фармоннавис котиби қилиб тайинлаган.

Мунис билими, салоҳияти ва куч-қувватини шеъриятга, илм-фан ва маърифатга бағишлаган. Мунис 1804 йилда биринчи шеърлар девони – «Девони Мунис»ни яратган. 1806 йилда Элтузархон Мунисга Хива хонлиги ҳақида китоб ёзишни топширган. Мунис ўз асарини Шерғозихон давригача ёзиб етказганда, Элтузархон фожиаи ҳалок бўлади. Мунис китобини давом эттиради ва 1819 йилда Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Софлик боғи») тарихий асарини туркий тилга таржима қилишни бошлайди. Мунис бу асарнинг 1-жилдини таржима қилишга улгуради. У бу икки асарни ҳам тугата олмай вафот этади. Унинг «Фирдавс ул-иқбол» («Бахтлар боғи») асарини ва «Равзат ус-сафо» таржимасини шогирди Огаҳий ниҳоясига етказди.

Мунис ўз давридаги суғориш иншоотлари ва ер-сув муносабатларига доир «Арналар» (арна-анҳор, канал) номли рисола ҳам ёзган. Бу рисола XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги деҳқончилик билан боғлиқ, ижтимоий муносабатларни ўрганишда аҳамиятли. Муниснинг асосий адабий мероси – 1815–1820 йилларда тузилган «Мунис ул-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти») девони ғазал, мухаммас, қасида, рубоий, қитъа ва бошқа жанрлардан иборат бўлиб, 20000 дан зиёд мисрани ўз ичига олган. «Мунис ул-ушшоқ» Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний»сидан кейинги энг мукаммал девонлардан бири ҳисобланади.

Мунис Навоийнинг «Мезон ул-авзон», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асарларини китобат қилган (1794, 1797). Айниқса, «Мезон ул-авзон»ни олдинги айрим хаттотлар йўл қўйган хатоларни тузатиб, саводли кўчирган. Бу унинг аруз илмининг хос билимдони эканлигидан ҳам далолат беради.

Муниснинг савод чиқаришни енгиллатиш ва хуснихат санъатини ривожлантириш масалаларига бағишланган «Саводи таълим» (1804) шеърий рисоласи ҳам бор. Мунис XIX аср Хоразм адабий муҳитида раҳнамо ижодкор сифатида фаолият кўрсатди. Огаҳий, Комил, Аваз, Табибий, Баёний каби ўнлаб шоирлар унинг изидан бориб, йирик санъаткор сифатида танилдилар.

Мунис ўзбек мумтоз шеъриятининг қарийб ҳамма жанрларида қалам тебратди. Унинг шеърлари мазмун эътибори билан ҳаётий, шакл жиҳатидан ихчам ва гўзалдир. Шоир жонли тилдаги ибора ва сўзлардан унумли фойдаланиб, бадиий соддалик ва фикрий чуқурликка интилади. Бу истеъдодли санъаткор ўзбек мумтоз шеърияти турлари, шеърий санъатлар, қофия ва вазн такомилига катта ҳисса қўшган.

ҲАЗАЛЛАР

Давлатинг борида бордур аҳли олам ошно,
Қайтғач давлат, жаҳонда топилур кам ошно.

Ўйла бекаслик мени маҳзунға топмиш дастким,
Бир киши йўқдур манго жуз кулфату ғам ошно.

Баски, даврон хоҳиши бегоналиқ солмоқдурур,
Бир-бириға бўла олмас икки ҳамдам ошно.

Кимки бўлди ошно, бот айлади бегоналиғ,
Топмадим бу давр аро бир аҳди маҳкам ошно.


Ғар вафо бўлса, парида бўлғай эрди, кўрмадим,
Бўлдилар ҳар нечаким авлоди одам ошно.

Ҳажр ранжидин ўларга етмишамким, кўрсалар,
Ҳолима тутғай азо бегона, мотам ошно.

Ишқ аро ул навъ эрур ваҳшат мен мажнунғаким,
Ўзгани демай, бўла олмас кўнгул ҳам ошно.

Дард чекмак, ашқ тўкмак ишқ элига хосдур,
Ҳар кўнгулга дард, ҳар кўзга эмас нам ошно.

Мунис, даврон ғами бегона бўлса, тонг эмас,
Ким, сенга бўлмиш бийик донишвар Акрам ошно.





<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушунмиш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<p>1. Машраб яшаган давр, ижтимоий тузум ҳамда диний оқимлари ҳақида «5W» (5 сўроқ) усули асосида жуфтликда саволлар тузинг. «КИМ?» «НИМА?» «ҚАЕРДА?» «ҚАЧОН?» «НИМА УЧУН?»</p>															
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва таҳқин</p>	 	<p>1. Ҳазал устида тадқиқот иши юритинг.</p> <table border="1" data-bbox="382 821 1146 1069"> <tr> <td>1-гурӯҳ</td> <td>Матннинг асосий ғоясини топинг</td> <td></td> </tr> <tr> <td>2-гурӯҳ</td> <td>Аниқ ва ноаниқ тушунчалар</td> <td></td> </tr> <tr> <td>3-гурӯҳ</td> <td>Фикрингизни расм билан тасвирланг</td> <td></td> </tr> <tr> <td>4-гурӯҳ</td> <td>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</td> <td></td> </tr> <tr> <td>5-гурӯҳ</td> <td>Тарбиявий хулоса чиқаринг</td> <td></td> </tr> </table>	1-гурӯҳ	Матннинг асосий ғоясини топинг		2-гурӯҳ	Аниқ ва ноаниқ тушунчалар		3-гурӯҳ	Фикрингизни расм билан тасвирланг		4-гурӯҳ	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг		5-гурӯҳ	Тарбиявий хулоса чиқаринг	
1-гурӯҳ	Матннинг асосий ғоясини топинг																
2-гурӯҳ	Аниқ ва ноаниқ тушунчалар																
3-гурӯҳ	Фикрингизни расм билан тасвирланг																
4-гурӯҳ	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг																
5-гурӯҳ	Тарбиявий хулоса чиқаринг																
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</p>	 	<p>1. Ҳазалга устида ишлаб, жадвални тўлдиринг. Гурӯҳда ишланг.</p> <table border="1" data-bbox="382 1265 1135 1470"> <tr> <td>Шеърнинг асосий ғояси</td> <td></td> </tr> <tr> <td>Таниш ва нотаниш сўзлар</td> <td></td> </tr> <tr> <td>Фикрни расм билан тасвирлаш</td> <td></td> </tr> <tr> <td>Тарбиявий хулоса чиқариш</td> <td></td> </tr> </table>	Шеърнинг асосий ғояси		Таниш ва нотаниш сўзлар		Фикрни расм билан тасвирлаш		Тарбиявий хулоса чиқариш								
Шеърнинг асосий ғояси																	
Таниш ва нотаниш сўзлар																	
Фикрни расм билан тасвирлаш																	
Тарбиявий хулоса чиқариш																	



9

БУГУН ДАРСДА:

- матндан мустақил ҳолда муаллиф кўзқараши ифодасига боғлиқ парчаларни аниқлаймиз;
- ғазалларда қўлланилган шеърӣ санъатлар ҳақида маълумотга эга бўламиз;
- шоир қарашларини ўз қарашларимиз билан таққослаймиз.



Дўстлар, менсиз даме оҳанги ишрат қилмангиз,
Сиз ичиб саҳбо, мени хунхори ҳасрат қилмангиз.

Гар муяссар бўлса бир маҳбуб ила базми нишот,
Мен сизни суҳбат тузарга майлу рағбат қилмангиз.

Топсангиз базми висоле, анда ёд этмай мени,
Зор кўнглумни асири доғи фурқат қилмангиз.






Мен киби йўқдур арода, манкубу махмури айш,
Кимсага мендин зиёда бода шафқат қилмангиз.

Аҳли дониш бирла ҳар дам айлангиз базми китоб,
Жамъи нодонлар била изҳори улфат қилмангиз.

Дўст улдурким, ёмон кун юз эвурмас дўстидин,
Мунис аҳволин кўруб, тарки муҳаббат қилмангиз.





<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушунми ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Муаммоли вазият: ғазалнинг асл ғояси нимада? 2. Ғазал мазмунини ёритиб берувчи 7 та таянч сўзларни аниқланг ва иш дафтарларингизга ёзиб олинг. 				
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазални мазмунини жуфтликда муҳокама қилинг. <table border="1" data-bbox="360 826 1150 1060"> <tr> <td data-bbox="360 826 755 1009"> <p><i>Шеърдан сизга кўпроқ таъсир қилган жумла, фикр(келишмовчилик, тушунмаслик, қарши чиқиш)</i></p> </td> <td data-bbox="755 826 1150 1009"> <p><i>Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай савол, фикр ёки муносабат қўзгатди?</i></p> </td> </tr> <tr> <td data-bbox="360 1009 755 1060"> </td> <td data-bbox="755 1009 1150 1060"> </td> </tr> </table>	<p><i>Шеърдан сизга кўпроқ таъсир қилган жумла, фикр(келишмовчилик, тушунмаслик, қарши чиқиш)</i></p>	<p><i>Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай савол, фикр ёки муносабат қўзгатди?</i></p>		
<p><i>Шеърдан сизга кўпроқ таъсир қилган жумла, фикр(келишмовчилик, тушунмаслик, қарши чиқиш)</i></p>	<p><i>Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай савол, фикр ёки муносабат қўзгатди?</i></p>					
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қийсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазал олган таассуротларингизни «ПОПС формула-си» орқали билдиринг. <ol style="list-style-type: none"> 1-гап: Менинг фикримча... 2-гап: Сабаби уни мен бундай тушунтираман... 3-гап: Уни мен мана бундай дараклар билан исботлайман... 4-гап: Шунга асосланиб, мен бундай хулосага келдим... 				



Қайси гулнинг мен каби бир андалиби зори бор?
Қайси булбулнинг сенингдек бир гули баҳори бор?

Қайси раъно сарвқадға қумрие бор мен каби?
Қайси қумрини қадингдек сарви хуш рафтори бор?

Қайси Лайливаш пари Мажнуни бор мен телбадек?
Қайси Мажнуннинг менингдек бир пари рухсори бор?

Қайси ёр оллида мендек ошиқи жонбоз зрур?
Қайси ошиқнинг сенингдек нозанин дилдори бор?

Қайси бир дилдорға бордур менингдек бедиле?
Қайси бедилнинг сенингдек нозанин дилдори бор?

Қайси бир айёрнинг бор мен каби саргаштаси?
Қайси бир саргаштанинг сендек бути айёри бор?

Қайси шоҳнинг Муниси маҳзун каби бордур қули?
Қайси қулнинг сен каби шоҳи фалак миқдори бор?



*Тушунши ва саволларга
жавоб бериш*

1. Ақлий ҳужум: Машраб қандай қобилият эгаси?
2. Ғазалда сизга нотаниш бўлган сўзлар борми? Мазмунини ўзаро муҳокама қилинг.

<i>Таҳлил ва таҳқин</i>		<p>1. Қуйидаги жадвалдан фойдаланиб, ғазални гуруҳда таҳлил қилинг.</p> <table border="1" data-bbox="398 257 1137 568"> <thead> <tr> <th data-bbox="398 257 765 309" style="text-align: center;"><i>Тасвирий восита</i></th> <th data-bbox="765 257 1137 309" style="text-align: center;"><i>Мисралар</i></th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td data-bbox="398 309 765 360" style="text-align: center;"><i>Ташбеҳ</i></td> <td data-bbox="765 309 1137 360"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="398 360 765 411" style="text-align: center;"><i>Талмеҳ</i></td> <td data-bbox="765 360 1137 411"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="398 411 765 462" style="text-align: center;"><i>Тазод</i></td> <td data-bbox="765 411 1137 462"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="398 462 765 514" style="text-align: center;"><i>Ирсоли масал</i></td> <td data-bbox="765 462 1137 514"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="398 514 765 565" style="text-align: center;">...</td> <td data-bbox="765 514 1137 565"></td> </tr> </tbody> </table>	<i>Тасвирий восита</i>	<i>Мисралар</i>	<i>Ташбеҳ</i>		<i>Талмеҳ</i>		<i>Тазод</i>		<i>Ирсоли масал</i>		...	
<i>Тасвирий восита</i>	<i>Мисралар</i>													
<i>Ташбеҳ</i>														
<i>Талмеҳ</i>														
<i>Тазод</i>														
<i>Ирсоли масал</i>														
...														
<i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i>		<p>1. Шоир берган саволларнинг биронтасига жавоб топа оласизми? Гуруҳда муҳокама қилинг.</p> <p>2. «Машраб ғазаллари шайдосиман» мавзусига «5 дақиқали эссе» усулини қўлланг.</p>												





10

БУГУН ДАРСДА:

- лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаларини таҳлил қиламиз;
- тимсолларни яратиш усуллари ва воситалари, бадий тасвир воситаларини таҳлил қиламиз;
- Муниснинг ўзбек адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссасига баҳо берамиз.



Басе ғам боридин чекмиш оғирни,
Ёғир бўлмиш ҳазин, кўнглим ёғирни.

Фалак ғам юкларин солғонда элга,
Ёғирнимға менинг қўймиш оғирни.

Билурсен ғам юкин кўп чекканимни,
Ёғирним устида кўрсанг ёғирни.

Итинг кўрсам, манга унс айласун деб,
Берурман гаҳ кўнгулн, гаҳ боғирни.

Рақиб оллингда бўлмоқдин ҳазинман,
Тиларман кўрмасам ул бўлмоғирни.

Замон аҳлиға бўлмиш шиква ойин,
Нетонг, севсам агар гунгу соғирни.

Нажоте истасанг Мунисға ғамдин,
Аёқчи, тут анга ҳар дам чоғирни.



Намангондин кетар бўлсам, мени йўқлар кишим борму?
Фариблик шаҳрида ўлсам, мени йўқлар кишим борму?

Қани қавму қариндошим, бу йўлда бўлса йўлдошим,
Кўзумдин оқизиб ёшим, мени йўқлар кишим борму?



240

Муҳаббат шарбатин ичтим, қазондек қайнабон тоштим,
Бу фоний дунёдин кечтим, мени йўқлар кишим борму?

Тушубдур бошима савдо, рамузу ишқдин ғавго,
Ўзига айлади шайдо, мени йўқлар кишим борму?

Турарга тоқатим йўқтур, юрарга ҳолатим йўқтур,
Юракда ишқ ўти чўқдур, мени йўқлар кишим борму?

Қарорим йўқ турай десам, намангонда юрай десам,
Жаҳонни сайр этиб кезсам, мени йўқлар кишим борму?

Бу мискин зор Машрабни киши ҳолини билмайдур,
Бу ердин бош олиб кетсам, мени йўқлар кишим борму?



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. Берилган ғазални ўз сўзларингиз билан насрий баён қилинг. Фарқ борми?																													
Таҳлил ва талқин	   	1. Ғазалда қаҳрамоннинг ички кечинмаларини «Концептуал жадвал» усули орқали шарҳланг. <table border="1" data-bbox="398 1168 1152 1496"> <thead> <tr> <th rowspan="2">Моҳияти</th> <th colspan="5">Ижтимоий тарбия турлари</th> </tr> <tr> <th>Маънавий-ахлоқий тарбия</th> <th>Ақлий тарбия</th> <th>Жисмоний тарбия</th> <th>Эстетик тарбия</th> <th>Меҳнат тарбияси</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>Мақсади</td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td>Вазифалари</td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td>Ўзига хос жиҳатлари</td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </tbody> </table>	Моҳияти	Ижтимоий тарбия турлари					Маънавий-ахлоқий тарбия	Ақлий тарбия	Жисмоний тарбия	Эстетик тарбия	Меҳнат тарбияси	Мақсади						Вазифалари						Ўзига хос жиҳатлари					
Моҳияти	Ижтимоий тарбия турлари																														
	Маънавий-ахлоқий тарбия	Ақлий тарбия	Жисмоний тарбия	Эстетик тарбия	Меҳнат тарбияси																										
Мақсади																															
Вазифалари																															
Ўзига хос жиҳатлари																															



1. Ҳазалга ўз муносабатингизни ФСМУ усули орқали билдинг.

Ф – Фикрингизни баён этинг.

С – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

М – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг.

У – фикрингизни умумлаштиринг.



БИЛИМИМIZНИ СИНАЙМИЗ ТЕСТ



1. Мунис қайси ҳукмдор даврида бош мироблик лавозимини эгаллаган?

- А) Авазбий иноқ
- Б) Муҳаммад Раҳимхон II
- В) Элтузархон
- Г) Оллоқулихон

2. Муниснинг педагогикага оид рисоласини кўрсатинг.

- А) «Фирдавс ул-иқбол»
- Б) «Мунис ул-ушшоқ»
- В) «Саводи таълим»
- Г) «Равзат ус-сафо»

3. Муниснинг тарихий асарини белгиланг?

- А) «Равзат ус-сафо»
- Б) «Саводи таълим»
- В) «Мунис ул-ушшоқ»
- Г) «Фирдавс ул-иқбол»

4. Мунис қайси асарни ўзбек тилига таржима қилган?

- А) «Равзат ус-сафо»
- Б) «Калила ва Димна»
- В) «Қобуснома»
- Г) А, С

5. Мунис қайси жанрда сермаҳсул ижод қилган?
А) рубоий
Б) ғазал
В) қасида
Г) туюқ
6. Мунис қайси ҳукмдорларга бағишлаб қасида битган?
А) Авазбий иноқ, Муҳаммад Раҳимхон II, Оллоқулихон
Б) Авазбий иноқ II
В) Этузар, Оллоқулихон, Авазбий, Муҳаммад Раҳимхон
Г) Оллоқулихон, Муҳаммад Раҳимхон II, Авазбий
7. Мунис сўзининг маъносини аниқланг.
А) жасур, қўрқмас
Б) одил, доно
В) шафқатли, раҳмдил
Г) дўст, ўртоқ
8. Хоразмда яшаб ижод этган таниқли шоир, моҳир тарихчи, эпчил сиёсатчи, таржимонни кўрсатинг.
А) Комил Хоразмий
Б) Феруз
В) Огаҳий
Г) Мунис
9. Қайси лайливаш парининг Мажнуни бор мен телбадек, Қайси Мажнуннинг менингдек бир пари рухсори бор. Ушбу байтда қандай санъат қўлланган?
А) саволу жавоб
Б) талмеҳ
В) таносуб
Г) тажнис
10. Дўстлар, менсиз даме оҳанги ишрат қилмангиз Сиз ичиб саҳбо, мени хунхори ҳасрат қилмангиз. Ушбу байтдаги «саҳбо» сўзининг маъносини аниқланг.
А) қон
Б) дард, алам

- В) май, шароб
- Г) қайғу, ғам

11. *Ваҳ, нечук баҳр эрди ҳижронким, миниб ғам заврақин,
Ҳар неча қатъ айларам, мавжуд эмас соҳил ҳануз. Ушбу байтда қандай шеърий санъатлар бор?*

- А) таносуб, истиора
- Б) тажнис, тазод
- В) ийҳом, иштиқоқ
- Г) талмеҳ, ирсоли масал

12. *Дўстлар лутфидин қилур маҳжур,
Баски бор душмани замон шуаро.
Ушбу байтда қандай шеърий санъат бор?*

- А) тазмин
- Б) тамсил
- В) ташхис
- Г) тазод

13. *Сенки шоҳи ҳуснсен, ҳар кун қилиб қуллуқ сенга
Сажда айларга қўяр туфроққа рухсор офтоб. Ушбу байтда фойдаланилган икки шеърий санъат номи тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг.*

- А) тазод, ташхис
- Б) тажнис, тазмин
- В) истиора, ҳусни таълил
- Г) талмеҳ, иштиқоқ

14. *Паривашлар киби гуллар қилиб гулшан аро жилва,
Алар шавқида булбул ун чекиб девонавор ўлмиш. Ушбу байтда қандай шеърий санъатлар бор?*

- А) талмеҳ, ҳусни таълил
- Б) ташбих, ташхис
- В) тазод, тарсиъ
- Г) ийҳом, тазмин



БУГУН ДАРСДА:

- бадий матндан мустақил ҳолда муаллиф кўзқараши ифодасига боғлиқ цитата, парчаларни аниқлаймиз;
- асар вазни, жанри, қандай шеърий санъатлар қўлланилганини топамиз;
- ғазалнинг бадииятини шарҳлаймиз.



ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ (1779–1845)



Шоира, маърифатпарвар Жаҳон отин Увайсий Марғилонда 1779 йили туғилган. Увайсий оилада хат-саводини чиқариб, аввал халфа, сўнгра онасининг ёнида мактабдорлик қилган. Акаси Охунжон ҳофиздан шеърият илмини ўрганган, тез орада шоира, отин сифатида танилган. У, айниқса, арузни, муаммо (шеърда фикрни яшириб ифодалаш) санъатини мукаммал эгаллаган. Қўқон адабий муҳити билан яқинлашиб, мушоираларда қатнашган. Саройда Нодира ва бошқа хотин-қизларга шеърият илмидан дарс бериб, устозлик қилган. Дилшод отиннинг маълумот беришича, Увайсий Нодира билан Конибодом, Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Андижон

каби шаҳарларга борган. 1842 йилда Бухоро амири Насруллахон Қўқонни эгаллагач, Марғилонга қайтиб, умрининг охиригача шу ерда яшаган.

Увайсий 4 девон тузганлиги маълум. Лекин бу девонларнинг асл қўлёзмалари топилмаган. Увайсий мумтоз ўзбек шеъриятининг барча жанрларида ижод қилган. Навоий, Ғузулий ва бошқаларнинг асарларига мухаммаслар боғлаган. Шоиранинг адабий меросида 269 ғазал, 29 мухаммас, 55 мусаддас, 1 мураббаъ, чистон, 3 дoston, тугалланмаган бир манзума бор. Ижодининг ғоявий мавзу доираси теран ва кўп қиррали.

Шоира адабиётда тараққийпарвар намояндаларнинг қарашлари асосида майдонга келган инсон тақдири, шахс эрки ва маърифатпарварлик ғояларида латиф ва дилкаш асарлар яратган, асарларида инсонни эъзозлаш, одамларни табиат ва ҳаёт ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишга ундаш, дўстлик, вафо ва садоқат ҳақидаги улуғвор ниятларини Қуръон оятлари,

ҳадислар ва тасаввуфий талқинлар билан асослаган ҳолда ижодий баркамолликка эришган. Унинг шеърларида тариқатнинг талаб ва қоидаларига тааллуқли бўлган талқинлар кўп учрайди:

*Фано мардумларини сирридин ҳеч кимса йўқ огоҳ,
Қабиҳ гуфтор мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.*

Увайсий ўз асарларида юксак одамийликни, шу одамийликни қалб тўрида авайловчи вафодор ёрни улуғлайди, уни Қуёш билан қиёс қилади. Қуёш ҳар тонг уфқдан бош кўтариб, ўзининг оташин нури билан оламга, одамларга ўз меҳр ва шафқатини сочади. Шоира ёр ва офтоб ташбиҳларидан қаршилантириш санъати орқали энг гўзал туйғулар силсиласини яратади. Унинг лирик қаҳрамони мушоҳадакор донишманд, вафоли ошиқ.

Унинг анор ҳақидаги машҳур чистони ўзининг муҳим мазмуни ва юксак бадиийлиги билан шоира ижодининг ёрқин бир саҳифаси сифатида кўзга ташланади:

*Бу на гумбаздур, эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур макон?
Туйнугин очиб, аларнинг ҳолидан олсам хабар,
Юзларида парда тортуглиқ турурлар, бағри қон.*

Увайсий ҳаётлик давридаёқ нафис лирикаси билан машҳур бўлган ва замондошларининг эътиборини қозонган. Лирик шеърларидан ташқари, унинг «Шаҳзода Ҳасан», «Шаҳзода Ҳусан» каби лироэпик асарлари ва «Воқеоти Муҳаммад Алихон» каби тарихий дostonлари мавжуд. Шоиранинг лиро-эпик дostonлари ислом тарихи билан боғлиқ воқеалар асосида яратилган.

Зар қадрин зарғар билар

*Ким? – дедим, Нодира – дедилар ани,
Ёнида Вайсий турур олампаҳо.
Ҳар бир минг шоира ўрнидадур,
Иккови бирла тўлур ҳар боргоҳ.*

Дилшоди Барно

ҒАЗАЛЛАР

УВАЙСИЙМАН

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман,

Истадим¹ бу оламини, топмадим вафо аҳлин,
Барчадин юмуб кўзни муддао Увайсийман.


Уз дилинг тааллуқдин², банд қил худо сори,
То дегил кеча-қундуз: «Мосиво³ Увайсийман!»

Кечалар фиғонимдин тинмади кавокиблар⁴,
Арз то само⁵ узра можаро Увайсийман.

То кўриб хароботин⁶ таъна этма, эй зоҳид,
Бир нафас эмас холи иқтидо⁷ Увайсийман.

Фақр боргоҳига⁸ қўйса гар қадам ҳар ким,
Бош агар керак бўлса, жонфидо Увайсийман.

Вайсий бериёзат⁹ деб саҳл¹⁰ тутма, эй ориф,
Ишқ аро ниҳон дарди бедаво Увайсийман.



¹ Истадим – изладим.

² Тааллуқ – алоқа, боғланиш, муносабат; тегишлилик; уйланиш ёки турмушга чиқиш.

³ Мосиво – ... дан бошқа, ..дан ташқари каби маъноларда келган. Бу ўринда «Мосиво» сўзи шоиранинг дунё ташвишлари, манфаатлари, бойликларидан батамом воз кечиб, ёлғиз Аллоҳ билан бирга бўлиш кайфиятини ифодалаган.

⁴ Кавокиб – юлдузлар.

⁵ Арз то само – ердан осмонгача.

⁶ Харобот – вайрона жой; майхона (рамзий); сўфийлар маскани.








⁷ Иқтидо – эргашиш, издошлик, тақлид, эътиқод.

⁸ Боргоҳ – фақир, сўфийлар манзилгоҳи.

⁹ Бериёзат – машаққатсиз, қийноқсиз, азобсиз.

¹⁰ Саҳл – енгил, осон.



<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Увайсий кимдан сабоқ олиб, чиғатой (ўзбек) форс тилларини мукаммал эгаллаб олганлиги ҳақида маълумот беринг. 2. Увайсий ва Нодира орасидаги муносабатлар шоира ҳаётига қандай ўзгариш киритганлигини муҳокама қилинг. 									
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳазалда қандай бадиий санъатлар ишлатилган? <table border="1" data-bbox="444 799 1168 901"> <tr> <td><i>Шеърӣ санъат</i></td> <td><i>Мисра</i></td> <td><i>Шарҳи</i></td> </tr> <tr> <td> </td> <td> </td> <td> </td> </tr> </table> 2. Ҳазалдаги тимсолларни аниқланг. Шеър оҳанги Сизнинг кайфиятингизга таъсир қилдими? 	<i>Шеърӣ санъат</i>	<i>Мисра</i>	<i>Шарҳи</i>						
<i>Шеърӣ санъат</i>	<i>Мисра</i>	<i>Шарҳи</i>									
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳазал бадииятини қуйидаги жадвал орқали баҳоланг. <table border="1" data-bbox="444 1158 1181 1482"> <tr> <td><i>Мазмун ва мавзунинг мослиги</i></td> <td><i>Шоир образи қандай тасвирланган?</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td><i>Асар тилига оид</i></td> <td><i>Асарда қандай бадиий тасвир воситаларидан фойдаланилган? Шу воситалар орқали образ қандай ёритилган?</i></td> <td> </td> </tr> <tr> <td><i>Баҳолашга оид</i></td> <td><i>Асар ёки унинг қаҳрамонига нисбатан умумий кўзқарашингиз, мустақил баҳо беринг</i></td> <td> </td> </tr> </table> 	<i>Мазмун ва мавзунинг мослиги</i>	<i>Шоир образи қандай тасвирланган?</i>		<i>Асар тилига оид</i>	<i>Асарда қандай бадиий тасвир воситаларидан фойдаланилган? Шу воситалар орқали образ қандай ёритилган?</i>		<i>Баҳолашга оид</i>	<i>Асар ёки унинг қаҳрамонига нисбатан умумий кўзқарашингиз, мустақил баҳо беринг</i>	
<i>Мазмун ва мавзунинг мослиги</i>	<i>Шоир образи қандай тасвирланган?</i>										
<i>Асар тилига оид</i>	<i>Асарда қандай бадиий тасвир воситаларидан фойдаланилган? Шу воситалар орқали образ қандай ёритилган?</i>										
<i>Баҳолашга оид</i>	<i>Асар ёки унинг қаҳрамонига нисбатан умумий кўзқарашингиз, мустақил баҳо беринг</i>										

БУГУН ДАРСДА:

- ғазаллардан мўаллиф кўзқараши ифодасига боғлиқ парчаларни аниқлаймиз;
- ғазалларни жанр ва тузилиши жиҳатидан таҳлил қиламиз;
- бадиий материал, адабий атамаларга таяниб, аниқ ва образли нутқдан фойдаланган ҳолда ижодий иш ёзамиз.

**КЎНГУЛ ДОҒ ЁЛДИ**

Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди,
Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоди рақиблардин,
Бу кўтоҳфаҳм мардумдин кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Бу гулзори фано ичра маҳали беҳалал йўқтур,
Ҳамеша захми хородин кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Фано мардумларини сирридин ҳеч кимса йўқ огаҳ,
Қабиҳғуфтор мардумдин кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Кўнгул қони фароғи дийдадин бир лаҳза банд ёлмас,
Вужудим изтироб айлаб кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Турубдур бағрим ичра қон мисоли ғунча, найларман,
Очилмай гулсифат ушбу кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Сўзимдин хотиринг узра гумоне ўзга еткурма
Ки, изҳор айламай найлай, кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Мен расвойи оламдин мабодо эътироз этма,
Такаллум бирла шод айла, кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Кўнгулни оташин бежо қилибдур нутқи гуфтори,
Қаю боғ андалибидин кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Бу сўзни айлади барпо ажаб густоҳлик бирла,
Малоли хотир ёлғайму, кўнгул доғ ёлди, доғ ёлди.

Ажаб ашъори мавзун боғлади Вайсий ҳасаддинким,
Умархон зуфунунеким, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.



КОКУЛИНГ

Бўлмасайди то паришонлиғда зебо кокулинг,
Қилмағайдим шона чоғида тамошо кокулинг.

Ўрмасам эрдим олиб илгимга ул машшотни,
Қилмағай эрди мени оламга расво кокулинг.

Ё харидор ўлмасам эрдим жунун бозорида,
Солмағайди бошима юз рангли савдо кокулинг.

Ҳухни рухсоринг тўё кўрган эдим қадр туни,
Қилмасайди юзларинг устида ғавғо кокулинг.

Қолмағайдим норасолар таънайи пинҳониға,
Этмасайди сиррими элга ҳувайдо кокулинг.

Қўнмасайди моҳ рухсорингга кўнглумнинг қуши,
Тушмағайди тори то бўйнулумга ялдо кокулинг.

Осмасайдинг жон олур вақтинда зулфинг дор этиб,
Бўлмағайди мунча Вайсийга мужалло кокулинг.



<p><i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i></p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазални ифодали ўқиб, авж нуқтаси ўз ифодасини топган мисраларни топинг. 2. Шеър ғоясини акс эттирган 7 та таянч сўзларни аниқланг ҳамда иш дафтарингизга ёзиб олинг. 														
<p><i>Таҳлил ва талқин</i></p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазалда қўлланган қайси шеърий санъат асарнинг бадий латофатини кучайтирган? 2. Асар вазни, жанри, қандай шеърий санъатлар қўлланилганини топинг. Жадвални тўлдилинг. <table border="1" data-bbox="398 710 1121 1069"> <tr> <td><i>Жанри</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Вазни</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Қофиядош сўзлар</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Ўхшатиш</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Сифатлаш</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Қаршилантириш</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Жонлантириш</i></td> <td></td> </tr> </table>	<i>Жанри</i>		<i>Вазни</i>		<i>Қофиядош сўзлар</i>		<i>Ўхшатиш</i>		<i>Сифатлаш</i>		<i>Қаршилантириш</i>		<i>Жонлантириш</i>	
<i>Жанри</i>																
<i>Вазни</i>																
<i>Қофиядош сўзлар</i>																
<i>Ўхшатиш</i>																
<i>Сифатлаш</i>																
<i>Қаршилантириш</i>																
<i>Жонлантириш</i>																
<p><i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i></p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. «Увайсийман» ғазалида шоира чеккан алам ўтининг тафти ҳақида нима дея оласиз? Фикрингизни далилланг. 2. Шеърдан олган таассуротларингизни «ПОПС формуласи» орқали ёритиб беринг. <i>1-гап: Менинг фикримча...</i> <i>2-гап: ...сабабини мен бундай тушунтираман</i> <i>3-гап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман...</i> <i>4-гап: шунга асосланиб, мен бундай хулоса келдимки, ...</i> 														

13

БУГУН ДАРСДА:

- Увайсий шеърларининг жанрий таркибини аниқлаймиз;
- Увайсий ўзбек шеърятини қандай сифатлар билан бойитгани ҳақида фикр юритамиз;
- бадиий материал, адабий атамаларга таяниб, аниқ ва образли нутқдан фойдаланган ҳолда ижодий иш ёзамиз.



ҚАБУЛ ЭТКИЛ

Келибман дарғаҳингга, шоҳи хўбоним, қабул эткил,
Бағир қоним била бул чашми гирёним қабул эткил.

Умид айлаб талаб олмоққа кирдим роҳи покингга,
Йўлингга айлаган фарёду афғоним қабул эткил.

Тушубдур бошима савдойи ишқинг, эй шаҳаншоҳим,
Алам бозорида бул дарди пинҳоним қабул эткил.

Ўтубдур гавҳари ноёби умрим токи ғафлатда,
Тазарруъ зор илан қилғон пушаймоним қабул эткил.

Тегибдур новакингдин неча ўқ жисмим аро пинҳон,
Шаҳиди ишқ ўлмоққа оқан қоним қабул эткил.

Увайсий гарчи ноқобил, келибдур остонингга,
Фигону оҳи сўзонини, султоним, қабул эткил.

МУНОСИБ

Эй гул, жигарим қони узорингга муносиб,
Юз порали кўксум дағи хорингга муносиб.

Сарф айлама ҳар беҳабара лаъли қадисинг,
То қаҳру ғазаб мени зорингга муносиб.

Тун соғарида шарбати бедорлиғ ичсанг,
Мастоналиғ ул чашми хуморингга муносиб.







То қилди муаттар хати райҳони саҳаргоҳ,
Хушқоллигим ҳусни баҳорингға муносиб.

Манъ этма тараҳҳум этибон, ёр, йўлунгдин,
Ашким йўл аро манъи ғуворингға муносиб.

Дил манзарини пок этибон мунтазир ўлдум,
Бўлғойму экин табъи гулзорингға муносиб?

Рашк оташини, Вайсий, бугун айла мукаррар,
Юз сен каби девона нигорингға муносиб.



<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Увайсийнинг қайси ғазалларида унинг аёллик хислатлари яққол бўртиб туради? 2. Шоира ғазалларида қандай оҳанглар устивор?
<p>Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ғазалларни «Адабий давра» усули бўйича таҳлил қилинг ҳамда тақдимот тайёрланг. <ol style="list-style-type: none"> а) таҳлил қилиш – ғазал мазмуни бўйича 5 та савол тузинг; б) аниқлаш – ғазалнинг қайси байти энг муҳим эканлигини далилланг; в) боғлаш – ғазал мазмунини ҳаёт билан боғланг; г) хулосалаш – асарда кўтарилган масалаларни яқунланг. 2. Асарда кўп учрайдиган сўзларни топинг ва уларни изоҳланг.
<p>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. Увайсий шеърлари ҳақида фикрларингизни «5 дақиқали эссе» усули орқали ёритиб беринг.



14

БУГУН ДАРСДА:

- қаҳрамон тимсолини очишда композиция ролини аниқлаймиз;
- матн устида тадқиқот иши юритамиз;
- аниқ ва образли нутқдан фойдаланган ҳолда ижодий иш ёзамиз.



МЕНДИН ЎРГАНДИ

Ки булбул нола, афғон айламакни мендин ўрганди,
Вужудин шамъи сўзон айламакни мендин ўрганди.

Бориб саҳрога, қон бағримдин изҳор айладим бир кун,
Фалак бағрин қизил қон айламакни мендин ўрганди.

Шафақ хун бўлғуси, дил, ёр меҳри гар ниҳон бўлса,
Само гулгуни домон айламакни мендин ўрганди.

Кўруб абрў ҳилолинг, жон фидо қилдим жамолинга,
Ул ой ҳуснига қурбон айламакни мендин ўрганди.

Фиғонким, ғам тароғи хаста кўнглум реш-реш этти,
Санам зулфин паришон айламакни мендин ўрганди.

Сени изларман андоқким, қуёш дийдорин изларда,
Кезиб тун-кун, шитобон айламакни мендин ўрганди.

Қаноат қилди Вайсий, топти дилдин гавҳари назмин,
Садаф ҳам дурри ғалтон айламакни мендин ўрганди.

ЧИҚИБ ИШҚ ЎТИ...

Чиқиб ишқ ўти кўксим чокидин, бошимдин ошибдур,
Қуруқ шохеки, гўё ўз ичидин ўт тудошибдур.

Кўзинг жон лабга еткурди, лабинг жон кўшти жонимға,
Бу икки дўстлар ул жони маҳзуним талошибдур.







254

Азал кунда асар этганди сирри май қулоғимға,
Бугун, ваҳ, дил булоғи жўш урмоқликда тошибдур.

Висолинг орзуси шиддати ҳижронни йиқмоқда,
Бу икки паҳлавон майдони дил узра курошибдур.

Увайсий, олма бошинг зикру фикри ёр ёдидин,
Сулуки ишқ аро бе ёди ҳақ йўлдин одошибдур.



<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<p>1. «Бориб саҳрога, қон бағримдин изҳор айладим бир кун, Фалак бағрин қизил қон айламакни мендин ўрганди», – инсон чеккан оҳ фалакни ҳам қон қилиш мумкинлигини шоира қандай тасвирлаган? Фикрингизни изоҳланг.</p> <p>2. «Шафақ хун бўлгуси, дил, ёр меҳри гар ниҳон бўлса, Само гулгуни домон айламакни мендин ўрганди», – табиатдаги ўзгаришлар она ҳолатига қандай таъсир қилган?</p>															
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	  	<p>1. Матн устида тадқиқот иши юритинг.</p> <table border="1" data-bbox="398 988 1155 1236"> <tbody> <tr> <td>1-гуруҳ</td> <td>Матннинг асосий гоясини топинг</td> <td></td> </tr> <tr> <td>2-гуруҳ</td> <td>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</td> <td></td> </tr> <tr> <td>3-гуруҳ</td> <td>Фикрингизни расм билан тасвирланг</td> <td></td> </tr> <tr> <td>4-гуруҳ</td> <td>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</td> <td></td> </tr> <tr> <td>5-гуруҳ</td> <td>Тарбиявий хулоса чиқаринг</td> <td></td> </tr> </tbody> </table>	1-гуруҳ	Матннинг асосий гоясини топинг		2-гуруҳ	Аниқ ва ноаниқ маълумотлар		3-гуруҳ	Фикрингизни расм билан тасвирланг		4-гуруҳ	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг		5-гуруҳ	Тарбиявий хулоса чиқаринг	
1-гуруҳ	Матннинг асосий гоясини топинг																
2-гуруҳ	Аниқ ва ноаниқ маълумотлар																
3-гуруҳ	Фикрингизни расм билан тасвирланг																
4-гуруҳ	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг																
5-гуруҳ	Тарбиявий хулоса чиқаринг																
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	 	<p>1. Лирик қаҳрамон замона ва ижтимоий муҳитнинг умумлашма вакили сифатида қаралиши ҳақида ўз фикрларингизни баён этинг.</p> <p>2. «Увайсий шеърларида ўзбек аёлининг қалб нидолари» мавзусида эссе ёзинг.</p>															



1. *Увайсий жаҳондин ўтди, муродига етмади,
Тўймоққа расм йўқдур қорин суйган ошга.*
Увайсий ушбу байтида қандай шеърий санъатдан қўлланган?
А) Талмеҳ
Б) Ирсоли масал
В) Таносуб
Г) Ҳусни таълил
2. Увайсийнинг ўғли қандай тахаллус билан ижод қилган?
А) Мажнун
Б) Ошиқ
В) Дўст
Г) Зийрак
3. Увайсийнинг девони қачон, қандай ном билан нашр қилинган?
А) 1983-йилда, «Қарбало»
Б) 1982-йилда, «Қўнгил гулзори»
В) 1983-йилда, «Қўнгил гулзори»
Г) 1985-йилда, «Қўнгил гулзори»
4. Увайсийнинг қизи Қуёшхон қандай тахаллус билан ижод қилган?
А) Мағзий
Б) Отин
В) Азмий
Г) Хокий
5. Увайсий қаламига мансуб дostonларни аниқланг?
А) «Воқеоти Муҳаммад Алихон»
Б) «Шаҳзода Ҳасан ҳақида дoston»
В) «Шаҳзода Ҳусайн ҳақида дoston»
Г) А, Б, С
6. Шарқ шеъриятида шаҳидлар қони тўкилган мўътабар жой қандай аталган?
А) Кашмир
Б) Дашти Қарбало
В) Чин-Мочин
Г) Кўҳи-Қоф

7. Ўзбек шеърятига аёлнинг гулдай нозик қалб тебранишларини олиб кирган шоирани аниқланг?
А) Нодира
Б) Дилшод Барно
В) Увайсий
Г) Анбар Отин
8. Қайси шоира шеърятда бошига салла ўраган йигит тимсоли акс этган?
А) Нодира
Б) Дилшод Барно
В) Увайсий
Г) Анбар Отин
9. Чистон сўзининг маъноси нима қайси қаторда тўғри берилган?
А) мақол
Б) қасида
В) топишмоқ
Г) матал
10. Қайси шоиранинг отаси «Ҳофиз бобо» номи билан ўзбекча ва форс-тожикча ғазаллар ёзган?
А) Нозимахоним
Б) Увайсий
В) Маҳзуна
Г) Анбар Отин
11. Увайсий ғазалидаги «*Вужудим дардга тўлди, эмди дармонимни соғиндим*» мисрасидан англашиладиган маънони белгиланг.
А) дард – касаллик, дармон – дори
Б) дард – мусофирлик, дармон – ватанга қайтиш
В) дард – зулм, дармон – қасос
Г) дард – соғинч, дармон – дийдор
12. Шоиранинг кеча-ю кундуз ўғлининг номини такрорлаб, уни ўйлаб юриши қайси ифодада акс этган?
А) Уйимнинг зийнати, кўз равшани...
Б) Тилимнинг зикри-ю кўнглимнинг фикри...
В) Қоронғу бўлди олам кўзима...
Г) Вужудим дардга тўлди...

13. Увайсий ғазалларидан ташқари яна қайси шеърий жанрда шуҳрат қозонган?
А) рубоий
Б) мухаммас
В) туюқ
Г) чистон
14. Унда нарса, белги ва ҳаракат бошқасига ўхшатиш орқали тасвирланади?
А) ўхшатиш
Б) восита
В) ташбеҳ
Г) таносиб
15. Қуйидаги мисралар ҳақидаги тўғри ҳукм берилган қатор:
*Ул надурким, бир келин ўзи чўтир,
Етти қат парда ичида мисли ҳур.*
А) Рубоий. Нодира.
Б) Ғазал. Увайсий
В) Рубоий. Увайсий.
Г) Чистон. Увайсий.
16. Увайсийнинг шогирдлари номи тўғри берилган қаторни топинг.
А) Бақо, Жаҳон отин, Хокий
Б) Қуёшхон, Макнуна, Дилшод отин
В) Ожиза, Хаёт, Дилором
Г) Анбар отин, Комила, Нидой
17. Увайсийдан қолган қўлёзмаларни бизга етказиб берган шоира ким?
А) Холжон отин
Б) Анбар отин
В) Дилшод отин
Г) Жаҳон отин
18. Увайсийнинг шахсий ҳаёти акс этган ғазални кўрсатинг.
А) «...мендан ўрганди»
Б) «Соғиндим»
В) «Кўнгил доғ ўлди...»
Г) «Айладинг изҳор»

БУГУН ДАРСДА:

- Огаҳийнинг истеъдод қирралари ва адабий меросини ўрганамиз;
- ғазалларида қўлланилган шеърий санъатларни аниқлаймиз;
- мавзу, композиция ва услубий бирликни тўлиқ ва чуқур ёритамиз.



МУҲАММАД РИЗО ОГАҲИЙ (1809–1874)



Ўзбек адабиёти тарихидаги энг кўламдор ижодкорлардан бири Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий 1809 йил 17 декабрда Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида – мироб оиласида туғилган. Бўлажак шоир Хива мадрасаларида таҳсил кўриб, араб, форс, турк тилларини пухта эгаллаган. Хоразмнинг машҳур шоир ва олимлари, адабиёт мухлисларининг суҳбатларида иштирок этган. Шарқ классиклари асарлари, айниқса, Навоий ижодини қунт билан ўрганган. 1829 йилда амакиси ва устози Мунис вафот этгач, Хива хони Оллоқулихон (1825–1842) Огаҳийни Муниснинг ўрнига мироб этиб тайинлаган. Шу даврдан эътиборан Огаҳий халқ ҳаёти ва сарой ишлари билан шуғулланган. Қизғин ижтимоий-сиёсий меҳнат билан машғул бир пайтда отдан йиқилиб, оёғи «шакарланг» (шол) бўлиб қолган (1845). 1857 йилдан мироблик вазифасидан истеъфо берган. Умрининг охиригача моддий муҳтож, ғамгин, касалманд аҳволда кун кечирган.

Огаҳий халқ орасида кўпроқ лирик шоир сифатида машҳур. 1872 йили тузган лирик куллиёти – «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») бизгача тўла етиб келган. Девон анъанавий тартибда тузилган, 470 ғазал, 3 мус-тазод, 89 мухаммас, 5 мусаддас, 2 мураббаъ, 4 мусамман, 4 таржиъбанд, 7 қитъа, 80 рубоий, 10 туюқ, 1 муламма, 4 чистон, 2 муаммо, 4 маснавий, 1 баҳри тавил, 1 муножот, 1 ошиқ ва маъшуқ савол-жавоби, 20 таърих, 19 қасида – жами 18000 мисрадан иборат. Девонга «Ашъори форсий» номи билан Огаҳийнинг форс тилидаги 1300 мисра шеъри ҳам киритилган. Девондаги асарлар мазмун-мундарижаси марказида ишқ мавзуи туради.

Огаҳий «Риёз уд-давла» («Салтанат боғлари», 1844), «Зубдат ут-таво-рих» («Тарихлар қаймоғи», 1845–1846), «Жомеъ ул-воқеоти султоний» («Султонлик воқеаларини жамловчи», 1857), «Гулшани давлат» («Давлат гулшани», 1865), «Шоҳиди иқбол» («Иқбол гувоҳи», 1872) ва бошқа та-рихий асарларида Оллоқулихон, Раҳимқулихон (1843–1846), Муҳаммад Аминхон (1846–1855), Сайид Муҳаммадхон (1856–1864), Муҳаммад Раҳим II (1864–1910) ҳукмронлиги даврида Хоразмда яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ халқларининг тарихи, маданий ва ижтимоий ҳаёти, Хива хонлигининг бошқа хонликлар билан муносабати ва бошқа тарихий воқеалар акс этган.

Огаҳий Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Муҳаммад Махдий Астрободий-нинг «Тарихи жаҳонкушоӣ Нодирӣ», Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ», Маҳмуд бинни Шайх Али Ғиждувонийнинг «Мифтоҳ ут-толибин», Муҳаммад Муқим Ҳиротийнинг «Табакоти Акбаршоҳӣ», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тазкираи Муқимхонӣ», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Равзат ус-сафойи Носирӣ», Қошифийнинг «Ахлоқи Муҳсинӣ», Муҳаммад Во-риснинг «Қобуснома», «Зубдат ул-ҳикоёт», «Шарҳи далоил ул-ҳайрат», Саъдийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Низомийнинг «Ҳафт пайкар» ва бошқа тарихий-бадий асарларни форс тилидан ўзбекчага таржима қилган. Огаҳий «Ҳафт пай-кар»ни насрий йўл билан, «Гулистон»ни қисқартириб, кенг китобхонларга тушунарли қилиб таржима этган. «Юсуф ва Зулайҳо» ҳамда «Шоҳ ва гадо» дostonларини эса байтма-байт таржима қилиб (кириш қисмидан ташқари), аниқ ижодий таржима намунасини яратган.



ҒАЗАЛЛАР

Мушкин қошингнинг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун «нас» келтирур «нун» элтибон «сод» устина¹.

Қилғил тамошо қомати, зебоси бирлан оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшод² устина.

Нозу адову³ ғамзаси⁴ қасдим қилурлар дам-бадам,
Ваҳ, мунча офатму бўлур бир одамизод устина.

Ман хастаға жон асрамоқ эмди эрур душворким⁵,
Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устина.

Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шому саҳар,
Булбулдек айлар юз наво минг навъи фарёд устина.

Бошимға ёққан ғам тошин мингдин бирича бўлмағай,
Гардун⁶ агар минг Бесутун⁷ ёғдурса Фарҳод устина.

Эй шаҳ, карам айлар чоғи тенг тут ямону яхшини
Ким, меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.

Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод⁸ устина.

Не журъат ила Огаҳий очғай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли⁹ ғам қилмиш хужум ул зор ношод¹⁰ устина.

¹ Ушбу матлаъда манзурнинг қоши кўзлари араб ёзувидаги «нун», «сод» ҳарфлари ҳамда «нас» сўзи воситасида ҳарфий санъат яратиш йўли билан тасвирланган.

² Шамшод – хушқомат ва чиройли, қишин-ёзин ям-яшил турадиган, майда ва тиғиз баргли, қаттиқ ёгочидан турли асбоблар ясаладиган дарахт. Мумтоз адабиётда севгилининг хушқоматлиги шу дарахтга ўхшатиш анъана бўлган.

³ Адо – ноз-қарашма, гўзал қилиқлар.

⁴ Ғамза – кўз ишораси, ноз-қарашма юзасидан киприк қоқиб, сеҳрли нигоҳ ташлаш.

⁵ Душвор – қийин, оғир, мушкул.

⁶ Гардун – фалак, осмон, кўк.

⁷ Бесутун – Фарҳаод қазиган тоғнинг номи. У Эроннинг Кирмоншоҳ шаҳри яқинида жойлашган.

⁸ Бод – шамол, ел.

⁹ Хайл – гуруҳ, тўда, тўп.

¹⁰ Ношод – шод, хурсандга тескари кайфият; ғамгин.





<i>Тушуниш ва саволларга жаеоб бериш</i>		<ol style="list-style-type: none">1. Огаҳий ва Мунис орасидаги муносабат ҳақида фикр юритинг.2. Ғазалда шоир халқ оғзаки ижодидан нечоғли унумли фойдаланганлигини далиллар орқали изоҳланг.									
<i>Таҳлил ва талқин</i>		<ol style="list-style-type: none">1. <i>Нозу адову ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам, Ваҳ, мунча офатму бўлур бир одамизод устина.</i> байтида шоирнинг қандай хитоби ўз аксини топган?2. Ғазалда шеърий санъат қўлланилишига кўра жадвални тўлдилинг. <table border="1" data-bbox="442 963 1181 1117"><thead><tr><th><i>Шеърий санъат</i></th><th><i>Мисра</i></th><th><i>Шарҳ</i></th></tr></thead><tbody><tr><td></td><td></td><td></td></tr><tr><td></td><td></td><td></td></tr></tbody></table>	<i>Шеърий санъат</i>	<i>Мисра</i>	<i>Шарҳ</i>						
<i>Шеърий санъат</i>	<i>Мисра</i>	<i>Шарҳ</i>									
<i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i>		<ol style="list-style-type: none">1. Шоирнинг таржималик фаолияти ҳақида алоҳида тақдимот тайёрланг.									

БУГУН ДАРСДА:

- матндан шоир кўзқарашини ифодаловчи парчани аниқлаймиз;
- бадий тасвир воситаларини таҳлил қиламиз;
- Огаҳий ғазалларининг ўзига хос хусусиятлари юзасидан фикр билдираемиз.



Ашкима гар канора¹ йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,
Оҳима ҳеч шумора² йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ҳардам улусга лутф ила боқғуси қаҳр ила, вале
Ман сори бир назора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ишқ эли кўнгли дардиға чора қилур, вале менинг
Дарди дилимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ҳажрида заъфим ўйлаким, оҳи ҳазиним ўтиға,
Шуъла била шарора³ йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.


Жон лабидин чу бермади жисмима, ваҳки қошидин
Қатлима бир ишора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Кўйига борсам этгуси васлиға ваъда, ул доғи
Бўлғуси бора-бора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Толеъи равшан ўзганинг лутфи қуёши нуридин,
Мен киби бахти қора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Бўлди ситораси исикъ хулқға меҳр ёр карам,
Манда исиг ситора⁴ йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Дедим ўлубтур Огаҳий ашки канорасиз, деди:
Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.



¹ Канора – қирғоқ, чет, чегара.

² Шумора – санок, ҳисоб, миқдор.

³ Шарора – учқун, аланга; тобланиш, ярқираш.

⁴ Ситора – юлдуз.

* * *

Дарди дилим анго дедим, дема они манго деди,
Ким манга ошиқ ўлса ул лозим эрур анго деди.

Юз уза икки наргисинг ваҳ, не бало қаро дедим,
Кўнглунгу жонинг олғувчи икки қаро бало деди.

Лабларинг оғзума етур жон топайин анго дедим.
Лаъли табассум айлабон йўқму ўлим санго деди.

Хуснингга айлайин назар ман сори бир қара дедим,
Ёшурибон юзин кет, эй масхара, беҳаё деди.

Бўса лаби савоб учун айла манга ато дедим,
Қошу қапоғини читиб қўй бу сўзинг хато дедим.

Ваҳ, недин эркон этмогунг ҳеч вафо манго дедим,
Зоҳир ўлубдурур қачон ҳусн элидин вафо деди.

Хаста кўнгулга қилғосан мунча недин жафо дедим,
Дема жафо ани сенинг дардингадур даво деди.

Огаҳий комини недин айламагунг раво дедим,
Ким топарму жонни ул қилмоғуча фидо деди.



<i>Тушунши ва саволларга жавоб бериш</i>	<ol style="list-style-type: none">1. Ақлий ҳужум: «Назира» сўзининг луғавий маъноси нима?2. «Бўлмаса бўлмасун, нетай» ғазали қайси шоирнинг ғазалига назира қилинган?
--	--

<i>Таҳлил ва таълқин</i>		<p>1. Ғазалларни «Ўргимчак уни» усули орқали ифодали ўқинг.</p> <div data-bbox="586 304 922 497" data-label="Image"> </div> <p>2. Ғазалларни таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тўлдилинг.</p> <table border="1" data-bbox="398 633 1142 891"> <tr> <td><i>Жанри</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Вазни</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Қофиядош сўзлар</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Шеърӣ санъат</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Шеърӣ санъат</i></td> <td></td> </tr> </table>	<i>Жанри</i>		<i>Вазни</i>		<i>Қофиядош сўзлар</i>		<i>Шеърӣ санъат</i>		<i>Шеърӣ санъат</i>	
<i>Жанри</i>												
<i>Вазни</i>												
<i>Қофиядош сўзлар</i>												
<i>Шеърӣ санъат</i>												
<i>Шеърӣ санъат</i>												
<i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i>		<p>1. «Назира» қилинган ғазалнинг асл нусхасини топинг, қиёсий мутолаа қилинг ҳамда ўхшаш ва фарқли жиҳатларини «Венн диаграммаси» орқали аниқланг.</p>										





БУГУН ДАРСДА:

- Огаҳийнинг рубойи ва туюқлари мазмунини муҳокама қиламиз;
- бадий тасвир воситаларини таҳлил қиламиз, муаллиф уларни нима мақсадда қўллаганлигини тушунтирамиз;
- Огаҳийнинг сўз қўллаш маҳоратига баҳо берамиз.



РУБОУЙЛАР

Зарра учубон наййири аъзам бўлмас,
Ер болиш этиб авжи фалак ҳам бўлмас,
Инсон аро нодонни билинг ҳайвондур,
Ҳайвон неча зўр айлса одам бўлмас.

* * *

Ваҳким, яна зулмини аён этти фалак,
Бағримни ҳажр аро қон этти фалак,
Кўз йўлидин ул қонни равон этти фалак,
Охир манга кўрки қасди этти фалак.

* * *

Қилмоқ била парвариш тикон гул бўлмас,
Ҳам тарбият ила зоғ булбул бўлмас,
Гар асли ямонға яхшилиқ минг қилсанг,
Яхшилиқ онинг нияти билкул бўлмас.

* * *

То тушти фироқ ўтиға бемор кўнгул,
Юз дарду ғаму аламға дучор кўнгул,
Даврон ситами тиғидин афгор кўнгул,
Бўлмиш мандин малулу безор кўнгул.



ТУЮҚЛАР

Ғам юки то қоматим ё қилмади,
Оҳим ўтиға фалак ёқилмади,
Қилмади раҳми манга, худ ўзгага,
Билмадимким қилдиму ё қилмади.

* * *

Дўстлар, ҳамроҳлиғ айлаб борингиз,
Тунд хў ёрим қошиға борингиз,
Бир кеча базмимға келтурмоқ учун
Бош оёқиға қўюб ёлборингиз.

* * *





Дард захри солди чинлар қошима,
Келмади ҳолим сўрарға қошима,
Ғам юкин чекмакда, эй дил, чобак ўл,
Ҳаргиз ушбу ишда бошинг қошима.

* * *

Чехрасининг гарчи мухрақ нори бор,
Бергуси доим ниҳоли нори бор,
Сигмоғун базмим аро, эй муддаий,
Телмуриб турма бу ерда, нори бор.





<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Огаҳийнинг рубойи ва туюқларини ўқиб, мазмуни-ни гуруҳда муҳокама қилинг. 2. Огаҳий лирикасининг ижтимоий мазмуни ҳақида шеърӣ парчалардан мисол келтириб сўзланг. 						
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Огаҳийнинг фалсафӣ дунёқарашини ва унда нақш-бандийлик тариқатининг туганган ўрнини мисоллар келтириб шарҳлаб беринг. 2. Шоир рубойларини жадвал асосида таҳлил қилинг. <table border="1" data-bbox="442 942 1188 1168"> <tr> <td data-bbox="442 942 918 997"><i>Мазмун ва мавзунинг мослиги</i></td> <td data-bbox="918 942 1188 997"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="442 997 918 1079"><i>Фойдаланилган бадиий тасвир воситалари</i></td> <td data-bbox="918 997 1188 1079"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="442 1079 918 1168"><i>Байтларнинг тарбиявий аҳамияти</i></td> <td data-bbox="918 1079 1188 1168"></td> </tr> </table>	<i>Мазмун ва мавзунинг мослиги</i>		<i>Фойдаланилган бадиий тасвир воситалари</i>		<i>Байтларнинг тарбиявий аҳамияти</i>	
<i>Мазмун ва мавзунинг мослиги</i>								
<i>Фойдаланилган бадиий тасвир воситалари</i>								
<i>Байтларнинг тарбиявий аҳамияти</i>								
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. «<i>Моделлаштириш</i>» усули орқали Огаҳийнинг сўз қўллаш маҳоратига баҳо беринг. 2. «Серқирра ижодкор» мавзусида эссе ёзинг. 						



БИЛИМИМИЗНИ СИНАЙМИЗ ТЕСТ



1. Огаҳийнинг 1844 йилда Хива хонлигини тарихини шу йилгача бўлган воқеаларини ўз ичига олган асари қайси қаторда тўғри берилган?
 - А) «Фирдавс ул-иқбол»
 - Б) «Риёз уд-давла»
 - В) «Шоҳиди иқбол»
 - Г) «Таъвиз ул-ошиқин»
2. Қайси ижодкор араб алифбосидаги нун ва сод ҳарфларидан фойдаланиб ёр гўзаллигини ўзига хос тасвирини яратди?
 - А) Огаҳий
 - Б) Навоий
 - В) Жомий
 - Г) Лутфий
3. Қандай воситалар Огаҳийни ижодга изланишга ундади?
 - А) кучли ирода
 - Б) ҳаётни севиш
 - В) ижодга бўлган қизиқиш
 - Г) А, Б
4. Ижодкорнинг «Таъвиз ул-ошиқин» девонида қанча жанрдаги лирик мерос жамланган?
 - А) ўндан ортиқ
 - Б) йигирмадан ортиқ
 - В) ўттиздан ортиқ
 - Г) барчаси
5. Огаҳийнинг ижодида сувни сузук деб сифатлаш адабиётдаги қандай ҳодиса саналади?
 - А) янгилик
 - Б) доимийлик
 - В) қадимийлик
 - Г) А, Б
6. Унинг девонида қандай мавзуга доир шеърлар жамланган?
 - А) ижтимоий-сиёсий

- Б) ахлоқий
- В) дидактик
- Г) барчаси

7. Огаҳийнинг «Қасидаи насиҳат» асари қандай мазмунда ёзилган?

- А) давлат ва сиёсатга муносабат шаклида
- Б) сиёсий ва дидактик мазмунда
- В) Муҳаммад Раҳимхони Соний мадҳиясига бағишлаб ёзилган
- Г) А ва Б

8. Шоирнинг «Даҳр уйи бунёдким сув узрадир маҳкам эмас» деб бошланувчи асари қандай мазмунга эга?

- А) тасаввуфий
- Б) фалсафий
- В) дидактик
- Г) А, Б

9. Огаҳийнинг қайси асари адабиётимиз тарихида дидактик лириканинг ёрқин намунаси ҳисобланади?

- А) «Қасидаи насиҳат»
- Б) «Риёз уд-давла»
- В) «Шоҳиди иқбол»
- Г) «Таъвиз ул-ошиқин»

10. Асру сўзининг маъноси қайси қаторда тўғри берилган?

- А) мотам
- Б) юрак
- В) бениҳоя
- Г) ғамли

11. Вуқуф сўзига қайси қаторда тўғри изоҳ берилган?

- А) мискинлар
- Б) ғамли
- В) хабардор
- Г) балолик

12. Фақат Огаҳий қаламига мансуб асарлар берилган жавобни топинг.

- 1) «Сабот ул-ожизин»;
- 2) «Риёз уд-давла»;



- 3) «Таъвиз ул-ошиқин»;
- 4) «Кимёи саодат»;
- 5) «Шоҳ ва гадо»;
- 6) «Зубдат ул-таворих»

- А) 1, 4, 5
- Б) 2, 3, 6
- В) 1, 2, 3
- Г) 3, 5, 6

13. Огаҳий қалами остида ўзбек тилига таржима қилинган асарлар келтирилган жавобни аниқланг.

- А) «Ҳафт пайкар», «Гулистон», «Шоҳ ва гадо», «Юсуф ва Зулайҳо»
- Б) «Гулистони давлат», «Юсуф ва Зулайҳо», «Шоҳиди иқбол», «Кимё»
- В) «Ҳафт пайкар», «Юсуф ва Зулайҳо», «Баҳористон», «Шоҳ ва гадо»
- Г) «Фирдавс ул-иқбол», «Риёз уд-давла», «Сабот ул-ожизин», «Равзат ус-сафо»

14. Шоир «Устуна» радифли ғазалининг биринчи байтида қайси бадий санъатдан усталик билан фойдаланган?

- А) тазод
- Б) китобат
- В) талмеҳ
- Г) таъдид

15. Огаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган «Шоҳ ва гадо» асарининг муаллифини аниқланг.

- А) Бадриддин Хилолий
- Б) Бадриддин Чочий
- В)
- Г) Давлатшоҳ Самарқандий

16. Ўзаги арабча шахс бўлган мумтоз адабиётимизда кенг қўлланиладиган бадий тасвир воситаларидан бири қайси қаторда тўғри берилган?

- А) ташхис
- Б) тазод
- В) талмеҳ
- Г) тарсеъ

17. Тараб тифлин туғурди даҳр золи

Анго бўлди магарим доя наврӯз.

Ушбу байтда қандай шеърий санъат қўлланган?

- А) тазод
- Б) талмеҳ
- В) тарсеъ
- Г) ташхис


18. Байтларда ташхис санъати учун қандай хусусият аҳамиятли ҳисобланади?

- А) инсоннинг ўзидаги ҳолат
- Б) хислат ва фазилат
- В) руҳият
- Г) А, Б



IV бўлим

МИСРАЛАРДА ИНСОН ҚИСМАТИ



МЕНДА МАЖНУННИНГ ИШҚИДАН ОРТИҚ ОШИҚЛИК
ИСТЕЪДОДИ – ҚОБИЛИЯТИ БОР.
ҲАҚИҚИЙ ОШИҚ МЕНМАН, МАЖНУН ФАҚАТ ОШИҚ
ДЕБ НОМ ЧИҚАРГАН, ХОЛОС.

Фузулий






БУГУН ДАРСДА:

- мустақил изланиб, Абайнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар билан танишамиз;
- Абай ижодининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаймиз;
- Абай фаолиятига ўз кўзқарашимизни ифодалаймиз.



АБАЙ (ИБРОҲИМ) ҚЎНОНБОВ (1845–1904)



Қозоқ ёзма адабиётининг асосчиларидан бири йирик мутафаккир, тенгсиз шоир, ўзига хос но-сир, моҳир педагог, истеъдодли таржимон, теран фикрли файласуф Қўнонбоев Абай (Иброҳим) 1845 йил 10 августда Семей уездининг Чингиз бўлисида бой хонадонидида туғилди.

Еттисувдаги Аҳмад Ризо мадрасасида таҳсил олган пайтда Шарқ мумтоз адабиётининг Фирдавсий, Саъдий, Навоий, Ғолибий сингари на-мояндалари асарларини ўрганган. Ушбу шоир-лар асарлари таъсирида халқни маърифатга ун-довчи шеърлар ёза бошлаган.


Абай дунёқарашининг шаклланишида Шарқ мумтоз шоирлари билан бирга Еттисувга сургун қилинган рус демократлари ва улар орқали Крилов, Пушкин, Лермонтов, Толстой асарлари билан танишиш муҳим омил бўлган. Унинг фикрича, кўчманчилик шароитида яшаб келаётган ва шу туфайли уруғ-уруғларга бўлиниб кетган қозоқ халқи менталитетидаги айрим қусурларни бартараф этмай туриб, ижтимоий ва маданий тараққиётга эришиш мумкин эмас. Шу мақсадда маърифат ва маданиятни тарғиб этувчи, яхши инсоний фазилат-ларни тарбияловчи дидактик йўналишдаги асарлар ёзишга катта эътибор берган. У қозоқ халқини маърифатга, маданиятга, инсонийликка ундовчи 44 та катта-кичик лавҳалардан иборат «Қора сўзлар» («Нақлия сўзлар») фалсафий ҳикоясини ёзган.

Абай Чернишевский ва Добролюбов сингари рус демократларининг ғоя-лари, Арасту, Сукрот, Афлотун, ҳатто, Гегелнинг фалсафий-дидактик қа-рашлари билан ҳам танишган. Унинг 200 дан зиёд шеър ва 4 дostonдан

иборат адабий меросида бу сиймолар таъсирида ёзилган асарлар оз эмас. Абай «Искандар» достонида македониялик Александр образига мурожат этиб, «Ажралганни бўри ер» деган ҳикматни тарқоқ ҳолда яшаб келаётган ватандошлари шуурига қуймоқчи бўлган.

Абайнинг адабий меросида «Масъуд», «Азим ривояти», «Вадим» сингари достонлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Абай шахсан ўзи шеърий ижод билан шуғулланибгина қолмай, фарзандларини ҳам адабиёт оламига олиб кирди. Улардан бири – Мағавияга «Менғат Қосим», Оқилбойга эса «Қиссаи Юсуф» достонларининг сюжетини «совға қилиб», шу асарларнинг ёзилишига сабабчи бўлган. Абай айна вақтда дўмбира чертиб, ўз шеърларига куйлар ҳам басталаган.

Мухтор Авезов ўз ижодий умрининг каттагина қисмини Абайнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишга сарфлаб, у ҳақда кўп жилдли «Абай йўли» эпопеясини яратган. Абайнинг аксар асарлари ўзбек тилига Миртемир ва бошқа шоир, ёзувчилар томонидан ўтирилган.







Зар қадрин зарғар билар

*Мен ўланни ёзмайман эрмак учун,
Ўтган-кетган гапларни термак учун.
Юрагида ўти бор, тили ширин,
Авлодимга бир сабоқ бермак учун.*

Абай





<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Ақлий ҳужум: Абай сўзининг луғавий маъноси нима? Унинг шоирга қай даражада таъсир кўрсатганлиги ҳақида мулоҳаза юритинг.2. «Кластер» усули орқали Абай ҳақида олган маълумотларни изоҳланг.
<p>Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none">1. Абай тил ўрганишга қандай муносабатда бўлганлиги ҳақида қўшимча манбалар орқали аниқланг ҳамда гуруҳда <i>тақдимот</i> тайёрланг.2. «Изланиш» усули орқали Абайнинг ҳаёти ва фаолиятини гуруҳларга бириккан ҳолда ўрганинг.<ol style="list-style-type: none">1-гуруҳ. Абайнинг ҳаёт йўли.2-гуруҳ. Шеърий асарлари.3-гуруҳ. Абайнинг қора сўзлари.4-гуруҳ. Абай номининг абадийлаштирилиши.
<p>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. «Муаллиф ўриндиғи» усули орқали Абай фаолиятига ўз кўзқарашингизни ифодаланг. Шоирнинг замондошлари ҳақидаги танқидий қарашларига ўз муносабатингизни билдириг.

ЎЛАН

Ўлан – сўзнинг пошшоси, сўз сараси,
Қийиндан қийилтирар эр доноси,
Тилга енгил, юракка илиқ тегиб,
Теп-текис, силлиқ келсин айланаси.

Сараланмай булганса сўз ораси,
Бу – оқиннинг билимсиз – бечораси.
Ҳам оқин, ҳам тингловчи кўпи нодон,
Сўз танимас бул юртнинг бир бораси.

Сўз боши аввал ҳадис, оят бўлур,
Шираси ҳам маъноси ғоят бўлур.
Пайғамбар ҳам сўзини ўлан қилган;
Ўлан айтай, шоядки кўнглим тўлур.

Ўландай хутба ўқиб кекса мулло,
Ўлан айтиб йиғлаган валиюлло,
Ҳамма ҳам чамасича ўлан ўқир,
Ўлан билан ёзилган калимулло.

Ўланга ишқимиз бор қадим чоқдин,
Лекин қандай наф бўлар мақтанмоқдин!
Ичи зар, сирти кумуш сўз яхшисин –
Келиштирар ким ҳам бор мўл қозоқдин?..

Сўзни чертиб сўзласанг ҳар ким сийлар,
Мақол қўшиб сўзларкан кекса бийлар.
Оқинлари беақл, нодон экан,
Бекор сўзни теридай нуқул ийлар.

Қўлида ҳам қўбизи, ҳам дўмбира,
Ҳаммага махтов ўқир, қўймас сира.
Ўлан айтиб хайр тилар элни кезиб,
Сўз қадрин ерга урар, бўлиб хира.

Мол учун сўзни безар, виждон сотар,
Мол учун бўйин эгар, молдай ётар.



Мол учун ҳам алдайди, ҳам аврайди,
Э, худо, шу оқинлар қачон қотар?

Бойларни махтай бериб сўз қолмабди,
Ўлан айтиб, мол йиғиб, бой бўлмабди.
Ўланнинг қадри кетди эл ичида,
Қадрини кеткизганлар йўқолмабди...

Кекса бийдек мақолга бурмагайман,
Ё оқиндек хайр тилаб юрмагайман.
Сўзим – ўзга, тингловчи, сен ҳам тузал,
Беҳуда гапдан суҳбат қурмагайман.

Эл чопган ботирлардан сўйлаб берсам,
Ошиқлар, маъшуқлардан куйлаб берсам,
Анчайин ҳангома деб тинглардингиз,
Сўзларнинг сарасини сўйлаб берсам...

Аммо, ақл чақирилмаган меҳмон эмиш,
Ақли борга бундай умр зиндон эмиш...
Кечиринг, нодонларга тегиб ўтсам,
Бу элда тўғри айтган ёмон эмиш...

Тўғри сўзлик ўланам, ўзинг кўркам!
Майли, татимаса ҳам сўйла бардам...
Бу юрт сўз ошиғимас, мол ошиғи,
Розиман, мингдан бири тушунса ҳам...





Ўзи билан ёвлашган юртим, тингла!
Ўзи билан довлашган юртим, тингла!
Дардингга даво бўлсин ўланларим,
Бир-бирини овлашган юртим, тингла!

Наҳот сенда қолмаган номус ва ор?
Наҳот номус ва инсоф эмас даркор?
Теран ўй, теран илм йўлинг очсин,
Ёлғон ўлан ва сўздан олам безор...

1887





<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. «<i>Муаммоли вазият</i>»: нима сабабдан шеър «Ўлан – сўзнинг пошшоси, сўз сараси», деб бошланган? 2. Шоир ўз шеърида сўз қудратидан қай йўсинда фойдаланганлигини аниқланг. 												
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. «<i>Ҳам оқин, ҳам тингловчи кўпи нодон, Сўз танимас бул юртнинг бир бораси</i>», – мисраларини шоир кимларга бағишлаган? Фикрингизни асосланг. 2. «SWOT» усули орқали асар мазмунини таҳлил қилинг ҳамда жадвални тўлдилинг. <table border="1" data-bbox="397 891 1138 1130"> <tr> <td>S</td> <td><i>Кучли жиҳатлари</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td>W</td> <td><i>Заиф жиҳатлари</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td>O</td> <td><i>Имкониятларни чамалаш</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td>T</td> <td><i>Ташқи омиллар таъсирини аниқлаш</i></td> <td></td> </tr> </table>	S	<i>Кучли жиҳатлари</i>		W	<i>Заиф жиҳатлари</i>		O	<i>Имкониятларни чамалаш</i>		T	<i>Ташқи омиллар таъсирини аниқлаш</i>	
S	<i>Кучли жиҳатлари</i>													
W	<i>Заиф жиҳатлари</i>													
O	<i>Имкониятларни чамалаш</i>													
T	<i>Ташқи омиллар таъсирини аниқлаш</i>													
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. «Беш дақиқали эссе» усули орқали «Шеъриятнинг инсон ҳаётидаги роли» мавзусида ижодий иш ёзинг. 												



2

БУГУН ДАРСДА:

- Абайнинг йил фасллари ҳақида ёзилган шеърлари билан танишамиз;
- шеърларидаги табиат тасвирини муҳокама қиламиз;
- адабий мавзуга оғзаки ва ёзма фикр-мулоҳазаларни билдирамиз.



КЎКЛАМ

Кўклам келса, қолмайди қишнинг изи,
Қулп урар кўкаламзор ернинг юзи;
Жон киради борлиққа, табиатга,
Она янглиғ жилмаяр куннинг кўзи.

Кулишар, ўлан айтар йигит-яланг,
Утовда ўтиролмас қари-қартанг;
Жон-жонивор, одамизод яйраб кетар,
Қушларнинг қўшиғидан ҳаво жаранг.

Қирдаги, сойдаги эл аралашар,
Қўй қўзилаб, оёққа ўралашар,
Қиш бўйи бир-бирини кўрмаганлар
Қучоқлашар, ўйнашар, ҳол сўрашар.

Туя бўзлар, от кишнар, қўра шов-шув,
Капалаклар гул излаб учар дув-дув.
Етти рангли гиламдай яшил тусда –
Сулув қиздай буралиб оқади сув.

Кўл ёқалаб учишар ўрдак ҳам ғоз,
Уя излаб югурар бола шоввоз;
Учар бтни эгарлаб кўлга тушсанг,
Чақмоқдай тез ов олар бўз довулбоз.

Қанжиғада ўлжаси – овчи қайтар,
Сулув қизлар нозланиб, салом айтар.



Қуш гўштига мос тушар нордон қимиз,
Баданингни балқитар, жимирлатар.

Кўкламдай кийинишар келинчаклар,
Чеккасида гунафша, бойчечаклар,
Қирда тўрғай сайраса, сойда булбул,
Гул билан тўлиб кетар – тул этаклар.

Дехқонлар қўш қўшади, экар экин,
Ҳафта ўтмай кўқарар экин-тикин,
Савдогарлар мол юклаб, туя қўмлаб,
Олис-олис йўллардан келар секин.

Оламга безак берган қодир мавлон,
Ер – она, қуёш – ота, нури жаҳон,
Онадай эмиздирар кўксидан ер,
Отадай меҳр тўқар ёруғ осмон.



Булут ұтса ариллаб оқади сой,
Кечаси чаман юлдуз ва тўлин ой,
Не қилсин қоронғида ярқйрамай,
Қуёш чиқар чоғида ҳолига вой.

Қуёш – ошиқ ерни кўп севар эмиш,
Ер ишқида ўртаниб, куяр эмиш,
Ошиқ йигит уфқдан кўринганда,
Юлдуз ва ой севгини қўяр эмиш.

Ошиқ – қуёш тун бўйи кутар эмиш.
Висол пайтин пойлаб кўз тутар эмиш,
Сахардан оғуш очиб севганини,
Муҳаббат оловида ўртар эмиш...

Қиш бўйи ер – қуёшни излар муштоқ,
Кута бериб сочлари бўлармиш оқ;
Кўклам ва ёз васлига қониб тоза,
Гул очилиб, тўлишармиш, етмай қучоқ.

Қуёшга тўғри боққан – кўр бўлади,
Қуёш кулса оламга нур тўлади.
Не билай, ўзим кўрдим, қуёш ҳар кеч –
Олтин чодирига кириб дам олади.

1890



КУЗ

Сур булутлар қошлаб олар кўкни бутун,
Қуюқ туман босиб келар бамисли тун.
Тўқлигидан ё совуққа йўқлигидан –
Уйир тўзар, ҳар томонга чопар қулун.

Майсаю гул-кўкатлар йўқ бурунгидай,
Ёш-яланг ҳам сурон солмас, ҳар ишга шай.
Кексайган чол-кампирдайин қовжирамиш
Баргларини тўкиб бўлган янтоқ, қуврай.



Вақти келиб қор кўтарар бунда қуюн,
Лекин ҳозир куз чалмоқда мунгли куйин.
Болаларин бувисига жун йигиртиб,
Ёш хотинлар ямаб-яқар ўтов-уйин.









Ғоз, турналар учар кўкда жануб сари,
Кун бир тутам, завқу сурур кўздан нари.
Овуллар ҳам файзи кетиб, мунғаймишдир
Эшитилмас элнинг ўйин-кулгулари.

Ел захридан изиллайди танлар жовраб,
Қора совуқ яланг қирда кезар довлаб.
Кўмик суяк, сарқит таом тегмагандан
Уйда ит ҳам йўқдир, кетган сичқон овлаб.

Қоронғи куз гирдобиди адир-тоғим,
Дил тундлашар қиш забтини туйган чоғим.
Ахир, олов ёнмас уйда – сурур қайдан,
Кўрган кунинг қуриб кетсин, ай қозоғим!





<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Шоир ўз шеърларида нима сабабдан табиат тасвирига мурожаат қилган? 2. Табиат оламининг тасвири билан инсон ҳаёти орасида боғлиқликни муҳокама қилинг. 										
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Шеър ҳақида ўз фикрларингизни «Тўрт фикр» усули орқали (бир гап билан) билдиринг. <table border="1" data-bbox="442 813 1180 1019"> <tr> <td>1. Фикр</td> <td></td> </tr> <tr> <td>2. Далил, исбот</td> <td></td> </tr> <tr> <td>3. Мисол</td> <td></td> </tr> <tr> <td>4. Хулоса, яқун</td> <td></td> </tr> </table>	1. Фикр		2. Далил, исбот		3. Мисол		4. Хулоса, яқун			
1. Фикр												
2. Далил, исбот												
3. Мисол												
4. Хулоса, яқун												
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> 1. Шеърларни ўрганиб, гуруҳда матн устида тадқиқот иши юритинг. Жадвални тўлдириг. <table border="1" data-bbox="442 1209 1180 1465"> <tr> <td>Ҳазалнинг асосий ғоясини топинг</td> <td></td> </tr> <tr> <td>Аниқ ва ноаниқ сўзлар</td> <td></td> </tr> <tr> <td>Фикрингизни расм билан тасвирланг</td> <td></td> </tr> <tr> <td>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</td> <td></td> </tr> <tr> <td>Тарбиявий хулоса чиқаринг</td> <td></td> </tr> </table>	Ҳазалнинг асосий ғоясини топинг		Аниқ ва ноаниқ сўзлар		Фикрингизни расм билан тасвирланг		Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг		Тарбиявий хулоса чиқаринг	
Ҳазалнинг асосий ғоясини топинг												
Аниқ ва ноаниқ сўзлар												
Фикрингизни расм билан тасвирланг												
Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг												
Тарбиявий хулоса чиқаринг												

3

БУГУН ДАРСДА:

- Абай кўзқарашларини ифодаловчи ўринларни топиб кўрсатамиз;
- тимсолларни яратиш усуллари ва воситалари, бадий тасвир воситаларини таҳлил қиламиз;
- ўзбек ва жаҳон адабиётининг асарларини қиёслаймиз.



ҚИШ

Оқ либосда, қурч гавдали, оқ соқолли –
Сочган захри тирик жонга ғовғо солди.
Уст-энгили қировда ва турқи совуқ,
Қадамини ғарч-ғурч босиб келиб қолди.

Нафасида – аксиригу аёз дуркун,
Кекса қуданг янглиғ келиб қолди бирдан.
Заб бостириб кийиб олган пахмоқ бўркин,
Ел-изғирин унга ўтмас – тетик, бардам.

Нақ булутдай қоши тўсиб икки кўзин,
Бош силкиса юрагингга қутқу солар.
Ногоҳ бўрон туриб дўқ-дов қилса шу зум,
Кенг даштдаги оқ қасрдек уй чайқалар.




Завқи тошиб чопиб юрган бола-бақра
Кўринмайди, юз-қўлини ушук урди.
Қават-қават чопон кийса ҳам молбоқар,
Аччиқ елга дош беролмай юз ўгирди.



Писандмасди йилқига қор ёрса қат-қат,
 Қўк аёзга улар қандоқ қилсин тоқат!
 Қўраларга оч қашқирлар тумшук солди,
 Ҳой, чорвангни ташлаб қўйма итга фақат!

Уйқусизлик ўлдирмайди, анграймагин,
 Қувват бўлар – кунгайларга ҳайда молни.
 Ит еганча Қўндибою Қанай есин,
 Қувиб юбор қасам урган манов чолни.



<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>		<p>1. <i>Ақлий ҳужум</i>: киш тасвири одам хулқига ўхшайди-ми? Қандай одамларни кишга ўхшатишингиз мумкин? Фикрингизни асосланг.</p>
<p>Таҳлил ва талқин</p>		<p>1. Шеърларни гуруҳда «<i>Адабий давра</i>» усули бўйича таҳлил қилинг.</p> <p>а) таҳлил қилиш – шеърлар мазмуни бўйича 5 та савол тузинг;</p> <p>б) аниқлаш – шеърларнинг қайси банди энг муҳим эканлигини далилланг;</p> <p>в) боғлаш – мазмунни ҳаёт билан боғланг;</p> <p>г) хулосалаш – асарда кўтарилган масалаларни яқунланг.</p>
<p>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</p>		<p>1. Шоирнинг қозоқ тилида ёзилган ёз фасли ҳақидаги шеърини топинг ва уни ўзбек тилига насрда таржима қилинг.</p> <p>2. Ўйил фасллари Абай тасвирида» мавзусида тақдимот ўтказинг.</p>

4

БУГУН ДАРСДА:

- Абайнинг шеърларидаги асосий мазмун-ғояни тушунтирамиз;
- жанр ва унинг белгиларини аниқлаймиз;
- адабий мавзуга оғзаки ва ёзма фикр-мулоҳазаларни билдирамиз.

**ЁЗ**

Ёз етди, қишнинг боши, дала бежой,
 Қора ел сўқиб турар бир-икки ой.
 Қор тушгунча яйловни фойда кўриб,
 Қишловдан ҳамон нари ўтирар бой.

Гадоё шўрлик юради пода боқиб,
 Ўтини йўқ исинса олов ёқиб.
 Хотин урчуқ йигирар, юнг савалаб,
 Чакмон тўқир совуқда елка қоқиб.

Жулдур ўтов ичида музлар гўдак,
 На қуюқ, на суюғи... бўзлар гўдак.



Чурук кигиз остида титрар бобо,
Тушида гўшт кўрганини сўзлар гўдак...

Қари қўй сўйдирар бой бахиллиги,
Оч юрибди камбағал ақллиги.
Уришмайин ярим қоп қий берса ҳам,
Қўйчи бойнингкаттакон сахийлиги...

Бўронда ҳам тўнгмайди бой боласи,
Овлоқ жойи – қозоқнинг кенг даласи.
Қарол ўғли бош букар хизматида,
Писанд эмас кўз ёши, оҳ-ноласи.

Соядай ҳам ўрни йўқ бой уйида,
Сорқўтга ҳам илинмас шу кўйида,
Лекин узоқ кетолмас, чораси йўқ,
Ё раббий, ҳар ким кулсин ўз тўйида!

Бой бўлса ўз ўғлидан кўнгли тўқ,
Ҳар дам мақтар: азамат, жуда бўлиқ...
Ошин эплаб ичолмас, ит боласи,
Қарол ўғли оч ётар, ранги сўлиқ...



ХАСТА ЮРАК

Хаста юрак тепади аста-секин,
Чарчаб қолган гавдамда жўш уролмай,
Гоҳо уни иссиқ қон босиб кетар,
Қийналар узун тунда дам ололмай.

Хаёл кўки қоронғу, қайғу енгган,
Эркалик ва дўстликни оғриқ кўрар.
Ақли йўқ, ори йўқ ҳовлиққанни,
Кунда кўриб улардан юз ўгирар.

Эслаб ўтган кунларин росо қўмсар,
Бу кунни кун демас қарғаб сўкар

Гоҳо тилаб бахт билан яна тинчлик.
 Гоҳо қайғу ғазабни яна истар.

Гоҳо йиғламоқ истар айтиб зорин,
 Шундай кунда туғилган дарднинг барин.
 Гоҳо уни яширар элу юртдан,
 Мазақлаб кеткизар, деб киши орин.

Хаста юрак тепади аста-секин
 Ўз дардини яшириб ҳеч билдирмай.
 Гоҳо босар иссиқ қон уни сокин
 Гоҳо бир дам жим қолар ун чиқармай.



<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> «Ёз етди, қишнинг боши, дала бежой...» деб бошланувчи шеърга сарлавҳа топинг. «Хаста юрак» шеърида тасвирланган қаҳрамонни аниқланг.
<p>Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none"> Берилган шеърларнинг таъсир этиш кучини аниқланг. <i>1-гуруҳ. Рухий</i> <i>2-гуруҳ. Эстетик</i> <i>3-гуруҳ. Тарбиявий</i> <i>4-гуруҳ. Ахлоқий</i> <i>5-гуруҳ. Маънавий</i>
<p>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>		<ol style="list-style-type: none"> Абай шеъриятида кўтарилган мавзу ва ғояларни маълум бир ўзбек адабиёти вакили ижоди билан қиёслаган ҳолда фикрингизни далиллар билан тўлдириб, газетага мақола тайёрланг.



1. «Абай» тахаллуси билан ижод қилган буюк қозоқ шоирининг асл исми ким?
А) Муҳаммад
Б) Умар
В) Чингиз
Г) Иброҳим
2. Қозоқ миллий оғзаки ижоди куйлаб келинган ўланларни ёзма адабиётга олиб кирган шоир ким?
А) Низомий
Б) Абай
В) Ғузулий
Г) тўғри жавоб йўқ
3. Абай куй басталаган қанча ўлан ҳозиргача оқинлар томонидан севиб ижро этилмоқда?
А) 15 та
Б) 18 та
В) 17 та
Г) 20 та
4. Абай қаламига мансуб шеърлар берилган қаторни топинг.
А) «Ўлан», «Кўклам», «Нидо»
Б) «Илм ўрган», «Тун»
В) «Шўрлик қозоғим», «Кўклам»
Г) А ва Б
5. Абайнинг «Ўлан» ва «Кўклам» шеърларини қайси шоир ўзбек тилига таржима қилган?
А) Ғафур Ғулом
Б) Ҳ.Олимжон
В) Миртемир
Г) Рауф Парфи
6. Абай мадрасада диний насихатлар билан чекланиб қолмасдан, қайси тилларни ўрганди?

- А) Араб, форс, турк
- Б) Араб, форс, эрон
- В) Араб, форс, туркман
- Г) Араб, форс, чигатой (ўзбек адабий тили)

7. Абайнинг табиат мавзусидаги илк шеъри берилган қаторни топинг.

- А) «Қиш»
- Б) «Ўлан – сўзнинг подшоси, сўз сараси»
- В) «Ёз»
- Г) «Куз»

8. Абайнинг нечта поэмаси бор?

- А) 2
- Б) 3
- В) 4
- Г) 5

9. Абайнинг қайси поэмасидаги воқеа «Минг бир тун» эртагидан олинган?

- А) «Искандар»
- Б) «Маъсуд»
- В) «Азим хангомаси»
- Г) «Энглик – Кебек»

10. *«Бўронда ҳам тўнгмайди бой боласи,
Оvloқ жой - қозоқнинг кенг даласи...».*
Ушбу парча Абайнинг қайси шеъридан олинган?

- А) «Куз»
- Б) «Ёз кетди, қишнинг боши, дала бежой»
- В) «Кўклам»
- Г) «Хаста юрак»

11. Абайнинг «Ўлан» шеърига куй-романс ёзган бастакор номи тўғри кўрсатилган қаторни топинг.

- А) Ш. Қалдаяқов
- Б) М.А. Гурьевич
- В) Айдос Роберт
- Г) Альберт Алмаганбетов

12. Абай ҳақида айтилган қуйидаги фикрлар кимга тегишли?



«Абай қозоқнинг классик адабиётининг отаси, қозоқ поэзиясининг қуёшдай порлоқ буюк сиймосидир».

- А) М. Аvezов
- Б) Ч. Айтматов
- С) С. Муқанов
- Д) Ғ. Ғулом

13. Абай ўзининг қайси шеърида камбағалнинг ночор аҳволини табиат билан солиштириб тасвирлаган?

- А) «Қиш»
- Б) «Ёз»
- В) «Ўлан»
- Г) «Куз»

14. Абайнинг «Қиш» шеърининг жанрини аниқланг.

- А) Табиат лирикаси
- Б) Ижтимоий лирика
- В) Интим лирика
- Г) Фалсафий лирика

15. Қуйидаги фикрлар кимга тегишли? «Ундан ўзган ҳали қозоқ боласида биз билган оқин бўлган эмас».

- А) А. Байтурсинов
- Б) М. Аvezов
- В) М. Шаханов
- Г) А. Бўкейханов




5

БУГУН ДАРСДА:

- шеърнинг жанр ва белгиларини аниқлаймиз;
- асардаги муаммолар устида ишлаймиз;
- дoston ҳақида ўз фикрларингизни билдираемиз.



МУҲАММАД СУЛАЙМОН ЎҒЛИ ФУЗУЛИЙ (1498–1556)



Шарқ элининг энг машҳур шоирларидан бири Муҳаммад Сулаймон Фузулий 1498 йилда Карбало шаҳрида зиёли оиласида дунёга келган. Отаси Баёт қабиласидан бўлиб, XV аср охирида Озарбайжондан Бағдодга кўчиб борган. Бағдод мадрасаларида таҳсил олиб, ўзи ҳам мударрислик қилган. Узоқ вақт Бағдодда яшаган. Озарбайжон ҳукмдори шоҳ Исмоил I Сафавий ва Туркия султони Сулаймон I Қонуний шоирни моддий жиҳатдан бир оз таъминлаб турганлар. Лекин унинг турмуши кўп вақт қийинчиликда ва камбағалчиликда ўтган. Ироқнинг Бағдод, Ҳилла, Нажаф каби шаҳарларида бир қанча муддат яшаган Фузулий она шаҳри Карбалога

қайтиб, шу ерда 1556 йилда вабо касалидан вафот этган.

Фузулий бой адабий анъанага эга бўлган форсий ва туркий адабиётнинг Хоқоний Ширвоний, Мужрим Байлагани, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Салмон Соважий, Ҳофиз Шерозий, Атоий, Лутфий, Алишер Навоий ижодини меҳр билан ўқиб-ўрганиб, уларнинг маҳорат сирларидан баҳраманд бўлган. Шоир ижодига, айниқса, Лутфий билан Навоий кучли таъсир кўрсатган. Шоир озарбайжон, форс ва араб тилларида ижод қилиб, «Муҳаббатнома», «Фарзанди дилбанд» каби девонлар тузган. Шоир ишқий лирикасида инсоннинг маънавий олами, жўшқин ҳис-туйғулар туғени, олижаноблик билан жаҳолат, очкўзлик ўртасидаги кураш, инсонга самимий, юксак муҳаббат билан боғлиқ ботиний кечинмалар акс эттирилган. Фузулий поэтик меросининг асосий қисми-ни ғазал ва қасидалар ташкил этади. Лутфийнинг ёзишича, ғазалиётда

Фузулийнинг «Навоийга ўхшаш ғаройиб бир ёқимли йўли ва ажойиб бир услуги бор» бўлган. Шеърларида лирик қаҳрамон ошиқнинг руҳий кечинмаларини, қалб сирларини бутун ички қарама-қаршиликлари билан мумкин қадар теран тасвирлашга эришган. Бунда ошиқ ўз маҳбуби йўлида ҳар қандай азоб-уқубатларни енгувчи, комил инсон сифатида намоён бўлади.


Фузулий ижодининг чўққиси 1536–1537 йилларда ёзилган «Лайли ва Мажнун» достонидир. Асар лирик-эпик характерда бўлиб, Шарқда машҳур бўлган анъанавий сюжет ва образлар асосида яратилган ва туркийзабон халқлар ўртасида кенг тарқалган. Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Ҳофизнинг «Девон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Чор девон» китоблари қаторида, Фузулий асарлари ҳам мадрасаларнинг ўқув дастурига киритилган. Фузулийнинг «Матлаъ ул-эйтиқод» фалсафий рисоласи, «Ҳадиқат ус-суадо», («Бахтиёрлар боғи»), «Сухбат ул-асмор» («Мевалар мунозараси»), «Шикоятнома», «Бангу бода» («Банг ва бода»), «Анис ул-қалб», («Қалб дўсти») «Етти жом» ёки «Соқийнома», «Ринду Зоҳид», «Сихҳат ва Мараз» («Соғлик ва беморлик») каби назмий-насрий, фалсафий-дидактик асарлари озарбайжон адабиётининг энг нодир дурдоналари ҳисобланади. Бадиий юксак асарлари билан озарбайжон адабиётини янги босқичга кўтарган Фузулий шеърларининг асосий мавзуси ҳам, ҳаракатлантирувчи кучи ҳам, бу шеърларни ичдан нурлантириб турган қувват манбаи ҳам ишқ. Мутасаввиф шоир сифатида илоҳий муҳаббатни улуғлаган, дунёга берилишни қоралаган. Инсонни камолотга олиб борадиган фазилатларни тараннум этиб, уни тубанлаштирадиган иллатларни танқид қилган.

Зар қағрин зарғар билар

Фузулий ўзидан кейинги барча туркийзабон шоирлар, жумладан, ўзбек шоирларига ҳам кучли таъсир кўрсатган. Фузулий таъсирида, унга эргашиб шеърлар битиш, шоир ғазалларига назира-татаббуълар ёзиш, мухаммаслар боғлаш деярли барча шоирлар ижодида учрайди. Фузулийнинг озарбайжонча девони ўзбек халқи орасида XVIII–XIX асрлардаёқ кенг тарқалган ва бир неча бор ўзбек тилида нашр қилинган.

Мирзо Кенжабек

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ДОСТОНИ



Асар парчасини «Жигсо» усули орқали ўзлаштиринг.

БУ СИФАТИ МАЖНУНДУР ВА ИБТИДОИ МЕХНАТИ ФУЗУНДУР

Бир дилбари сарвқадду гулрўй,
Сарви хушу гулруху суманбўй.
Ширин лаби маншаъи латофат,
Раъно қади дурдуғила офат.
Авсофи латофатинда сўз чўх,
Алтофи малоҳатинда сўз йўх.
Шахло кўзи наргиси пурафсун,
Зебо қоши наргис узраки нун.
Ҳусни гули лолаи шафақфом,
Зулфи хами лола узраки лом.
Оғзи сифатин худ этмак ўлмаз,
Асрори ниҳона етмак ўлмаз;
Зулфи сўзи – зикри ҳалқаи роз,
Лаъли лаби оби чашмаи ноз.
Даври мохи рўйи чашмаи нур,
Хоки кафи пойи – сурмаи ҳур.
Бир ғоят ила шамоили хўб-Ким,
Лайли ўланда анга матлуб.
Бир кўзгуя гар очиб кўзини,
Кўзгуда кўрайди ўз-ўзини,





Ўз оразина ўлурди майли,
Қилмазди ҳавойи ҳусни Лайли.
Ул ики суманбару саҳи қад,
Бир-бирини ўлдилар муқайяд.
Ул икки хароби бодаи завқ,
Бир жомдан ичдилар майи шавқ.
Гирдоби балоя ўлдилар ғарқ,
Қолмади ароларинда бир фарқ.
Авзои муҳолиф ўлди яксон,
Гўё икки танда эди бир жон.
Ҳар ким сўрар ўлса Қайса бир роз,
Лайлидан анга етарди овоз.
Ким Лайлия қилса бир хитоби,
Қайс эди анга веран жавоби.
Айларлар эди хати вафо машқ,
Ортарди дамодам онлара ишқ.
Лайлида ўхумоқ изтироби
Ўлса, руҳи Қайс эди китоби.
Машқ этмая Қайс олса бир хат,
Лайли қоши эди анга сархат.
Хат узра қилурди ул гўзаллар,
Минг ноз ила баҳслар, жадаллар.
Аммо на жадал – камоли улфат
На баҳс – них, ояти муҳаббат.
Чун бир неча муддат ул ики пок,
Авқот кечирдилар тарабнок.
Ишқ ўлдуғи ерда маҳфи ўлмаз,
Ишқ ичра ўлон қарор бўлмаз.
Ишқ оташина будур аломат–
Ким, бош чека шуълаи маломат.
Ҳусн офати ишқ ўлуб дамодам,
Галдикча иродат ўлди маҳкам.
Бир ғоята етди нашъаи ҳол–
Ким, ўлди ҳавасу ақл помол.
Қолмади забона тоби гуфтор,
Ким, айлаялар муҳаббат изҳор,
Қайфияти ҳоли қилмоға фош,
Галмишди тақаллума кўзу қош.
Айларди кўзила бу хитоби,

Қошила верарди у жавоби.
 Қошу кўз ила ўлон такаллум,
 Ҳам қилмади дафъи занни мардум.
 Мардумдан ўлам, дема канора!
 Мардум кўз ичиндадур на чора?!
 Ҳамроз зкан ул ики вафодор,
 Дамсоз экан ул ики жигар хор.
 Рафъ ўлди ҳижоби шоҳиди роз;
 Ишқ ўлди маломат ила дамсоз.
 Ошиқлара гизли қолмади ҳол,
 Маълум ўлди жамъи аҳвол.
 Гард ойинаи нишота душди,
 Минбаъд иш эҳтиёта душди.
 Сўйлашмая ул ики ягона,
 Қолмади сабаб магар баҳона.
 То ўлмая роз ошикоро,
 Даврон ила қилдилар мадоро.
 Бир навъ баҳона ила ҳар дам
 Кўнглини қилурди Қайс хуррам.
 Қасддан унудурди дарсин ул зор,
 Лайлия деурди: «Эй вафодор!
 Ҳифзи сабақ этди бағрими хун,
 Мандан, билирам, билурсан афзун,
 Ман билмадигим манга ўқутгил,
 Дарсим ўқуям, қулоқ тутгил!»
 Чун лавҳалар узра хат ёзарди,
 Қасддан хатини ғалат ёзарди.
 Яъники, хато таваҳҳум эда,
 Ул гул очилиб табассум эда.
 Гуфтора келарки: «Бу ғалатдир,
 Тарк этки, хилофи расми хатдир».
 Ўла сабаби такаллуми ёр,
 Фаҳм этмая муддаойи ағёр,
 Атфол қиланда давр бунёд,
 Вори бўйла айлаянда фарёд.
 Ул ёрина арзи ҳол эдардй,
 Ўзга даврин хаёл эдарди.
 Қилмазлар эди сўзини маълум,
 Билмазлар эди сўзина мафҳум.



Мақтабдан ўлон замонлар озод,
 Басл учун эдарди ҳийла бунёд:
 Қасд ила ниҳон эдиб китобин,
 Ҳаддан оширарди изтиробин.
 Лайли йўлини тутуб турарди,
 «Сан кўрдинг ўла?» деюб сўрарди.
 Яъни бу баҳона ила бир дам,
 Ёрин кўруб, ўла шоду хуррам.
 Илми хата умрин айлаюб сарф,
 Машқ этмиш эди хдмин ики ҳарф.
 Бир сафҳада «Лом» у «Ё» муқаррар.
 Ёзарди они қиларди азбар –
 Қим: «Бу ики ҳарфдур муродим,
 Равшан булар иладур саводим».



<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. <i>Муаммоли вазият:</i> «Лайли ва Мажнун» достони шоир фаолиятида қандай ўрин тутуди? 2. Асарни адиб қандай номлаган? Ушбу номдаги асарни қайси шоир ижодида учратиш мумкин?
<p>Таҳлил ва талқин</p>	 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Шоирнинг таҳаллуси ҳамда унинг ижодига таъсир кўрсатган шоирлар ҳақида маълумот йиғинг. 2. «<i>Балиқ скелети</i>» усули орқали парчадаги воқеалар силсиласини таҳлил қилинг.
<p>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. Парчадан олган таассуротларингизни «<i>ПОПС формуласи</i>» орқали ёритиб беринг. <i>1-гап: Менинг фикримча...</i> <i>2-гап: ...сабабини мен бундай тушунтираман</i> <i>3-гап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман...</i> <i>4-гап: Шунга асосланиб, мен бундай хулоса келдимки, ...</i>

6

БУГУН ДАРСАДА:

- матндан мустақил ҳолда муаллиф кўзқараши ифодасига боғлиқ парчаларни аниқлаймиз;
- дoston тимсолларини таҳлил қиламиз;
- асарни ҳиссий таъсир этиш нуқтаи назаридан таҳлил қиламиз.



Асар парчасини «Жигсо» усули орқали ўзлаштиринг.

БУ ЛАЙЛИЯ ОНАСИ ИТОБ ЭТДИГИДУР ВА БАҲОРИ ВАСЛИНА ХАЗОН ЕТДИГИДУР

Чун макр ила Қайси бад саранжом,
Бир неча замон кечурди айём.

Тадбир ила ишқ завқ вермаз,
Тадбир диёри ишқа кирмаз.

Ишқ ила риё дагил мувофиқ,
Расвой керак ҳамиша ошиқ.

Дилдан дила душди бу фасона,
Фoш ўлди бу можаро жаҳона-

Ким: «Қайс ўлубон асири Лайли,
Лайли дахи солмиш анга майли».

Тадрижи мабоди ила ногоҳ,
Лайлининг оноси ўлди огоҳ.

Ўдлара тутушди, яъса ботди,
Ул ғунча даҳона дил узотди.

Ёнар ўд ўлур чекуб забона,
Ул гулруха деди ёна-ёна:



«К-эй шўх, надур бу гуфтугўлар?
Қилмоқ санга таъна айбжўлар?

Нечун ўзинга зиён эдарсан?
Яхши одинги ёмон эдарсан?

Нечун санга таъна эда бадгў?
Номусинга лойиқ ишмидир бу?

Нозик баданила барги гулсан,
Аммо на дейим, экан енгилсан?

Лола киби санда лутф чўхдур,
Аммо на дейим юзинг очукдур.

Тамкини жунуна қилма табдил!
Қизсан, ужуз ўлма, қадринги бил!

Ҳар сурата акс киби бохма!
Ҳар кўрдигинга сув киби охма!

Май гарчи сафо верар димоға,
Охдиғи учун душар оёға.

Кўзгу киби қотти юзлу ўлма!
Наргис киби хира кўзлу ўлма!

Кўздан керак ўласан ниҳон сан,
То демак ўла сангаки, жонсан.

Сан шамъ сан, уймагил ҳавоя –
Ким, шамъи ҳдво верар фаноя.

Луъбат киби ўзинги безатма!
Равзан киби кўчалар кўзатма!

Соғар киби кезмайи ҳаром эт!
Нағма киби пардада мақом эт!



Соя киби ҳар ера юз урма!
Ҳеч кимса ила ўтурма, дурма!

Сан содасан, ўзга аҳли найранг,
Ҳаҳд айла, верилмасин санга ранг!

Дерлар сани ишқа мубталосан,
Бегоналар ила ошносан.

Сан қандану ишқ завқи қандан?
Сан қандану дўст шавқи қандан?

Ўғлон ажаб ўлмас ўлса ошиқ,
Ошиқлик иши қиза на лойиқ.

Эй ики, кўзим ёмон ўлур ор!
Номусимизи йитурма зинҳор!

Биз олам ичинда неқноммиз,
Маъруфи тамом хосу оммиз.

На нанг ила дахи эдалим лоф?
Биз демаялим, сан айла инсоф!

Тутким, санга қиймазам мани зор,
Мандан улу бир мудаббиринг вор.

Найларсан агар отанг эшитса,
Қаҳр ила санга сиёсат этса?

Минбаъд, гал, айла тарки мактаб,
Бил, абжадинги ҳамин жаду аб.

Этма қалам ила машқдан ёд,
Сўзан туту нақш айла бунёд.

Атфолдан айла қатъи улфат,
Дамроз етар ёиингда луббат.

Бут киби бир эвда айла манзил,
Ўлма дахи ҳар янгоя моил!





Анқо киби узлат айла пеша,
Ўйла равиш айлаким, ҳамиша!


Гарчи одинг ўла дилда мазкур,
Кўрмак сани-ўла ғайри мақдур.

Хуш улки, қизи ҳамиша гизлар,
Худ гизли керак ҳамиша қизлар».



<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<p>1. «Иссиқ ўриндик» усули орқали дostonнинг ўтган қисми бўйича фикр алмашинг.</p>  <p>2. Дostonда ижтимоий давр ва тузум ўз инъикосини қай йўсинда топган? Фикрингизни асосланг.</p>
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	 	<p>1. Лайли ва Мажнуннинг дардли муҳаббати ҳақида фикр юритинг. «Муҳаббат» сўзига «Синквейн», яъни беш мисрали шеър усулини қўлланг.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Битта от сўз туркуми, 2. Иккита сифат сўз туркуми, 3. Учта феъл сўз туркумига хос сўз 4. Тўрт сўздан иборат гап 5. Мавзуга доир бир синоним.

<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>	 	<p>2. Матн устида тадқиқот иши юритинг. Жадвални тўлдиринг.</p> <table border="1" data-bbox="398 257 1133 462"> <tr> <td><i>Матннинг асосий ғоясини топинг</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td><i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i></td> <td></td> </tr> </table>	<i>Матннинг асосий ғоясини топинг</i>		<i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i>		<i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i>		<i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i>	
<i>Матннинг асосий ғоясини топинг</i>										
<i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i>										
<i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i>										
<i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i>										
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>	 	<p>1. Достон ҳақида ўз фикрларингизни «Тўрт фикр» усули орқали (бир гап билан) билдиринг.</p> <table border="1" data-bbox="398 626 1133 831"> <tr> <td>1. Фикр</td> <td></td> </tr> <tr> <td>2. Далил, исбот</td> <td></td> </tr> <tr> <td>3. Мисол</td> <td></td> </tr> <tr> <td>4. Хулоса, яқун</td> <td></td> </tr> </table>	1. Фикр		2. Далил, исбот		3. Мисол		4. Хулоса, яқун	
1. Фикр										
2. Далил, исбот										
3. Мисол										
4. Хулоса, яқун										



Асар парчасини «Жигсо» усули орқали ўзлаштинг.

ҒАЗАЛИ ЛАЙЛИ

Фалак ойирди мани жавр ила жононимдан,
 Ҳазар этмазми ажаб нолаву афғонимдан?

Уда ёндирмаса гар шўъла ила нуҳ фалаки,
 На битар оташи оҳи дили сўзонимдан.

Ғами пинҳон мани ўлдирди, бу ҳам бир ғамким,
Гулрухим ўлмади оғаҳ ғами пинҳонимдан.

Оҳ эди ҳамнафасим, оҳки, ул ҳам охир,
Чикди икроҳ қилуб, кулбаи эҳзонимдан.

Ман, на ҳожатки, қилам доғи ниҳоним шарҳин,
Оқибат зоҳир ўлур чоки гирибонимдан.

Ҳақ билур, ёр дагил жону дилимдан ғойиб,
Нўла гар ғойиб эса дийдаи гирёнимдан.

Жон агар чиқса танимдан асари меҳри ила,
Асари меҳрини сонмангки, чиқар жонимдан.

Лутф эдуб, сан, магар, эй бад, бу кундан бўйла
Верасан бир хабар ул сарви хиромонимдан.

Эй Фузулмй, ғами ҳажр ила паришондур ҳол,
Кимса огоҳ дагил ҳоли паришонимдан.

Тамомийи суҳан

Соқий, кетур ул майи муғоний –
Ким, унудалим ғами жаҳоний!

Раҳм айлаки, қасди жон эдар ғам,
Бағрим ситам ила қон эдар ғам.

Қил ақлими бода ила зоил,
Чархинг ситаминдан айла ғофил.

Фарёдки, чарх бевафодур,
Доим иши жавр ила жафодур.

Бир одат ила мадори йўхдур,
Давронининг эътибори йўхдур.

Гар ҳамнафас этса ики ёри,
Бир ера гетира ики зори.



Албатта, сабаб солар ароя;
Онлари асир эдар балоя.

Биллоҳ, на ёмондур ошнолиқ,
Чун воқеъ ўлур яна жудолиқ.

ҒАЗАЛИ МАЖНУН

Эй хуш ул кунларки, ман ҳамроз эдим жонон ила,
Неъматини васлин кўруб, нозин чекардим жон ила.

Кўрмамишди гулшани айшим хазони тафриқа
Ўлмамишди тийра айёмим шаби ҳижрон ила.

Маҳвашимдан, дўстлар, даврон жудо истар мани,
Душманимдур, ҳеч билман нетмишам даврон ила.

Етса гар ошиқларинг афлоқа афғони, на суд,
Этмак ўлмаз моҳвашлар васлина афғон ила.

Ешириб сохлардим элдан доғи ҳижронин, агар
Этмак ўлсайди мадуро дийдаи гирён ила.

Завқдан дебоча боғланди китоби умрима
Қўймади даврон кеча авқотим ул унвон ила.

Эй Фузулий, ахтари бахтим мусоид ўлмади –
Ким, ўлам бир дам муқорин ул маҳи тобон ила.








Тамомийи сухан

Сўз мухтасар, ул асири савдо,
Бир навъ ила ўлди халқа расво –

Ким, Қайс экан, ўлди оди Мажнун,
Аҳволини этди ғам дигаргун.





<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Берилган парчани монолог сифатида ифодали ўқинг. Асар мазмунига кўра қайси машҳур Ғарб ёзувчисининг асарига ўхшаш?
<p>Таҳлил ва талқин</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Берилган парчанинг ёзилиши ва ҳикоя қилиш тилига эътибор беринг.2. «Оқилнинг олти қалпоғи» усули асосида асар парчасини таҳлил қилинг. 
<p>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Навоий асари билан Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» достони орасида қандай ўхшашлик ва фарқ бор? «Венн диаграммаси» орқали гуруҳда муҳокама қилинг.2. Парчага оид саҳна кўриниши тайёрланг ва синфдошларингизга кўрсатинг.



БУГУН ДАРСДА:

- тинглаган ва ўқиганларига ўз муносабатимизни билдираемиз;
- Лайли ва Мажнуннинг кечинмаларини изоҳлаймиз;
- дostonнинг тарбиявий ва ижтимоий аҳамиятини баҳолаймиз.



Асар парчасини «Жигсо» усули орқали ўзлаштиринг.

**БУ МАЖНУННИНГ ОТАСИ ЛАЙЛИЯ
ХОСТКОРЛИГИДИР ВА ЛАЙЛИ ОТАСИНИНГ
МАЖНУНДАН БЕЗОРЛИГИДУР**

Соқий, гатур ул шароби ноби –
Ким, етди нисоба ғам ҳисоби.

Ғам душмани жони мубталодир,
Дафъ айлая кўрки, бир балодир.

Сўз жавхарина ўлан харидор,
Бу навъ ила қилди гарм бозор –

Ким, ожиз ўлуб ғам ичра ул пир,
Мажнунина қилди фикри занжир –

Билдики, гар ўлмаз ўлса Лайли,
Мумкин дагил ўлмоғи тасалли.

Қилди талабин ўзина лозим,
Жамъ этди аклию лозим.

Уммид ила боғлади умуб ком,
Ул каъбайи орзуя эҳром.

Чун Лайли отоси билди ҳоли,
Уйдурди акобиру аоли.



Қоршуларина ўлуб равона,
Қилди улар ила азми хона.

«Аҳлан ва саҳлан!» деб дамодам,
Минг гез деди: «Ула хайр мақдам!»

Чун шамъ сифат улар ўтирди,
Ул сарв киби оёга дурди.

Уртоя буроқди турфа хонлар,
То коми дил ола меҳмонлар.

Ўлмишди дўлуб кабоб ила хон,
Жадоу хамал ила осмон сон.

Аммо ажаб, ар¹ қила хирадманд,
Ул хонлари осмона монанд.

Ҳар ким ғарази бу эрди хондан,
Бу мумкин ўлурми осмондан?

Хонлар гўтурилдигинда ул пир
Тақриб ила дардин этди тақрир:

«К-эй, қадрла қиблаи қабоил!
Сандан қамунинг муроди ҳосил.

Аслу насабим санга аёндур
Ҳукмим неча минг эва равондур.

Машҳури қабоилам саҳода,
Маъруфи тавоифам атода.

Ҳам вор муҳаббатимда таъсир,
Ҳам вор адоватимда ташвир.

Сардафтари аҳли рўзигорам,
Ҳар неча десам юз онча ворам.



Нахли амалим самар верубдур,
Ийзад манга бир гуҳар верубдур.

Ҳолс диларам бу турфа лўълўъ,
Бир лаъл ила ўла ҳамтарозу.

То лўълўъ ўланда лаъла восил,
Таркиб қилам муфарриҳи дил,

Чўх конлара тешаваш юз урдим,
Чўх лаъл ҳақиқатини сўрдим.

Ҳар қанда агарчи лаъл чўхдур,
Бир лаълки, лойиқ ўла йўхдур.

Бир лаълинг, зшитмишам, санинг вор –
Ким, лўълўъума удур сазовор.

Лутф айла инояту карам қил!
Ул лаъл ила дурри муҳтарам қил!

Қилсин гули сарв соя парвар,
Улсун гула сарв соя гўстар.

Фаҳм эт сўзими, тағофул этма!
Бир хайр ишидур тааллул этма!

Гар ҳосил ўлур бу ком сандан,
Хар наки, диларсан иста мандан!

Онча қилайин санга равон ганж –
Ким, ер юзин айлая ниҳон ганж.

Онча гуҳар айлайим равона –
Ким, бўлмаясан анга хазона».

Ул сарви суманбаринг отоси,
Ул ганжи ниҳонинг аждаҳоси



Лутф ила дедики: – «Эй хирадманд!
Ман киби асири доми фарзанд!

Сан хуш галдинг, сафо гатирдинг!
Тупроқлардан бизи гўтурдинг!

Мушкулча хитобдур хитобинг,
Билман неча верайин жавобинг.

Қурбинг билурам манга шарафдур,
Аммо халафинг ажаб халафдур,

«Мажнун» дея таън эдар халойиқ,
Мажнуна маним кизим на лойиқ?

Лайли демайимки, нозаниндур,
Бир тийра канизи камтариндур.

Улмазми каниз, жинси мардум?
Йўхдурми каниза ҳам тараҳҳум?

Дев ила пари ўлурми ҳамдам?
Ўлмаз сўзи очма, абсам, абсам!

Девонае зоеъ айлама ранж,
Вайрона керак онга, надур ганж?

Тадбир ила дўндарғ мизожин,
Савдосининг айласанг иложин.

Лайли онинг ўлсин айладим аҳд,
Вор энди, сан эт иложина жаҳд!





<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. Парчанинг мазмунини ёритиб берувчи 7 та таянч сўзни аниқланг ва иш дафтарингизга ёзиб олинг. Асар мазмунини ўз сўзингиз билан қайта сўзлаб беринг. 2. Нотаниш сўзларни устозингиз ёрдамида мазмунини шарҳланг. 																
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. Парчанинг авж нуқтасини топинг. Бу дostonнинг асосий ғоясини ёритиб бера олади? 2. Лайли ва Мажнуннинг кечинмаларини «Қарорлар шажараси» усули асосида изоҳланг. <div style="text-align: center; margin: 20px 0;"> <pre> graph TD A[МУАММО] -- 1-ҒОЯ --> B[ҚАРОР] A -- 2-ҒОЯ --> B A -- 3-ҒОЯ --> B </pre> </div>																
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. Дostonнинг тарбиявий ва ижтимоий аҳамиятини «Концептуал жадвал» график органайзери орқали баҳоланг. <table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse; margin-top: 10px;"> <thead> <tr> <th style="text-align: left; padding: 5px;">Асар аҳамиятини ёритувчи жиҳатлар</th> <th colspan="3" style="text-align: center; padding: 5px;">Муҳим белги ва тавсиялар</th> </tr> <tr> <th style="padding: 5px;"></th> <th style="text-align: center; padding: 5px;">+</th> <th style="text-align: center; padding: 5px;">-</th> <th style="text-align: center; padding: 5px;">?</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td style="padding: 5px;">Тарбиявий</td> <td style="width: 40px;"></td> <td style="width: 40px;"></td> <td style="width: 40px;"></td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Ижтимоий</td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </tbody> </table>	Асар аҳамиятини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белги ва тавсиялар				+	-	?	Тарбиявий				Ижтимоий			
Асар аҳамиятини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белги ва тавсиялар																	
	+	-	?															
Тарбиявий																		
Ижтимоий																		



1. Фузулийнинг насрий асари қайси жавобда тўғри берилган?
 - А) «Ҳафт жом»
 - Б) «Анис ул-қалб»
 - В) «Шикоятнома»
 - Г) «Сиҳат ва мараз»

2. Фузулий шоирлар ҳақида тўхталганда туркий шеъриятда Навоийни, форсийда Низомийни, араб адабиётида кимни тилга олади?
 - А) Фаридиддин Атторни
 - Б) Абу Ҳусайнни
 - В) Абу Нувосни
 - Г) Жомийни

3. Фузулий таҳаллусини маъноси қайси жавобда тўғри берилган?
 - А) фозил, фазилат эгаси
 - Б) ақлли, заковатли
 - В) дўст, доно
 - Г) тадбиркор киши

4. Озарбайжон ҳукмдори Исмоил Сафавий II ва Туркия султони Сулаймон Қонуний II қайси шоирни моддий томондан нафақа тайинлаб қўллаб-қувватлаган ижодкор қайси қаторда тўғри берилган?
 - А) Мирзо Ғолиб
 - Б) Фузулий
 - В) Бобур
 - Г) Махтумқули

5. *Еллар бир дақиқа тўхтанг эсишдан,
Сернаво булбуллар, сайраманг бироз.
Карбало даштида яёв кезишдан.
Чарчаб тин олмоқда Фузулий устоз.*
Фузулий ҳақидаги ушбу сатрлар қайси замондошимиз қаламига мансуб?
 - А) Ойбек
 - Б) Абдулла Орипов

- В) Эркин Воҳидов
Г) Ғофур Ғулом
- 6. Ғузулий ўз она тилидан бошқа яна қандай тилларда ижод қилган?**
А) турк, афғон
Б) араб, форс
В) араб, туркман
Г) форс, афғон
- 7. Шоир қайси турк ижодкорига жуда катта ихлос қўйган?**
А) Абдураҳмон Ҷомий
Б) Низомий
В) Алишер Навоий
Г) Хусрав Деҳлавий
- 8. Унга ҳомийлик қилган Исмоил Сафавий II қайси давлат ҳукмдори эди?**
А) Озарбайжон
Б) Туркия
В) Туркманистон
Г) Ироқ
- 9. Ғузулийнинг илк устозлари қайси қаторда тўғри берилган?**
А) Сулаймон Қонуний
Б) Абу Нувос
В) Ҳабибий
Г) Шоҳмалик
- 10. Шоир ижодининг чўққиси «Лайли ва Мажнун» достони қачон ёзилган?**
А) 1540–41 йилларда
Б) 1538–39 йилларда
В) 1536–37 йилларда
Г) 1542–43 йилларда
- 11. Мажнуннинг асл исми қайси қаторда берилган?**
А) Телба
Б) Қайс
В) Дарбадар
Г) Ибн Муҳаммад

12. Фузулийдан «Лайли ва Мажнун» достонини ёзишни кимлар илтимос қилишди?

- А) Подшо ва вазир
- Б) Абдурахмон Жомий
- В) Хусайн Бойқаро
- Г) Замонасининг донгдор олиму фозиллари

13. «Лайли ва Мажнун» достони қайси мавзуда битилган?

- А) Қахрамонлик
- Б) Тарихий
- В) Ишқ-муҳаббат
- Г) Дўстлик ва тарихий

14. Ижодкорнинг «Лайли ва Мажнун» достонида, асосан, қайси халқ ҳақида баён этилади?

- А) Қорақалпоқ халқи
- Б) Қирғиз халқи
- В) Ўзбек халқи
- Г) Қадим араб халқи

15. Шоирнинг «Лайли ва Мажнун» достонида Лайли ва Мажнуннинг тақдири қандай яқун топади?

- А) Охир-оқибат Мажнун ва Лайли нобуд бўлади.
- Б) Бирга умр кечирадилар.
- В) Сувда оқиб кетадилар.
- Г) Ўзга юртга қочиб кетадилар.




БУГУН ДАРСДА:

- атамаларни таҳлил қиламиз;
- парчанинг мавзу ғоясини очишдаги аҳамиятини тушунтирамиз;
- умумий ва ўзига хос белгиларини тушунтирган ҳолда асарларни қиёслаймиз.



ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР


(1564–1616)



Ҳақли равишда «барча замонларнинг буюк адиби» деган эътирофга сазовор бўлган англиялик драматург, актёр Вильям Шекспир 1564 йил 23 апрелда Стратфорд шахрида оддий новвой оиласида дунёга келган. 1590 йили Лондонга келиб, театр учун сахна асарлари ёза бошлаган. Ижодий умри мобайнида Шекспир 36 та драматик асар, 154 сонет ва бир неча дoston ёзган. Лекин булардан бирортаси ҳам муаллиф ҳаётлик чоғида чоп этилмаган.

У: «Бутун дунё – театр, одамлар эса унда фақат роль ўйнашади», – дейишни яхши кўрарди. Бу унинг фақат севимли ибораси эмас, балки бутун аъмоли ва инсон ҳамда олам ҳақидаги қарашларини ифода этадиган ҳикмати эди. Унинг дастлабки пьесалари «Қайсар қизнинг қуйилиши», «Ёз оқшомидаги туш», «Йўқ нарсага минг ғалва» номли комедияларини ичаклари узилгудек кулиб, «Гамлет», «Отелло», «Ромео ва Жульетта», «Макбет», «Қирол Лир» каби фожиаларини йиғлаб, «Қиш эртаги», «Бўрон» каби эртак асарларини энтикиб томоша қилишарди. У қайси мавзуда, қандай жанрда асар ёзмасин, ўз қисмати ролини чинакам, юракдан берилиб ўйнаётган одамлар ва уларнинг тақдирлари, фожиалари, орзу-ўйлари ҳақида ёзарди. Унинг ўзи ҳам тақдир, ҳаёт деган ролни бор кўриниши, оғриқлари, мусибатлари, синовлари билан ўйнашга маҳкум қилинганди.

1590 йиллардан сўнг Шекспирнинг номи Лондон театрлари ихлосмандлари ва танқидчилари шарҳида кўрина бошлади. Бу пайтда Шекспир театрга дадил кириб келган ва бирдан шуҳрат қозона бошлаганди. Унга ўша



даврининг энг машхур театруноси ва драматурги Роберт Грин томонидан берилган «сахнани титроққа солди» деган таъриф машхур бўлиб кетган. Бу сўз ўйини бўлиб, Шекспир, яъни инглизчадаги Shake-speare сўзининг ўзи «жанггоҳни титратувчи» деган маънони беради.

1592–1594 йилларда вабо туфайли Лондон театри ёпилди. Бу даврда Шекспир бир нечта тарихий асарларга қўл урди. «Ричард III», «Венера ва Адонис», «Лукреция» каби асарлар шу даврда дунёга келди. Шекспир ўз даврининг фожиалари ҳамда конфликтлари илдизини ўтмишдан излаб тарих орқали хулоса чиқармоқчи бўлди. Шу сабабли унинг бир қанча тарихий шахсларга бағишланган драмалари дунёга келди. Кейинчалик Шекспир ўз маслакдошлари билан бирга машхур «Глобус» театрини ташкил қилди ва бу театрнинг хўжайинларидан бирига айланди. Адибнинг энг улуғ асарлари ана шу театр сахнасида дунёга келди, ўзи орзу қилгандай «Глобус» сахнасини ҳаёт-мамот сахнасига, инсон ва жамият, инсон ва тақдир, инсон ва муҳит, инсон ва ахлоқ, инсон ва ёвузлик, инсон ва тубанлик тўқнашуви сахнасига айлантирди. Асарлари уни улуғлар сафига олиб чиқди. «Ромео ва Жульетта», «Ричард III», «Генрих IV», «Отелло», «Қирол Лир», «Антоний ва Клеопатра», «Кориолан», «Макбет», «Юлий Цезарь», «Гамлет», «Генрих VI», «Афиналик Тимон», «Троил ва Крессида» каби сахна асарлари Шекспирни ҳам, Лондон театрини ҳам оламга машхур қилди. Бу асарларнинг аксариятида Шекспир шахс билан муҳит тўқнаш келган тақдирларни асос қилиб олиб инсон ва олам ҳақида ўз қарашларини баён этди.

Шекспир асарларининг ўзбек сахнасида ўйналиши бир қарашда оддий воқеага ўхшайди: дунёдаги барча мамлакатлар, барча миллатлар Шекспир асарини ўйнаган ва бу ерда ғайритабиийлик йўқ. Бироқ Шекспир ўзбек театр тафаккурини янги поғонага кўтариб берди, уни жаҳоний мезонлар билан бўйлаштирди. Дунё адабиётини, тафаккурини ўрганиш улуғлик ва жаҳон билан бўйлашиш дегани. Фахрли томони шундаки, Шекспир асарлари ўзбек театрида қўйилиши билан ўзбеклар буюклик борасида ҳеч қайси улуғ халқдан қолишмаслиги аён бўлади. Бу эса оламшумул аҳамиятга молик ҳақиқатдир.

ҲАМЛЕТ
(Дания шаҳзодаси)

Беш пардали фожиа
ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Клавдий	Дания (Данимарқа) қироли
Ҳамлет	илгариги қиролнинг ўғли, ҳозиргисининг жияни
Полоний	сарой вазири
Горацио	Ҳамлетнинг дўсти
Лаэрт	Полонийнинг ўғли
Вольтиманд, Корнелий, Розенкранц	сарой аҳллари
Гильденстерн	
Озрик	
Аслзода	
Поп	
Марцелл, Бернардо	мулозимлар
Франциско	сарбоз
Рейнальдо	Полонийнинг хизматкори
Актёрлар	
Икки гўрков	
Фортинбрас	Норвегия шаҳзодаси
Капитан	
Инглиз элчилари	
Гертруда	Дания маликаси (қироличаси). Ҳамлетнинг онаси
Офелия	Полонийнинг қизи
Лордлар, ледилар, мулозимлар, солдатлар, матрослар, маҳрамлар, чопарлар.	
Бурунги қиролнинг (Ҳамлетнинг отасининг) арвоҳи.	
Воқеа жойи: Эльсинор	

І ПАРДА БИРИНЧИ САХНА

Эльсинор. Қаср олдыда майдонча. Ярим кеча. Франциско пойлоқда турибди. Соат ўн иккени урмоқда. Бернардо унинг ёнига келиб қолади.

Бернардо: Ким бор бунда?

Франциско: Сен ўзинг кимсан, айт, аввал.

Бернардо: Яшасин қиролимиз!

Франциско: Бернардо?

Бернардо: Ҳа, мен.

Франциско: Баракалла, келдингиз худди пайтида.

Бернардо: Бориб ухла, Франциско, соат ўн икки.

Франциско: Алмашгани келибсиз, раҳмат биродар,

Ҳам совқотдим ва ҳамда юракда ғаш бор.

Бернардо: Осойишми пойлоқда?

Франциско: Ҳамма ёқ сокин.

Бернардо: Хайрли кеч бўлмаса.

Учраб қолса мабодо Гораций, Марцелл,

Айтинг: барвақт келсинлар навбатларига!

Франциско: Келмоқдалар чамаси, ҳай, тўхта, ким у?

Горацио ва Марцелл кириб келадилар.

Горацио: Бу диёрнинг дўстимиз.

Марцелл: Ва шоҳ қароли.

Франциско: Хайрли кеч!..

Марцелл: Хайр сенга, айт-чи, ўрнингга

Ким келибди?

Франциско: Бернардо пойлоқда ҳозир.

Яхши қолинг.

(Кетади)

Марцелл: Ҳай, Бернардо!

Бернардо: Гапиринг. Гораций борми?

Горацио: Горацийми? Ҳа, бир нав борга ўхшайди.

Бернардо: Дўстим Марцелл, хуш кўрдик, Гораций, салом.

Марцелл: Кўриндими бугун ҳам у ажойибот?

Бернардо: Ҳозирча тинчлик!

Марцелл: Гораций ўйлайдики, бу гаплар тамом

Хаёлнинг бир жилваси.

Ишонмайдики,

Икки марта кўринди бизга у арвоҳ.



Шу учун ҳам бу кеча биз билан баҳам
Посбонда тур дедим; у арвоҳ келиб –
Ошкора кўринса, гаплашсин ўзи,
Ва гумондан қутулсин.

Горацио: Келиб бўлибди!

Бернардо: Ўтирайлик. Ва яна бўлса ижозат,
Бизга бовар қилмаган қулоғингизга
Бор гапларни нақл этиб, айласак ҳамла.

Горацио: Хўш! Тинглайлик, нима дер бизга Бернардо.

Бернардо: Кеча, Ҳулкар юлдузи учиб кетмасдан
Соат бир бўлган эди, мен билан Марцелл...

Арвоҳ кириб келади.

Марцелл: Ссс...Жим тургин. Ана боқ, тагин у арвоҳ.

Бернардо: Қиёфаси – раҳматлик қиролнинг ўзи.

Марцелл: Сен – донишманд, Гораций, сўзлаш у билан.

Бернардо: Хўш, гапир-чи, қиролга ўхшайдими, ҳа?

Горацио: Ўхшаганда ҳам қандай! Ҳайронман, мотман,

Бернардо: Сендан савол кутар у¹.

Марцелл: Сўра, Гораций.

Горацио: Кимсан ўзинг, тун чоғи Дания мулкин –
Жаннатмакон шоҳидай басавлат келган?

Худованднинг амри-ла аврайман сени –
Жавоб бер!

Марцелл: Ранжиб қолди.

Бернардо: У кетаётир.

Горацио: Кетма! Сўзла! Жавоб бер! Аврайман сени!

Арвоҳ кетади.

Марцелл: Гапиргуси келмасдан кетиб қолди у.

Бернардо: Хўш, Гораций? Не дерсиз? Тан берасизми?

Энди қани, хаёлнинг жилвасими бу?

Нима дейсиз?

Горацио: Тангрига онт ичаманки,
Ишонмасдим, кўрмасам ўз кўзим билан.

Марцелл: Подшоҳга ўхшашин десанг-чи.

Горацио: Балли –

Сен ўзингга сен ўзинг ўхшаганингдай.

Яна шуки, эгнида совут-анжоми

Норвег жанги кунда кийган либослар.

¹ Қадимги одамларнинг эътиқодига кўра, арвоҳлар биринчи бўлиб ўзлари гапирмас эканлар.

Чехраси-чи, бадқовоқ, худи Польшанинг –
Элчиларин жаҳл ила музга ташлатган
Маҳалдаги юзидир. Ажиб, ажойиб.

Марцелл: Икки марта кечанинг айни шу чоғи
Ёнимиздан ўтди у серсавлат, мағрур.

Горацио: Буни ақлим батафсил таъбир қилолмас,
Ўйлашимча, давлатга ҳалокат – бало
Қоладиган чоғларнинг аломати бу.

Марцелл: Ҳай, тўхтанглар. Ўтиринг. Ким менга айтар:
Фуқарони кечалар қийнаган, сиққан
Соқчиларда не учун шунча қаттиқлик?
Қуйилмоқда мис тўплар янгидан нега?
Чет эллардан яроғлар олинар нечун?
Ҳафта бўйи, якшанба ҳордиқ олмасдан
Кемасозлар ишининг боиси нима?
Кечани ҳам кундузга мададкор қилиб
Тер тўкмоқнинг, ғайратнинг қаерда сири?
Ким буларни англатар?

Горацио: Билганим айтай.

Ҳар қолда овоза менга маълумки,
Ҳозиргина арвоҳи юрган бу шоҳни
Норвегларнинг қироли жангга қистади.
Бу урушда енгганди Ҳамлет отаси,
(Зотан унинг мардлиги оламга машҳур)
Маҳв бўлганди ёв тамом. Аҳднома ила
Қайси томон енгилса бу жанг-жадалда
Воз кечмоғи керакди ўз ерларидан.
Демак, Норвег шоҳининг – Фортинбраснинг
Барча мулки ўтганди ота – Ҳамлетга.
Ҳозир-чи: ўлиб кетган Фортинбраснинг
Вориси ёш Фортинбрас тўлиб журъатга
Норвегияда йўлтўсар тўдалар йиғди.
У кишининг нияти – қайтадаи яна
Қўлдан кетган ерларни зўрлаб эгаллаш.
Бизга етган хабарлар буни тасдиқлар.
Ўйлашимча, бизда шу довдираш – қайғу,
Сафарбозлик, ўлкада андиша – ташвиш
Ҳаммаси ҳам шу важдан.



Бернардо: Ҳа, ҳа, худди шундадир ҳамма масала,
Шоҳга ўхшаб пойлоқда юрган шу арвоҳ
Совут кийиб юргани бекор эмасда.

Горацио: У, ақлимнинг кўкларин хира қилган доғ.

Мен Румонинг савлатли зафар кунларин,
Буюк Юлий¹ қақшаган чоғни эслайман;
У замонлар гўрларнинг бўш турган ичи,
Кўчаларда ўликлар ташланиб ётган.

Юлдузларнинг ўтидан қизарган шабнам,
Доғлар пайдо бўлганмиш, қуёшда, ой ҳам
Қиёмат бўлгусидай қорайиб қолган,
Шундай ёмон офатдан, фалокатлардан
Огоҳ қилай деб бизнинг ҳамшаҳарларни –
Шум чопарни юборган бизга ҳам фалак.

Арвоҳ қайтиб келади.

Жим бўлинглар! У келди... Нима бўлса ҳам
Тўхтагаман. Тебранма, тўхта, эй арвоҳ!
Агар бўлса сал нутқинг,

Айт сиринг менга

Балки сенга фотиҳа, бизларга савоб
Бўладиган кори-хайр қилмоқлик шартдир.

Айт сиринг менга,

Балки, бизнинг диёрга бир бало келган.

Бу балони қайтармоқ мумкиндир балки.

Сиринг айт менга!

Балки тирик чоғингда ҳаромхўрлик-ла

Жамғарган бир ғазнани ерга кўмгансан.

Дерларки ғазналарга арвоҳлар кўп ўч.

Сиринг айтгин! Тўхтагин!.. Айт сиринг менга!

Хўроз қичқиради.

Марцелл, ушла!

Марцелл: Чопайми ойболта билан?

Горацио: Пиртилласа чопавур.

Бернардо: Ана, боқ!

Горацио: Ана!

Арвоҳ кетади.

Марцелл: Кетиб қолди. Биздаги бу зўравонлик

У шоҳона ҳазратга оғир ҳақорат.

¹ Юлий Цезарь (Милоддан илгари 100-44 йиллар) Рим императори. Брут бошлиқ суиқасдчилар томонидан ўлдирилган (Шекспирнинг «Юлий Цезарь» трагедиясига қаралсин).

У ҳавода буғ каби ушланмайдиган.
Бизнинг қилич зарбимиз – масхара, холос.
Бернардо: Шу хўроз қичқирмаса, у сўзлар эди.
Горацио: Ҳа, шунда бир сесканди гуноҳкор каби,
Айтмоқчи бўлганидан чўчиди гўё.
Дерларки, гўё хўроз тонг карнайчиси,
Қийқириб уйғотади кундуз тангрисин.
Гўё унинг садосин эшитгач ҳамон –
Ҳаводами, ўтдами, қуруқда, сувда
Кезаётган саёқ руҳ уйга шошилар.
Бу қиссанинг далилин биз ҳозир кўрдик.
Марцелл: Ростдан. Хўроз қичқиргач у хира бўлди.
Элда бир эътиқод бор, гўё ҳар қишда
Ҳазрат Исо байрами арафасида
Туни билан қичқириб тураркан хўроз.
Дейдиларки, у кеча – арвоҳлар жимжит,
Тунлар – сокин, юлдузлар – беозор бўлур,
Сехргарлар, парилар жоду қилолмас,
Шундай эзгу, муқаддас вақт экан у вақт.
Горацио: Мен ҳам бундай гапларни эшитган эдим.
Энди қўйинг.
Ана тонг алвон либосда
Адирларнинг шабнамин топтайди шарқда.
Посбонларга ижозат. Яна маслаҳат:
Кўрганларни шаҳзода Ҳамлетга айтсак.
Аминманки, бизга лол келган шу арвоҳ
Ҳамлетга учраб қолса киради тилга.
Дўстлар, қани, не дерсиз?
Унга барчамиз
Меҳру ихлос қўйибмиз.
Энди бўлмаса –
Бор гапларни батамом айтайлик унга!
Марцелл: Фикримча айтмоқ лозим. Зотан шу бугун –
Унинг қайдалигини яхши биламан.
Кетадилар.

«Бутун дунё – театр, одамлар эса унда фақат роль ўйнашади».

В.Шекспир



<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. «Изланиш» усули воситасида дарсликдан ва қўшимча манбалардан Шекспирнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни ўзлаштиринг.2. Фожеа жанри ҳақида билган маълумотларингизни айтинг.3. «Ҳамлет» фожеасига қандай таъриф берган бўлар эдингиз?
<p>Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none">1. «Ҳамлет» фожеаси воқеалари бўлиб ўтган давр ҳақидаги қарашларингизни билдиринг.2. Фожеа мазмуни бўйича «5W» усули асосида саволлар тузинг.<ol style="list-style-type: none">1. «КИМ?»2. «НИМА?»3. «ҚАЕРДА?»4. «ҚАЧОН?»5. «НИМА УЧУН?»
<p>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Адибнинг драматургияси ҳақида тўхталинг. Улар орасида муаллиф номини дунёдага машҳур қилган асарлари тутган ўринни аниқланг.2. «Ҳамлет» фожеаси сюжети сиз ўрганган қайси асар сюжетига ўхшайди? Ҳар иккала асарни қийёсланг.



10

БУГУН ДАРСДА:

- калит сўзларни аниқлаш орқали асар матни билан ишлаймиз;
- асар қаҳрамонларини уларнинг тимсоллар тизимидаги роли ва аҳамиятини аниқлаган ҳолда тавсифлаймиз;
- ҳиссий таъсир этиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўзбек ва жаҳон адабиётининг асарларини қиёслаймиз.



ИККИНЧИ САҲНА

Қасрда қабулхона зали. Қирол, малика, Ҳамлет, Полоний, Лаэрт, Вольтиманд, Корнелий, сарой аҳли ва маҳрамлар кириб келадилар.

Қирол: Гарчи Ҳамлет оғамиз азасида биз
Қора кийиб қайғуриб юрмоғимиз шарт,
Давлатимиз бу оғир мотамдан йиғлаб
Фалокатдан вовайло қичқирмоғи фарз,
Аммо ақл енгади киши хилқатин.
Бундан кейин унутмай биз ўзимизни,
У марҳумни енгилроқ эсга олайлик,
Бинобарин, мен – бизнинг ҳамширамизга,
Бугунги кун бонумиз, маликамизга –
Рафиқам деб уйланиб олмоқчи бўлдим.
Алам билан қувончлар қатишиб кетди.
Кўз ёшлари қаришди табассумларга.
Бамаслаҳат қилинди бу хайрли иш,
Ҳамма бизга раъй бериб, маъқул дейишди.
Ҳаммангизга ташаккур... Иккинчи сўзим:
Норвегнинг шаҳзодаси ёш Фортинбрас
Писанд қилмай бизларни, ўйламишдирки,
Вафот бўлгач оғамиз, эл бўлур барбод.
Мамлакатда иттифоқ бузилур тамом.
У ўзининг юлдузин ўйлабди баланд,
Ҳозир талаб қилмоқда ота юртларин,
У юртларки, оғамиз инсоф юзидан
Қўшган эди ўзининг мамлакатига.
У ҳақдаги хабарлар шундан иборат.
Энди, бизнинг кенгашнинг важини айтай:
Мана биз шу мактубни юбормоқчимиз –



Норвег шоҳи, Фортинбрас амакисига.
 У жуда ҳам қартайган ва шу туфайли,
 Эҳтимолки, билмайди жиян феълини.
 Биз бу хатда қиролдан илтимос қилдик –
Жиянин тийиб қўйсин, чунки аслида
 Ҳамма қўшин у шоҳнинг фуқаросидан,
 Ҳаммаси ҳам нон ейди хазинасидан,
 Марҳаматли Вольтиманд ва сиз Корнелий
 Бу мактубни элтингиз кекса подшога.
 Салом айтинг Фортинбрас амакисига.
 Элчиликнинг ҳаддидан чиқмангиз сира,
 У шоҳ билан суҳбатда одоб сақлангиз,
 Қоидаю қонунга қилинг риоя.
 Яхши боринг... Чаққонлик ихлосга исбот.
Корнелий ҳам Вольтиманд: Ҳар галгидай бу гал ҳам қилурмиз исбот.
Қирол: Бунга йўқдир шубҳамиз. Сизларга оқ йўл!
Вольтиманд ва Корнелий кетадилар
 Қани, Лаэрт, сўйланг-чи, янги нима гап?
 Деб эдингиз:
 Арзим бор. Айтингиз нима?
 Қайси маъқул бир ишки, сўралса биздан
 Қондиурмиз адбатта. Ҳеч бир арзингиз –
 Биз томондан сира рад этилмас, билинг.
 Дил ва калла қанчалик ошно бўлса,
 Оғизнинг хизматида қанча юрса қўл –
 Отангизга тахтимиз шунча мададкор.
 Қани, хизмат?
Лаэрт: Подшоҳим, рухсат берингиз,
 Францияга мен яна қайтиб борайин.
 Мен ҳазратнинг тож қўйиш маросимида
 Қатнашгани у ердан жўнаб келгандим.
 Кечирингиз, бурчимни адо айладим,
 Энди фикру хаёлим ундар у ерга.
 Таъзим билан сўрайман сиздан ижозат.
Қирол: Отанг рухсат бердими? Не дер Полоний?
Полоний: Жонга тегди, подшоҳим, ҳадеб ялиниб.
 Айнитмоқчи бўлсам-да, ҳеч кор қилмади.
 Розилигим билдирдим, охир, ноилож,
 Сиз ҳам уни ярлақанг, майли, жўнасин!



Қирол: Соат қулай, бахтинг ёр бўлсин, эй Лаэрт.
 Таъбинг нечук хоҳласа, шундай юравер.
 А, Ҳамлет-чи? Нима дер жигарпорамиз?
Ҳамлет (*Ўзи-ўзига*): Жигарпора: ва лекин ётдан ҳам бадтар.
Қирол: Нега яна юзингда булут сояси?
Ҳамлет: Йўқ, аксинча: ножўя равшанлик бордир.
Малика: Ҳамлет, етар, тун каби бадқовоқ бўлма,
 Сен қиролга меҳрибон кўз билан қара.
 Қачонгача отамнинг тупроқда изин
 Топайин, деб сен ерга қараб юрасан?
 Бу тақдири азалдир, тирик жон ўлар,
 Умр битгач, мангуга у кўчиб қолар.
Ҳамлет: Бу тақдирий азалдир.
Малика: Бўлмаса нега –
 Азанг, гўё, мислсиз кўринар сенга?
Ҳамлет: «Гўё» эмас, маликам, зотан ўзи шу.
 «Гўё»ларга мен ётман. Бу сипоҳи тўн,
 Қора кийим, энтиккан кескин нафаслар,
 Кўз ёшлардан қуйилган хуноб оқинлар,
 Ҳатто ғамнинг ҳар турли кўринишлари
 Дилимдаги ҳасратни изҳор қилолмас,
 Чунки улар ҳаммаси сунъий, ясама.
 Булар бирор қилиқки, ўйнамоқ осон.
 Дардларим-чи, а – улар бўёқларга ёт.
 Менинг дардим ясаниб ўртага чиқмас.
Қирол: Баракалла, қойилман сўзингга, Ҳамлет,
 Сен отангинг азасини маҳкам тутасан,
 Аммо билки, отангинг отаси бўлган,
 У ҳам ўлган. Ҳоказо, унинг отаси.
 Оталарнинг вафотин кўрган ўғиллар
 Бирор муддат аламли юрмоғи лозим.
 Аммо нуқул азалик бўлмоқ беҳуда,
 Бундай мотам эркакка муносиб эмас.
 Бу кўп разил хоҳишлар аломатидир.
 Бу кўр юрак, ишончсиз ақлу фаросат
 Ва кўп дағал тушунча белгиси холос.
 Бу бандалик, ҳаммага тааллуқли иш.
 Бунга қарши жаврамоқ айни куфр-ку.
 Парвардигор наздида бу – улуғ гуноҳ,
 Раҳматликка нисбатан бу зўр гуноҳдир.

Бу гуноҳдир табиат – хилқат олдида,
Ақлузеҳн олдида бу катта гуноҳ.
Чунки ақлузеҳнимиз бунга кўниккан,
Оталарнинг ўлмоғи эски бир одат.
Энг биринчи жасадни ақлимиз эслаб,
Энг сўнгги тобутни ҳам жўната туриб
Шундай дейди: «Ҳа, шундай бўлмоғи лозим».
Аламингни қоқ, ташла, илтимосим шу:
Юрагингда қабул эт бизни ота деб.
Бутун олам билсинки, сен тахтимизга
Энг яқин бир одамсан, азиз, суюкли:
Меҳрибон ота дили силайди сени,
Виттенбергга қайтаман ўқишга десанг
Бу ниятинг бизларга маъқул кўринмас,
Ўтинаман, ўйлагин, қолгин бу ерда,
Қолгин, худди қимматли нуридийдамиз,
Қолгин худди ворисдай, азиз ўғилдай.
Малика: Ёлбормасин онанг ҳам ўғлим беҳуда,
Бунда қолгин, бормагин Виттенбергга сен.
Ҳамлет: Амрингизга мутеъман, шавкатли бону.
Қирол: Мана қисқа, одоблик, лойиқ бир жавоб,
Бу қасримиз сеники! Бону, кетайлик.
Юракларни шод қилди ихлосманд Ҳамлет,
Бу ихлоснинг шаънига майлар ичилур.
Қадаҳларнинг сонини билдирмоқ учун
Замбараклар булутга қилур жарчилик.
Осмоннинг садоси, коса нидоси,
Тўпларнинг наърасига қўшилсин ҳамон.
Қани, юринг...
Ҳамлетдан бошқа ҳамма кетадилар.
Ҳамлет: Кошки, шу гўшт тўрваси маҳв бўлса тамом,
Ё эриса, чириса, маҳв бўлса тамом.
Кошки эди демаса Халлоқи олам
Ўз-ўзини ўлдирмоқ феълини гуноҳ.
Бутун дунё ўзининг ҳаракатида –
Нақадар тўнг, бемаъни ва тўмтоқ экан!
Шунча ифлос ҳамма ёқ! Қоплаб олгандай
Гулистон тупроғини бурган ўтлари,
Нега шундай? Бу ҳолнинг боиси нима?
Ўлганига икки ой тўлгани ҳам йўқ.

Ана подшоҳ! Қуёшнинг ёрқин шуъласи.
 Унга қиёс этилса – бу паст бир ҳайвон.
 У онамни шунчалар севар эдики,
 Қизғанарди чехрасин шамоллардан ҳам.
 Фарёд сендан,эй фалак! Эслаб не қилай!
 Онам шунча мафтунди марҳум отамга,
 Чанқоқлиги ошарди қониққан сайин.
 Аммо бир ой ўтмасдан!.. Бас энди бу гап!
 Оҳ, хотинлар... номингиз – бевафоликдир!
 Ҳа, ҳа, бир ой ўтмасдан!.. Тобут кетидан –
 Ниобея¹ сингари оҳ-фиғон тортиб
 Борганида оёққа кийган бошмоғи
 Ҳали ҳам бутун...
 Онам, онам, у хотин... ёраб, илоҳим,
 Онгсиз ҳайвон эр учун шунча шошилмас,
 Ҳолбуки эр қилгани – бадбахт амаким
 Ўхшар марҳум отамга, Гераклга² мен
 Қай даражада ўхшасам... Вой-дод, вовайло.
 Бир ой ўтар-ўтмаса... Унинг қовоғи
 Мунофиқ кўз ёшидан ҳмон қизил-ку!..
 Аммо шошиб янги эр қўйнида ётар.
 Йўқ, бу шундай куфрки, оқибати бад,
 Тишни тишга босайин! Парчалан, эй дил!
Горацио, Марцелл ва Бернардо кириб келадилар.
Горацио: Шаҳзодага саломлар!
Ҳамлет: Саломат бўлинг!
 Янглишмаса хотирам, сиз – Горацио!
Горацио: Худди ўзи, шаҳзодам, содиқ бандангиз.
Ҳамлет: Нечун банда бўласиз? Бизлар – дўстлар-ку.
 Виттенбергдан келишнинг боиси нима?
 Сиз Марцеллми?
Марцелл: Шаҳзодам, худди ўзидир.
Ҳамлет: Кўрганимга мамнунман.
(Бернардога)
 Хайрли оқшом.
(Горациога)
 Виттенбергдан келмоққа боис нимадир?

¹ Ниобея – Қадим мифологияда, бирдан ҳалок бўлган ўн иккита боласига йиғлаган она.

² Геракл (Геркулес) – қадим мифологияда, ўзининг жисмоний қудрати ва шижоати билан донг чиқарган паҳлавон.



Горацио: Ялқовликка мойиллик, азиз шаҳзодам.

Ҳамлет: Ҳақингизда душман ҳам шуни айтолмас,

Ўзингизга бу бўҳтон не учун керак?

Бу сўз билан қилмангиз таъбимни хира,

Сизни яхши биламан, сиз танбал эмас.

Хўш, қандай кутиб олди сизни Эльсинор?

Ҳали сизни майхўр ҳам қилиб қўямиз.

Горацио: Кўриб олдим отангиз дафнини, эвоҳ!

Ҳамлет: Яхши эмас дўстларни калака қилмоқ.

«Онангизнинг тўйини кўрдим» деб айтинг.

Горацио: Ҳа, бу гап рост. Тўй жуда тез бўлиб қолди.

Ҳамлет: Бунинг ҳисоб-чўти бор, бил, Горацио!

Азада худойига пишган овқатлар –

Қўйилди дастурхонга никоҳ тўйида.

Ҳаётимда бу кунни яна кўрмоқдан –

Душманганимни жаннатда кўришим афзал.

Отам ана, гўёки кўзим олдида.

Горацио: У қаерда, шаҳзода?

Ҳамлет: Дилим кўзида.

Горацио: Мен бир карра кўрувдим: ажойиб қирол!

Ҳамлет: Ҳа, у чин инсон эди, бутун ва олий,

Иккинчи ундай инсон топилмас, афсус!

Горацио: Биласизми, бу кеча у бунда эди.

Ҳамлет: Бунда? Ким, ким?

Горацио: Отангиз, қирол.

Ҳамлет: Отам – ҳа?

Горацио: Диққат бўлманг, таажжуб қилмангиз шунча,

Қулоқ солинг. Сўйлайман ғалати қисса.

Бу гувоҳлар тасдиқлаб берар нақлимни.

Ҳамлет: Тезроқ айтиб берингиз, азбаройи ҳақ!

Горацио: Пойлоқда турар экан бу икки жаноб,

Бернардо ва Марцеллга икки тун қатор

Кечанинг жим қўйнида кўринган арвоҳ.

Бошдан-оёқ қуролли – жонли кишидай

Шоҳона қадам босиб ўтган эмиш у.

Отангизга ўхшармиш у зоти-шариф.

Буларнинг мот кўзлари олдидан аниқ –

Ўтган эмиш уч марта бир қулоқ нари.

Буларни тер босгану, тиллари қотган,

Мен ҳам турдим пойлоқда учинчи кеча.

Кейин бу мудхиш сирни айтдилар менга.
Жанобларнинг гаплари жуда рост экан,
Ўша маълум соатда кўринди арвоҳ.
Отангиз ёдимдадур, иккаласи бир,
Худди бу қўллар каби.
Ҳамлет: У қайдан ўтди?
Горацио: Соқчилар турадиган майдон ёнидан.
Ҳамлет: А, сиз гаплашдингизми?
Горацио: Унга гапирдим.
Қайта-қайта сўрадим, ҳеч индамади.
Аммо бир пас қайрилиб ўгирди бошин,
Гапирмоқчи бўлганди менга, мазмуни,
Лекин бирдан шу чоғда қичқирди хўроз,
Бу товушдан қалтираб қолиб у арвоҳ –
Ғойиб бўлди кўзлардан.
Ҳамлет: Мотман бу ишга.
Горацио: Ўлай агар, шаҳзода, бу – чин, ҳақиқат,
Бурчимиздир сизни ҳам хабардор қилмоқ.
Ҳамлет: Ҳа, ҳа тўғри! Асабим босилур ҳозир,
Ким бу кеча пойлоқчи?
Марцелл ва Бернардо: Бизмиз, шаҳзода.
Ҳамлет: Арвоҳ қуроллими?
Марцелл ва Бернардо: Ҳа.
Ҳамлет: Бошдан-оёқ?
Марцелл ва Бернардо: Бошдан-оёқ.
Ҳамлет: Юзини кўролдингизми?
Горацио: Кўрдик! Юздан сипарин ечиб олганди.
Ҳамлет: Қовоғин солганмиди?
Горацио: Йўқ, ундай эмас,
Бир маъюслик бор эди қарашларида.
Ҳамлет: Ўчганмиди ранглари ёки қизарган?
Горацио: Буткул ўчган.
Ҳамлет: Тикилиб боқар эдимми?
Горацио: Ҳа, тикилиб.
Ҳамлет: Афсуски, мен йўқ эканман.
Горацио: Сиз бўлсангиз ақлдан ажратарди у.
Ҳамлет: Ҳаммаси ҳам аҳтимол. Кўп турдимми ул?
Горацио: Юзни санашлик учун етарли бир вақт.
Марцелл ва Бернардо: Йўқ, кўп бўлди, кўп бўлди.
Горацио: Менга шунчалик.



Ҳамлет: Соқоллари оқмиди?

Горацио: Унчалик эмас.

Ҳаётда бўлгандай бир оз оқ кирган.

Ҳамлет: Бу кеча сизлар билан турай пойлоқда.

Мабодо келиб қолар.

Горацио: Аниқ келади.

Ҳамлет: Агар келса у арвоҳ отам шаклида,

Жаҳаннам ман қилса ҳам сўзлашажакман.

Аммо сиздан илтимос: эҳтиёт бўлинг.

Сир тутгандай бу ишни сиз ҳозиргача,

Лабларга муҳр босинг, жим қолинг тамом.

Дўстликни қадрларман, Ҳақ ярлақасин!

Соат ўн иккиларда бу ерга чиқиб

Сиздан хабар олурман.

Горацио: Қуллуқ, шаҳзодам.

Ҳамлет: Сиз менга қул эмассиз, дўстим. Хайр!

(Ҳамлетдан бошқа ҳаммаси кетишади).

Қуроолланган экан у отам нусхаси,

Бир фалокат чиқмасин! Бу бир қаллоблик!

Қош қорайсин! Бу ишда ҳафсала керак.

Гўрнинг пинҳон сирлари очилар бешак.

(Кетади)

Ҳамлет қаср олдидаги майдончага бориб, арвоҳни кутади. Арвоҳ ҳар галги вақтда келади ва уни имлаб чеккага чақиради. Горацио, Марцелл ва Бернардо Ҳамлетнинг арвоҳ билан чеккага чиқишига қаршилик қилишади. Аммо Ҳамлет жаҳд билан интилиб, арвоҳ ортидан чиқади.





<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Шекспир ижодида «Ҳамлет» асари эгаллаган мавқе ҳақида тўхталинг.2. Ҳамлет нима учун отасининг қотилидан ўч олишга интилмади?3. Парчадан 7 та таянч сўзни аниқланг ва уларни иш дафтарингизга ёзинг. Сўзларни гуруҳларда изоҳланг.
<p>Таҳлил ва талқин</p>	  	<ol style="list-style-type: none">1. Ҳамлетнинг қарашларига таяниб, шахсиятини баҳоланг.2. Ҳамлет ва Офелия муносабатларига изоҳ беринг.3. Фожеани «<i>Адабий давра</i>» усули бўйича таҳлил қилинг.<ol style="list-style-type: none">а) таҳлил қилиш – асар мазмуни бўйича 5та савол тузиш;б) аниқлаш – асарнинг қайси мисраси энг муҳим эканлигини далиллаш;в) боғлаш – мазмунни ҳаёт билан боғлаб далиллаш.г) хулосалаш – асарда кўтарилган масалаларни хулосалаш.
<p>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</p>		<ol style="list-style-type: none">1. Қирол ва Ҳамлет тимсолларини қийёсий тавсиф қилинг.2. Парчадаги воқеаларга замон ва маконига кўра тавсиф беринг.

БУГУН ДАРСДА:

- матндан мустақил ҳолда муаллиф кўзқараши ифодасига боғлиқ парчаларни аниқлаймиз;
- асар қаҳрамонларини уларнинг тимсоллар тизимидаги роли ва аҳамиятини аниқлаган ҳолда тавсифлаймиз;
- адабий мавзуга оғзаки ва ёзма фикр-мулоҳазаларимизни билдирамиз.

**УЧИНЧИ САҲНА**

Ўша жой. Полоний уйида бир хона. Лаэрт ва Офелия киришади.

Лаэрт: Юкларим кемада. Хайр, яхши қол, синглим.

Энди сўз бер, қулай фурсат келаркан қойим,

Йўлчи еллар эсар экан, ғафлатда қолма,

Менга мактуб – мужда йўлла.

Офелия: Албатта, оға.

Лаэрт: Ҳамлет илтифотларига эса ишонма,

У – тентаклик ёки қоннинг қутқуси, холос,

Бемаҳал ва нимжон, чучмал, хазонга маҳкум,

Бор-йўғи бир лаҳзалик хушбўйи бор, бас.

Ортиқ эмас.

Офелия: Ортиқ эмас?

Лаэрт: Ҳа, ортиқ эмас.

Мукул ривожимас, ҳаёт камоли фақат,

Тан тўлишар экан, худди эҳромга монанд

Авжга чиқиб борар руҳий, ақлий ибодат.

Балки севар сени ҳозир маъсум, беғараз,

Ҳали кирланмаган, тоза туйғулар билан.

Аммо ундан қўрққил, ким у, ўйлаб қарагил,

Рутбасига кўра, эрки қўлида эмас.

Таваллуди билан наслу насабга асир,

Бошқалардек бўлолмас у соҳиб ихтиёр.

У ёр танлар экан, бунда аввал охир

Салтанату мамлакатнинг манфаати бор,

У ёр танлар экан, ўзи танламас сира,

Унга маҳбуб танлар ўша олий доира.

Сени севаман, деб майли, такрорлайверсин,

Уни тингла, аммо сира айлама бовар.

У ўз сўзларини оқлай олмагай лекин,

Умум Даниянинг талаб-амрига кўнар.
Хуллас, ўйлаб қара, синглим, бўларсан бадном,
Унинг ашуласин чин деб билсанг мабодо,
Юрагингни берсанг, иффат мулкени тамом,
Унинг оташ талабига айлансанг фидо.
Қўрққил, Офелия синглим, қўрққил, ҳазар қил,
Ўтдан қочган каби қочгил эҳтирослардан,
Қочгил ишқи-розлар, ширин ишва-нозлардан.
Қиз болага ой ҳам ҳатто ойнакдан боқиб,
Термилиши ножўядир, яхши англагил.
Қийин эмас ор-номусни бўҳтонга қўйиш.
Қурт ҳам қийратади аввал янги куртакни,
Ҳаёт тонготари чоғи шабнамда юрсанг,
Турфа касалликлар сенга илашар чиндан.
Ҳали ёш эканмиз, ҳали маъсума бир жон,
Тортинчоқлик ўзи бизга энг яхши қалқон.

Офелия: Насихатларингни худди жоним устига
Туморчадек осиб қўяй. Ва лекин, оғам,
Диёнатни мақтаб, элни самога ундаб,
Ўз сўзига ўзи нуқул тескари юрган,
Куфр-гуноҳ сўқмоғида елиб-югурган,
Элу юртдан уялмаган чала муллага
Ўзинг ўхшаб қолма тагин.

Лаэрт: Йўқ, хотиржам бўл.

Мен ҳаяллаб қолдим, мана отамиз келди.

(Полоний киради)

Яна бир бор оқ фотиҳа олиш – қўш савоб,

Яна бир бор хайрлашмоқ учун баҳона.

Полоний: Ҳали шундамисан? Уят эмасми, Лаэрт?

Елканларнинг елкасини эзмоқда шамол.

Сен бўлса-чи бўёқларда юрибсан. Оқ йўл.

Шу сўзларим қулоғингга қуйилсин маҳкам,

Пинҳон-пинҳон ниятларинг ошкор айлама,

Номаъқул ўй-хаёлларга ўзни шайлама.

Одамларга камтарин ва дилкаш бўл, бироқ

Сен уларга бетакаллуф дўст бўлма зинҳор.

Чин, синашта дўстларингни ўзингга ҳар чоғ

Занжирбанд қил. Дуч келганга очмагил қучоқ.

Жанжал-тўполондан ўзни йироқ тут ҳар дам,

Солишдингни, шундоқ урки, абжағи чиқсин.



Ўзгаларни тингла, ўзинг оғиз оч кам-кам,
Бошқани бил, ўз фикрингни асра яширин.
Яхши кийин, ясан-тусан ҳирсига тўлма,
Ораста бўл, болам, лекин олифта бўлма.
Киши аввал кўринади кийимда зеро,
Франция киборлари бу ишда зийрак.
Ҳеч кимсадан қарз олма ва қарз бера кўрма,
Қарз берганда – айрилармиз дўсту ақчадан,
Қарз олганда – унутилар сарфу саришта.
Энг муҳими: ўз-ўзингга содиқ бўл фақат.
Шунда худди тун ортидан тонг келганидай,
Риёкорлик қилмагайсан ҳеч бир кимсага.
Хайр, оқ фотиҳа: йўлинг бехатар бўлсин.
Лаэрт: Хайр, дейман, пойингизга бош эгиб, ота.
Полоний: Хўп, бор қол. Хизматкорлар кутиб қолишди.
Лаэрт: Хайр, Офелия, сўзим ёдингда сақла.
Офелия: Юрагимга бекитаман, калитин эса
Ўзинг билан ола кет.
Лаэрт: Хўп, хайр, бўлмаса.

Кетади.

Полоний: Офелия, не гап бўлди бунда, баён эт.
Офелия: Сизга айтсам, сўз боиси – шаҳзода Ҳамлет.
Полоний: О, шунақа дегин ҳали? Айни муддао
Эшитдимки, ҳузурингга ошиқармиш у,
Яна дейишдики, сенинг эътиборинг-ла
У бахтиёр эмиш? Агар рост бўлса шу гап –
Менга тартиб юзасидан айтишди бунни,
Мен ҳам сенга шу нуқтани этайин иқрор:
Ўз бурчингни етарлича англаб етмайсан,
Қизлик қадри-қийматингни писанд этмайсан
Хўш, нима гап орангизда? Тўғриси айт.
Офелия: Дарвоқе, мен сизга айтсам, у сўнги пайтлар
Севгисини изҳор этди менга неча бор.
Полоний: Севгисини! Ҳай-ҳай, ҳали ғўрсан, бу ишда
Сен нимани тушунардиг? Хўш, нима дедиг
Сен ўшанинг ҳалигидек изҳорларига?
Офелия: Дада, билолмайман нима дейишимни ҳам.
Полоний: Қулоқ солгин, сен билмасанг, мен ўргатаман,
Айтганлари – мис чақадир, олтин санама.
Бундан кейин гаровларни қиммат сўрагин.

Йўқса, ҳазил-ҳузул билан гаровни бериб,
Оқибатда аҳмоқ бўлиб қолишинг мумкин.

Офелия: Дада, у ўз севгисини назокат билан
Изҳор этди менга.

Полоний: Оҳ-оҳ, назокат билан!

Офелия: Азиз авлиёларни у шафе келтириб,
Ўз сўзининг чинлигига қасамлар ичди.

Полоний: Бу – қушчанинг йўлларига қўйилган тузоқ.

Қон қайнаркан, тил дегани қасамга муштоқ.

Йўқ, бу алангалар сенга бермас ҳарорат,
Ярқ этиб, кўз қамаштириб, сўнар бегумон.

Сен уларни ўт ўрнида санама ҳеч вақт,
Қадринг билан қимматингни оширгин чандон.

Қизим, суҳбатингни кутиб, илҳақ бўлишсин,
Чақиришса, чиқаверма ҳовлиқиб пешвоз.

Ҳамлет борасида шунга ишонким, ёш у,
Босар-тусарини ҳали билмаган шоввоз.

Ишонмагин ўзига ҳам, қасамига ҳам.

Қасам деган далла, у бир гумашта мисол,

Сиртдан кўриниши тузук, ичдан тасқара кўринади,

Атай ювош кўринади, чунки шу ҳолда

Иш битириш қулай. Яна такрор айтаман,

Истамайман, минбаъд ўша шаҳзода билан

Бир дақиқа суҳбат кўрсанг ва бу суҳбатинг

Сенинг қизлик обрўйингга ташласа соя.

Бор. Сўзимни ёдингда тут доим.

Офелия: Хўп, дада.

Кетишади.





<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. Офелиянинг нутқидан унинг ҳис-туйғуларини билиш мумкинми? 2. Лаэрт ва Полонийнинг Ҳамлетга муносабатларини изоҳланг. 															
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Таҳлил ва талқин</p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. Асарни «Концептуал жадвал» график органайзери орқали таҳлил қилинг. <table border="1" data-bbox="398 765 1143 987"> <thead> <tr> <th rowspan="2">Ўрганилаётган асар ғоясини ёритувчи жиҳатлар</th> <th colspan="3">Муҳим белгилар, тавсифлар</th> </tr> <tr> <th>1-белги</th> <th>2-белги</th> <th>3-белги</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>1-жиҳат</td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td>2-жиҳат</td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </tbody> </table>	Ўрганилаётган асар ғоясини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белгилар, тавсифлар			1-белги	2-белги	3-белги	1-жиҳат				2-жиҳат			
Ўрганилаётган асар ғоясини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белгилар, тавсифлар																
	1-белги	2-белги	3-белги														
1-жиҳат																	
2-жиҳат																	
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</p>		<ol style="list-style-type: none"> 1. Достон орқали адибнинг қандай дил изтироблари акс эттирилганлигини аниқлаш учун «ПОПС» формуласи орқали фикр билдиринг. <i>1-гап: Менинг фикримча,..</i> <i>2-гап: ...сабабини мен бундай тушунтираман...</i> <i>3-гап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман...</i> <i>4-гап: Шунга асосланиб, мен бундай хулосага келдимки,..</i> 2. «Тақдирдан норози инсон» мавзусида «Беш дақиқали эссе» ёзинг. 															



12

БУГУН ДАРСДА:

- матндан мустақил ҳолда муаллиф кўзқараши ифодасига боғлиқ цитаталарни аниқлаймиз;
- асардан олинган парчаларни таҳлил қиламиз;
- композиция ва услубий бирликни тўлиқ ва чуқур ёритамиз.



ТўРТИНЧИ САҲНА

Қаср олдидаги майдонча. Ҳамлет. Горацио. Марцелл киришади.

Ҳамлет: Мунча совуқ. Шамол худди санчиб ўтади.

Горацио: Аёз чимчиб ўтяпти, қиш дейсан худди.

Ҳамлет: Соат неча бўлди экан?

Горацио: Сал кам ўн икки.

Марцелл: Ўн иккидан ошди. Боя занг урди.

Горацио: Ростми?

Эшитмадим. Ҳа, унда-чи, вақт бўлиб қолди,

Арвоҳ келадиган пайт ҳам узоқмас энди.

(Саҳналар ортидан карнайлар чалиниб, замбараклардан ўқ узилади)

Шаҳзодам, бу не бўлдийкин?

Ҳамлет: Қирол ухламай,

Йиқилгунча рақс тушиб, чаппор уради,

То тонггача ишрат қуриб, май симиради.

У ҳар сафар бўшатаркан қадаҳни тоза,

Карнайлар ва дўмбиралар солишиб сурон,

Бу мардликни еру кўкка қилур овоза.

Горацио: Бу нимади – таомилми?

Ҳамлет: Таомил, ҳайҳот!

Гарчи менга кўпдан таниш, одатий бир ҳол,

Лекин манфур бу одатни йўқотмоқ даркор.

Ғарбу Шарққа шуҳрат ёйган бу хангомалар,

Номимизни маломатга қўймиш нақадар.

Чет элларда лақабимиз – шаробхўр, тўнғиз.

Шу иллатнинг касофати билан бир қадар

Камситилар бизнинг хизмат, обрў ва нуфуз.

Баъзан шундай бўладики, қайси бир инсон

Туғилади бирор туғма асорат билан.



Хўш, бу нима, унинг гуноҳ, айбимидир бу?
Ахир ота-онасини танламаган у.
Ёки феъли атворида ғариб бир ҳолат,
Ёки хатти-ҳаракатда ноқис бир жиҳат,
Меросийми, ёки ёлғиз ўзига молик.
Хуллас, ўша айтишга ҳам арзимас нуқсон –
Учраганнинг диққатини ўзига тортиб,
Учраганни «вой, тавба» деб қолдирар ҳайрон.
Шу-шу унинг чексиз шавкат, шарофатлари,
Тангри неъматидек шаффоф фазилатлари
Эл наздида тубан кетиб топади завол,
Ҳаммасига ўша ифлос томчи сабабкор,
Уни маломатга қўяр.

Горацио: Қаранг шаҳзодам!

Арвоҳ киради.

Ҳамлет: Паноҳ бўлинг бизга, осмон фаришталари!

Кимсан, руҳи яздонмисан ё зилли шайтон,
Жаннат нафасими ёки дўзах ҳовури,
Ниятингда савобми ё куфрми пинҳон?
Не бўлмасин, ларза солдинг ташрифинг билан,
Шу сабабдан ёлвораман, сендан сўрайман.
Мен сўрайман сендан, азиз падарим, Ҳамлет,
Ҳукмдорим, подшоҳим, жавоб бергайсан!
Ғафлатаро қолиб кетмай. Жавоб бер менга,
Нечун зулмат маконингни бундоқ тарк этиб,
Қафанингни юлиб-юлқиб отибсан нега?
Биз жасадинг қўйиб келган ўша соғона,
Тош жағларин йиртиб минг бир машаққат ила,
Нечун сени озод қўймиш? Нечун, изох бер,
Жонсиз жасад яроғ тақиб, нечун мусаллаҳ?
Тун қўйнини асоратга тўлдириб бундоқ,
Ой нурида ёйиб ҳар ён қўрқинч, ваҳима.
Нечун бизнинг томирларга ларза солурсан,
Сўнгсиз муаммолар билан ўраб олурсан?
Нечун? Не сабабдан? Гапир, фармонинг нима?
Арвоҳ Ҳамлетни имлайди.

Горацио: Бирга юр, деб имляпти, назаримда у,
Ниманидир ёлғиз сизга айтмоқ истайди.
Ёлғиз сизга.



Марцелл: Қаранг қандай назокат ила
Сизни даъват этаётир, юр, деб йироққа,
Аммо, бора кўрманг.

Горацио: Балли, борманг сира ҳам.
Бу ерда у оғиз очмас. Қўйинг, бораман.

Горацио: Йўқ-йўқ, борманг, шаҳзодам.

Ҳамлет: Хўш, нимадан қўрқай?
Мен ҳаётим бир чақага кўраман қиммат.

Ахир, нечук етказолсин руҳимга заҳмат,
Руҳим унинг ўзи каби боқий эмасми?

Тагин имляпти мени. Қўйинг, бораман.

Горацио: Ҳа, мабодо сув бўйига бошлаб борса-чи,

Ёки денгиз узра шундоқ осилиб турган
Даҳшатли бир қоя тошга – жар ёқасига,

Унда мудҳиш бир фалокат рўй бера қолса,

Ақлингизни олиб, сизни жунунга солса,

Нима бўлур? Бу тўғрида ўйлаб кўринг-а?

Ўша чўнг қояда туриб, қараган киши,

Шусиз ҳам эс-хушидан тамом айрилиб қолар,

Худди пойингизда – дўзах чуқурлигида,

Денгиз кўпикланиб, бўғиқ ҳайқириқ солар.

Ҳамлет: Яна имляпти. Бошла. Бораман.

Марцелл: Тўхтанг!

Ҳамлет: Қўлингни торт!

Горацио: Эсингзни йиғинг, шаҳзодам.

Ҳамлет: Қисматимнинг овозидир ахир, бу овоз,

Менга арслон қудратини бахш этгани рост.

(Арвоҳ имлайди.)

Ҳамон имлар, йўл бўшатино менга, жаноблар!

(Уларнинг қўлидан юлқиниб чиқади.)

Йўл тўсганни нақ арвоҳга айлантираман!

Қоч, нари тур, дедим! Қани, бошла, бораман!

Арвоҳ ва Ҳамлет кетадилар.

Горацио: Ҳис-жазава ҳукмидадир Ҳамлет шу палла.

Марцелл: Орқасидан бормоқ керак, қорама-қора

Горацио: Хўп, борамиз. Аммо, лекин бу не аломат?

Марцелл: Бу – Дания давлатига теккан касофат.

Горацио: Ўзинг йўлга бошла бизни, худойим.

Марцелл: Омин.

Кетишади.





<p>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. «Гарчи менга кўндан таниш, одатий бир ҳол, Лекин манфур бу одатни йўқотмоқ даркор» мисра- лари орқали Ҳамлетнинг давлат бошқариш ҳақида- ги фикрларини изоҳланг.2. Арвоҳ нима учун Ҳамлетни имлайди? Фикрингизни асосланг.
<p>Таҳлил ва талқин</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Ҳамлетга унинг тимсоллар асардаги роли ва аҳамия- тини аниқлаган ҳолда тавсифланг.2. Асардан парчани саҳналаштиринг.
<p>Баҳолаш ва қийсий таҳлил</p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Асардаги воқеаларнинг шоир замони билан ҳа- моҳанг жиҳатларини ажратиб кўрсатинг.2. Асар сюжетини «Асар пирамидаси» усули воситаси- да таҳлил қилиб, хулосаланг. 



4

БУГУН ДАРСДА:

- муаммоли саволга асар матнига таяниб мустақил фикримизни билдирган ҳолда батафсил далилли жавоб берамиз;
- асардан олинган парчаларни таҳлил қиламиз, уларнинг асарда тутган ўрни ва ролини аниқлаймиз;
- асар ғояси, қаҳрамонларига нисбатан ёзма шаклда баҳо берамиз.



БЕШИНЧИ САҲНА

Яна у ерда. Майдончанинг олисроқ томони. Арвоҳ ва Ҳамлет кириб келадилар.

Ҳамлет: Мени қайга судрайсан? Нар и бормайман.

Арвоҳ: Юр орқамдан.

Ҳамлет: Юраман.

Арвоҳ: Вақт келиб қолди.

Дўзахнинг оловида куядиган вақт.

Мени унда қийнарлар.

Ҳамлет: Бечора арвоҳ!

Арвоҳ: Ачинмагин, астойдил менга ишонгин, Ва қулоқ ос!

Ҳамлет: Вазирам сени тингламоқ.

Арвоҳ: Ҳаммасини эшитгач қасос олгайсан.

Ҳамлет: Нима дединг?

Арвоҳ: Отаннинг арвоҳиман мен.

Бир муддатга кечалар дайдиб юришга

Кундузлари дўзахга куймоққа бандман.

Дунёдаги умримда қилган гуноҳлар

Куйиб даф бўлмагунча бу давом этар.

Ҳақим йўқдир сўйлашга зиндоним сири,

Йўқса очсам бу ҳақда сенга қиссамни

Ҳар бир сўздан қотарди виждонинг сенинг.

Қонинг музлар, кўзларинг юлдуздай ўйна,

Жингалак сочларингчи, текисланарди –

Ва тиккайиб турарди игналар каби.

Ва лекин абадият шундай садоқим –

Дунёвий қулоқларга етмоғи маҳол.

Сен отангни бирор вақт чин севган бўлсанг

Мени тингла, тингла, тингла!



Ҳамлет: Ё, раббий!

Арвоҳ: Мени аблаҳ ўлдирган, қасосимни ол!

Ҳамлет: Ўлдирганми?

Арвоҳ: Ҳа, шундай ўлдиришки, бу –

Ҳар қандай ўлдиришдан минг марта бадтар.

Ҳамлет: Тезроқ гапир, токи мен хаёл каби тез

Қанотланиб фикримнинг оташи билан

Ўчга учай.

Арвоҳ: Азмингни кўриб турибман,

Сўзларимдан қонларинг жўшга келмаса,

Сўйлачи, ким бўлардинг? – «Лета»да, яъни –

Унутилиш дарёси лойида ўсган –

Бақатўни бўлардинг, бебурд ва сассиқ.

Энди, Ҳамлет, қулоқ сол, гап тарқалдики –

Гўё мени боғчада ухлаганимда

Илон чақиб ўлдирган. Дания аҳли

Бу сохта афсонага алданиб кетди.

Энди билгин, эй менинг олийзот ўғлим,

Илон – отанг қотили – бугун бемалол

Унинг тожин кийибдир.

Ҳамлет: А, кароматим!

Қотил менинг амаким?

Арвоҳ: Ҳа.

Қондошига номарддир ва паст зинокор,

Хулқидаги маккорлик, ширинсуханлик

Ҳунарлари шунчалик зўрки, шу билан

Маликани кўндириб нафсониятига

Ўзи билан ўйнашмоқ йўлига солди.

(Шундай йўлдан ургувчи ҳунарга лаънат!)

Биласанми, бу қандай тушкунлик, Ҳамлет!

Никоҳ куни қилинган аҳдупаймонда –

Содиқ қолган у юксак севгим ўрнига

Бир ярамас махлуққа қучоқ очмоқлик,

Бу қандай тушкунлик!

Аммо бузуқ қанча ҳам жоду қилмасин –

Соф ахлоқни бузишга ожиз бўлгандай –

Шаҳвоний нафс фаришта қучоғида ҳам

Безиб гашту роҳатдан, ҳавасланади –

Мурдор гўштига.



Жим бўл! Майин шабада эса бошлади,
Саҳар яқин, калтароқ қилай қиссамни,
Пешиндан сўнг боғчада ухлаган эдим,
Бирдан сенинг амакинг қўлида шиша
Лаънати захри қотил шишасин ушлаб,
Аста келди бошимга ва у захарни
Қуйди қулоқларимга. Бу мудҳиш оғу
Қонга шундай душманки, симобдан ҳам тез
Томирларда чопади ва оқлик тушган
Сут сингари қонларни уютиб қўяр.
Шундай бўлди менинг ҳам ҳолатим у чоғ.
Бирдан мохов Лазарнинг¹ бадани каби
Қоплаб олди теримни ёмон яралар,
Олиб қўйди, хуллас гап уйқумда, укам –
Тожимни ҳам, жонимни ҳам, маликамни,
Гуноҳларим етганда авжи аълога
Ҳали тавба-тазарру қилмасдан бурун,
Мен афв сўролмайн боби-рахматдан
Бўйнимда барча қора амаллар билан
Жўнатилдим майдони сиёсатга тез.
Оҳ. Бу даҳшат, кўп даҳшат, даҳшатдир, ишон,
Сен ўзингни отангга ўғил деб билсанг,
Дания шоҳларининг ётоқхонаси –
Ўйнашларга бўлмасин бир ишратхона!
Аmmo сенинг қасосинг қанча қизмасин –
Номусингни булғама ва ўз онангга
Ёмон бир қасд айлама, унинг жазоси –
Унинг худованди ҳам – виждон азоби.
Хайр энди, қараб кўр, ялтироқ қуртлар
Тонг чоғин кутган сайин нурсизлашмоқда.
Хайр энди, алвидо, мени унутма.

(Кетади)

Ҳамлет: Эй замин, эй осмон! Яна ким тинглар?
Балки дўзах қулоғи! Чидаб тур юрак!
Оёқларим рост туринг! Асло букилманг!
У дедики – «унутма!» – сени унутмоқ?!
Модомики каллада яшар хотира –

¹ Лазарь – Инжил афсоналаридан олинган бир исм. Шекспир даврида моховларни «Лазарь» деб айтишар эди.



Модомики, эсим бор, сени унутмам.
Мен ёдим дафтаридан ўчириб ташлаб –
Ҳиссиётнинг барча ҳам нишонларини,
Гўдакликдан мияга ёзилган тамом –
Китобларнинг сўзларин, барча нақшлари,
Қиссаларнинг ҳиссасин ўчирай, аммо –
Аммо сенинг фармонинг ягона китоб,
Покиза китобдурким, у бўлар мазмун,
Хаёлимда ёзилган саҳифаларга.

Эй ярамас, паст хотин, эй бадзот махлуқ!
Эй кулгуси ширину юраги қора.

Буни ёзиб қўяйин, қани дафтарим,
Буни ёзиб қўяйки, кулган одам ҳам
Кулимсираб, кўп аблаҳ бўлмоғи мумкин.
Бошқа юртда маҳолу Данияда мумкин.

(Ёзади)

Буни ёздим, амаки, энди шиорим:
«Хайр энди, алвидо, мени унутма!»

Бунга қасам ичаман.

Горацио ва Марцелл (*сахна орқасидан*): Шаҳзода, Ҳамлет!

Марцелл (*Саҳна орқасидан*): Шаҳзода?

Горацио (*Саҳна орқасидан*): У қаерда?

Ҳамлет: Ҳа, шундай бўлур!

Горацио (*Саҳна орқасидан*): Ҳай, бормисиз шаҳзода!

Ҳамлет: Лаббай, дўстларим!

Горацио ва Марцелл кириб келадилар.

Марцелл: Хўш, шаҳзода?

Ҳамлет: Қиёмат гаплар!

Горацио: Хўш, нима гап?

Ҳамлет: Сўйласам, сир тутолмассиз.

Горацио: Йўқ, маҳкам сир тутамиз.

Ҳамлет: Хўп, бўлмаса, гап шунда: ким ўйлардики...

Лекин бу гап ўзаро?!

Горацио ва Марцелл: Баҳаққи – худо.

Ҳамлет: Шундай разил йўқ бутун Данимарқада,

Ўзи шунинг устига – пачана, аблаҳ.¹

¹ Ҳамлет сирни (яъни амакининг қотил эканини) очиб беришига сал қолади. Аммо бирдан ўзини тутиб эҳтиёткорлик юзасидан гапни бошқа ёққа буради. У даврда подшоҳни жиноятда айблаган киши ўлим билан жазоланар экан.

Горацио: Шу ҳикматли гапларни айтмоқлик учун
Арвоҳ керак эдими?

Ҳамлет: Сўзларинг тўғри.

Энди гапни чўзмасдан қўлларни сиқиб

Хайрлашиб кетайлик ўз ишимизга.

Сизнинг бўлак ишингиз, хоҳишингиз бор, –

Ҳар кимнинг бор зотан ўз ва хоҳиши. –

Менинг ҳам ўз хоҳишим; – гапнинг очиғи

Бир девона бандаман бормоғим зарур

Ибодату тоатга.

Горацио: Бу сўзлар фақат

Узуқ-сочиқ сўзларнинг гардоби, холос.

Ҳамлет: Сизни ранжитган бўлсам, узр сўрайман...

Горацио: Ранжимоққа сабаб йўқ.

Ҳамлет: Йўқ, Гораций

Авлиёмиз Патрикка¹ онт ичаман, бор.

Энди арвоҳ ҳақида шуни айтайки,

У муътабар, ҳурматга сазовор бир зот

Бу ҳақдаги чин гапни суриштирманглар.

Энди менинг дўстларим, мактабдошларим,

Қиличбоз шерикларим, сизларга ўтинч.

Горацио: Бажону дил, шаҳзода, бажо этамиз.

Ҳамлет: Бу ҳодиса ҳақида ғинг этилмасин!

Горацио ва Марцелл: Гапирмаймиз, шаҳзода.

Ҳамлет: Қасамёд қилинг!

Горацио: Виждонимга қасамёд...

Марцелл: Мен ҳам қасамёд.

Ҳамлет: Мана қилич, шунга ҳам қасамёд ичингиз.

Марцелл: Бир мартаба қасамёд қилдик-ку!

Ҳамлет: Йўқ, йўқ.

Менинг қиличимга қасамёд қилинг.

Арвоҳ (Саҳна тагидан): Қасамёд қилинг!

Ҳамлет: Аҳа, сен ҳам, оқсоқол, сўзимга шерик?

У нимлар сўзлади, эшитдингиз-ку!

Қасамёд қилинг!

Горацио: Нима деб қилайлик қасам?

¹ Патрик – Ҳамлетнинг отасини ўлдирган Клавдий (Ҳамлетнинг амакиси) қиролни илон чақиб ўлдирган деб расмий овоза тарқатган. Диний ақидаларга кўра, авлиё Патрик Ирландия тупроғидан илонларни қувиб чиқарган. Ҳамлет, Патрикни тилга олиши билан илонни – қирол Клавдийни йўқ қилишга аҳд этган бўлади.

Ҳамлет: «Кўрганимни ҳеч кимга айтмайман!» дея – Қасам ичинг қиличга қўлларни босиб.

Арвоҳ (Саҳна тагидан): Қасамёд қилинг!

Ҳамлет: Бу ерда ва ҳар ерда?¹ Бу ёққа ўтинг.

Қўлни босинг қиличим дастасига сиз,

«Кўрганимни ҳеч кимга айтмайман!» дея

Қасам қилинг, қиличга қўлларни босиб.

Арвоҳ (Саҳна тагидан): Қасамёд қилинг!

Ҳамлет: Ҳа, кекса кўркаламуш? Ишинг тез экан,

Кавлаб етдинг? Ўтайлик бошқа бир жойга.

Горацио: Кун ҳам, тун ҳам, гувоҳ ҳам бўл бу ғаройибга!

Ҳамлет: Ғаройибот деб ўйламанг шу ҳодисани

Горацио, дунёда кўп ҳоллар борким,

Кирмагандур тушда ҳам фалсафангизга

Энди қаранг, керакса сизларга нажот,

Яна бир бор қасамёд қилингки, мендан –

Нима содир бўлса ҳам ёки мен ўзим

Айёрликка қўйсам ҳам ўзимни баъзан –

Сиз менинг шу ҳолимни қилиб томоша

Мана шундай ё мундай қўл қовуштириб

Мана мундай бошингиз чайқаб демайсиз:

«Қайдам, бизмас...», «Хоҳласа айтар эдик-ку».

«Қошки хоҳишманд бўлсам...», « Айтар эдик-ку»

Мана талаб: мен ҳақда нима сезсангиз

Бу тўғрида ҳеч кимга қилманг ишора.

Мана шунга қасамёд қилинг, худованд

Бўлгай сизга мададкор.

Арвоҳ (Саҳна тагидан): Қасамёд қилинг!

Ҳамлет: Ором топгин, фитнакор, безовта арвоҳ!

Афандилар мен сизга ихлосманд, тобе.

Бу дўстликнинг далилин Ҳамлетдай фақир,

Ҳақирона бечора, – вақти келганда –

Сизга кўрсата олур, худо ёр бўлса.

Энди бирга юрингиз, – яна эслатай.

Лабингизга босингиз жимлик бармоғин.

Замонларни улаган иплар узилди.

Шу узилган ипларни нечун боғлайин!






Бирга юрингиз.

Кетадилар.

¹ Бу – лотинча бир таъбирдир «Nie et ubique».





<p><i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Матнни ролларга бўлган ҳолда ифодали ўқинг.2. Парчада тасвирланган воқеа бўйича ўз муносабатингизни билдириг.								
<p><i>Таҳлил ва талқин</i></p>	 	<ol style="list-style-type: none">1. Сиз Ҳамлетнинг Арвоҳнинг сўзларига муносабатини қандай изоҳлайсиз? Фикрингизни «Икки қисмли кундалик» усули воситасида далилланг.2. Парчадаги воқеалар асосида расм чизинг.								
<p><i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i></p>		<ol style="list-style-type: none">1. «<i>Инсерт</i>» усули орқали ушбу асар ҳақида олган билимларингизни мустаҳкамланг. <table border="1" data-bbox="444 1251 1172 1456"><tr><td>«V» – <i>биламан</i></td><td></td></tr><tr><td>«+» – <i>билмайман</i></td><td></td></tr><tr><td>«-» – <i>янги ахборот</i></td><td></td></tr><tr><td>«?» – <i>тушунмадим</i></td><td></td></tr></table>	«V» – <i>биламан</i>		«+» – <i>билмайман</i>		«-» – <i>янги ахборот</i>		«?» – <i>тушунмадим</i>	
«V» – <i>биламан</i>										
«+» – <i>билмайман</i>										
«-» – <i>янги ахборот</i>										
«?» – <i>тушунмадим</i>										



1. Буюк англиз драматурги Вильям Шекспирнинг илк бор чоп этилган достони қайси қаторда тўғри берилган?
 - А) «Лукресия» достони
 - Б) «Хатолар комедия»
 - В) «Лукресия»
 - Г) «Қирол лир»

2. Шекспирнинг «Венера ва Адонис» достони кимга бағишланган?
 - А) ака-ука Бербежиларга
 - Б) отаси Жон Шекспирга
 - В) онаси Мерига
 - Г) герцог Саутгемптонга

3. 1603 йилда Шекспирнинг театр труппасини ким ўз ҳимоясига олади?
 - А) танқидчи Ф.Мерес
 - Б) ака-ука Бербижилар
 - В) қирол Яков
 - Г) герцог Саутгемптон

4. 1599 йилда Шекспир ижодининг қалбакилаштириб фойда топиш нияти-да чиқарилган китоб номини аниқланг.
 - А) «Тип Андроник»
 - Б) «Венера ва Адонис»
 - В) «Лукресия»
 - Г) «Оташин зиёратчи»

5. Шекспир саҳнада кўпроқ қайси тоифа кишилари ролини ижро этган?
 - А) дворянлар
 - Б) савдогарлар
 - В) масқарабозлар
 - Г) қироллар

6. Шекспир ўзининг «Ҳамлет» фожеасида қайси қаҳрамон ролини ижро этган?
 - А) арвоҳ
 - Б) Ҳамлет

- В) Қирол
- Г) Полоний

7. Шекспир қайси пьесада ўзининг сўнгги ролини ижро этган?

- А) «Қирол Лир» «Ҳамлет»
- Б) «Ўзига етгунча» «Отелло»
- В) «Сеян» «Макбет»
- Г) «Ўзига етгунча» «Сеян»

8. Шекспирнинг умри мобайнида яратган драматик асарлари ва сонетлари сони тўғри кўрсатилган қаторни топинг.

- А) 35 драматик асар, 154 сонет
- Б) 36 драматик асар, 154 сонет
- В) 30 драматик асар, 130 сонет
- Г) 154 драматик асар, 36 сонет

9. Шекспирнинг театр труппаси қирол Яков ҳимоясига олингандан сўнг гуруҳ аъзоларини кимлар деб аталган?

- А) «Қирол ҳазратларининг соқчилари»
- Б) «Қирол ҳазратларининг хизматкорлари»
- В) «Сарой аёнлари»
- Г) «Сарой ҳизматчилари»

10. Шекспир трагедиялари берилган қаторни аниқланг.

- А) «Макбет», «Қирол Лир»
- Б) «Гулобус», «Ромео ва Жулутта»
- В) «Венетсия савдогарлари» «Ҳамлет»
- Г) барча жавоблар тўғри

11. Шекспирнинг комедиялари берилган қаторни аниқланг.

- А) «Ўн иккинчи кеча» «Венеция савдогарлари»
- Б) «Ўн иккинчи кеча», «Макберт»
- В) «Ёз кечасидаги туш», «Отелло»
- Г) «Лаврутсия», «Венитсия савдогарлари»

12. «Ҳамлет» асарининг маънавий аҳамияти?

- А) Ҳалоллик ва ориятлилик
- Б) Имонсизлик ва қўрқувлик



- В) Ҳасадгўй ва номуссизлик
- Г) Ростгўйлик ва билимлилик

13. Вильям Шекспирнинг драматик асарларининг сони?

- А) 36
- Б) 34
- В) 35
- Г) 42

14. В.Шекспирнинг машҳур комедик асарларидан бири?

- А) «Ҳалокат»
- Б) «Хуштак афанди»
- В) «Ёз кечасидаги туш»
- Г) «Ҳаёт йўли»

15. «Ҳамлет» асарининг бош қаҳрамони?

- А) Розенкранц
- Б) Гильденстерн
- В) Дания шаҳзодаси
- Г) Отелло

16. Ҳамлет қандай инсон эди?

- А) Ўйчил файласуф, самимий
- Б) Жангчи, худбин
- В) Қўрқоқ, пасткаш
- Г) Ботир, мард

17. Отасининг арвоҳи Ҳамлетдан нимани талаб қилганди?

- А) Кечиришни
- Б) Дўст бўлишни
- В) Қасос олишни
- Г) Ёвузликни

18. Ҳамлетда қандай қўрқинч бор?

- А) Хато қилиш
- Б) Ҳазолаш
- В) Гуноҳ иш қилиш
- Г) Онасини йўқотиш

ГЛОССАРИЙ

Ақлий ҳужум	Ушбу стратегия мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.						
Балиқ скелети	Ўрганилаётган масалани балиқ расми асосида ёритиш усули. Бунда балиқ боши-мавзу масаласи, устки тармоқлар – асардаги тасвир воситалари, остки тармоқлар – далиллар, қуйруғи – асар ҳақида ўқувчи фикрини билдиради.						
БББ	<p>«БББ» график органайзери ўқувчиларга муайян мавзу бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради.</p> <p>Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қуйидаги схема асосида ташкил этилади:</p> <table border="1" style="margin-left: auto; margin-right: auto;"> <tr> <td style="text-align: center;"><i>Биламан</i></td> <td style="text-align: center;"><i>Билишни хоҳлайман</i></td> <td style="text-align: center;"><i>Билиб олдим</i></td> </tr> <tr> <td style="height: 20px;"></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>	<i>Биламан</i>	<i>Билишни хоҳлайман</i>	<i>Билиб олдим</i>			
<i>Биламан</i>	<i>Билишни хоҳлайман</i>	<i>Билиб олдим</i>					
Беш дақиқали эссе	«Беш минутли эссе» усули кичик ҳажмли, эркин баён усулига эга бўлиб, ўрганилаётган муаммо ёки таҳлил қилинаётган масала юзасидан шахсий таассурот, тасаввурларни ифодалашга хизмат қилади. У ўқувчилар томонидан ўрганилган мавзу, муҳокама қилинаётган масала бўйича эркин фикр билдириш, мазмун-моҳиятини қайта баён қилиш имконини беради. Беш минутли эссени яратишда ўқувчилар мавзу ғояларини умумлаштириш, тизимлаштириш, туркумлаштириш, хулосаларни баён этиш имконига эга бўлади.						
Бумеранг	«Бумеранг» технологияси ўқувчиларни дарс жараёнида, дарсдан ташқари вақтларда турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ёдда сақлаш, сўзлаб бериш, фикрларини эркин баён этиш, қисқа вақт ичида кўп билимга эга бўлиш, ўқитувчи томонидан барча ўқувчилар фаолиятининг бирдек баҳоланиши учун шароит яратишга хизмат қилади. У ўқитувчига тарқатма материалларнинг ўқувчилар томонидан гуруҳли, индивидуал шаклда самарали ўзлаштирилишини, дарсда ташкил этиладиган суҳбатнинг мунозарага айланишини таъминлаш орқали уларнинг фаолиятини назорат қилиш имконини беради.						

Венн диаграммаси	Икки муаллиф ёки икки масаланинг ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиш усули.
Дебат	Мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашиши.
Елпиғич	Ўрганилган мавзунини ёдга олиш, улар юзасидан мантиқий фикрлаш, саволларга мустақил, тўғри жавоб бериш. Ўз-ўзини баҳолаш малакаларини шакллантириш.
Жадвал	«Жадвал» график органайзер методи ўқувчиларда ўрганилаётган мавзу, муҳокама этилаётган масала ёки муаммонинг назарий моҳиятини жадвал ёрдамида акс эттириш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Уни қўллашда ўқувчилар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини оғзаки баён ёки ёзма матн кўринишида эмас, балки асосий ғоя, таянч тушунча, муҳим жиҳатларини жадвалда аниқ, қисқа ифодада кўник-маларини ўзлаштиради.
Жигсо – инглизчадан «жим-жимадор арра, машина арра» маъносини англатади	<p>Ўқувчилар янги ўқув материални биргаликда қисқача вақт давомида ўзлаштирадилар.</p> <p>М: янги материал бир неча тенг қисмларга бўлинади. Нечта қисмга бўлсангиз, ўқувчилар шунча гуруҳ ҳосил қиладилар. Ҳар бир иштирокчи материал қисмини олади ва ҳар бир гуруҳдан бир аъзо эксперт ролини бажаради. Ҳар бир гуруҳ ўзларига тақсимланган парчани 10 дақиқа давомида ўрганадилар. Ҳар бир гуруҳдаги экспертлар масала бўйича мавзуга доир гуруҳга тўпланадилар ва ўзлаштирилган материални қандай қилиб бошқа гуруҳ аъзоларига тушунтириб бериш усулларини муҳокама қиладилар. (конспект, жавоб режаси, хулосалар; 15 дақиқа давомида) Сўнгра бир масала устида ишлаган экспертлар турли гуруҳларга бориб, ахборот алмашадилар.</p> <p>Бу эса «экспертлар учрашуви» деб номланади. Шундан сўнг барчаси ўзларининг дастлабки гуруҳларига қайтадилар ва бошқа гуруҳларда мустақил ўрганган маълумотлари билан ўртоқлашадилар. Сўнгра ўқитувчи текширувчи саволлар орқали янги материал қандай ўзлаштирилганлигини билиб олади, баҳолайди.</p>

Инсерт	<p>Ёки «Туртиб чиқиш» усули. Қуйидаги шартли белгилар орқали ўқувчи ўзининг ўрганилаётган асарга бўлган муносабатини билдиради.</p> <p>«V» – биламан «+» – билмайман «-» – янги ахборот «?» – тушунмадим</p>
Қарорлар шажараси	<p>Ушбу стратегия мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хулоса орасидан энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилгандир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукамал тушунишга хизмат қилади. Стратегияни қўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш) учун ўқувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади.</p>
Кластер	<p>Бунда илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имконияти яратилади.</p>
Концептуал жадвал	<p>Ўрганилаётган мавзунинг икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади.</p>
Муаммоли вазият	<p>Бунда ўқувчиларни ўрганилаётган мавзу бўйича муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини ўрганиш, ечимларини топишга ундаш орқали уларда муайян кўникма, мала- каларни шакллантиришга хизмат қилади.</p>
Нилуфаргул	<p>Ушбу технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос ва унга бириккан тўққизта «гулбарг» (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)ларни ўз ичига оладиган бу метод ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.</p>
Оқилнинг олти қалпоғи	<p>Эдвард де Боннинг 6 қалпоғи (6 гуруҳ) асар таҳлилида 6 хил маълумотни тўплашга ёрдам беради: оқ – аниқ маълумотлар, қизил – ички ҳис-туйғу, қора – танқид, сариқ – ижобий томони, яшил – янги фикрлар, кўк – хулоса чиқарувчи.</p>

SWOT таҳлил	<p>Ўрганилаётган масаланинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга ёрдам беради. Ўқувчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Strengths (кучли томонлари), • Weaknesses (кучсиз томонлари), • Opportunities (имкониятлари), • Threats (хавfli томонлари).
Синквейн	<p>Беш мисрали шеър усули</p> <ol style="list-style-type: none"> 1 – битта от сўз туркуми 2 – иккита сифат сўз туркуми 3 – учта феъл сўз туркумига хос сўз 4 – тўрт сўздан иборат гап 5 – мавзуга доир бир синоним
Соябон	<p>Ўқувчилар ўрнидан туриб қўлларини юқорига кўтариб жуфтликда бошларига соябон шаклини келтиришади. Уларнинг ясаган соябони тагидан ўтган дарсда келмаган ёки дарсни яхши тушунмаган ўқувчи билан ўтади. Ҳар соябондан ўтаётганда соябон эгалари ўтилган дарс ҳақида битта сўзми ёки гапми айтишлари керак. Барча соябондан ўтган ўқувчи ҳамма олдида қандай маълумотни эслаб қолганини баён этади, натижада ўтилган дарс такрорланади ва мустаҳкамланади.</p>
Тадқиқот иши	<p>Асарни ўрганиш давомида ўқувчилар 5 гуруҳга тўпланиб, қуйидаги топшириқларни бажарадилар.</p> <p>Матннинг асосий ғоясини топинг</p> <p>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</p> <p>Фикрингизни расм билан тасвирланг</p> <p>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</p> <p>Тарбиявий хулоса чиқаринг</p>
Тақдимот	<p>Ушбу стратегия ўрганиладиган мавзу моҳиятининг компьютер хизматидан фойдаланилган ҳолда слайдлар ёрдамида очиб берилишини таъминлайди. Уни қўллашда мавзунинг асосий ғоялари, таянч тушунчалари, муҳим хусусиятлари кичик матн, жадвал, тасвир, схема, расм ва диаграммалар асосида ёритилади. Стратегия ўқувчиларда мавзу мазмунини образли, яхлит тарзда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиради.</p>

Т-жадвал	Мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарали ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослайди.
ФСМУ	<p>Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, бахс-мунозаралар ўтказишда ёки дарс якунида ёки ўқув режаси асосида бирон бўлиб ўрганиб бўлингач, қўлланилиши мумкин, чунки бу технология ўқувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга, шу билан қаторда ўқувчиларни, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгалланганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни бахслашиш маданиятига ўргатади.</p> <p>Ф – Фикрингизни баён этинг. С – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг. М – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг. У – фикрингизни умумлаштиринг.</p>
Чархпалак	«Чархпалак» усули методи ўқувчиларда ўрганилган мавзуларни ёдга олиш, улар юзасидан мантиқий фикрлаш, саволларга мустақил, тўғри жавоб бериш, ўз-ўзини баҳолаш малакаларини шакллантириш, ўқитувчи томонидан қисқа вақтда ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш имкониятини яратади. Унинг мақсади ўқувчиларда мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил, эркин баён қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, индивидуал, жуфтлик, гуруҳ ва жамоада ишлаш, бошқалар фикрини ҳурмат қилиш, мавжуд фикрлар орасидан муҳимини танлаб олиш кўникма, малакаларини ривожлантиришдан иборат.
Ягона давра	Бунда ўрганилаётган мавзу юзасидан мустақил, мантиқий фикрлаш, бошқалар томондан билдирилаётган фикрларни тинглаш, уларни тўлдириш, шахсий фикрларни асослаш, хулоса чиқаришдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Лутфий. Сайланма. Тошкент, 1958.
2. Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар, Тошкент, 1968.
3. Ўзбек адабиёти. II том. Тошкент, 1969.
4. Н.М. Маллаев, Ўзбек адабиёти тарихи, 1-китоб, “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент, 1976.
5. Ўзбек халқ достонлари. Тошкент, 1979.
6. Зебуннисо. Дилшод. Анбар Отин. Тошкент. 1981.
7. Бобур. Сайланма. Тошкент, 1982.
8. Огаҳий шеърятидан. Тошкент. 1983.
9. Алишер Навоий. Топмадим. Тошкент, 1988.
10. Абай. Танланган асарлар. Тошкент, 1995.
11. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент, 1990.
12. Алишер Навоий. Хамса. Тошкент, 2014.
13. С.Мирвалиев, Р.Шокирова, Ўзбек адиблари. Тошкент, 2016.
14. Алишер Навоий. “Хазойин ул-маоний”. Тошкент, 2016.

Электрон ресурслар

1. <http://e-adabiyot.uz/>
2. <https://ziyouz.uz/>
3. <http://kh-davron.uz/>

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

I бўлим

ҲИКМАТЛАР – САОДАТ САРИ ЕТАКЛАР

Юсуф Хос Ҳожиб	6
<i>«Қутадғу билиг» асари (достондан парча)</i>	9
Тест топшириқлари	22
Аҳмад Югнакий	26
<i>«Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари</i>	27
Тест топшириқлари	37
Аҳмад Яссавий	40
<i>Ҳикматлар</i>	43
Тест топшириқлари	53
Саккокий	57
<i>Ҳазаллар</i>	59
<i>Мирзо Улуғбек мадҳи (қасида)</i>	65
Тест топшириқлари	70
Атоий	73
<i>Ҳазаллар</i>	74
Тест топшириқлари	82

II бўлим

ЖАҲОН МАЪНАВИЯТИНИНГ БУЮК СИЙМОЛАРИ

Лутфий	86
<i>Ҳазаллар</i>	88
<i>Туюқлар</i>	97
Тест топшириқлари	100
Алишер Навоий	103
<i>Улкан лирик мерос</i>	114
<i>Ҳазаллар</i>	121
Тест топшириқлари	130
<i>«Ҳамса» асари</i>	134
<i>«Сабъаи сайёр» достони</i>	136
Тест топшириқлари	168
Ҳожа	171
<i>Ҳикоятлар</i>	173
Тест топшириқлари	189

III бўлим
ҲАР КИМКИ ВАФО ҚИЛСА...

Заҳириддин Муҳаммад Бобур	194
<i>Ғазаллар</i>	200
<i>Рубоийлар</i>	208
<i>Туюқлар</i>	211
Тест топшириқлари	213
Бобораҳим Манраб	217
<i>Ғазаллар</i>	219
Тест топшириқлари	229
Шермуҳаммад Мунис	233
<i>Ғазаллар</i>	234
Тест топшириқлари	242
Жаҳон Отин Увайсий	245
<i>Ғазаллар</i>	247
Тест топшириқлари	256
Муҳаммад Ризо Огаҳий	259
<i>Ғазаллар</i>	261
<i>Рубоийлар</i>	266
<i>Туюқлар</i>	267
Тест топшириқлари	269

IV бўлим
МИСРАЛАРДА ИНСОН ҚИСМАТИ

Абай (Иброҳим) Қўнонбоев	274
<i>Шеърлари</i>	277
Тест топшириқлари	290
Муҳаммад Сулаймон Ўғли Фузулий	293
«Лайли ва Мажнун» достони	295
Тест топшириқлари	312
Вильям Шекспир	315
«Ҳамлет» фожиаси	317
Тест топшириқлари	349
Глоссарий	352
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	357

Оқу басылымы

Ш. Наралиева, Н. Крганбаева

ӨЗБЕК ӘДЕБИЕТИ


Умумтаълим мактабларининг
табiiй-математик йўналишдаги
10-синфи учун дарслик

(өзбек тiлiнде)

Редакторы	<i>Ш. Наралиева</i>
Мұқабаның дизайнері	<i>Е. Мейірбеков</i>
Техникалық редакторы	<i>З. Бошанова</i>
Дизайнын жасаған және компьютерде қалыптаған	<i>Г. Өтенова</i>

ИБ №7423

Басуға 16.09.2019 ж. қол қойылды. Пішімі 70×90¹/₁₆.
Қаріп түрі «SchoolBook Kza». Офсетті басылым.
Баспа табағы 22,5. Шартты баспа табағы 26,33.
Таралымы 2500 дана. Тапсырыс №

 Қазақстан Республикасы «Жазушы» баспасы, 050009.
Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.
E-mail: zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-680-3



9 786012 006803